

**Анбара Отамуродова
Олланазар Абдураҳимов**

Маоний арсаси

(Тадқиқот ва мақолалар, эсселар, сұхбатлар)

**Тошкент
«Tafakkur qanoti»
2012**

83.3(5)6
0-86

Ўзб. араб мәтанийослини

Масъул мұхаррір:

О. Абдуллаев - Ўзбекистонда хизмат күрсатған маданият ходими,
филология фанлари номзоди.

Тақризчилар:

Ж. Маҳмудов, филология фанлари номзоди.

Н. Т. Полюков, Ўз МУ доценти, тарих фанлари номзоди.

Маоний арсаси – буюк маңнавият майдони, сүз тавғари усталари, сүз сохибқириларининг кураш майдонидир. Бокий сүз айта олиш құдрати – бу ижолкор ақыл ва идрекининг тантанасидір.

Мозийга бутунгі мұстакилдігімиз, истиқъол нұқтаи - назаридан қарасақ, тағаккур осмонидә порлаб турған сөн-саноқсız юлдузлар-қадриятларимизнинг ёрқын сиймоларини кұрамыз.

Ушбу китобда XIX аср охиди XX аср бошларыда Хива хони Мұхаммад Раҳимхон Иккінчи даврида яшаб ижод эттан Оғажий, Комил Хоразмий, Баёний, Отаниәз Охун Нисэй, Аваз Үтар, Комил Девоний, Чокар, Сафо Мұғаннийлар каби маңнавиятимиз устуналарининг ҳәсіти па ижодига Мустақиллик, Миллат ва Ватан манбағлары нұқтаи-назаридан қайта баҳо берилған.


Хонлик зулми ва рус мұстамлакачиларига қарши ғурбатда ёттан қалқни үйғотиши, уларни Миллат ва Ватан озодліги учун кураш майдонига чорлашда бу шоирлар «Маоний арсаси»да қон ютиб жаңғ қылғанлар.

Ағасуски, шүролар мағкураси ҳукмронлық қылған замонда қадриятларимиз салохияттың қораларынан бүйірле берілген.

Ша давр шоирларининг ҳәсіти па ижодинин таҳлили этишда бобомиз Бобожон Тарроҳ Ҳодим ва унинг дүсті Мұхаммад Юсуф Ҳаррот Чокар кутубхонасыдан бизга мерес булып қолған нөеб тарихий құжжатлардан кеңіншілдеп көрілді.

«Маоний арсаси»деги барча тадқиқотта мақолалар, эссе ва сұхбаттар «Ўзбекистон адабиети ва санъати», «Садо», «Карвон құнғырғы», «Дарракчи» газталари, «Саодат». «Ўзбекистон матбуоти» журналдарында кейинги түрт жыл давомида чоп этилғандыр.

Бу китоб адабиёт мұхлислари, тарихчы, адабиётшынос, санъатшунос ешшарға мүлжалланғандыр.



10 40772
282

© Айбара Отамуродова,
© Олланазар Абдурахимов, 2012 ж.
© «Tafakkur qanoti», 2012 ж.

УЛУУГЛАРНИ УЛУГЛАБ

Хивада оқ булутларга бүй чүзіб турган сон-саноқсиз гумбазлар, мадраса ва миноралар ўз бағрида ота-боболаримизнинг асрлар қатидаги олтпин меросини бағрига босиб мағрур турганини ҳис қиласиз. Шу боисдан бу күхна шаҳарда ўтмиш ва бутунги баҳтли онлар дийдор кўришади. Бугунги порлок кун эса Ватан ва миллатнинг ёрқин келажагига нурли нигоҳ билан кулиб боқади.

— Хивада туғиллим — дейди Айбара опа, — болалигимда Ичон ва Дешон қалъя деворларидан юрардим. Бу ерда бунёд этилган тарихий обидаларнинг сир-асрорлари хақида ўйлардим. Буюк шоир ва навозанда боболаримиз ҳақидаги ибратли ҳикояларни эшишиб вояга етдим. Шу боисдан бўлса керак, XIX аср охири XX аср бошларидаги алабий муҳит ва унинг буюк намояндлари ҳаётини ижодига меҳр қўйдим. Огаҳий асарларини ўқиб, барча замонлардаги зиёли авлодлар, уларнинг ижодини кўзларига тўтиё этишларини Оллоҳга илтижо этиб сўраганини тушуниб стдим.

Комил Хоразмийни ўқиб, ўн саккиз минг олам гўзаликлари, унинг бағридаги ҳазрати инсоннинг буюк хислатлари мангалигига ишондим. Аваз Ўтар ижодини ўрганиб, инсонлар ўзаро дўст-биродар бўлиб яшасалар жаҳонни, айниқса, ўзининг мазлум миллати ва ота маконларини озод ва эркин кўришлари, уни янада гуллаб-туркиратишлари мумкинлигини англадим, Чокар наволарида инсон қалбининг баҳт ва шодликка тўла оҳангларини эшиздим. Илоҳий рух қудратини ҳис этдим. Баёний тазкираларини ўқиб, Ватан инсоннинг жисми-жонидай азиз, унинг ҳар бир қарич тупроғи учун юрак қонини тўккан боболаримизга содиқ зурёдлар бўлиш кераклигини идрок этдим. Ана ўша фояни қайта-қайта ишшо этишни мақсад қўлдим. Бу шоир ва навозандаларнинг бари Мұхаммад Раҳим Иккинчи — Феруз даврида яшаб ижод этдилар, шўролар даврига келиб, кам ва ситам тиғларига бошларини тутиб бердилар. Уларнинг орзу ва армонлари шоҳ ва шоир Ферузнинг орзу ва интилишлари билан муштарак эди.

Айбара опа бу қараашларини қўйидагича изоҳлади:

Биринчидан Миллат ва Ватан ободлиги ва озодлигини орзу этган Феруз Петербургтаги қарам бўлиб армонда яшади. Мустамлакачилар томонидан бўм-бўш бўлиб қолган Хоразмшоҳ боболари кутубхоналарини минглаган ноёб қўлэзма китоблар билан янада бойитди. Хоразм хаттотлик санъати мактабини қайта тиклади. Хоразм мақомларини тўплаб, сайқал бериб, нота китобларига жо этишга эришди. Шоир ва навозандаларнинг янги авлоди қад кўтарди.

Иккинчидан, тұхтосиз урушлар натижасыда оч ва юпун, қашшоқ қолға еттан миллат ва воҳа ҳәётида маъмурлик, ободонлик ва түкинлик учун кураши. Бог-роғлар бунёд этишга халойиқни ундан, тұқайзорлар сари йўл олди.

Учинчидан, ўрганилаётган давр қаламкашлари – мазлумпарвар шоирлар эдилар. Улар ўз олдиларига асрий мудроқ ҳалқни үйфотиш, ўзлигини англатиш, озод ва эркин турмуш куриш сари уларни отлантириш вазифасини қўйиб яшадишиар ва ижод эттилар.

Туртингидан, XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳон айвонида юз берган инқилобий портлашларни бу шоир ва навозандалар ҳаммадан олдин кўра олдилар. Дунёни зулматли ҳәётдан янги, яхши замонлар сари ўзгариб боришини, бугунги Мустақіл ҳәётимиз шабадаларини улар диллан ҳис этиб, узоқ замонларни – Миллат ва Ватан озодлигини, ҳуригини яъни бугунги мустақиллик замонларнинг этиб келишини кўра олдилар. Ана шу озод ва обод Миллат ва Ватан манфаати йўлида «Маоний арсаси»га чиқиб келдилар ва турли душман синфлар вакиллари билан тафаккурлар жангига кириб, фақат юлиблар шоҳсунасига кўтарилишини мақсад қилиб қўйдилар. Бу мазлумпарвар, ватанпарвар шоирлар улуғ эзгу мақсадлар учун курашиб, жон фило эттилар. Бу китобнинг номи ҳам ана шу улуғ инсонлар шаънини улуғлаш, уларнинг кутлуг номига ёдгорлик ўрнатиш эди.

Китобни муаллифлар «Маоний арсаси» деб номлашлари бежиз эмас. Ўзбек класик адабиёти асарлари учун қисқача луғат китобида (Тошкент – 1953 й.) Маоний сўзи – бу маънолар, маъно дунёси деб таърифланади. Арса – майдон, саҳн, кенглик, гўёки ҳәёт бир шахмат таҳтаси, аросат майдони деб таҳлил этилади.

Китобда қаламга олинган шоирлар «Маоний арсаси»да соҳибқиронлик қилиш ниятида, яъни боқий сўз ёзиш, барҳаёт маънавий юксак асарлар бунёд этиш орзуисида сўз жавоҳири майдонига чиқиб келдилар ва ўлмас асарлар ёздилар.

Шўролар даврида бу шоир ва навозандалар қатагонга учрадилар, Украинанинг «Кривой рог» кўумир конларида ишлаб ўз уйи, ватанидан узоқларда жон бердилар. Узоқ Сибирь ўрмонлари ортида армон билан ҳәётдан кўз юмдилар.

Шўролар тузуми мафқураси уларнинг буюк маънавиятли қиёфасига соя солди. Ша давр китоблари ва дарсликларида ўтли сатрлар биттган бу шоир ва навозандалар қиёфаси қора сиёҳларга бўяб кўрсатилди.

Бу китоб қадриятларимиз олгин меросини севиб ўрганиш, уларнинг асл қиёфасига гард юқтирмай, камолот ўшларига ўз аслиятида намоён этишга бағишиланган. Уларга истиқтолий нигоҳ билан қайта баҳо бериб, китобхонларга қайтариб бериш ният этилган. Энг муҳими, қадриятларимизнинг маоний жавоҳирларини жаҳон адабиёти ва санъати, маоний арсаларига олиб чиқиш, уни дунёга ёйишлан иборат.

«Маоний арсаси» китоби эзлик йишиларки бир-бирларидан ажрапмай, елкама-слка, сирдош ва ёстиқдош бўлиб, қалам тебратиб келаётган икки мўтабар комил инсоннинг ижод маҳсулидир. Китобни яратиш, фарзандлай дунёга келтириш учун муаллифлар тинмай изландилар, бой меросимиздаги нодир қўлёзмаларни синчиклаб ўргандилар ва маълум маънода ўз мақсадларига етдилар.

Анбара Отамуродова асли касби журналист, том маънода ижодкор. Кўп йишилар матбуотда қалам тебратиб, вилоят ва республика «ойнаи жаҳон»нинг «тугилиши»дан тортиб камолгага етишгача бўлган жараёнларида самарали фаолият кўрсатган инсон. Ҳозирги кунда ҳам ўзининг ўткир қалами билан долзарб мавзуларда мақолалар ёзиб, муштариyllар ётиборини қозониб келмоқда.

Олланазар Абдураҳимов ўз ватанига фидойилик билан хизмат қилиб фахрийликка чиққач, ўзининг ёстиқдошига садоқат билан ҳам маънан, ҳам моддий ёрдам берив келаётган ижодкор. Уларнинг гайрат-шижоати, фикр-ўйлари ўзи бир дунё. Бир режани ўйладими, охирига стказмасдан қўйишмайди. У Анбара опанинг ҳақиқий маслаҳатгўйи, фикрдоши, қўл билан оёғи.

Ҳақиқий ижодкор учун яшашдан мақсад бойлик орттириш эмас, ўзидан келажак авлод учун бирор-бир ёдгорлик – ўқишли китоб қолдириш. Чунки китоб қалбларни зиё бўлиб ёритади, яхшиликка ундейди. Муқаллас диний китобимиз «Куръони карим»да «ўқи» даъвати 174 марта турли кўринишида тилга олинган, – дейди Анбара она. – Яна бир эзгу ниятимиз: Тошкент – телевидениенинг ота масканидур. Бугунги ўзбек телевидениеси дунё телевидениелари ичра энг сараларидан биридир. Унинг бугунги иқтидорли қаламкашлари ҳақида алоҳида китоб ёзишга чоғланиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Яна бир мақсадимиз шуки, «Мажмуат-уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий» китобида зикр этилган 31 шоирнинг ҳаёти ва ижодини чукур ўрганиш ўзига ром этган. Ижодий изланишида давом этамиз. Бобомиз Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодим ва унинг яқин дўсти Муҳаммад Юсуф Хоррот девон – Чокар кутубхонаси ҳужжатлари қўлимизда экан, зиммамизга катта масъулият юкланганини биламиз.

Бу ижодкорлар қариллик гаштини сурниб, Истиқлол яратиб берган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, тинмай изланишмоқда. Меросимизга мурожаат қилиб, тарихий ҳужжатлар асосидаги сухбат ва тадқиқотлар билан китобхонларни күшинуд этиш – уларнинг қалб шиори. Бугунги баҳтли, ҳур ва озод ҳаётимизнинг қадрига етиб, унинг бутуни ва буюк келажаги йўлида боболаримизга ўҳшаб фидойилик кўрсатишлирида мўтабар бир ёшдаги ижодкорларга мустаҳкам соглик, Жайхундай жўшиқин илҳом тилаб қоламиз.

«АЙШУ ИШРАТ ЖОЙИ ЭРМАСТУР БУ ОЛАМ...»

Бугунги кунда Хива Огаҳий орзу қилғандек обод, гӯзал масканга айланди. Истиқлол йилларида шаҳардаги мадраса ва миноралар янгидан сайдал топиб, улуғ боболаримиз руҳи покларини феруза гумбазлар узра кўкларга кўтариб, ардоқлаб турибди¹.

Хиванинг Дешон қалъаси дарвозасидан чиқиб, эски Қўшкўприк йўлига қараб 7-8 чақирим юрсангиз, чап томонда ястаниб ётган Қиёт қишлоғини кўрасиз. Қишлоқ йулидан сал узоқлашсангиз кўз олдингизда ўз ўрнида қайтадан тикланган Огаҳий ҳовлиси намоён бўлади. Унинг олдида 200 йилга яқинроқ умр кўрган, Огаҳий суйиб ғазалларида куйлаган бобокалон тут дараҳти яшнаб турибди.

Огаҳий ана шу масканда 1809 йил 17 декабрда туғилди. Унинг отаси Эрниёзбек Хива хонигига нуфузли Авазбий миробнинг ўғли эди. Авазбий миробнинг Шермуҳаммал шоир Мунис Хоразмий, Иброҳимбек мироб деган ўғилиари ҳам бор эди. Огаҳийнинг ота-боболари, амакилари ва амакиваччалари мана шу тут атрофидаги улкан боғда, ёнма-ён қурилган ҳовлиларда яшаб, ҳаммалари мироблик қилганлар. Бу мироблар сулоласининг энг сўнгги вакили Собир мироб бўлган. У 1900 йили туғилиб, жуда ёш, 1936 йили шўролар хукумати тазиикларига чидомай оламдан ўтган.

Ҳозир Собир миробнинг авлоидари Хивада истиқомат қиласилар. Унинг ўғли саксон ёшдан ошган Қодирберган ота Собировнинг Огаҳий ҳовлиси, унинг кент саҳнидаги боғ, гарқ пишган мевалар, атиргуллар, сайроқи булбуллар, мироб боболари тўғрисидаги дилкаш ҳикоялари бизни ушбу мақолани ёзишга илҳомлантириди.

Отаси Абдуқодир мироб, бобоси Тоғай мироб обру-эътиборли инсонлар бўлишгани туфайли Собир мироб болалигигидаёқ Муҳаммад Раҳим иккинчи — Феруз саройига бориб турган. Саройдаги олтин, кумуш тангалар тайёрлайдиган зарбхона санъатига жуда қизиқсан ва бу ҳунарни ўрганганди.

¹ «Ўзбекистон адабиети ва санъати» газетаси, 21.08.2009 й. Огаҳий таваллудининг 200 йиллиги олдидан чоп этилган.

Қодирберган отанинг боболари Абдуқодир мироб. Тоғай мироблар шоир Огаҳийнинг амакиваччалари бўлиб, ниҳоятда бақувват, баҳодир кишилар бўлишган. Улар ҳақида тарихшунос олим М. Йўлдошев «Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши» номли китобида шундай ёзди: «Бошқа мансабдорлар сингари мироблар ҳам хон томонидан айрим вазифаларни бажариб келгандар. Чунончи, Мунис ва ундан кейин Огаҳий мироблар орасида бўлганлар... улар сарой тарихчилари ҳисобланганлар. 1848-1850 йилларда Тоғай ва Муҳаммад Карим мироб 100 тиллодан, Муҳаммад Ризо мироб Огаҳий 40 тиллодан маош олганлар.»

Авазбий миробнинг кенжә ўғилларидан яна бири Иброҳимбек бўлиб, у ҳам тўхтосиз давом этган ҳарбий юришларда ҳалок бўлган.

Унинг ўрнига невараси Нуруллабек мироб этиб тайинланган. Бу ҳақда Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида ёзди: «Нуруллабек ибни Бобожонбек ибни Иброҳимбек Авазбий иноқ мағфурни мироб этдилар...».

Ёшлигидәқ отасидан, амакиларидан ажралиб қолган Огаҳий ижодида ёлғизлик изтироби аниқ сезилади. У «Таъвизул ошиқин» («Ошиқлар тумори») девони дебочасида ёзди:

*Кичикликдин тушуб бошимга кулфат,
Замоне бўлмадим беранжсу меҳнат.
Қолуб ёлғуз туман андуҳ ичидা,
Миҳандин лашкари анбуҳ ичидা.*

Огаҳий отга ўрнида тарбия берган амакиси шоир Мунис билан доимо фаҳрланган.

*Тонг эрмас, Огаҳий, файзи илоҳига анис ўлса,
Ки, ул бордур насад ичра буродарзодаи Мунис.*

Ағсуски, Огаҳий авлоди – мироблар шажараси ҳақида етарли маълумотларга эга эмасмиз. Чунки ҳанузтагча унинг тарихий асарлари тұлалигича чоп этилмаган.

Огаҳийшунос олим Субутой Долимов 20 йилдан ортиқ умрини Огаҳий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишилади. Бироқ шүролар даври ҳукмрон мағкураси унга Огаҳий тарихий асарларини тұлалигича чоп этиш имконини бермади. Натижада устозлар Субутой Долимов ва Фулом Каримов Огаҳийнинг тарихий асарларидан намуналар киритиб, шоирнинг 6 жылдли асарлар тұпламини нашрға тайёрладилар. Бу мустабид мағкура ҳукмронлиги даврида ҳақиқијай жасорат эди.

1829 йили Огаҳий энди 20 ёшта тұлғанида Оллокулихон уни амакиси шоир Мунис ўрнига мирабликка тайинлайди. Бироқ 1845 йили отдан ийқилиб, оёғи сингач, у ўз ихтиёри билан бу мансабдан истеъро беради.

Орадан тўрт йил ўтгач, 1855-1856 йилларда Огаҳийни ўз ҳолига қўймай, яна мироблик мансабига қайтаришади. Орадан кўп ўтмай, 1857 йили у миробликлан кетади ва ўзини иходга бағишлади.

Огаҳий поэзияси билан танишар эканмиз, шоир ёшлигига дейқ, ўз олиига жуда катта мақсал – сўз мулкининг соҳибқирони бўлиш орзусини қўйганини кўрамиз. У «Соқийга хитоб» маснавийсида бу ҳақда шундай ёзди:

*Манга ул жомни айлаб, карам тут,
Лаболаб они дам-бадам тут...
Думоним наъша бирла айлабон маст,
Сухан аҳли аро бўлуб забардаст.*

*Маоний арсаси ичра уруб ком,
Чекиб тил тийгини кўргузмай ором.
Аён айлай русуми паҳлавонлиғ,
Қиласай сўз мулкида соҳибқиронлиғ.*

«Маоний арсаси» – бу сўз саҳнаси, нотиклар минбари, шоирлар мушоираси, тафаккурлар жангидир. Огаҳий талқинидаги маоний арсаси маънолар дунёси, осмон гумбазида, олам бепоёнлигида сўзининг тутган боқий ўрнишир.

Шоир ҳаётбахш фоя ва жонфизо мазмун ўз ижодининг пойдевори эканлигини такрор ва такрор айтади. Унинг «Сўз», «Қаламга хитоб», «Қофоз», «Гавҳар сўз», «Огаҳий, ол маоний мулкини» каби ғазаллари шеъриятида маъно ва мазмун устуворлигини кўрсатади. Шоир қаломининг теранлити бекиёслигини, унинг илтор дунёқарашибои соҳиби эканлигини намоён этади. Ғазалларидан бирида у: «Мен шундай бир нурафшон, саодатли сўз айтгайки, у дилларни безасин, кўнгилларга ором нурини олиб кирсин. Буни кўриб ҳайрат юзидан никобини олиб ҳайрон боқсин, сухандонлар шоҳи эса, лол қолсин», дейди.

*Тахайюл узоридин олиб никоб,
Сухан шоҳидин айлайин беҳижоб.
Дейин аҳли сўз ичра мастона сўз,
Табиат писанду дигорона сўз.*

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли ўзига Огаҳий тахаллусини танлар экан, унга умрбод содиқ қолди. У жуда кўп ғазаллари, қасидалари, муҳаммас ва мусаддасларида эл тинчлиги, обод ва фаровонлиги шоҳларнинг ақл-законати, олий ҳимматига боғлиқ, деб қаради, аркони давлатни, шоҳни доимо яхшиликка, эзгуликка даъват этиб, жаҳолат ва мазаллат ботқоғига ботишдан огоҳ этиб турди.

*Мұлқу миңшатға әмин ўлса агар огохлар,
Иккі олам обрүйин ҳосыл әтгай шоҳлар.*

Дархақиқат, Огахий ижодининг мундарижасини ҳәётбахш ўн саккиз минг олам гүзаликлари тараннуми, шу олам бағрида яшастган инсонларнинг шод ва озод тақдиди, ота макон тинчлигини күйлашдек юксак маънавий ғоялар ташкил этади:

*Жаҳд этиб әмди ҳавас бандидин озод ўлоли,
Дайр пириға бориб толиби иршод ўлоли.*

Огахий асарларида гүзал ва бепоён оламда инсоннинг тутган ўрни, унинг зиммасига Оллох томонидан юкланган бурч, вазифа, уни адo этиш жараенидаги аччиқ қисмат ҳақида фикр юритади. Бу олам айшу ишрат майдони эмаслиги, фозил инсонлар, илму ҳунар соҳиблари, меҳнат аҳли әл ардоғида бўлиши лозимлигидан огоҳ этади:

*Қадни ҳар тун қилиб
тангри руқунаға әғил,
Оч саҳарлар оҳ уруб.
афғон чекиб зикрига тил,
Айшу ишрат жойи эрмастур
бу олам, онглагил.*

Девонига ошиқлар тумори, яни «Таъвизул ошиқин», деб ном қўяр экан, шоир оила муҳаббатнинг олтин пойдевори эканлигини, ишқ кўчаларининг чароғон ва ҳәётбахш нурларини ошиқона тарзда куйлади. Ҳәётнинг олмосдай ўткир тиғли ва чигал чорраҳаларидан ўз севгисини авайлаб, ардоқлаб олиб ўтиш лозимлигини уқтиради. Салоқатли инсонлар доимо севгининг вафо боғларида вафо камарини белига маҳкам боғлаб, умр сўқмоқларини имон нурлари билан нурағишон этадилар, дейди.

Субутой Долимов сұхбатларида «Таъвизул ошиқин» девонини Огаҳий ҳәётлигига биринчи бўлиб, Мұҳаммад Шариф Тарроҳ кўчирганини айтган эди. Ўша биринчи нусха чор Россияси қўшинлари Хивани босиб олганда Англияга олиб кетилган. «Таъвизул ошиқин»да она-юртнинг нақадар соз, гүзал маскан эканлигини шоир бир туркум шеърида шундай тасвирлайдики, ўқиб ҳайратта тушамиз. Бундан 200 йил илгари мавжуд бўлган дарёлар, қалъалар, қавмлар, ўрмонлар, қишлоқлар, шўролар даврида қириб битирилган турли-туман қушлар, ҳайвонот дунёси, йўқотиб юборилган боғлар, мадраса ва масжидлар ҳақида ўқиб

хәёлга чўмамиз. Айниқса, ҳалқнинг аллақачон унутиб юборилган рамазон айтиш, турли маросимлар, пойта, саёҳат ва қизиқарли ўйинлари, қадимий қўшиқлари, антиқа созлар туркуми ҳақида ўқиб аждодларимиз ҳаёти, ақлу заковати билан фахрланамиз.

Огаҳий тинимсиз ижодий меҳнат қилиб, ўз замонасида талантли шоир, уста таржимон, йирик муаррих (тарихчи) олим сифатида шуҳрат қозонди. У бизга 20 минг мисрадан зиёд шеърни ўз ичига олган улкан мерос қолдирди, шарқ мумтоз адабиёти ва маданияти-нинг йигирмага яқин намуналарини ўзбек тилига насрда ва назмда таржима қилиб, адабиётимизни жаҳон адабиёти дурданалари билан бойитди.

Афсуски, Огаҳийнинг бу олтин мероси ҳануз ўз тадқиқотчилари, ноширларини кутмоқда. Унинг тарихий асарлари ҳозиргacha тўлалигича нашр этилмаган. Ўрга Осиё ҳалқлари тарихига доир бу асарлардан атиги бир неча парчалар чоп этилган, холос.

Огаҳий тарихий асарларица 1858 йиллардаёқ Орол денгизида пайдо бўлган чор ҳукумати айгоқчиларининг учта пароҳоди (Ўт учон) ҳақида ёзib, юртдошларини мустамлакачилардан огоҳ этган эди. Ўша машъум 1873 йилнинг 26-28 май кунлари генерал Кауфман армияси Хивани ўққа туттанди, Қодирберган отанинг ҳикоя қилишича, Огаҳий Ичон қалъянинг боғча дарвозаси, амакиваччалири Абдуқодир мироблар Дешон қалъянинг Урганч дарвозаси ҳимоясида турганлар. Огаҳий 29 май куни эрталаб чор қўшиңларининг Хивага ғолибона кириб келаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Жасадлар қалашиб кетган Хива кўчаларини, бомбардимон этилган ота қишлоғи Қиёт ва вайрон бўлган бошқа қишлоқларни кўриб, шоир қаттиқ изтироб чекади, ҳасталаниб ётиб қолади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас вафот этади. Бу ҳақда Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида шундай ёзади: «Мундин саҳал замон ўтгандан сўнг, сана бир минг икки юз тўқсонда товуқ иили ва жавзонинг охири эрди, Кавпомон (Кауфман) отлиғ губурнатур рус лашкари билан келиб Хоразмни сулҳ била олди... Бу воқеотдин бир йил миқдори ўтгандан сўнг, Огаҳий ҳам раҳмли олами бақо бўлди.»

Огаҳий 1874 йилда олтмиш беш ёшида вафот этган. Абдуқодир ми-роб бошгчилигига қишлоқ аҳли унинг майитини маҳсус сандиққа жойлаштирган. Бунинг учун шоирнинг ўзи эккан катта балх тути кесилиб, ундан жуда узоқ муддат сакланиши хусусиятига эга бўлган сандиқ ясатилиб, унга майит қўйилган. Ҳозир Огаҳий ҳовлисида яшнаб турган тут ўша кесилган тутнинг шеригидир.

Огаҳийнинг майити Қиётдаги Шайх Мавлон бобо қабристонига, мироб ота-боболари гумбазига қўйилган.

Асрларни етаклаб асрлар ўтаверади. Сўз мулкининг соҳибқирони Огаҳий ғазалари Хоразм мақомлари ниўъбаларига кўчиб, мустақил Ватанимиз осмонида баралла янграйверади.

ИМОН НУРЛАРИГА ЙЎҒРИЛГАН ИЖОД¹

Огаҳий эзгу урф-одатлар, асрий қадриятларнинг инсон шахси, камолоти, тақдиридаги ўрнини, рўза ва рамазон хислатларини теран билган ва асарларида таъсирчан акс эттирган. Шоирнинг эътиқоди, исломий илми, тасаввуф фалсафасига муносабатига шўролар даврида нотўғри баҳо берилган эди.

Аслида шоир ўз ғазалларида айшга берилган дин пешволарини, инсон онгини зулматга етакловчи зоҳидларни, золим амалдорларни танқид қилган. Худосизликни тарғиб этувчи коммунистик мафкура билан куролланган шўро мафкураси таъсиридаги адабиётшунослик Огаҳий ижодидаги бу муҳим йўналишларга нотўғри ёндошган эди. Уни диний урф одатларга, рўзага қарши ғазаллар битган деб, атеист шоир сифатида талқин этишларига оз қолганди. Зоро, ҳар бир ижодкор ижодини унинг эътиқоди, яшаб ижод қилган муҳити, шахсияти ва турмуш тарзидан келиб чиқиб баҳолаш зарур.

Огаҳий умри давомида намозни, рўза тутишни, оғир касаллигига қарамай канда қилмаган. Қуръони карим илмларини юрагига жо этган алломанинг Оллоҳга муҳаббати, диний-дидактик тафаккури ниҳоятда ёрқин бўлган.

Маътумки, Огаҳий 1845 йили отдан йиқилиб, оёғи синади. Ўшандада у 36 ёшда эди. Тез соғайиб кетишни қанчалик орзу қилмасин, шоир умброд майиб бўлиб қолади. Бир ғазалида у бу ҳақида:

*Икки ой эрди агарчи бу касалнинг муддати,
Лек икки йил дард чеккандин ямон этди касал-*

деб ёзади.

Бу каби ғазалларидан аён бўладики Огаҳий ҳазратлари Қиёт қишлоғидаги ҳовлисида севган ёрисиз, фарзандсиз, бунинг устига оёғи ланг ҳолда ёлғиз қолган. Тўғри, унинг амакиваччалари кўп бўлган, улар ёнма-ён ҳовлида яшаганлар. Барибир ёлғизлик азоби устун келган. Яъни аллома инсон руҳини кўтариб, унга янада қулрат бағишловчи ифторликларни, саҳар чоғларидаги масъум илтижоли саҳарлик тамаддиларини, дилкушо ҳайит онларини якка-ёлғиз, севган аёллисиз ўтказган-

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, . 23. 10. 2009 й.

рұзаи рамазоннинг нурли шодилкларидан түйіб роҳатланмаган. Бұ қолат Оғаҳий соғлигини яна оғирлаштирган, шу боис, у рұзадан әмас, үз соғлигидан, тақдиридан нолиган. Бироқ Оғаҳийнинг иродаси, әътиқоди шу қадар кучли бұлғанки, оғир хасталик, замоннинг гурбати, қаҳратон қиши совуғи, ёлғизлик ва юпун турмуш уни имон нурларига йүғрилған қадимий қадриятларимиз, урф-одатларимиздан мутлақо узоқдаштира олмаган.

Оғаҳийнинг фарзанди бұлмаганини ҳам унинг асарларидан билиб оламиз. Иқтидорлы оғаҳийшунос Нафас Шодмонов «Шоҳиду-л-иқбол» – адабий манба» номли монографиясида Оғаҳийнинг ардоқшы шогири ҳақида ёзған марсиясидан қыйидаги парчани көлтирган:

*Манғо доки шогири дилбанд әди,
На шогирд, хүшхүлқ фарзанд әди...
Билюнтирмас әди ўғулсизлиқим,
Үғулсизлиғ ичра күнгілсизлиқим.*

Ёлғизлиги, фарзандсизлиги ва хасталиги боис сарой табибларининг рұза тутишини ман этишларига қарамай, рұзани канда құлмаган шоир сағарлайлар чөғида яратғандан эл-юрт саодатини сұраб қилинадиган муножотларни ҳамма нарасдан устун қўйған. Мұҳаррам ойининг илхом-бахш сониялари бўлмиш Рамазон айтишини эса, қасида даражасига кўтарған. Фақат касаллиги туфайли, рамазон ойининг гаштини, малоҳатини сурга олмаётганидан фарёд чеккан:

*Рұза айлаб мани басе дилтанг
Бошим оғир, аёғим этди ланг-*

деб ёзар экан, рұзадан әмас, бағки хасталик ва кексайиб кучдан қолганидан нолиди: «Оғаҳий билма рұзадин ёлғиз, қарилек ҳам сани қилибдур танг»

*Рұзаву дай шиіддати ҳар соридин айлаб ҳужум
Қылдылар торожсу торат ўйқу боримни менинг-*

деб ёздади яна бир ғазалида шоир. Ғазалдан рұзанинг қиши фаслида келганини (дай – қаттиқ қиши дегани) билиб оламиз. Оғаҳий девонидағи ғазалларнинг аксариятида турмушнинг оғир ва таҳликали эканлиги, айниқса, қаҳратон қиши халқ бошига күлфатлар олиб келгани айтилади. Ўша замонда Хоразмда қиши фасли ўлим билан олишиш, ҳаёт-мамот жанги даражасида бўлған. Чунки ўтгин, кўмир муаммоси, фақат күм барханларидан ошиб саксовул кавлаш, ундан писта кўмир тайёрлашдек

хатарли, машаққатлы меснагат билан боғлиқ эди. Шу боис, шоир рұзадан әмас, унинг илоюй мағлұнкор сониятаридан бебаҳра қилаёттегіндей қора қиццдан нафратланади.

Дарҳақиқат, устознинг бутун ҳаёти ва ижодидан огоҳ бўлган Баённий Огаҳийнинг рўза ҳақиқатига ғазалларини ўқиганки, «Табъи сақим әмасдур», яъни табиати, эътиқоди, иқтилори заиф әмас, дейди:

*Рўза қўимишдур мани дилтанг дебтур Огаҳий,
Бу анга нафратдин әрмас, табъи әрмасдур сақим.*

Огаҳийга сўзнинг улуғ мартабаси, залқалам шарофати насиб эттани боис, у ўзбек халқининг қадимий рамазон айтимларини севиб ўргангандан, рамазон қўшиқчари асосида «Рамазон қасидаси»ни ёзган. Бу ҳақда таниқли тарихшунос олим М. Йўлдошев «Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши» китобида шоир Огаҳий ҳақида алабиётшуносликка номаълум маълумотлар ҳақида ёзди. Масалан, Хива хонлари архиви 34-дафтарининг 66-варагида: «1273 (1856-1857) йил рамазон ойида Мұхаммад Ризо мираб Огаҳий саройта рамазон қасидаси билан келганида Яъкубхўжа хазинадан унга 30 тиљо олиб берган», деган маълумотларни ўқиймиз.

Огаҳий иккинчи бор рамазон қасидаси билан саройга 1866-1867 йилларда келади. Демак, шоир бу галги рамазон қасидасини ўзининг севимли шогирди, шоҳ ва шоир Феруз таҳтга ўтиргандан кейин келган дастлабки рамазон ойида ёзган бўлиши мумкин.

Гап шундаки, қадим Хоразмда рамазон айтиш бир ой давом этган. Атоқли санъаткор Тамарахоним Хоразмда 1932-1935 йилларда ишлади. Суҳбатларда у рамазон ойида бўлиб ўтадиган турли қавмларнинг рамазон айтиш санъати ўзини ҳайратга солганини гапириб берган эди. Дарвоқе, халқ айтимларида шундай сатрлар бор:

*Бу ўйни оловъойлар, булағоўлар,
Бу ўйни олтин билан сувакоўлар.
Ё рамазон, омин...*

Луғатларда «Оло» – нозу неъматлар, «булағо» – сўз усталари, мөҳир нотиқлар, деган маъноларни билдиради. Демак, рамазон қўшиқларини айтувчилар ҳар бир хонадонда нозу неъматли дастурхонлар, маънавий гўзал фикрловчи инсонларнинг кўп бўлишини тилаганлар. Ҳар бир ўзбек хонадонининг бўсағаси олтиндан, турмуши тинч бўлишини истаганлар.

Халқ ижодиятидан илҳомланган Огаҳий ўзининг рамазон қасидаларида юртни бошқараётган амалдорларга, ҳар бир инсонга маънавий бойлик, мўътабар фазилатлар тилаган. Афсуски, шоирнинг шахсиятига доир

бу маълумотлар ҳали ўрганилмаган, истиқол замонининг янги авлод тадқиқотчиларини кутаётир. Ишонамизки, ёш огаҳийшунослар шоир шахсияти ва ижодининг адабиётшуносликка ҳали номаълум бўлган жуда кўп қирраларини кашф этадилар.

ОТА МАКОН МАДХИ

Огаҳий ҳазратларининг донишмандлик осмони бепоён, маоний мулки хазинаси ниҳоятда бой. шоир сўзининг олмос қирралари тифи ўткир, унинг сеҳр қуввати эса, шу қадар оҳанграбоки, ўкувчини ўзига қайта-қайта ром этаверади.

Шоир ижоднинг қайси бир жанрида асар ёзмасин, унинг ҳар сатридан улуғлик хушбўйликлари уфурилиб туради.

Аллома ўз ижодхонасида қўлига қалам ва қофоз олиб, бир асарни ёзишга киришар экан, сўзининг ҳаққоний бўлиш масъулиятини, сўзининг инсонга таъсири ва тарбиясини, энг муҳими сўзининг муқалдаслигини ҳис этиб, Оллоҳ ҳузурила яккама-якка қолади. Ўз асарларини асрлардан-асрларга ўтиб, янги-янги авлодларга етиб боришини ўйлади ва улар нигоҳини кўриб туради, аҳли донишмандлар бўлмиш ўз ўкувчи-лари баҳосини дилдан ҳис этади.

Шу боис:

*Эй чарх, манга бу лаҳза ёр ўл,
Кел, хизматим узра устувор ўл.*

деб, она замину-замонга ёлборади. Шоирона дарё табиатини, хоти-расини турли маломат ва кулфатлардан озод, руҳининг эса доимо тару-тоза туришини илтижо этиб иш боштайди. Айниқса, Огаҳийнинг Ра-ҳимкулихон (1842-1846) даври воқеаларини тасвирилаган «Зубдату-т-таворих» (Тарихлар сараси) асарини бошлишдан олдин ёзган «Шеърий мадҳал»ида (Асар ёзишга киришиш) шоир табиатидаги ҳақиқатни ёзиш учун тарих олдидағи масъулияти, ўта огоҳлиги, ўкувчида эҳгиromи алоҳида кўзга ташланади:

*Ганжинаи сидқ эшигини оч,
Иzzat гуҳарин бошим узра соч...*

*Олий қилибон менга маҳали
Таъзимима паст қил Зуҳални...*

Эй чарх, менга «Ганжинаи сидқ» — рост сўзлаш, ҳақиқат хазинаси-ни очгин, «иззат гуҳарин» — вақт ва замонларнинг иззат ва мартаба гавҳарини сочгин, деб илтижо этади. Зуҳал (Сатурн-вақт, замонлар

ҳакамидир) юлдузи сенинг кароматинің ила асар ёзиш чөгимда олдымда таъзимда бұлсінкім, токи асарларимни замонлар, улуғ айёмлар қадр-лағайлар, дейди.

Оғажий коинот илми, юлдузлар хосиятини чуқур билганидан улар-дан мадад сүрайди.

*Мадхум била Муштарийга оч тил,
Минбар анга останим этгил...*

- Муштарий юлдузини мунажжимлар «Саъди акбар» ва «Фалак қози-и», у олтингчы фалакда жойлашган дейдилар. Оғажий бу ерда Мушта-рий останамни ўзига минбар этиб, ҳар бир сұзимнинг ҳақиқатлигига ҳукм чиқарсın, демоқчи бұлади. Зероки, Муштарий (Юпитер сайёрасы) ҳукмдорлар ҳомийсидир.

*Ёнимда Аторудинг ҳамиша,
Қылсын қаламим йұнарни пеша.*

(Оғажий асарлар 2-жилд 367-б.).

Аторуд сайёраси (Меркурийни) ни мунажжимлар қаламкашлар-шоир ва ёзувчилар, журналистлар ҳомийси деб таърифлайдилар.

Оғажий: Эй چарх! Ёнимда ҳамиша Аторуд юлдузини ҳамроз эт, у менинг қаламимни йұниб, сұзимни үткірлашни ҳунар этсін. Сахий қүёш масканимни ёруғ, Оймомо эса, меҳрибонлик күрсатиб, күлимга қоғоз ва давотимни (сиехонни) пешма-пеш тутиб түрсін, дейди. Ўз-ӯзига хитоб этиб, сұсткашлик этма, гайрат қыл, маоний қалъаларини тезроқ забт эт, деб шоирона рұхиятнинг илохий кошоналарига чиқиб олади. Демак, Оғажий ижодхонаси күұна چарх, осмон гумбази остидаги иймон нурлари порлаб турған оқилюна сұз гавҳарі ошёни, боқий назм бүстонидир. Бу бүстондан ҳамиша улуғлик сифотлари, хушбүйликлари уфурилиб туради.

Бизга ўзидан йигирма минг мисрадан ортиқ поэтик мерос қолдирған Оғажий ҳазратларининг асарлари юрагини ватан түйғусининг муқаддас рангларини ва халқ ҳәётининг қонли сақиfalарини тарих ки-тобларига қаққоний мұхрлаш ташкил этади.

Шоир ота макон тупроғининг гарди күзларга тұтиёдир, у инсон пешонасидаги ягона олам, муқаддас даргоқ эканлигини шундай ёзади:

*Бу гүлшан сайрини этсанғ, босма густохона тупроқни,
Ки ҳар ғом остида бир пайқари озода мадфундир.*

Одамларни огоҳликка даъват этар экан, ватан бир гулшандир, уни сайдир этар чоғингда андишасиз қадам ташлама, зинҳор билгилки, унинг ҳар бир қадамида ватан учун жонини фидо этган гўзал инсонлар дағн этилган, уларнинг руҳи озор топмасинлар, дейди.

Дарҳақиқат, Огаҳий уруш кўрган шоирдир. Унинг шоирона табигита, инсонийлик руҳиятига жанг майдонлари, талон-тарож урушлар муғлақо зиддир. У «Таъвизул-ошиқин» китобининг дебочасида бу ҳақда: «...гоҳо сипоҳдорлиғ олотининг таҳийяси (яни қўмондоңлик қурол-яроғларини тайёрлаш) қайфуси била кўзимга жаҳон қоронғу ва гоҳо подшоҳ хизматининг тарааддуни била кўнглимда минг фам...» деб ёзар экан, тўхтовсиз урушлар натижасида ўт қўйилган қишлоқлар, меҳнаткаш халқнинг молини талаб, сон-саноқсиз ўлжага эга бўлган жоҳиллар, одамлар бошига тушган шўришларни ўйлаб фам-кулфатта ботади.

Огаҳийнинг энг кичик жанрларда ёзилган тўртликлари: Мұқаттод (қитъалар), рубоиёт, туюқларидан тортиб, энг йирик тарихий асарларини варақлар эканимиз, ватан ҳимояси, халқнинг аянчли аҳволи уларни озод ва шод кўриш орзуси бош мавзу эканлигини кўрамиз.

Бизга маълумки, 1873 йил май ойида Хоразм халқи бошига мусибат тушди. Чор Россияси босқинчилари воҳанинг тўрт томонидан ҳужум этиб, уни босиб олдилар ва ўз мустамлакаларига айлантирилар.

Ўшанда Огаҳий ҳазратлари олтмиш тўрт ёшда эдилар. Хиванинг шимолий-ғарбидан барча қалъаларни бомбардимон этиб келаётган генерал Верёвкин армияси Огаҳий ҳовлиси жойлаштан Қиёт қишлоғига кирди. Қиётликларнинг ўйларига ўт қўйиб, Жонак шайх, Фовик қишлоқлари аҳолисини талади. Қиётда туғилиб ўсган шоир ва муаррих Баёний (1839-1923) эндигина ўттиз тўрт ёшга тўлган эди. Огаҳий ва Баёний 1873-йилнинг 28-29-май кунлари бутун эл-юрт қатори Хива қальасига кириб, ҳимояда малҳам бўлиб туришди. Улар Хива таҳтининг қулашини, ватан ҳимоячиларининг дарё бўлиб оққан қонларини, йигирма саккиз яшар Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи Ферузнинг қонхўр генерал Кауфман олдида тиз чўкканларини кўриб, фарёд чекдилар. Сарой амалдорларидан баъзиларининг ватанга хоинлигини кўриб, айниқса, мустамлакачиларни лаънатлаб ҳақиқатни ёздилар. Бу мусибатни Огаҳий шундай ёзади:

*Мулки Хоразмнинг зару молин,
Билкул ул шум берди яғмоға.
Ўйла беҳуда сарф айладиким,
Ташлағон янглиғ ўлди дарёға.*

(Ўша китоб, 268 бет) деб ёзган эди у.

Дарвоқе, бу қитъада тасвиirlанган «Ул шум»-бу генерал Кауфмандир, яғмо эса Хоразмни босиб олишга фармон берган император Александр II эди. Ўшанды ёш Ферузхон йигирма саккиз ўнда бўлиб, мамлакат олдила эзилган, топталган миллат руҳи жароҳатларини даволаш, кули кўкка совурилган қалъя ва қишлоқларни обод этиш, бўм-бўш бўлиб қолган кутубхоналарни қайта тўлдириш, қашшоқлик, саводсизликни тугатиш муаммолари туради.

Афсуски, Хива хонлиги, шунингдек, бутун Ўрта Осиёning чор Россияси босқинчлари томонидан забт этилиши жараёнлари, унинг жуда кўп сирли саҳифалари ҳамон ёритилмай қоронгулигича қолиб келмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, умр бўйи жанг майдонларини кўрган Огаҳий назмида ватан тақдиди, ҳалқ турмуши, унинг хоинларига, мустамлакачи душманларга қарши кураш, озод келажакни орзу этиш асосий ўринни эгалаган.

Огаҳий ўз ватани – ота макони гўзалликларини шу қадар меҳр билан тасвиirlайдики, унинг шоирона фалсафаси билан ота-боболарининг қонида жўш уриб турган мираблик илмиёти зиёси бир-бирига туташиб уйгуналашиб кетади. Чунки мираб бўлиш учун табиат ошиғи бўлиш даркордир. Огаҳий воҳанинг ер тузилишини, унинг пасту-баланд экин майдонларини, уларга об-ҳаёт олиб келадиган дарёлар, канал ва ёлларни севиб ўрганганди. Уларнинг сув таратиш хусусиятларини амалиётда бажарган. Мираблик Хива хонлигидаги энг олий мартабалардан бири эди. Мираблик унинг илҳомига, шоирлик руҳиятига рағбат бериб турган.

Огаҳий асарларида Жайхун – Амударё Оллоҳининг улуғ неъмати сифатида талқин этилади. У энг забардаст, энг тошқин, бироқ бекиёс саҳий дарёдир. Амударёдан сув ичиб тўлиб-тошган Арок, Гандир, Гургон, Дарозоб, Кўкӯзак, Марв, Оҳал, Сунабадр, Тажан, Мавжизан, Тирсак, Қорасув дарёлари сувларининг оҳанграбо шовуллаши гўё Огаҳий ғазалларига кўчганлайди. Шоир юзлаган сув тақсимлаш тармоқларини ёд билган. Айниқса, Огаҳийнинг «Чандир дарёсининг тасвири» номли маснавийси зўр ифтихор билан ёзилган. Бу дарё бундан бир неча асрлар аввал, Амударё ҳали Каспий денгизига куйиб турган замонларда мавжуд бўлиб, ҳайқириб оқиб турган. Бу мўъжизакор дарёдан ҳайратланиб Огаҳий ёзади:

Ажаб дарёки онинг йўқ мисоли,
Сувидур чашмаи ҳайвон энвали.

Ики ёнидин этмиши беша изҳор,
Санамлар лаълу хаттидун намудор.

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Чандир дарёсинг суви тириклик булоғи, афсонавий ҳәётбахш сувдир. Унинг икки қирғондаги ям-яшил ўрмонлар санамларнинг лаъли лаби фусункорлигидан ҳам кўркамдир.

*Тазарв ул бешалар ичра намоён,
Бўлуб зебо сарв бирла хиромон.*

*Қилиб дурроҷ зоҳир шакли марғуб
Кўрунуб эл кўзига жон киби хуб...*

(Ўша китоб, 370-бет).

Бешалар – бу тўқай ва ўрмонлар дегани. Тазарв эса тустовуқдир. Демак, ўрмонларда тустовуқлар гўзал қоматли сарвга ўхшаб қадам ташлаб юради. Дурроҷ – какликлар тўдаси шу қадар кўп ва чиройлики, эл кўзига жон каби ёқимлидир, дейди. Ёввойи қўёнлар, хушловоз ва сайроқи какликлар, қуш овига мойил қарчигай, шоҳбоз, лочинларнинг шоввозлигини зўр нафосат билан тасвирлайди.

Огаҳий қушлар дунёси, уларнинг хосияти ва фойдасини сидқидилдан ўргангандан.

Шоир назмидаги ота макон қиёфаси, дарё ва денгизлари, орна ва ёплари тасвири алоҳида илмий ишларга молик мавзудир. Чунки у ана шу сув инициоотларининг тарихини ҳам чуқур билган. Улар дарё сатҳидан қанчалар пастлиги, сувни кўтариб далаларга тараш услубини боболаридан ўргангандан.

Огаҳий она ватан қучогини, унинг гўзал табиатини шу қадар севганки, ширин-шакар меваларга гарқ пишган боғларни алоҳида меҳр билан тарапнум этган. Воҳадаги барча шаҳар ва қалъалар бағридаги юзлаб боғларга борган. Айниқса, Рафинак, Гандумкон боғлари ҳақидаги ғазаллари қўшиқларга айланаб кетган.

Огаҳийнинг «Риёзуд давла» асарида ёзишича, қадимий Хоразмшоҳлар пойтахти Кўҳна Урганч Чингиз истилосидан кейин (1220-1221)хароба аҳволга келган эди. Деярли 600 йил мобайнида сувсизликдан инграб ётар эди, Оллокулихон 1830-1831 йилларда Кўҳна Урганчга сув олиб келгани, Хонобод қанали ишга тушганини қувониб ёзади. Кўҳна шаҳар қайтадан яшариб кетган, меҳнаткаш халқ боғу-роғлар бунёд этган.

Огаҳий улуғ алломалар шахри атрофида пайдо бўлган бу боғларни тасвирлаб шодликларга тулади:

*Мусаффолигуда йўқ монанди онинг,
Жинон аҳли эрур дилбанди онинг...*

(Огаҳий. Асарлар, 2-жилд, 324-бет).

Оғаҳий ўзининг тарихий асарларида қадимий Тошҳовуз шаҳри тарихи, бу ерда барнио этилган боғ-роғлар, улар ичидаги тошҳовузлар ҳақида кўп ёзган. Меҳнаткаш халқ 1835-1836 йилларда бу шаҳар атрофини қадим замонларда ўраб олинган эски кўргонини қайта таъмирладилар, янги-янги бинолар бунёд этадилар:

*Биноси эрди гардунға баробар,
Буржи зарваи кайвонға ҳамсар...*

*Ҳавоси жонғизо Исо дамидин
Муаттардур жаҳон онинг шамидин
Қалам таърифини гар ёёса юз йил,
Тамом ўлмоқлиги мумкин эмас бил.*

(Ўша китоб, 340-бет).

Афсуски, шўролар ҳукумати асрлар мобайнида халқимиз яратган бу боғ-роғларни текислаб, йўқ қилиб юборди. Дарёлар, тигиз ва серсоя ўрмонлар, ноёб қушлар тўдаси Оғаҳий илҳомланиб куйлаган ота юрг сарҳадлари бузилиб, талон-тарож этилди. Худди шунингдек, халқларимиз ўртасида низолар келтириб чиқариш учун муғомбirona сиёsat ишлатиб ўтказилган разилюна милий чегараланишлар туфайли, қанчадан-қанча қадимий обод шаҳарларимиз ўзга мамлакатлар ихтиёрига бериб юборилди. Ҳали бери шўролар етказган зиён-заҳматларни, дил жароҳатларини ювиш осон кечмайди.

Мустабид шўролар ҳукуматининг асосий мақсади боболаримизнинг маданий меросини унугтириб, қадриятларимиз ақл-заковати мужас-самлашган мъянавий ва иқтисодий бойликларимизни йўқ қилиб юбо-риш эди. Ўзга юрт ва элатлар ҳудудида қолиб кетган ота маконимизнинг тарихий шаҳарлари, дарёлари, ўрмон ва адиrlари, боғларини ўйлаб дард чекамиш.

Оғаҳийнинг Оллоҳдан тилаган олий неъмати бу ватан ободлиги, тинчлиги, ўз халқининг камолоти, баҳтли яшаши эди. У ота ватан руҳи билан тирик, воҳанинг ҳар бир фасли гўзалликларининг ошиғи эди. Шу боисдан она тупроқ ифорини газалларининг ҳар бир ҳижосига битганди. Узлуксиз урушлар, талон-тарожлар туфайли меҳнаткаш халқ бошига тушган шўришларни ўз кўзи билан кўрган Оғаҳий оддий халқнинг осойишта турмушини дунёда ҳамма нарсадан устун қўяди:

*Фақр элиға кулбаси мулки жаҳондин яхшиким,
Онда эски бўрё таҳти Каёндин яхшиким,
Тинчлиқ бирла атола нўши жондин яхшиким...*

Огахий бу мухаммасида тинчлик, асойишталиқда халқнинг фақирона кулбаси, унда тўшалған эски бўрё Эроннинг афсонавий Каёнийлар сулоласи тожу-тахтидан афзалдир, дейди. Ҳалол меҳнат ила дастурхонга қўйилган атала таоми жондай шириндир, деб тасвиirlар экан, халқ байрамлари, сайиллар, пойгалар, шикорлар, саёҳатлар, «Чавгон» каби қадимий ўйинлар, паҳлавонлар кураши каби қадимий гўзal урф-одатларимизни юксак пафос билан тасвиirlайди. Ўзи ҳам халқ шодиёнала-рининг баҳтиёр иштироқчисига айланади ва уларни тасвиirlаган чоғда қаламидан нур ёғилади.

Огахийнинг «Тўйнома» маснавийсини ўқиб бунга ишонч ҳосил қила-миз. Шоир бу маснавийсини халқ сайиллари базмига ўз маҳбубасини ҳам чорлашдан бошлайди.

*Кел базмим аро нишиман ила,
Гулшан қил анию маҳзан ила...*

Нишиман – бу қуш уяси, иссиқ индир. Маҳзан эса, хазина қимматли бойликлар уйидир. Шоир оддий инсонларнинг тўй даврасини қушларнинг иссиқ инига ўхшатади. Сен келсанг ана шу кулба гулшанга, қимматбаҳо хазиналар уйига айланади, деб тасвиirlайди.

*Жон бер танима табассумингдин,
Лол айла тилим тақаллумингдин...*

Огахий ҳазратларининг малаги дунёда энг доно, камолотли, зукко, гавҳарий аёлдир.

Аллома тўйни тасвиirlар экан, чиройли ясатилган отларда учишга тайёр турган чавандозлар парвозидан фууррга тўлади. Сўнгра елкаси ер кўрмаган шерюрак паҳлавонларнинг курашини энг жонкуяр мухлис сифатида ҳикоя этади. Осмон ўпар баланд дор арқонлари узра ўз санъатини намойиш этган дарбозлар, айниқса, созанда ва хонандаларнинг юракларни ларзага келтирувчи куй ва қўшиқларини мафтункор ёзади. Карнай ва сурнайларнинг осмон гумбазларини ёритувчи шодон наърасини тасвиirlар экан, ўз халқнинг шодлигини, озод табассумини вақтинчаликка эмас, абадий баҳтли, истиқдолли бўлишини истайди.

Мустақил мамлакатимизнинг 20 йиллиги тантаналари ҳали қулогимиз остида барадла жаранглаб турган ушбу кезларда, халқимиз уйган паҳта хирмонлари юракларни ватан истиқболи ғурури билан тўлқинлантиromoқда. Боболаримиз куйлаб ўтган ота макон мадҳи мустақил юртимизнинг озод ва обод бутуннинг қадрига етишга, порлоқ келажак учун тинмай хизмат этишга чорлайди.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ МАТНИЁЗ ДЕВОНЬЕГИ ЭМАС¹

Ўзбек халқи асрий орзуларига эришиб, мустақил ҳаёт кечирмоқда. Мамлакатимиз истиқдолнинг ёрқин йўлларига чиқиб олиб, ўзининг баркамол йигирма ёшини нишонилади. Шу нурли манзилдан туриб, олинсларга қайрилиб боқсан, мустабид шўролар даврила тоғталган, оёқ ости қилинган, қатагон этилган қанчадан-қанча шоир ва хаттот, созанда ва хонанда, мақомот илми алломаларини кўрамиз.

Чунки ўша давр адабиётшунослари коммунистик мағкура таъқиби остида баъзи тарихий шахсларни, ёзувчи ва шоирларни «Илғор рус маданиятининг стук тарифботчиси», рус мустамлакачиларини олқишлиб кутиб олган «қаҳрамон» сифатида талқин этдилар. «Ўрта Осиё Россияга ўз ихтиёри билан қўшилган» деб тарих сарҳадларининг қонга беланганд саҳифаларини «нурли бурилиш нуқтаси» деб ёзиллар.

Ушбу мақолада 1873 йилда чор Россиясининг ҳарбий қўшинилари кўмондони генерал Кауфман томонидан Хива хонлигининг босиб олиниши фожиалари даврила рус мустамлакачиларига хайриҳо бўлган Матниёз – Муҳаммад Ниёз девонбети ҳақида ҳикоя қиласиз. Унинг руспараст қиёфасини Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий шахсиятига алмаштириб ёзив, шоир ижодини чалкаштирган шўролар даври адабий жараёнларига янгича нигоҳ ташлаймиз.

Комил Хоразмий 1825 йилда Хивада Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига яқин Абдулла Муфтий оиласида дунёга келди. Бу тўғрида Комил Хоразмий хонадонига Шайхлар қишлоғидан шогирд бўлиб келиб тарбия топган, машҳур хаттот, мақомшунос олим Муҳаммад Ёқуб Харротнинг ўғли Муҳаммад Юсуф Харрот Чокар хотираларига мурожаат этамиз. У 1924 йилда Мулла Бекчон Раҳмон ўғли билан бирга ёзган «Хоразм мусиқий тарихаси» (Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1998 йил) китобида бундай дейди: «Машҳур мусиқашунос Абдусаттор маҳрамнинг дўғон синглиси Авазжонни Абдулло Муфтий Нурбой Жук ўғлина никоҳ қилиб берганлар. Абдулло Муфтийнинг мазкур Авазжон хотунидан бир ўғил дунёга галиб Паҳлавон деб одлаганлар. Паҳлавон Ниёз таҳсил ибтидосини Хоразмнинг эски мактаб ва мадрасаларида таҳсил қилғондан сўнгра, Сейид Муҳаммадхон замонида ўзининг бобоси Хўжаш маҳрамнинг савдогарлари қаторида юриб тижорат ишилари билан машгул бўладур.

Бироз сўнгларали тижорат ишини тарқ этиб, Сейид Муҳаммадхоннинг супоҳсоларинда ювонлик (яъни отбоқарлик) хизматига кирадур». (Ўша китоб, 33-бет).

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 23.09.2011 й.

Шоир Чокар хотираларидан кўриниб турибдики, ёш Паҳлавон Ниёз катта ҳаёт мактабини ўтали. У қаерда бўлмасин китобхонлик қилди, фазаллар ёзди, кўлига соз олди ва мақом қўшиқларини куйлади. Тез орада Хоразм воҳасига тоза фикрловчи шоир, созандга ва гўянда, тенгсиз хаттот сифатида танилди. Бундан хабар топган Сейид Муҳаммадхон уни саройга тақлиф қилиб, хусусий девони этиб тайинлари. Бу тўғрида Хива ҳонлари архиви дафтарларини мукаммал ўрганганди олим М. Йўлдошев «Хива ҳонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши» (Тошкент, 1959 й.) китобида бундай деб ёзади: «Ҳижрий 1273-1275 (1857-1859) йилларда хон ҳузурида Муҳаммад Назар девон бўлиб, 15 тиллодан маош олган. Бундан анча кейин бу мансабда Паҳлавон девон деган киши ишлаган, уни Мирзабоши деб атаганлар. Ҳоннинг амрига мувофиқ у мактублар ва турли ёрликлар ёзар эди». (Ўша китоб, 265 бет).

Ўша йиллари саройда ишлаган Муҳаммад Назар девон шоир Мунший бўлиб, у шоир ва хаттот Бобожон Тарроҳ – Ходимнинг бобосидир. Филология фанлари доктори Нафас Шодмоновнинг «Шоҳиду-л-икబол»-адабий манба» монографиясида таъкидлаганидек, бу пайтда Муҳаммад Назар девон «Равзату-с-сафо» китобининг олтинчи дафтарини таржима қилиш билан банд эди. Тахминан 1858 йилларда ёш шоир ва хаттот Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий сарой ҳаётига кириб келгандა элга таникли шоир Мунший, Огаҳий, Рожий Муҳаммад Юсуф маҳзум, Холис Муҳаммад Ёкуб хўжа каби иқтидорли шоир ва хаттотлар жўшқин ижод буржида эдилар. Чокарнинг ёзишича, у ўзининг юксак иқтидори, ишчанлиги туфайли 1873 йилгача Мирзабоши бўлган. Муҳаммад Раҳимхон Феруз замонида эса, 1873 йилнинг 12 августидан 1880-йилгача девонбегилик рутбасига стишган.

Демак, Комил Хоразмийнинг асли исми Паҳлавон Ниёз бўлиб, «Комил» унинг адабий тахаллусидир. Бу тўғрида Огаҳий янада аниқроқ маълумот беради. У «Гулшани давлат» китобида: «Наврас фикр ва тоза табъ шуародин, фазл ва ҳунар аҳли орасинда мумтоз Паҳлавон Ниёзким, фозиллар гурухи ичра тахаллуси Комилдир», деб ёзади.

Хўш, асли исми Паҳлавон Ниёз, тахаллуси Комил, мусиқий манбаларда Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил деб ёзилган забардаст шоирнинг исми шарифлари шўролар даврининг устоз адиллари томонидан ўзгартирилиб бошқа бир шахс «Матниёз» яни Муҳаммад Ниёз девонбеги шахсига нисбат берилиб, нега бўяб кўрсатилди экан?!... Бундай ҳолатларни деярли барча адабий манбаларда учратамиз. Қулимизда филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметов билан филология фанлари номзоди Васила Мўминовалар нашрга тайёрлаган Комил Хоразмий «Девони»ни вараглаймиз. Унинг биринчи саҳифасида шоир ҳақида: «Ўзбек адабиёти тарихида демократик тенденциялар асосида

ижод қилиб, чуқур из қолдирған ажойиб сүз санъаткорларидан бири Паҳлавон Ниёз Мұхаммад Комилдир. «Паҳлавон» унинг лақаби, «Комил» эса адабий тахаллусидир. Замондошлари унинг исмини Мұхаммад Ниёз шаклида ҳам құллаб уни ихчамлашириб, «Матниёз» деб ҳам юритгандар. У мадраса мударриси Абдулла Охунд оиласыда 1825 йилда Хива да таваллуд төпди», деб ёзилған. (Комил. Девон. F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент – 1975 йил).

Комил Хоразмийнинг асли исми Паҳлавон экан, уни «лақаб» деб ёзишта ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир. Яна замондошлари уни «Мұхаммад Ниёз» шаклида «Матниёз» деб юритгандар дейилади. Ахир Комил Хоразмийнинг исми «Ниёз Мұхаммад»-ку! Ҳеч қачон замондошлари уни «Матниёз» деб атаган эмаслар. Чунки Хоразм лаъжасида Ниёз Мұхаммадни «Ниёзмат» дейдилар. Мұхаммад Ниёзни эса «Матниёз» деб айтгандар. Наҳотки, девон муаллифлари Хоразм шеваси хусусиятларини ҳисобга олмаган бўлсалар.

Энди филология фанлари доктори, профессор Фулом Каримовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (19-асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошлигигача) университетларнинг филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун ёзган дарслигининг учинчи китоби («Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент – 1975 йил) да бу шоир ҳақида бундай деб ёзилған: «Комил Хоразмий 1825 йилда Хива шаҳрида зиёли оиласыда дунёга келди. Унинг отаси Абдулла Охунд Хива мадрасаларида мударрислик қиласар эди. Шоирнинг исми Ниёз Мұхаммад бўлиб, баъзи манбаларда, хусусан мусиқага оид адабиётларда у Паҳлавон Ниёз Мұхаммад деб юритилади. «Паҳлавон» сўзи унга ўшик вақтида суюб берилган ном бўлиб, бу ном кейинчалик ҳам сақланиб қолган. Тарихий китобларда эса шоирнинг номи Матниёз шаклида учрайди. Комил ёки Комил Хоразмий шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, камолотга эришган киши маъносини англатади». (Ўша китоб, 226-бет).

Нега энди муаллиф «Паҳлавон» сўзини суюб берилган ном деб уни тушириб қолдириб, шоирнинг исми Ниёз Мұхаммад демоқда. Агар шоирнинг исми Ниёз Мұхаммад бўлган тақдирда ҳам у «Ниёзмат» деб ёзилиши керак эди, фақат «Матниёз» деб эмас, ахир!... Паҳлавон Ниёз Мұхаммад Комил Хоразмий номини «Матниёз» деб ёзишдан ўша давр адабиётшуносларининг кўзлаган асосий мақсади бўлган. Агарда шоир Комил Хоразмийни «Матниёз» деб ёзиб, русларга хайриҳоқ киши, илғор рус маданиятини куйлаган, босқинчи генерал Кауфман қўшинларини қучоқ очиб кутиб олган шахс деб тасвирланса, мустабид шўролар даври мафкураси буни олқишилаган. Бундай олимларга шон-шавкат ёғилған. Шу боисдан ўша давр адабий жараёни жуда кўп шоир ва ёзувчилар пешонасига «руслаштириш» тамғасини босиб, улар шахсини бўяб курсат-

гандар. Хўш, Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий шахсига ниқоб этиб кийгизилган «Матниёз» ким ўзи? Тарихий манбаларга мурожаат этамиш.

«Матниёз», яъни Муҳаммал Ниёз девонбеги баҳодир саркарда бўлган. У Сайд Назар оқсоқолнинг ўғли бўлиб, Хива саройида мансабдор ва обрўли аёнлардан ҳисобланган. («Хива давлат ҳужжатлари», Тошкент, 1960 й).

Муҳаммад Ниёз Амиру-л-умаро Сайд Маҳмуд тўранинг ноibi сифатида Ҳазораспда девонбекилик қилган. Унинг ихтиёрида уч минг отлик ва олти юз пиёда аскар ва бир тўп бўлиб, жуда кўп жангларда қатнашган. Бу тўғрила Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида: «Ҳижратнинг 1284 йилида... (мил. 1867 й) яна ямут авбошлари беътидоллиқни ҳаддин ўткара бердилар. Ҳон ҳазратлари амр этдилар... Муҳаммад Мурод девонбеги саккиз минг отли ва минг олти юз пиёда ва икки тўп билан ва Муҳаммад Ниёз девонбеги уч минг отли ва олти юз пиёда ва бир тўп била ямут устига кетдилар»... деб ёзали. (Ўша асар, 199-бет).

Гап ўндики, «Матниёз» – Муҳаммад Ниёз девонбеги Амиру-л-умаро Сайд Маҳмуд тўрага таяниб иш тутган ва унга умрбод садоқатли киши бўлган. Сайд Маҳмуд тўра Муҳаммад Раҳим Биринчининг ўғли, Сайд Муҳаммадхоннинг (1856-1864) акаси, Муҳаммад Раҳим Иккинчи Ферузнинг амакиси бўлган.

Оғаҳий «Шаҳиду-л-иқбол» (Нашрга тайёрловчи Нафас Шодмонов, Тошкент, «Муҳаррир» 2009 й.) асарида Муҳаммад Ниёз девонбеги ҳақида алоҳида тўхгалган. Маълумки, 1864 йилда таҳтта чиққан Муҳаммад Раҳим Иккинчи Феруз ширкорга отланади. У бир ойга таҳтда амакиси Сайд Маҳмуд тўрани қолдириб, Питнак мавзесига қараб йўл олар экан, Ҳазорасп қальясида меҳмон бўлади. Оғаҳий ёш хонни тантганали кутиб олган Муҳаммад Ниёз девонбеги ҳақида: «Амиру-л-умаро» тўранинг олий жанобининг ихлосмаоб ва садоқатинтисоб бандаларининг сарафрози Муҳаммад Ниёз девонбекиким, Амир Тўранинг илтифотидин наёбатан ул қальянинг ҳукумати тамоман анинг қабзai эҳтимомига мутаваллий эрди»... деб ёзади. (Ўша китоб, 76-бет) Оғаҳийнинг тасвирлашича, у Ҳазорасп дарвозасидан то Арккача, таҳминан 150-200 метрча масофага қиммат баҳо матолардан пайдоз тушаган. Эндиғина 20 ёшга тўлган Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи Феруз бошидан олтин тангалар сочиб, безатилган от совға этган. Бундан кўриниб турибеки, Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий Муҳаммад Ниёз девонбеги эмасдир. Ахир у ҳеч қачон Ҳазорасп қальясида девонбекилик қилган эмас!.

1873 йилда Хива хонлигининг босиб олиниши воқеаларини акс эттирган барча рус манбаларида нега Матниёз – Муҳаммад Ниёз девонбекини мақтаб ёзишган. Чунки, у Амиру-л-умаро Сайд Маҳмуд Тўра

режаларини амалга оширишга хизмат этган. Урушнинг дастлабки кунларида Ҳазорасп қалъаси ҳимоясига икки мингга яқин навкар Амир Тўра билан Муҳаммад Ризо Тўра (у Оллоқулихон ўғли бўлган) бошлигигида юборилган. Улар саркарда Муҳаммад Ниёз девонбеги бошлигида рус қўшинларига қақшатқич зарба беришлари зарур эди. Бироқ, улар Аму дарёдан кечиб ўтган рус босқинчиларига Ҳазорасп дарвозаларини очиб, қалъадаги озиқ-овқат омборлари, ўқ-яроғ, пороҳ сақланаштган омборларни очиқ ташлаб Хивага қочдилар. Уларнинг асосий мақсади таҳтни эгаллаш эди. Ўша пайтда Хивани бомбардимон қилаётган генерал Верёвкин зарбасидан қадимий обидалар портглаётган эди. Муҳаммад Раҳимхон Феруз Урганч дарвозаси орқали қалъа ташқарисига чиқиб, мустамлакачиларга зарба бермоқчи бўлди. Унинг атрофига Матмурод девонбеги бошлиқ жасур саркардалар, туркман сардорларидан иборат икки юз, уч юз киши жипслашганди. Ферузхон улуғлар маслаҳати билан Азмехшарга қараб ўйл олган. Фурсатдан фойдаланган Амирул-умаро ўз тарафдорлари ёрдамида ҳибсдаги Отажон тўрани озод этиб, бўш турган таҳтни эгаллаб жигали телпакни бошига кийган. Баённий бу мулҳиши воқеани тасвирлаб, Хумо (баҳт ва давлат қуши) ўрнини чуғз яъни бойқуш эгаллади деб нафратланиб ёзган: «... Иноқбек қайтиб шаҳарга кириб Аркка келиб кўрди. (Иноқбек – бу Элтузар иноқ бўлиб, Баённийнинг амакизодасидир). У Кауфман томонга элчи бўлиб кеттган эди. Фалаки ўшубадабознинг носозлиқидин Хумой бу ошёндин парвоз уриб ўрнида бир чуғз чуғзи ҳақиқий била ҳамовоз бўлуб ўлтурубдур. Иноқбекнинг хуши бошидан учуб ноилож кириб, Амирга салом берди. Амир Иноқбекнинг юзига қараб деди: «Сен кетгандин сўнг, хонинг қочиб юртдин чиқиб кетдилар. Ондин сўнг улуғ-кичик йифномалиб бизни шундоқ этдилар». («Шажарайи Хоразмшоҳий», 218-бет).

Хива хонлиги таҳтига ўтириб, ўзини хон деб эълон қилган Амирул-умаро муродига етгандай бўлди. Дарҳол, ўз яқинлари билан генерал Кауфманни кутиб олиш учун қалъадан ташқарига чиқиб олти чақиримча йўл юришиб. Унинг асосий мақсади Хива дарвозаларини мустамлакачиларга очиб бериб бош қўмондон ишончини қозониш эди. Шунингдек, руслар олдида обрў-эътиборини ошириб кўрсатиб, генерал Кауфманга биз билан сулҳ тузинг, юртни бизга топширинг, деб илтимос қилиш эди. Шундай бўлди ҳам. Муғамбир генерал улардан яхши сўзини аямади. Биз фақат Муҳаммад Раҳимхон билан сулҳ тузамиз, борди-ю хон қайтмаса, у вақтда сизлар билан келишиб оламиз деди. Бу тўғрида рус зобити В.Тихменев «Туркистон отрядининг 1873 йили Хивага юриши баёни» асарида (Бу асарни тарих фанлари доктори Хайдарбек Бобобеков таржима қилган.«Фан ва турмуш» журнали 1992 йил 1-сон) бундай деб ёзди: «Хон туркманлар ичига қочганлиги сабабли,

бош ҳарбий қўмондонни хоннинг амакиси бўлган Амир катга зодагонлар билан шаҳардан олти чақирим берида кутиб олди... тантанали учрашувдан сўнг шаҳардан ярим чақирим берида дам олишта жойлашгани мизда хоннинг амакиси бизга ҳуржинда 1900 сўмлик танга тақдим этди...» Бундан кўриниб турибдики, Амиру-л-умаро, Матниёз девонбеги, Отажон тўралар бошлиқ бир гуруҳ амалдорлар рус мустамлакачиларига хайриҳо бўлганлар. Шу боисдан барча рус тадқиқотчилари уларни энг доно, энг ақлли, сулҳпарварлар партиясига мансуб кишилар деб кўкларга кўтариб исмларини ўз китобларига муҳрлаганлар. Шўролар даври адабиётшунослари Матниёз, яъни Муҳаммад Ниёз девонбегини шоир Комил Хоразмий деб ўйлаб, рус зобитлари ва шарқшунослари асарларидан кўплаб мисоллар келтирганлар. Айниқса, «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигига муаллиф рус шарқшуноси Ф.И. Лобосевичнинг «1873 йилги Хива юришининг баёни» асарида: «Кекса Сайд Амиру-л-умаро, худди унинг яқин дўсти девонбеги Матниёз сингари, ҳалқ муҳаббати ва ҳурматига сазовор эди. Уларнинг иккови ҳам Хивада сулҳ парварлар партиясининг тарафдорларидан эди...» деган иқтибосни келтиради. (Ўша дарслик, 224-бет). Шунингдек, Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли Оғаҳий, асарлар олти жилдлигининг биринчи жилдаги (F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент 1971-йил) сўз бошисида профессор, филология фанлари доктори Гулом Каримов республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, доцент Субутой Долимовлар: «Тарихий манбаларда «Матниёз, музика тарихига оид асарларда «Паҳлавон Ниёз Муҳаммад» номи билан юритиладиган бу шахс шои Комил Хоразмийдир (1825-1899)», деб ёзиб, жиҳдий хатога йўл қўйгаганлар. (Ўша китоб, 10-бет). Демак, рус мустамлакачилари синфи вакил бўлган Ф. И. Лобосевич мақтаб ёзган «Матниёз» шоир Комил Хоразмий эмас, Матниёз девонбегидир.

Халқимизда «Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ерд юради» деган мақол бор. Мумтоз адабиётшунослигимиз устунлари Матниёз девонбеги шахсини Комил Хоразмий деб таъкидлаган эканла Хивада туғилиб ўсан адаблар Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасулылар ҳам шу йўлдан борганилар. Гап шундаки, Хива хонлиги тарихини «Мажмуат-уш-шуаро» тўпламидаги барча шоирлар ижодини, Мирзабек шилар сулоласини ўрганган бу адаблар ҳам «Феруз – шоҳ ва шои қисмати» китобида рус шарқшуноси Ф. И. Лобосевичдан ўша иқтибосни келтириб, Матниёз бу Комил Хоразмийдир деб ёзганлар. Шу боисдан мумтоз адабиётимиз жонкуяри шоир ва драматург Комил Аваз адаблар – Давлатёр Раҳим билан Шихназар Матрасулни танқид этадиган «Комил Хоразмий Матниёз девонбегими?» деган мақоласини эълон қилинган эди. (Комил Аваз «Хива дилбанди», «Ёзувчи» нашриёти, 1997 йил).

46-57-бетлар). Бу мақолада шундай сатрларни үқиймиз: «...Комил Хоразмий 1873 йил 12 августгача Мирзабошилик вазифасида ишлаган экан, нега уни Матниёз девонбеки билан аралаштириб юрибилилар?

Хиванинг Русия томонидан босиб олинишининг жонди гувоҳи бўлган рус ҳарбий хизматчиси Ф. И. Лобосевичнинг Матниёз билан Ниёзматнинг фарқини билмаслиги табиий, бизнинг олимларимиз наҳотки, Матниёз (Муҳаммад Ниёз), Ниёзмат (Ниёз Муҳаммад) эканлигини фарқтай олмайдилар», деб жуда тўғри ёзган эди. Яна тарихий манбаларга мурожаат этамиз. Биринчидан, бу даврда Комил Хоразмий Мирзабоши эди. У уруш тугалланганидан кейингина, 1873 йил 12 августидаги Қозонлига сибир этилган Муҳаммад Мурод девонбекининг ўрнига тайинланган эди. Шунинг үзиёқ, Комил Хоразмийнинг Матниёз девонбеки эмаслигини тасдиқлади. Иккичидан, Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий ҳеч қачон Амиру-л-умаро билан яқин дўст, ҳамфир ва ҳамтовоқ бўлган эмас. Амир тўра шоир Комил Хоразмийни кўярга кўзи йўқ эди. Бу ҳақда Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида: «Амир Тўра, филҳол. Аркка келиб хон бўлди ва эгнига гулнор чакман ва бошига жигали телпак кийиб таҳтда ўлтириди... Амир Тўра, филҳол, Муҳаммад Мурод девонбеки била Паҳлавон Мирзабошини тамоми афродлари била тутуб келтурмакка амр этди...» деб ёзади. (Ўша китоб, 217-бет). Бундан яқъол кўриниб турибдик, Амир Тўранинг яқин дўсти девонбеки Матниёз бутунлай бошқа тарихий шахсадир. Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмийни унга нисбат беришлари ноўриндир.

Учинчидан, Мак Гахан «Оксусдаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг таслим бўлиши» (Инглиз тилидан таржима, М. 1875 йил) асарида Матниёз девонбеки ҳақида: «Матниёз, Сайид амиру-л-умаро сингари сулҳпарварлар партиясига мансуб кишилар. У паст бўйли, думалоқ, кўзли, сийрак соқол, кўримсиз бир киши эди. У айтидан русларга жуда хайриҳоҳиник бўлан қарап эди. Хива хонлигига оид энг ишончли маълумотларни генерал Кауфманга етказиб турган ҳам ўша эди...» деб ёзади. (Ўша китоб, 213-бет).

Шўролар даври адабиётшунослари «Матниёз» — Комил Хоразмийнир деб ёзib шоир ҳаёти ва ижодини чалқаштирилар. Наҳотки, забараст шоир Комил Хоразмий генерал Кауфманга ота юртининг бойликлари ҳақида энг муқаддас ва маҳфий маълумотларни етказиб бериб турган сотқин, чақимчи шахс бўлса?! Бу ерда Комил Хоразмийнинг ташқи кўрниши ҳақида ҳам сўз кетмоқда. Шоир калта бўйли, сийрак соқол, бадбашара киши бўлган эмас. Комил Хоразмий ҳазратлари баъанд бўйли, келишган қалди-қоматли, серсоқол, кўзлари барча нарса-тан огоҳ, сергак ва маъноли, ўта малоҳатли киши бўлганлар ахир! Биз ўзимизнинг исботи учун шоирнинг 1888 йилда тушган суратини мухтарам газетхонилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Матниёз девонбегининг беқарор шахс эканлиги ҳақида тарихий манбаларда батағсил ёзиб қолдирилган. Бу тұғрида Баённий «Шажарайи Хоразмшохий» асарида: «Кауфманнинг ёниға Мұхаммад Ниёз девонбети гоҳ-тоҳ бориб мусоҳибат этиб кетар эди. Кауфман ондин вилоят ақволининг истифкорин этар эрди. Мұхаммад Ниёз девонбети вилояттинг тамоми ҳолати ва маҳсулотидин ва тамоми аркони давлат ва аъёни ҳашматининг ахволотлари дин Кауфманға огоҳлик берди. Мундидин бир неча күн үтгандан сұнг, Кауфман Мұхаммал Мурод девонбети била Раҳматулло ясавулбошини сибир этиб Қозонлиға юборди ва яна русия аскарининг кофайи масорифий (Россия армиясининг урушга кетгандарындағы қаралтының қаралып табылғаны) учун Хоразм ахолилари дин икки милюн била иккі-юз минг манот тазминот олмоқға қарор бердилар», деб ёзади. (Үша китоб, 224-бет). Рус ҳарбий зобити В. Тихменев ҳам хонликнинг олтин захиралари құлға тушурилғанлығы ҳақида: «Матмурод девонбети ҳовлисида хонликнинг яшириң хазинаси топилғанлығы туғайли, у ерга ҳам соқчылар қўйдик. Хон ўрдаси ва унинг олдидаги майдонга тұрт отлиқ тұп била учта рота ва бизнинг лагерга кирадиган шаҳар дарвозаси олдидә тұртта илғор рота иккита тұққыз фунтлик ва тұрт тоғ тұп билан йиғылған эди. Улар бу ерда уч күн турди. Чунки ҳарбий ўлжаларни бўлиб олиш лозим эди» деб тасвирлаган. Кўхна Аркда асрлар давомида қадриятларимиздан олтин мерос бўлиб қолган бойликларнинг талон-тарож этилғанлығи, маҳфий сақланиб келинаётган ботмон-ботмон олтин захираларининг душман қўлига тушғанлигининг асосий сабабчиларидан бири ҳам Матниёз девонбегининг сотқинлиги эди. Шўролар даври адабиётшунослари шоир Комил Хоразмийни сотқин ва чақимчи Матниёз девонбети билан алмаштириб, кечириб бўлмас хатога йўл қўйғанлар. Замонлар ўзгарди. Она замин бағри янгиланди. Инсон ҳукуқларини паймол этиш, ўлка бойликларини талаши, аждодларимиз маънавий меросини талон-тарож этиш каби тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатган, ёлғондакам ҳукмронликни олқишишлаган шўровий эътиқод чилпарчин бўлди. Мана йигирма йилдирки, қадриятларимизнинг ўлмас ҳаёти ва ижоди қайта тикланди. Ҳалқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари, шарқона маданият, илму-ирфон, гўзал урф-одатларимиз, муқаддас маросим ва байрамлар элизизга қайтариб берилиди. Бироқ, шоир, хаттор, таржимон, созанда, мақомот илми алломаси Паҳлавон Ниёз Мұхаммад Комил Хоразмий ҳаёти ва ижоди ҳамон тұла қонли үрганиймади. Истиқлюл даврида нашрдан чиққан барча китобларда уни «Матниёз» деб ёзиш давом этмоқда. Энг мұхими Хоразмда туғилиб ўсған олимлар Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул ҳам «Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати» (Тошкент, 1991 йил) китобининг «Комил – ижодкор ва давлат арбоби» саҳифасида Ф.И.Лобосевич ва Мак-Гаханнинг Мат-

ниёз девонбеги ва Амиру-л-умаро ҳақидаги фикрларини мисол этиб келтириб, Комил Хоразмийни Матниёз девонбегига нисбат бериб ёшишган. Ачинарли томони шундаки, 2004 йил нашрдан чиқсан «Миллӣ ӯйғониши даври ўзбек алашибети» (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик сифатида тавсия этган) китобида ҳам «Ф.И.Лобосевич ва Мак-Гаханлар ўз асарларида Комил Хоразмий фаолиятига маҳсус тўхтагланлар», деб шоир шахсиятига нотўғри баҳо берганлар. Уни «Матниёз» – Муҳаммад Ниёз девонбеги бу Комил Хоразмий эди, деб таърифлаганлар. (Ўша дарслик, 53-бет).

Дарслик муаллифлари Паҳлавон Мирзабоши Комил Хоразмий яшаган адабий муҳитни, унинг атрофига жипслашган 40 дан ортиқ шоир, хаттот, мақомчиларни, муҳаррирларни, матбаачиларни, шунингдек, ўша давр тарихий шахсларини яхши билмайдилар. Шу боисдан дарсликда қатор хато ва нуқсонларга йўл қўйилган. Масалан, жаҳон кутубхоналарида ноёб қўлёзмалари сақланётган машҳур хаттот Муҳаммад Шариф Тарроҳ левонни «Муҳаммад Шариф арро девон» деб, шунингдек, Сайид Амиру-л-умарони «Сайид Амирқул умар» деб хато ёзишган. Шоир вафот этган санани эса, Лаффасий ёзган маълумотга қараб, 72 ёшида 1897 йилда дунёдан ўтган йил деб ёзишади. Бироқ, Комил Хоразмий хонадонида ўсан Чокар бу тўғрида жуда аниқ маълумот берган: «Паҳлавон Мирзабоши... Муҳаммад Раҳимхон замони хиж. 1317 йил шабон ойининг 27 куни озонида вафот бўлди... (Бизнинг фикримизча, 1899 йил 31 декабрь тонгигда оламдан ўтган). Бу замонлардаги ёзғон шеърлари бутунилан хон ва сипоҳилардан шикоят бўлғони сабабли биринки кишидан ўзгага гўрсатмас эрди...» деб ёзган. («Хоразм мусиқий тарихчаси», 34-бет).

Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмийдан ўлмас мерос қолди. Қўлимиизда шоирнинг 1881 йилда нашр этилган биринчи девони бор. Шоирнинг девони иккинчи бор 1895 йилда Хивада, учинчи марта эса, 1909 йилда Тошкентда янада тўлароқ нашр этилган. Ундан ташқари таржима асарлари, шашмақом нағмаларидан иборат «Танбур чизифи» китobi, турли баёзларда fazal ва мухаммаслари мавжуд. Унинг fazalларида икки томонлама – сарой аъёнлари ва рус мустамлакачилари томонидан эзилган меҳнаткаш ҳалқ ҳаётининг аянчли суратлари бор.

Комил Хоразмий ўз ижоди билан жавоҳир денгизи бўлмиш мумтоз адабиётимиз равнақига шиддатли тўлқинлар билан келиб қўшилган наҳра ўхшайди. У аruz вазнининг барча жанрларида ижод қилди. Фазалиёт оламига ўлмас муҳаббат туйгулари таровотини олиб кирди, авлодларни доимо комил инсон бўлиб стишишга, маърифатта, яхшиликка чорлади.

Комил Хоразмийининг руҳий дунёси бу инсон қалби гўзаликларини кўзгуда кўра олиш иктидоридир. Инсон қалбидаги Оллоҳ сурати ва сифатларини сезиб туриш ва уни назмга, навоға, моҳирона кўчира олиш қурдатидир. Шоир ўз ижодида ўзбек, араб, форс, тожик тиълари маоний дунёси ва нафосатини мужассам этиб, ҳар бир ҳарф, ҳар бир ҳижода дунёча маъно, бетакрор ранг, нафис жаранг борлигини тараннум этади. Комил Хоразмий назмида, у яратган мақом наволарида ана шу илоҳий оҳанграболик етакчилик қиласи. Шоир сўз ва матн, соз ва оҳанг қатларидаги асрлар нидосига қулоқ тутиб, уни танбур чизиқларига муҳраглан.

Йиллар суронида улуғ сиймолар тақдирига шўролар даври соя солиб келди. Мустақиллик замонаси қадриятларимизга янгидан умрбокийлик баҳшида этмоқда. Комил Хоразмий сиймоси, унинг маънавий мероси ҳам қайтадан янгича нигоҳ билан ҳаққоний ёритилиб, қайтадан баҳоланиб, ўз халқига қайтарилиши керак. Ишонамизки, ўзбек элини қўшиқларга буркаб кетган улуғ зот – Комил Хоразмий ҳазратлари буюк шоир, зарқаламли хаттот, мақомот илми алломаси, зийрак сиёсий арбоб сифатида янги авлодлар эътироф ва эҳтиромига мушиарраф бўлади. Ўз аждодларини севган, эъзозлаган авлодлар эса жаҳон адабиёти айвонида эътибор қозониб, эл ардоғида бўлаверадилар.

МАҚОМЛАРДА АСРЛАР НИДОСИ¹ (Муҳаммад Юсуф Баёний ҳақида икки оғиз сўз)

Мақомот мулки бу аждодларимиз яратиб кетган миллий мумтоз мусиқа илмиётидир. Унинг тарихи, ривожланиш босқичларининг рангоранг иншоси мусиқий рисолалардир. Аждодларимиз мусиқий тафаккурга эга бўлиш комил инсон бўлиб етишишда, юксак маънавият соҳиби бўлишда етакчи ўринни эгалгайди, деб сабоқ берганлар. Шу боисдан аллома боболаримиз асрлар нидосини ўзининг бағрига беркитган мақомлар сирини сидқидилдан ўрганганлар. Улар созлар, оҳанглар дунёсини билиш учун хонадонларида дутор, танбур, фижжак, доира, най, кўшинай, сурнай каби ўнлаб чолғу асбобларини ардоқлаб сақлаганлар, улардаги куй измини, парда жилваларини, усул руқниларини ўрганиб мақомот илмига қалит тоғганлар. Созлардаги инсон руҳи қурдатининг тараннумини танбур чизиқларига муҳраганлар, мусиқий баёзлар ёзганлар.

Сўз ва матн, соз ва оҳанг қатларидаги асрлар нидосига қулоқ тутиб, келажак авлодга мақомот илмини мерос этиб қолдирганлар.

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 30. 04. 2010 йил.

Мұхаммад Юсуфбек Баёний ёзіб қолдирған адабий, тарихий, мусиқи мероснинг ҳар бир сатри күзларга түгіөдір.

Баёний улуғвор фалсафий руҳиятни ўз ғазалларида нафис ифода этган шоир, тарихнавис аллома, зарқаламли хаттот, бир неча тилларни мукаммал билған таржимон, созанда ва мақомшунос олимдір.

Алломанинг шажара вай асарларини ўзбек ва рус тарихчилари жуда күп ўрганғанлар. Адабиётшунос олимлар унинг девонларини ілмий тадқиқ этганлар. 1960 йиллардағे, ақиб Раҳмат Мажидий «Ўзбек адабиёті»нинг 4 жишили 1-китобида шоир ҳақида маълумот беради ва ғазалларидан намуналар келтиради. 1962 йилда эса таниқли адига Сўйима Фаниева, Ҳалима Мухторова Баёний ғазалларидан намуналар түплаб, уни нашрға тайёрлаганлар. Ниҳоят, олимлар Нусратулла Жумаев, Иқболов Адизовалар алломанинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарини ўрганиб нашрдан чиқардилар. Бироқ бу ілмий изланишлар Баёнийнинг күп қырралы ижодини ўрганишда дебочадир.

Ушбу мақолани ёзишга даъват этган нарса Баёнийнинг ота-боболарига хос ілмий салоҳиятга қизиқиши, унинг адабий, тарихий, мусиқи мероси, шахсияти ҳақида замондошлари ёзіб қолдирған хотирашар хусусида сўз юритиш истаги бўлди. Ниҳоят, Баёний суратининг топилиши каби қувончли ҳолатларни азиз газетхонларга етказиш нияти бизни илҳомлантириди.

Баёнийнинг туғилган санаси ҳақида адабий манбаларда турлича маълумотлар ёзилган. Гап шундаки, ҳанузгача Мунис, Оғаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари тўлалигича ўрганилиб, чоп этилмаган. Шу боис, Баёний таржимаи ҳолини унинг асарларида келтирилган маълумотлар асосида, замондошларининг шоир ҳақидаги хотирашарига таяниб тиклаш мумкин.

Баёний ўзининг «Битсин аҳли разолат» шеърида:

Эшиш сўзим фарзандлар,
Кўп меҳрибон дилбандлар.
Ошди ёшим саксондан
Ўзим ҳам чиқдим сондан
Қани, энди кўзда нур,
Белда қувват ҳам путур
Бўлса-ю сафга турсам...

деб ёзади. Шоирнинг бу шеъри 1919 йилда ёзилган бўлиб, кейинчалик 1921 йил март ойида «Хоразм хабарлари» газетасида чоп этилган. Гап шундаки, 1919 йилга келиб, Жунайидхон якка ҳоким бўлиб олган, меҳнаткаш халқ тўрт томондан сиқув остида қолған эди. Биринчи си тожу-тахт учун сиёсий найранг ишлататётган Жунайидхон босқинчи-

лари бўлса, иккинчидан хон амалдорларининг зулми ҳаддан ошган эди. Учинчидан, Чор Россияси мустамлакачилари воҳа бойлигини талаща давом этар, тўртинчидан, Хива тахтини эгаллашга жазм этган «Қизил империя» большевиклари босиб келмоқда эдилар.

Демак, 1919-йилда жаллод ва жосус Жунайидхонга қарши жанг йилларида «Ёшим саксондан ошли», деб ёзган Баёний 1839-1840 йилларда туғилган бўлиб чиқади.

Муҳаммал Юсуф Баёний Хива қатъасидан 7-8 километр узоқда жойлашган Қиёт қишлоғида амирзодалар оиласида таваллуд топди. Унинг отаси Бобоҷонбек араб, форс тилларининг грамматик ва морфологик хусусиятларини чуқур билган тиљшунос, таржимон, мантиқ ва фалсафа илмининг алломаси эди.

Бобоҷонбек 1871 йилда 64 ёшида оламдан ўтади. Бу пайтда Баёний 30 ёшлардан ошган эди. У отаси ҳақида фаҳр билан ёзади: «...ул ҳазрат илми сарф ва илми наҳв ва илми мантиқда ягонаи аср ва илми ҳикматда яктойи даҳр эрдилар ва китоби «Шабистон» ва «Девони Бедил» нинг мағаллақотлари ҳаилида оламоройлари иқдакушод эрди...

Раҳматуллоҳи алайҳ ул-ҳазратдин икки ўғил қолди. Валади иршодлари сарвари атиббо Яхшимуродбекдурлар. Иккиланчиси ушбу фақири ҳақиқири Баёнийким, бу ҳуруф роқимицурман», деб ёзади. («Шажарайи Хоразмшоҳий», 207-бет).

Баёний отасининг таълим-тарбиясини олиб, бир неча тиљларни ўрганди. У араб, форс, турк, рус тилларини мукаммал билганилиги туфайли мадрасада ўқиб юрган кезларидаёқ, луғат тузиш, таржима қилиш иштиёқида бўлди.

Шажарачи алиб Лаффасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржима ҳоллари» асарида ёзишича, Баёний шахмат ўйинида маҳорат кўрсатиб, сарой аҳлини мот қилас экан. У шу даражада хаттотлик илмини ҳам эгаллаган эканки, хушнависликнинг хати қуфий, сулс, шикаста, раийхоний, хати ҳиндий турларини мукаммал эгаллаб, шогирдларига ҳам ўргатган.

Баёний ўз асарларида Мавлоно Дарвеш Аҳмаднинг уч жилдлик «Саҳифул-ахбор», Биноийнинг «Шайбонийнома» ҳамда Табарийнинг «Тарихи Табарий» китобларини ўзбек тилига таржима эттанини ёзади.

Уста таржимон, шажарачи тарихнавис, тенгсиз хаттот, шоир, мақомшунос Муҳаммал Юсуф Баёний ўз даврининг Мунис ва Оғаҳийдан кейинги забардаст алломаси, мамлакатнинг маънавий устуни эди.

Баёнийнинг замондоши шоир ва хаттот Бобоҷон Тарроҳ – Ходим (1878-1971) ундан қирқ ёшларча кичик бўлиб, хон саройида бирга ишлашган. Алломанинг адабиёт оламидаги ўрни, шогирдларига меҳрибонлиги, олийжаноб фазилатлари ҳақида эҳтиром билан ёзади.

Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодим қўлимиздаги «Хоразм шоир ва навозандалари» китобидаги: «...Муҳаммад Юсуфбекнинг илмий даражаси ниҳоятда юксак эди. Мактаб, мадраса таълимотидан ташқари Хоразм олимларидан кўп ўрганди. Кўп китобларни таржима қилди. Шоирликда биринчи ўринда туради. Табиблиқдан, соз илмидан ҳам олим эди. Хоразм олти ярим мақомини тўлиқ биларди. Ўта саҳий инсон бўлиб, уйида барча чолғу созларидан икки-учта нусха сақларди. Унинг ҳовлисида соз бўлмаган кечанинг ўзи йўқ эди», деб хотирлайди.

Шоир Лаффасий ҳам Баёний тўғрисида «... танбур, гижжакка муорибатлиғ уста бўладир» деб ёзди.

Дарвоҷе, Баёний тарихнавис аллома, шоир ва зарқаламли хаттот, таржимон бўлиш билан бирга Хоразм олти ярим мақоминиnota чизикларига кўчириб китоб ҳолига келтирган санъаткордир. Бу соҳада у Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Худойберган Муҳркан, Муҳаммад Ёқуб Ҳаррот, Ниёзийлар билан ижодий ҳамкорликда ишлаб, келажак авлодга мақом дурдоналарини ўз дастхати билан ёзиб қолдирган.

Баёнийнинг Янгиариқ туманидаги Шаравот қишлоғида истиқомат қиласёттандан невараси қўлида сақданаётган бу «Танбур чизиги» китобининг ахтариб топилиш тарихи, уни ҳозирги нотага ўтказиш жараёнининг йигирма йиллик машаққатлари ҳақида ёзган шоир ва драматург Комил Авазнинг «Олис оҳанглар» китобидан ўқиб фахр ва ифтихор туйгуларига тўлдик.

Баёнийнинг моҳир созанда, мақомот илмининг айлomasи эканлиги тўғрисида ёзган замондошлари Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодим ва Лаффасий хотиралари не чоғлиқ тўғри эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Баёний қадрдан дўсти Муҳаммад Расул Мирзабоши ҳақида ўзининг асарларида чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ёзди. Мирзо тахаллуси билан ғазаллар битган бу шоир ғазалиёт ва мақомот илмининг бобокалони Комил Хоразмийнинг ўғлидир. Баёнийнинг ёзишича, Мирзо «Танбур чизиги» китобини 1300-ҳижрий (1883-мил.) йилда ёзиб тутагтган. Баёний эса бу китобнинг абадий сақланишини истаб, ҳижрий 1338 йилда (1920 йил милодий) ундан нусха қўчирган.

Ўзбек халқининг асрлар қаъридаги олис нидоларини созларга қўчирган, мақомот илмига асос соглан Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо ҳақида Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодим «Хоразм шоир ва навозандалари» китобидаги шундай дейди: «...Комил Хоразмий хонлиқ вазифаси билан Россияга борғон вақтда рус бастакорлари билан учрашади. Улардан нота илмини ўрганиб қайтади. Ўн икки мақомни олти мақомга таркиб бериб ёзди. Муҳаммад Расул Мирзабоши отаси ёзган бу китобни қайтадан кўриб чиқиб, олти мақом нотасига ярим мақом нота қўшиб,

мақом китобини ёзди. Бу ицла ўзига ёрдамчи қилиб Худойберган Мұхркан девон, Мұхаммад Ёқуб Харрот девоніларни олади. Мұхаммад Расул Мирзабоши ўзидан «Мусаббаба» деган бир мақом куйи ташкил қиласы. Худойберган Мұхркан девон ҳам «Сақил» деган күйни ижод қиласы. Бу түғрида шоир Мирзо дүсті Худойберган Мұхркан девонга ҳазил тарикасида шеър била хитоб қилиб айтади:

Мирзо «Мусаббаба»ини уфори била чолур
Сан даги чол «Сақил»инг девон Мұхркани...

Баёний Хоразм олти ярим мақомининг пайю бўлиши жараёнларида фидой-ишик қўрсатиб, уни бутунти авлодларга тўлиқ етиб боришини тъминишаш мақсадида дўстларининг «Танбур чизиги» китобини ўздаст-хати билан кўчирган эди.

Баёний Қиёт қишлоғида акаси машхур табиб Яхшимуродбек билан бир ҳовлида яшар эди. Саройда ишлари кўтлигидан Патрак деган жойга кўчиб келади. Патрак «Деишон» қалъада, Нуруллабой саройининг тепароғида жойлашган Султонобод мавзеси бўлиб, биринчи ўзбек фото ва кинематографи Худойберган Девонов билан ён қўшни эди. Бу ер «Илон» қалъадаги Кўхна Аркка яқин эди. У жуда камбағал яшар, шеъриятни, илмиёт ва мақомотни ҳамма нарсадан устун қўярди. Хоразм шоҳлари тарихини ёзиб, ўзидан ёдгор қолдиришга киришганида етмиш икки ёшларига бориб қолтган эди. Баёний бу даврдаги ўз ҳолатини тасвиirlаб «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида: «...Факир агарчи илтифоти шоҳондин хурсанд бўлдим, аммо, бебизоатлигим (яъни камбағаллигим) сабабидин андишаманд эрдиким, бу қиллати иститаот (яъни куч-куватим озлиги туфайли) била мундоғ улуғ хизматга оё не навъ илик ура олурман»..., деб Оллоҳга илтижо этади.

Иқтидорли аллома не-не азоб-уқубатларга чидаб келажақдаги авлодларга бобо тарих воқеаларини етказиш учун «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарини ёзиб тутатади.

Бу асар 16 бобдан иборат бўлиб, маънавий бойлигимизнинг олтин хазинасилир.

Дунё воқеаларидан ҳамиша хабардор, юксак сиёсий руҳият соҳиби Баёний чор Россияси босқинчиларининг Хоразмга тўрт томондан ёприлиб келаётганини қадамма-қадам ҳужжатли ҳикоя этади.

Аллома тасвиридаги Мангит туманинаги қирғин тарихда кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган воқеаларнинг баёнидир. У ерда ёши катталардан ташқари бешикларга белангтан чақалоқларгача отиб ташлангани, ҳатто итлар, эшакларгача қирилгани ва шаҳарни ўтга берилгани манзарасини ўқиб ҳайратдан кўзлардаги ёшимиз тош бўлиб қотиб қолади. Айниқса, кўрқувдан уйларини, эндиғина бошоқлаган буғдойзорларини, мевага

кирган боғларини ташлаб, Қорақүм бағрига қочиб бораётган туркман оиласарини, уларни ўлимга маҳкум этган генерал Кауфман армияси жаллодларини одилона тасвирлайды.

Баёний салоҳиятидаги ватанни севиш, унинг ҳар бир гӯшасини ёл билиш, кўзларга тўтиё этиш ҳиссияти олдида бош эгамиз.

Тарихий воқеаларни баён қиласар экан, аллома юрагидаги армонларни бишиб оламиз. У ҳар бир жант майдонини тасвирлаб хоразмлик ватан ҳимоячиларининг эскирган ўқ-дорилари душман устига етиб бормайдур, деб ўзининг мустақил армиясига эга бўлмаган хонликнинг яроқсиз қурол-аслаҳасидан нолиди. Мустамлакачиларга қарши курашда ўзбек, туркман, қорақалпок элатлари бир тан, бир жон бўлиб курашсалар эди, сотқинлар, жосуслар чақимчилар бўлмаганиларида эди Хоразм енгилмасди, деб армон қиласди.

Баёнийнинг тарихий асарлари фақат ўзбек ҳалқинингина эмас, балки барча Ўрта Осиё ҳалқларининг чор Россияси мустамлакаси асоратига тушиб қолганлиги ҳақидаги ҳаққоний асардир.

Ишонамизки, истиқлол ёшлиари «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарини ўқиб, ўнлаб илмий мақолалар, кўп жилдли китоблар ижод этадилар.

Баёний бадиий юксак, сиёсий жиҳатдан ўтқир шеърлар битган файласуф шоирдир. У аруз вазни санъатини, унинг барча баҳрлари, қоғия илмини мукаммал эгаллади. Шарқ мумтоз адабиёти намоённадалари Навоий, Фузулий, Бедил, Мунис ва Оғаҳий ғазалларига муҳаммаслар боғлади. Арузнинг деярли барча жанрларида: ғазал, муҳаммас, мусаддас, қасида, мусабба, таржибанд, маснавий, рубоий, баҳри тавил, таърих ёзиш каби турларида ижод этганки, бу алоҳида илмий таҳдиллар, янгича нигоҳли истиқлолий шарофатли илмий ишларни кутиб ётади.

Баёний ғазалларида юксак маънавият соҳиби, ҳаёт ошиғи, севгига содиқ инсон образи яққол кўриниб туради.

Субҳдин кун ботқуча ғам ҳайлидин ман поймол,
Шомдин тонг отқучча андуҳдин бедорман.
Бўйла субҳим шомға етгуси, шомим субҳга,
Субҳу шом ушбу ғаму қайғу била беморман.

(Баёний. Ғазаллар. Тошкент, 1962-й. 61-бет).

Баёний ғазаллари содда, мусиқийдир. Шу боис ҳофизлар мақом шўйбаларига унинг кўп ғазалларини танлағанлар.

Баёний инсоннинг гўзал ҳис-туйғуларини, ҳаёт маъно-мазмунини ҳар қандай лавозимлар, тожу-тактлардан устун қўяди.

*Гарчи Баёний беклар ичра әрүр бо иззу жоҳ,
Лек ул малоҳат кишивари шоҳига бўлмииш қул бугун.*

(Ўша китоб, 59-бет).

Баёний донишманд шоир. Ўзи яшаб ижод этаётган тузумнинг жабр-зулм кишанлари, асрий қуллик асоратининг шафқатсиз занжирлари инсонни ўраб олган, унинг эркинлигини поймол этган эди. Халқнинг эрки, ихтиёри ўзгалар қўлида бўлиб, эл-юргут туткунлиқда яшарди:

*Чархи ситетмгар не зафар топғусидир билмон они,
Гар бир замон мен зорнинг ағғони зорим бўлмаса.
Ишқин, Баёний, носиҳо, не навъ тарк этгусидир,
Илгимда бир иш этгали гар ихтиёрим бўлмаса.*

— деб ҳаёт ҳақиқатини ёзади.

Баёний бутун умри давомида қанчадан-қанча хонларни, дунёни ларзага келтирган тарихий воқеаларни ўз кўзи билан кўрди. Айниқса, 1873 йилда Хивага тўрт томондан лашкар торгиб келган чор Россиясининг жаллод генералларининг қирғинбарот урушини ўз бошидан кечирди. Ўша йили у Шерғозиҳон мадрасасини аллақачон тутатиб, 34-35 ёшларида ижод оғушида яшарди. Энг муҳими, Хива хонлиги мустамлака асоратига тушгач, халқ фарёди, файри дин кишилари олдида тиз чўкиб яшаш унинг кўзини очди, ижодига курашчан руҳ, қулликка, истибоддга, жабр-зулмга қарши кўтарилиш эҳтиёжини, исенкорликни олиб кирди. Рус тилини мукаммал ўрганишга киришди. Россияяда, жаҳон майдонида бўлаётган барча воқеалардан огоҳ бўлди. Адабиёт оллида ўз халқнинг озод тақдиди утун кураш вазифаси турганини англади. Она юргу тупроғидан мустамлакачиларни ҳайдаб чиқариш, халқнинг мажруҳ вужудига зиё олиб кириш, яраланган кўнгилларга истиқдол руҳини сингдирис лозимлигини тушуниб етди.

Халқ дардини сўйлаші, инсоннинг саодатли, ёруғ кунларга интилишини куйлаш шоир қалбининг, адабиётнинг бош мезони эканлигига содик қолди. У «Аҳли ашъорга» шеърида:

*«...Виғосиз ёр дардидা,
Беҳад ағғон чекмоқлик,
Тирикликда ўлмоқлик,
Бу асло шоирликмас!
Элни курашга чорланг,
Маърифат сори йўлланг,*

*Жабҳалардан сўз сўзланг,
Фидойиларни куйланг!
Шоирнинг ифтихори
Шоир баҳти шундадир!*

— деб ёзди.

Баёний мустакамлакачиларга қарши эзилған меҳнаткашларнинг стилиб келаётган ижтимоий онги инъикоси бўлмиш янги адабиёт, кураничан шеърият асосчиси сифатида инқилобий жантлар майдонига отилиб чиқди. Давр тарихий ҳодисаларини зийраклик билан кузатиб борди. Хонлик тузумининг қулиқ занжирларини парчалаб ташлашга чорлади. Тўхтовсиз равишда янгилик сари ўзгариб бораётган замонни тасвирлаш учун янги, илдам, ўт чақнаган сатрларни ёзиш учун бармоқ вазнини танлади. Хоразмнинг уйғониш даври алабиётида Баёний барча шеърларини биринчи бўлиб бармоқ вазнида ёзди. Айниқса ёшларга қаратада ёзган шеърларида келажак баҳти, юрт истиқболи «баҳодирликда, ақл ва илм нурила», деб васият этди. Шу боисдан уйғониб келаётган янги, юксак маънавий оқим — жадидлар ҳаракатини чин дилдан қўллаб-куватлади. Табиатан сиёсий ўтқир тафаккурга эга Баёний рус императори Николай, жаллод Жунаидхон, Исфандиёрхонларга қаратада қўрқмасдан кўплаб ҳажвий шеърлар ёздики, унинг исёнкор иходи алоҳида илмий изланишларни талаб этади.

*Николай Жабуния ҳарбин билиб ўзга аҳам,
Сурди ул ёнга мамолик хайлини зору дижсан,
Мулкига вусъат берурға гўшиши айлаб дам-бадам
Мулки кўп бўлса онга бас, эл қирилғандин не ғам?
Мустабидлар жавридин бехонумон ўлди жаҳон.*

*Этди бир ёндин ямут торожжу яғмо ошкор.
Хонда йўқ бу ҳолдин бир заррача номусу ор,
Бас бу, бирёндик қўлир жавру ситам лайлу наҳор
Йиғлабон деди Баёний раҳм эт парвардигор,
Мустабидлар жавридин бехонумон ўлди жаҳон.*

Баёнийнинг бу мухаммаси биринчи жаҳон уруши келтириб чиқарган вайронагарчилкларга багишлаб ёзилған бўлиб, кейинчалик 1920 йилда «Югурмия» тўйламида босилиб чиққан эди. Иқтидорли шоир жаҳон миқёсидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида кенг фикр юритади. Биринчи жаҳон уруши, унда иштирок этган Россия, Германия, Япония, Англия, АҚШ, Италия мамлакатларининг жаҳонни бўлишиб олиш каби ёвуз ниятларини фош этади. Айниқса, ўз срини янада кен-

гайтириш учун ўзгалар юртини босиб олаётган рус императори Николайнинг мустамлакачилик сиёсатини қоралайди. Сиёсий памфлет дара-жасига кўтарилиган 35 мисрадан иборат бу мухаммасда мамлакатлараро тинимсиз урушлар, Хива хонлигига ҳукм сурэйтган жабр-зулм. Жунаидхон босқинлари натижасида очлик, қашшоқлик бошланиб кетганидан надомат чекади. Мустабидларнинг жаҳон миқёсидағи жабр-зулмини ўтириш сатира остига олади.

Баёнийнинг сиёсий лирикаси эзилган ҳалқ билан ҳамнафас, ҳозиржавоб шеъриятдир. Замондошлари айтганидай, шоир йўғониш даври Хоразм адабиёти сардоридир. Уларнинг асосий мақсади миллатнинг ўзлигини сақлаб қолини учун ҳалқни уйғотиш, курашга чорлаш эди.

Баёний бутун умри давомида адабиёт майдонига жуда кўп зарқалам хаттотлар, нафосатли ғазаллар битган шоирлар авлодини тарбиялаб, етказиб берди. Улар Табибий (1869-1911), Аваз (1884-1919), Чокар (1889-1952), Комилжон Девоний (1887-1938), Партаў (1904-1956) каби шоирлардир. Баёний ва унинг машхур табиб акаси Яхшиумуродбеклар хонадони бу шогирллар учун доимо очиқ эди. Улар сафида Баёнийнинг ўғли Мұхаммад Аминбек ҳам бор эди. Уларнинг барни мадрасаларда бирга ўқиб Баёнийдан аruz вазни санъатини, ҳусниятнинг барча турларини, шунингдек табиблиқ, рамал солиши илмини ўргандилар. Мұхаммад Аминбек фото ва кино санъатига қызықиб, Худойберган Девонов билан бирга ишлади.

Энди Баёнийнинг сурати ҳақида икки оғиз сўз. 1960-1965 йиллар эди. Шоир ва хаттот Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодим ўзининг «Хоразм шоир ва навозандалари» хотира китобини ёзишга ҳозирлик кўрарди. У ўзи яшаб ижод этган адабий муҳитдаги 31 нафар шоирлар ҳақида материал тўплади. Хива тарихий музейи ходимлари ва кекса фотосуратчилар ёрдамида Баёний ва жуда кўп қаламкашларнинг суратларини толиб олган эди. Ушбу фотосуратни биринчи бор газетхонларга ҳадя этамиз.¹

Баёний узоқ ва самарали ҳаёт кечирди. У замондошларининг хотирлашича, 1923 йилнинг 26 апрелида 83 ёшдан ошиб Хивада оламдан ўтди. Бутун умри давомида ўзбек тупроғини мустамлакачилардан тозалаш, хонлик зулми кишиланларини парчалаш ва ўз ҳалқини озод, баҳтиёр кўришни орзу этиб яшади. Ана шу эзгу-ният йўлида курашди ва ижод этди. Бугунги кунда мустақиллик қўёши бошимиз узра нур сочиб турибди. Истиқлол нашидасини тотиб яшаяпмиз. Бу кунларга этиб кела олмаган истиқлол қаҳрамонлари қаторидан ўрин олган Баёний бобомизнинг руҳи покларини ҳамиша ёд этамиз.

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 30.04.2010 йил, № 18 (4053)

НИЁЗИЙ – ОТАНИЁЗОВНИНГ ОТАСИ

Шоир, хаттот ва мударрис¹

Боболаримиз меросига янгича нигоҳ билан қараб баҳо бериш имконияти, сўз эркинлиги ҳаётимизга истиқлол нурлари билан кириб келди. Зеро, Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи – Феруз (1864-1910) даври адабиёти намояндалари ҳаёти ва ижоди мустабид шўро ҳукмронлиги даврида минг бир ҳадик билан ўрганилар эди. Эндилиқда, Баёний, Лаффасий, Бобожон Тарроҳ – Ходим тазкираларини, шарқона маънавият, адабиёт ва санъатни тожу-тахтдан устун қўйган Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи – Феруз шахсияти ҳақидаги хотираларини ўқиб ҳайратланмоқдамиз.

Ўн тўқиз ёшидаёқ таҳтга ўтирган Феруз ниҳоятда хуисурат, шоирона кайфияти жўш уриб турган йигит бўлган экан. Огаҳий ёш шоҳзоданинг мумтоз ғазалилар ўқиб, қаттиқ таъсирангандаригини кўп ёзган. Тарихнавис, шоир Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» номли асарила уни сарой атрофига сал кам қирқ нафар қаламкашни тўплаб, уларга ҳомийлик қилганини ёзган. Хаттот ва шоир Бобожон Тарроҳ – Ходим Феруз ҳузурида 1900-1910 йиллар мобайнида хизматда бўлган. Унинг кўчириб ёзган қўлёзма баёзлари ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади. Бу хаттот саройнинг ички ҳаётини ўз кўзи билан кўрган, ўша давр шоирларини яхши билган. Умрининг охирида «Хоразм шоир ва навозандлари» номли хотира китобини ёзив, унда ўтгиз бир нафар шоир ҳақида ҳикоя қилган. Қулимиздаги ушбу қўлёзмани синчилаб ўрганиш жараённада Отаниёз охун Ниёзий ҳақида ноёб бир ҳужжат топилди. Бу нодир «Шаҳодатнома» шоир ва аллома Отаниёз охун Хўжаниёз ўғли Ниёзийнинг 1922 йил 18 июнда Муҳаммад Раҳимхоннинг Кўхна Арк олдидаги мадрасасига мударрис қилиб тайинлангани ҳақидадир.

Ўша даврда маориф-маданият нозирлигида авқоф шубъбаси мудири бўлиб Муҳаммад Юсуф Баёний ишлаган экан. Саркотиблик лавозими ни эса Чокар – Муҳаммад Юсуф Харрот бошқарган. Улар мактаб-маориф таълимини янгича дастурда ўқитишни ишлаб чиққанлар. Қулимиздаги ҳужжатда уларнинг имзоси турибди. Бу ҳужжат муҳрида яна бир истеъдолли шоир Комил Девонийнинг қалб ҳарорати, кўз нурлари бор. Чунки муҳр эскизини у чизган ва муҳрни ясаган.

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 13.02.2009 йил.

Бундан саксон олти йил муқалдам битилган ушбу «Шаҳодатнома» да ёзилишича, Отаниёз охун 1850 йил март ойида туғилган. Мұхаммад Раҳимхон Иккінчи – Феруз мадрасасига охун этиб тайинланған. Бу мадраса 1872 йил қурилған бўлиб, унда 76 ҳужра мавжуд. Ниёзий мадрасада иш бошлаганида 72 ёшлиардан ошган бўлиб, ўқиш жараёнини янги тизим асосида ташкил этган экан.

Отаниёз охун Ниёзий Ҳужаниёз ўғли Ўзбекистон халқ артисти Ко-милжон Отаниёзовнинг отасидир. Ҳужаниёз эса Бобониёз охуннинг ўғли бўлиб, Хива хонлигининг Шоҳобод (Шовот) ҳудудидаги Бўйрачи қишлоғида яшаган. Ўз томорқасида етиштирган ҳосил билан кун кечирган. Бирор адабиёт ва санъатта ихлоси баланд бўлган.

Отаниёз охун қўлимиздаги ҳужкатда 1850 йил март ойида туғилган, деб кўрсатилган. Адабий манбаларда эса, у 1844 йили таваллуд топган, деб ёзилади. Унинг бобоси Бобониёз охун замонасининг саводхон қишиларидан бўлган. Зеро, охун мақомини олганлар бир неча тилни мукаммал билганлар. Қуръони каримни пухта ўзлаштириб, ислом динининг боқий порлоқ нурларини инсонлар қалбига олиб кира олувчи олимлар бўлишган.

Бобониёз охуннинг обрў-эътибори Хивада ҳам салмоқли бўлганидан невараси Отаниёзни мактабни тугаллагач, Хива мадрасаларидан бирига ўрнаштирган. Ўша пайтда иқтидорли шоир, хаттот Комил Хоразмий Феруз топшириғи билан жуда кўп бўлгуси шоир ва хаттотларга ёрдам берган. Сўзиз, Комил Хоразмий, Отаниёз охун Ниёзийнинг ҳам устозидир. Зотан, Ниёзий Комил Хоразмий ҳамда унинг ўғли иқтидорли шоир ва хаттот Матрасулбой – Мирзо билан Феруз топшириғига кўра, Хоразм мақомларини нотага тушириб, китобот қилишгани бежиз эмас. Дарҳақиқат, Отаниёз охун Ниёзий мадрасада турли мисол ва масалаларни счишга, яъни математикага ҳам қизиқкан. Хоразм мақомларини ноталаштиришда мусиқий ритмикани, оҳанглар зарбини ҳисоблашда унинг математик тафаккури қўл келган.

Отаниёз охун Ниёзийнинг тил ўрганиш қобилиятини ҳамда хаттолик ва китобот илмининг ўта мураккаб турларини, нозик қирраларини пухта билишини инобатга олган Мұхаммад Раҳимхон унинг тарбиясига алоҳида эътибор беради. Бу тўғрида Лаффасий «Хива шоир ва адабиёт-чиларининг таржимаи ҳоллари» номли асарида шундай ёзади: «Феруз Мұхаммад Раҳимхон Ниёзийнинг бул тариқа хушхатлигини эшишиб, они имтиҳон қилғон. Ниёзийни Хива давлат девонхонасиға биринчи котиблиғ вазифасига тайин қилғони билан Абдуллахон мадрасасига ҳам мударрислик қилодур». У саройда кўп китобларни кўчириб ёзади, араб ва форс тилларидан таржималар қиласиди, тинмай билимини ошириб, охун мақомига кўтарилади. Бу ҳақда Бобожон Тарроҳ – Ходим «Хоразм

шоир ва навозандалари» номли хотира китобида ёзди: «Отаниёз охун Бобониёз охуннинг невараси бўлиб, Ниёзий тахалтуси билан ғазаллар ёзган. Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи даврида Хива шаҳрининг ичидаги Абдуллахон мадрасасига мударрис эди.

Отаниёз охун етти илмга эга эди:

1. Мадраса таълимини биринчи ўринда битказган.
2. Араб, форсий тиллари илмини ҳам яхши билган.
3. Ҳаттотликни яхши ўзлаштирган.
4. Масала ёзиша математик олим бўлган.

5. Мусиқашуносликни яхши эгаллагани учун Комил Хоразмийнинг вафотидан кейин катта ўғли Муҳаммад Расул отасининг олти маҳомига ярим маҳом қўшғон вақтда Отаниёз охун ҳам бу саъй-ҳаракатта ўз ҳиссасини қўшган.

6. Отаниёз охун шоирликда биринчи ўринда туради.

7. Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи даврида русча девонхонада девонлик мансабида бўлиб, русчани ҳам озроқ билар эди».

Русча девонхона ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, 1873 йили ота макони чор Россияси босқинчиларига мустамлака бўлган Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи рус тилидаги барча саволларга таржимон орқали жавоб қайтаради. У ўша даҳшатли Гандумкон шартномасига кўл қўйган кезлардаёқ рус тилини ўзи ва аёnlари мукаммал билиши лозимлигини тушунади. Лафжасийнинг ёзишича, татар мулла Рамазон Сайдиев, рус рассоми Дмитриев – Кавказскийларнинг ёзишича эса Г. Бараповский хон оиласи ва сарой аҳлига рус тилини ўргатганлар. Муҳаммад Раҳимхон сарой қошида биринчи бўлиб, 1887 йилдаёқ рус мактабини очган. Орадан сал вақт ўтиб, сарой қошида русча девонхона ташкил этилиб, унга Отаниёз охун Ниёзий бошчилик қилади.

Гап шундаки, Ниёзий 1873 йилда Хоразмга тўрт томондан бостириб келган рус мустамлакачиларининг ўз кўзи билан кўрган. Ўшанда у 23 яшар йигит эди. Босқинчи генерал Кауфман 28-29 май кунлари Хивани тўпга тутганида ёш шоир Хивада истиқомат қилар эди.

Ўша баҳтсиз кунни инглиз ёзувчиси Мак Гахан «Оксусдаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг қулаши» номли китобида зўр ифтихор билан ёзди: «Биз Хива шаҳрига кира бошладик. Бошларимиз узра байроқлар баланд кўтарилиган эди. Оренбург ҳарбий оркестри композитор Жуковскийнинг «Оллоҳим, подшоҳни асра» деган рус ҳалқ гимнини ижро этиб борарди...

Биз ҳаммамиз Кўҳна Арк дарвозаси зинапоясидан кўтарилиб ичкарига кира бошладик: Генерал Кауфман, генерал Головачёв, улуғ княз Николай Константинович, княз Лейхтенбергский (бу князлар император Николай Биринчининг неварадаридир. Муаллифлар, штаб зобитла-

ри ва бошқа ҳарбийлар... Бу вақтда ҳарбий оркестр турли пъесаларни ижро этиб турарди. Шодиёнага тұлған русларнинг ғолибона хайқириқлари бутун саройга тараңды...»

Мадрасаны эндигина тұгаттан ёш шоир Ниёзий босқынчилар ғалабасини, Хива күчаларыда қора қонға беланиб ётган ватан ҳимоячиларини күрган. Ұша йили Оғажий ҳам ҳаёт эди. Мустамлакачилар унинг Қиёт қишлоғини ҳам бомбардимон қилишади. Халқ бошига тушган мисли күрилмаган күлфатни кекса Оғажий күтара олмай, оламдан үтади. Генерал Кауфман топшириғига биноан, мустамлакачи генераллардан бири Головачев Күхна Аркдаги сандиқ-сандиқ бойликларни талайды. Бу ҳақда Баёний «Шажарайи Хоразмшохий» китобида шундай ёзади: «Галава-коф хазинани очдуруб хазинага кирди, бир сандали бор эрди... Яна бир неча темур орча (темир сандиқ-А.О.) күрдилар... бирининг ичи тұла тантада эрди. Яна бир зинпұш күрдилар. Олтун ва зумуррад билан мұрасасъ эрди... олтун чопулғон улуғ милтуқлар бор эрди...»

Яна бир үйда уч юз мужаллад ёзма музайян китоблар бор эрди ва чоройнаву совутлар... ҳаммаси Петербургға юборилди.» (Баёний, «Шажарайи Хоразмшохий», Тошкент, 1991).

Күхна Арк бойлиги талон-тарож этилгач, Мұхаммад Раҳимхон Иккінчи маънавиятни қайта тиклаш, Хоразмшохлар кутубхонасини қайта тұлатышта киришади. Алабиёт ва санъатни, маориф ва маданиятни юксакка күтаришни давлат сиёсати даражасига олиб чиқади. Саройға тұғланған сал кам 40 нафар шоирларға ҳомијлик қиласы. Уларнинг сардорларидан бири Ниёзий аruz вазни илмини мукаммал әгаллайды. Унинг замондошлари Баёний, Мирзо, Табибий, Аваз, Чокар, Рогиб, Ходим ва Надим тахаллуси билан шеърлар ижод этадилар, хаттотлик ва китоб-итлікни юксак даражада ривожлантирадилар. Натижада бу зарқалам соҳиблари ёзған юзлаб баёзлар, таржима асарлари, шеърий девонилар бүм-бүш булиб қолған Хоразмшохлар кутубхонасини қайта бойитади. Уларнинг ғазаллары ұша даврнинг энг ноёб китоби бўлмиш «Мажмуат-уш-шуаро» тұпламидан жой олган.

Ниёзий ижодини ўрганған иқтидорли адіба Э. Иброҳимова шоирнинг ўз дастхати билан тузилған девони ҳамда Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидағи яна иккита девонини аниқлади ва 1982 йили Ниёзий ғазалларини нашрға тайёрлади.

Дарвоқе, шоир, хаттот, мударрис Ниёзий ижодида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий маънавий ҳаёт яқдол акс этган. Ниёзий тенгсиз хаттот бўлгани шундан ҳам маълумки, у Мұхаммад Раҳим Иккінчи – Феруз бошчилигида тузилған «Мажмуат-уш-шуаро»нинг литографик нұхасини ўз дастхати билан тайёрлаган. Айни пайтда, аruz вазнининг барча жанрларыда ижод эттан.

Ниёзий ғазалларида ўзи яшаб турган мұхитни «ғамхона», дәя тав-сифлайды. Зоро, чор Россияси Хива хонлигини забт этгач, оддий меҳнаткаш халқ уч тарафлама: ҳам хон амалдорлари, ҳам рус амалдорлари, ҳам элни саводсизликда тутиб турган дин пешволари томонидан әзилған. Шу боис Ниёзий үз ғазалларида вайрона ҳаёт манзарапарини шундай чизади:

*Жаҳон айвони, әй дил, бир құхан кошона әрмишдур,
Умид этмак анинг ободини вайрона әрмишдур...
Ниёзий, даҳри дундин айшу роҳат топтотунг ҳарғиз
Эмас мүмкін, буни бил, балки бир ғамхона әрмишдур.*

Ниёзий оғир ижтимоий турмуш шароитида инсонпарварлық, маърифатпарварлық байроғини баланд күтаратди. Эзилған кишилар бошини силаш Каъбайи мукаррамани обод қилишга киришиш билан баробар дейди:

*Бир шикаста дилни ул кимса сарафroz айлади,
Билгил они Каъба ободига оғоз айлади...*

У яна бир ғазалида маҳбубасини ҳаёт чорраҳаларидаги аёвсиз кўргулардан, ҳазонрез тӯфонлардан огоҳ бўлишга ундаиди:

*Маҳвашо, ҳуснинг гули бир неча кун хандон эзур,
Қадрини бил эскуча боди ҳазон меҳмон эзур.*

Йиллар ўтиб, Ниёзий замонасининг пешқадам шоиrlари шоҳсупасига кўтарилади. Саройда ишлаш, ижод қилиш билан биргаликда ёрқин фикрли хаттотлар, зарқалам соҳибларининг янги авлодини тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади. Муҳаммал Раҳимхон Иккинчи – Феруз оламдан ўтгач, унинг ўрнига ўтирган ноқобил фарзанд Исфандиёрхон отаси гуллатган маънавият боғларини пайҳон этади. Кўп ўтмай қонли, суронли 1920 йилнинг ўқ ва замбараклар ёмғири остида давлат тепасига «Ёш хиваликлар» чиқади. Бу ташкилот бошида хивалик Мулла Жуманиёз Султонмуродов, Полвон ҳожи Юсупов, гурланлик Бобо охун Салим охун ўғли, Кўҳна Урганчдан Машриқлар қавми вакили мулла Ўроз Ҳожимамедовлар бор эди. Баёний, Ниёзий, Чокар, Мутриб, Ходим, Комил Девоний каби ўнлаб эркесвар шоиrlар, бу ҳаракат томонга ўтадилар. Оддий меҳнаткаш халқнинг тинч, озод, баҳтли яшашини орзу қилған Ниёзий ҳам ёши ўтиб қолганига қарамай, янги турмуш курашибилари сафига қўшилади, ёш шоиrlар, хаттотларнинг янги авлодини тарбиялашга ҳисса қўшади. Бироқ узоқ-узоқларни кўра олган Отаниёз Охун Ниёзий «Ёш Хиваликлар» нинг ашаддий душмани, миллатнинг

озод ва эркин турмушининг тўркови – бу «Қизил империя» эканлигиги ни ҳаммадан олдин тушиниб етади. Хивани иккинчи марта босиб олган қонхўр шўролар ҳукумати олчоқларининг гуноҳсиз ватанпарвар, тараққийпарвар зиёлиларни отиб, осиб ўлдиришни бошлаб юборганиликларини ўз кўзи билан кўради. Халқ бошига тушган бу шўришларга чидам бера олмай, Хивани тарқ этиб Бўйрочи қишлоғига қайтади. Умрининг охиригача деҳқончилик билан, ижод билан шуғулланади.

У 1928 йили ўз қишлоғида оламдан ўтади.

Дарҳақиқат, Отаниёз охун Ниёзийнинг ўғли Комилжон Отаниёзов истеъодининг сарчашмаси ниҳоятда бакувват бўлган. Ҳофиз бир минита якин қўшиқнинг матнини, оҳангини ёд билган, дейишади. Бироқ мустабид шўролар замонида Комилжон Отаниёзов шоир ва аллома отаси ҳақида фахрланиб ганиролган эмас. Унинг ғазалларига, мухаммасларига басталган қўшиқларини ота меҳрига тўлиб-тошиб куйлай олмаган.

Мустабид тузум мафкураси боболаримиз мероси, улуғ қадриятларимиз салоҳиятидан, илҳомбахш хазинасидан баҳраманд бўлишимизни чеклаб келган эди.

Янги авюод – истиқлол даври ёшлари Отаниёз охун Ниёзий ғазалиётти, таржималари, ластхатларини чукур ўрганадилар. Эркин фикрлаб, тарихимизга, алломаларимиз ҳаётси ва ижодига янгича нигоҳ билан ёндошиб, таҳлил этиб, кўп жилдли китоблар ижод қиласидилар. Зоро, бугунги кунда қадриятларимизга иккинчи умр баҳш этиши учун барча имконият ва шарт-шароитлар мавжуд.

ГАП ФАЗАЛДА ЭДИМИ?¹

Ҳар гал Тошкентнинг Юнусобод туманидаги «Қатагон қурбонлари хотираси» музейига зиёратга борар эканман, кўз ёшларимни тиёлмайман... Қишин-ёзин ям-яшил либосга бурканиб, гуллаб-гуркираб турган бу хиёбонга боқиб, унинг кеча-ю кундуз порлаб турган чироқлари ёғусини кўриб, кўнглим фараҳ топгандай бўлса-да, кўз олдимга шаҳидлар келаверади... Зинапояма-зинапоя пастга тушиб, ҳар бир дарахт оллида туриб зиёрат қиласман ва шаҳидлар руҳига тиловат этаман. Бугунги озод ва обод истиқлолимиз учун курашган ота-боболаримиз руҳи покларига таъзим бажо келтираман.

Ўзбек халқи маънавиятининг устунлари қони тўкилган шу «баҳтсиз жарлик»ни чаманга айлантирган Юртбоцимиз Ислом Каримовнинг хайрли ишларини кўриб фахрланаман. Бу фахр-иiftixorдан илҳомланиб, улуғ боболаримиз ҳақида ёзиш баҳтига мусассар бўлганимдан севинаман.

¹ «Ўзбекисто адабиёти ва санъати» газетаси 01. 05. 2009 й.

Қўлимда 1938 йили қамоқхонада вафот этган шоир, хаттот, мұхркан Комилжон Девоний ва қариган чогида узоқ ўлқадаги турмаларда умри хазон бўлган шоир ва бастакор Сафо Муғанийларнинг суратлари... Кўнглимда эса, шаҳид кетган бу шоирлар хотирасини музейларда абадийлаштириш, бутунги баҳтли ёшлиар қалбига улар навосини етказиши истаги бор. Шу боис, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг жонкуярларидан бири, таниқли адаб, профессор Наим Каримовга учрашиб, устозга бу суратларни тақдим этдим ва айрим саволлар билан мурожаат қилдим.

— Хурматли домла, узр, саволимни бироз узокроқдан бопшамоқчиман. Үзингизга мълум, Комилжон Девоний Хоразм тарихида машхур бўлган мұхрканлар оиласида 1887 йилда Хиванинг Сангар қишлоғида туғилган. У Исмоил девонининг ўғли бўлган. Исмоил девонининг акаси Худойберган мұхркан Мұҳаммад Раҳимхон Иккинчи — Феруз саройида юқори мартабали девонлардан саналган. Чунки Худойберган мұхрканнинг ўзи, отабоболари қурол-аслаҳа ясашган. Шу билан бирга, подшоҳ, күшбеги, девонбегилар, қозикалонлар, муфтийлар, қалъа ҳокимларининг мұхрларини ясаганлар. Қолаверса, Хива мадраса ва масжидлари, миноралар, дарвозалар тепасига тарихлар, турли ёзувлар, ғазалларни мармарга ўйиб, нақш билан сайқал бериб ёзганлар. Ҳонликдаги олтин, кумуш, мисдан ясалган тангалар эскизини ҳам зарбхонага улар тайёрлаб берганлар. Наққошлиқ санъатини пухта эгаллагани туфайли дотор, самтур, танбур, гижжак, скрипка сингари чолғу асбобларини ясаганлар ҳамда Хоразм олти ярим мақомини ёддан билганилар. Шоир ва котиблиқда шуҳрат қозонганилар. Айтишларича, Комилжон Девонийнинг ўн бармоги ўн хунарга эга экан. Дарҳақиқат, Шарқшунослик институтида унинг ўнга яқин биз аниқлаган қўлёзма баёзлари ҳам борки, уларнинг баъзиларида Комилжон Девонийнинг хаттотлик санъати намояён бўлса, аксариятида ғазаллари, мухаммаслари жамланган. У ўз дастхати билан девон тартиб берган. Атиги 51 йил умр кўрган, мустабид шўролар даврида 18 йил яшаган ва 1938 йил 10 февралда отувга ҳукм этилган. Комилжон Девонийнинг «дело»си, ундаги маълумотлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Аввалги асрларда ҳам, кейинги асрда ҳам Хоразм худудидан кўғираб истеъодоли шоир ва бастакорлар, хонанда ва созандалар, нақош ва мұхрканлар етишиб чиққан. Аммо XX асрнинг бошларида туғилиб, таниқли адабиёт ва санъат намояндалари бўлиб улғайган кишиларнинг тақдиди, афсуски, фожиали кечди. Совет давлатининг «қалқон ва қилич»и бўлган идоралар халқнинг кўзга кўринган, миллий маданиятимизнинг етакчилари бўлган кишиларни йўқ қилди.

Камина мамлакатимиз тарихининг шу мудъиши даврини озми-кўпми ўрганганман. Ўтган асрнинг 30-50 йилларида ким «халқ душмани» сифатида айбланиб ҳибсга олинган бўлса, тергов пайтида ундан шу айни тасдиқлаши мумкин бўлган маълумотлар олинган. Махбус бирор аксилиниқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганми ёйўқми, бундан қатъий назар, у қийноқ остида терговчи тузган ҳар қандай тухматли баённомага қўл қўйишга мажбур этилган. Бечора маҳбуслар ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам беинтиёр тухмат қилганлар. У ёғини сўрасангиз, қатағон тўлқини авж олган 1937-1938 йилларда мамлакатимизда бирорта аксилиниқилобий ташкилот бўлмаган. Туркистон Муҳторияти эмирилгандан кейин тузилган ташкилотлар (улар ГПУнинг доимий назорати остида бўлган) 20-йилларнинг ўрталарида ёки бирор иш қила олмаганилиги туфайли тарқалиб кетган.

Айтмоқчиманки, аксар маҳбусларнинг «дело»лари билан танишган киши бу «дело»лардан бирор ишонарли маълумот ола билмайди. Улардан ҳатто бирор маҳбуснинг ҳаётига доир аниқ биографик маълумотларни ҳам топили маҳол. Шунинг учун тарихчи ва журналистлар оддий кишиларнинг ва кўплаб фан ҳамда маданият ходимларининг фожиали тақдирларини шу вақтга қадар ёритмай келмоқдалар.

Комилжон Девонийнинг «дело»сида эса унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг муҳим саҳифаларини ёритадиган маълумотлар йўқ эмас. Шу маълумотларга қараганда, у 1887 йили Хивада туғилган. Хон девонида мирзо бўлиб ишлаган. Қамоққа олинган вақтда Тошкентнинг I-Қоратош маҳалласидаги 8-ўйда яшаб, уймакорлик билан машғул бўлган. Унинг 1928 йили ёзган щеъри 1937 йилда қамоққа олинишига асос бўлган. Бу шеър, НКВД ходимлари назарида, совет давлати сиёсатидан норозилик кайфияти билан сугорилган экан.

Хуллас, Комилжон Девоний шунга ўхшаш айблар билан 1938 йил 10 февралда ўлим жазосига ҳукм қилинган. Аммо ҳукм чиққанидан кейин, кўп ўтмай, 5 май куни кундуз соат 1 да Тошкент қамақхонасида вафот этган. 1958 йил 19 сентябрда оқданган.

Кейинчалик Комилжон Девонийнинг ижодий фаолияти билан танишар эканман, бу жабрдийданинг улкан шоир, хаттот, созанда, уймакор, хуллас, ҳар томонлама истеъодли инсон бўлганини билиб, совет давлати шундай ажойиб кишиларнинг ёстигини онгли равишида атайлаб қуритганига ҳали ҳам ақдим бовар қилмайди.

— Наим ака, тарихдан бизга маълумки, 1920 йилда пайдо бўлган Хоразм халқ шўролар жумҳурияти «Ёш хиваликлар» ташкилоти ичидан етишиб чиққан энг саводхон, талантли ёшлардан ўзларининг мақсадларини амалга оширишида фойдаланган. 1922 йилда Хоразм халқ шўролар жумҳурияти ўлканинг ўз орденини тайёрлаб, у билан Ленинни мукофот-

лаган. Ана шу орденни Комилжон Девоний тайёрлаган эди. Шоирга совет ҳукуматининг душмани деб айнома қўйганлар бу тарихий фактдан бехабар бўлганиларми?

— Ўша йиллари аллақаерлардан келган НҚВДнинг зомбилашган ходимлари учун Комилжон Девонийдек кишилар одам ҳисобланмаган. Умуман, улар ўзларидан бошқаларни, айниқса, ўртаосиёликларни одам ўрнида қўришмаган. Мигтиқ ушлаш ва отишдан бошқа нарсани билмаган бундай кимсалар халқнинг юксак маданиятли, билимдон кишиларини қанчалик уриб, ҳақорат қилиб, қийнаб ўлдирган бўлсалар, бу ишлардан шунчалик мамнун бўлишган. Император Николай оиласини хаста фарзандларигача шафқатсизлик билан отишганини эсласангиз, бундай кимсаларнинг разил қиёфаси кўз олдингизга яққол келади.

— Домла, Комилжон Девонийни болалиқдан яхши билған, у билан битта ҳужрада яшаб, битта малрасада ўқиган, Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи — Феруз саройида бирга хизмат қилган шоир, хаттот Бобожон Тарроҳ — Ходим «Хоразм шоир ва навозондалари» хотира китобида Комилжон Девоний ва Сафо Муганийнинг қамалини фожиаларига тўхталган.

Ўша кезлари, 1928-1929 йиллар Хоразмга Акмал Икромов келармиш, леб қизгин тайёргарлик қўрила бошланган ва шу муносабат билан «Акмал Икромов келур» номли қўшиқ пайдо бўлган. Фазал матнини Комилжон Девоний ёзган, қўшиқни кўйлаган Шерозий олқишига сазовар бўлган. Айни ўша кезларда яна бир устоз санъаткор Сафо Муганий ҳам Йўлдош Охунбобоев, Файзула Хўжаевлар ҳақида қўшиқлар куйлаб юрган. Биз Сафо Муганий дегандা шоир, бастакор, қадимий Хоразм халқ қўшиқларининг билимдони бўлган машҳур ҳофизни тушунамиз. Шунингдек, жаҳон саҳналари маликаси Тамарахонимнинг устозини биламиз. Тамарахоним репертуаридаги ўнлаб халқ қўшиқлари Сафо Муганий-никидир.

Гап шундаки, соддадил, ҳамма нарсадан яхшилик изловчи бу санъаткорлар совет тузуми халқни баҳли қўлади, деб умид қилганлар. Қолаверса, меҳмонни иззат қилишган. Мана шу битта ғазал, битта қўшиқ улар бошига кулфат келтирган. Бобожон Тарроҳ — Ходимнинг ёзишича, ҳасадгўй айғоқчилар Сталинга хат ёзиб: «Ўзбекистонда Акмал Икромов билан Файзула Хўжаевнинг номи оламга кетди... Сизнинг номинтиз Ўзбекистонда айтилмасдан қолди», деб етказганлар. Текшир-текширлар, терговлар бегуноҳ соддадил инсонларнинг тақдирини чилпарчин этган. Йиллар ўтиб, қатагон дарёсининг тўлқинлари, уларни ҳам, яъни шоир Комилжон Девоний ва ҳофиз Сафо Муганийни ўз қаърига тортган. Шундай экан, бу ижодкорларни «Бир газал қурбонлари», деб ёзсанк жоиз бўлмайдими?

— Шубҳасиз, агар Комилжон Девоний тұғрисида мақола ёссанғыз, уни «Бир ғазал қурбони» деб номлашингиз мүмкін. Аммо Девоний үша ғазалини ёзмаган тақдиріда ҳам қатағон этилған бұларды. Нафақат Девоний, балки бошқа шоиры ҳофизлар ҳам фалакдан ишкіоят мазмұнида шеър ёзмагандары ёки айтмаганларида ҳам қатағон дарёсига ташланған бұлардилар. Негаки, улар халқнинг хүшөр күzlари, бийрон тиіллари, зукко қулоқлари ва үйғоқ виждонлари эдилар. Шұро давлати раҳбарларига: «Бахтли ўшигимиз учун ўртоқ Сталинга раҳмат» дейдігандың, партияның ҳамма даъватыра «Лаббай» деб оёққа туралған авлодгина керак эди.

— **Шу үринде Сафо Муганний «дело»си билан таништырылғаныз.**

— Сафо Муганний 1937 йил 28 август куни қамоққа олинған. Мен унинг «дело»си билан танишиб, фақат 1882 йили Хивада туғилғани ва исми-шарифи Сафо Оллаберганов бұлганинин гина билдім. Яна Урганч театрининг созандаси бұлғанлығы айттылған. Унинг ҳәеті ва ижодий фолиятига ойдінлік кирилады. Бірор мәдениеттік деңгээлде Сафо Муганний үша йилнинг 28 ноябрьда 10 йилга хукм қилинған. Жазо муддатини үташ учун қаерға юборилғаны ва кейинги тақдирі қоронғи... У 1958 йил 19 апрайда оқланған.

— **Ўзбек адабиети ва санъати тараққиетіда маңлым из қолдирған шоир ва ҳаттот Комилжон Девоний ва созанда, бастакор Сафо Муганний ҳәеті ва ижодини «Қатағон қурбонлари хотираси» музейнде күршихи истаймиз. Сиз бұнға нима дейсиз?**

— «Қатағон қурбонлари хотираси» музей экспозициясында оның олиб борганимизда үша даврда жабр-жафо чеккан жуда күп ватандошлиғаримизнинг фотосураттарын топа олмады. 1937-1938 йилларда эса, асосан, Тошкентда ҳибсга олинған кишилар суратта түширилған. Уларнинг тиитүв пайтида олиб кетілған суратта қылымалары эса йүқ қилиб юборилған. Шунинг учун, музей экспозициясында нафақат оддий мекнат ахли, балки машхур кишиларнинг ҳам сураттарини қўйиш имконияти бўлмади.

— **Комилжон Девоний ғазаллары битилған девонларни, муҳркан оталарнинг Хива мадрасаса ва масжидлари, минораларига битилған мармар тошлардаги ғазалларини, унинг нақошлик санъатини буғунги мустақил Ватанимиз ўшлари ўргансалар, бу йўналишда илмий ишлар, талқиқотлар олиб борилса мудда олбайтады.**

— Бу истакларингизни тұла құллаб-қувватлайман. Зотан, қатағон даври қурбони бўлған аксар кишилар учун шахсий манфаат тушунчаси бутунлай бегона бўлған. Улар ўз хузур-ҳаловатларини ўйлаб, нафақат авлодлари, балки ўзлари учун ҳам тұқин ва фаровон турмуш асосларини яратмаганлар. Агар улар ҳәёт бўлғанларида Мустақил Ватанимиз равнақи йўлида бизга қараганда ҳам фидойиларча ишлаган бўлардилар.

Хозирги ёшлар улардан ибрат олишлари, уларнинг ватанпарварлик, халқпарварлик, тараққийпарварлик, фидойилик анъаналари ва васиятларига садоқат руҳида тарбияланишлари айни муддаодир.

АФСОНАВИЙ ҚУШИҚЛАР ИЖРОЧИСИ

Жаҳон саҳналарини ларзага келтирган Тамарахонимнинг ҳар бир чиқишидаги нозик ва нафис ҳатти-ҳаракатлар, таг заминида ориятли, инфатли, сулув ўзбек аёли образини гавдалантирувчи хонишлари орзиқиб кутган дилларни ўзига мафтун айларди. Озод ва эркин ҳаётга, мустақил ва обод юрт этаси бўлишга чорлаб турарди.

Ўзбек рақс санъати оламига жуда кўп иқтидорли қизларни етаклаб келган Тамарахоним йигирма олти ёшидаёқ Халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Унинг жозибали рақслари, ширинзабон қўшиқлари оҳанти билан ўйғунлашиб кетган тенгсиз санъат хазинаси десак, хато бўлмас. Янги-янги миллий рақслар, олтин мерос сифатида бизгача етиб келган нодир қўшиқларни ўрганиш иштиёқи унга тинчлик бермасди. Айниқса, қадимий санъат ўчоқларидан бири ҳисобланган Хоразмда кечган тўрт йиллик ҳаёти жуда катта даврга татигулик ижод намунасини қолдиришида муҳим ўрин эгаллаган. Урганчдаги янги театрнинг очилишида ҳам унинг ҳиссаси бор.

Тамарахоним афсонавий Хоразм қўшиқлари ижрочиси, шоир ва устоз созчи Сафо Оллобергановга шогирд тушади. Дильтортар қўшиқлари билан оғизга тушган Сафо Муганий 1882 йили Хиванинг Гандимён қишлоғида туғилган. Болалигидан стим қолиб, ўгай ота қўлида ўсган, очлик ва қашшоқликнинг аламларини татиган эди. У бойлар эшигига ишлаб, пода боқди. Ҳаётнинг ана шу чағир тошли сўқмоқларида гўзалик билан ҳам учрашли. XX аср бошлари Хоразм санъати гуллаб-яшнаган, мақомчи, достончи, халфалар, дорбозлар, қизиқчи-масҳарабозларга эътибор ошган давр эди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Йккинчи – Феруз мақом санъатини ривожлантиришга фармон берган бир пайтда ёни Сафо Оллоберганов ҳам Хоразм санъатининг энг билимдон алломаларидан таълим олиш мақсадида улар хизматида бўлади.

Хоразмлик кексалар бежизга Муганий тахаллуси билан танилган Сафони соз чалиш, қадимий наволарни, достон қўшиқларини, лапарлар, яллалар, «диралашув» («Айтишув») қўшиқларини маромига етказиб куйлашда унинг олдига тушадигани йўқ, дея таърифлашмаган. Чунки санъатимиз маликаси Хоразмга келганида Сафо Муганий нафақат Тошкент ва Хоразмда, балки Ўрта Осиёда ҳам танилган машҳур санъаткор эди. Тамарахоним ундан «Ганжи Қорабоғ», «Мавриғи», «Панжарадин», «Санамо», «Лазги», «Рўмолим бор», «Қизил гул ўймоқ-ўймоқ» каби

күшиқларни. шунингдек, Хоразмда қадимдан яшаб келаётган Оқдарбандли эроний ҳофизларнинг «Ахтар мени», «Менинг излар кишим борми»га ўхшаш нолаларини, рамазон мадҳиясини ўрганади. Кейинчалик машҳур қайроқчи Раҳим Оллабергановдан «Бартавил», «Оразибон», «Норим-норим» қадимий Хоразм рақсларини, «Лазги»нинг жаҳонга номаълум энг қадимий тури услубларини ҳам шухта эгаллади.

Бу рақслар куй ва қўшиқларини Сафо Муғаний қадимий созларда чалиб айтиб беради.

1985 йил ноябрь ойида Тамарахонимнинг Хоразмдаги ҳаёти ва ижоди ҳақида эфирга тайёрланган бир кўрсатув баҳонаси сұхбатлашиб қолган эдик. Ўша пайтларда «Мусиқа жавони» тележурналини иқтидорли режиссер Лариса Иноземцова суратга оларди. Унинг илтимосига кўра, «Бир қўшиқ тарихи» сақифасини тайёрлаб беришга тўғри келди. Бу Тамарахоним севиб ижро этган «Ганжи Қорабоғ» – Хоразмнинг машҳур халқ қўшиғи эди.

*Ганжи Қорабоғдан келдим қошингга
Сенга жоним қурбон этмасам бўлмас...
Кўшармишсан бошинг менинг бошимга
Йўлингда жон фидо этмасам бўлмас...*

Қўшиқнинг фонограммасини эшилдиму, ўйланиб қолдим. Қорабоғ Озарбайжон ўлкасида бўлса, қўшиқ қаҳрамони Қорабоғдан келиб Хоразм гўзалига ишқ изҳор қиласпти. Унда шундай сатрлар бор:

*Юзинг ўшшар ўн беш кечалик ойга,
Базм айлаб ўлтирган тилла саройга.
Аччиқ жавоб берсанг ҳам кирмасам бўлмас,
Саройдан саллониб чиқмасам бўлмас...*

Бу навонинг халқ юрагида туғилиши олис даврларга бориб тақалади. Унинг тарихини ўрганиш учун ўша кезлари шуҳрат қозонган «Оразибон» ансамблиниң кекса санъаткорлари ва бастакор Матниёз Юсупов билан сұхбатлашдим, тарихий манбаларни ўргандим. «Ганжи Қорабоғ»-қўшигининг яралиши Қорабоғ ўлкаси соҳибқирон Амир Темур салтнати таркибида бўлган даврларга бориб тақалар экан.

Амир Темур бобомизнинг бир неча бор Хоразмга юриш қилгани, у ердаги баҳодир Хоразм йигитларини ўз армияси сафига қўшиб Қорабоғга йўл олтанини, қиши фаслини Қорабоғда ўтказганини ўқиб кувониб кетдим.

Соҳибқирон 1371-1372 йилларда Хоразмни уч марта забт этган, бу ўлкани гуллаб-гуркиратиб, айниқса ўз армияси сафида хоразмлик ёшларни тарбиялаб, уларни саркарда, амир даражасига етказганди.

Хоразмнинг олиму-фузалолари, санъаткорлари, уста қурувчилари, наққош ва ҳунармандларига катта баҳо берган соҳибқирон Амир Темур ҳақида ўқиб, «Ганжи Қорабоғ» қўшиғи ўша замонда халқ дилида пайдо бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Демак, қўшиқ қаҳрамони Қорабоғдан келган саркарда, амир, шоҳзода...

«Ганжи Қорабоғ» қўшиғидаги ошиқ йигит ва маҳбуба образи тўғрисида Тамараҳоним ва бастакор Мутаваккил Бурхоновга гапириб берганимда, улар қўшиқ тарихини маъқулладилар. Бир пайтлар Мутаваккил Бурхонов ҳам «Ганжи Қорабоғ» қўшигини кўп овозли акапелла ижроси учун қайта ишлаб, халқаро анжуманларда совриндор бўлган эди. Бу икки улуғ санъаткор «Мусиқа жавони» кўрсатувида қатнашиб, бу қўшиқ тарихи ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Кўрсатув давомида «Ганжи Қорабоғ» қўшиғи олдин Тамараҳоним ижросида, кейин эса ўша кезлари Ўзбекистон телерадио комитети қошидаги хор колективи ижросида телетомошабинларга ҳавола этилди. Шунингдек, машҳур ҳофизлар Шерозий, Ҳожихон Болтаев, халфалар Ожиза – Онабиби қори Отажонова, Онабиби Собирова (Анаш чўлоқ), Сориҳон Оллабергановалардан ҳам кўп қўшиқлар ўрганганини ҳикоя этиб берди.

Тамараҳоним Хоразмда элликдан ортиқ ашула ва рақс ўрганиб, жаҳон саҳналарига олиб чиққан. Ўша кезлари Комилжон Отаниёзов ўқитувчилик қилиш билан бирга иқтидорли хонанда бўлиб овоза тарқалган эди. Концертлардан бирида уни саҳнага таклиф этдим ва бирга «Лазги»га тушдим. Ўшанда концерт зали ўрнидан туриб бизни шундай олқишиладики, гўёки осмондан порлоқ бир юлдуз саҳнага тушиб, бутун воҳанни ларзага келтирган эди, – дея қувониб фахр билан гапирди Тамараҳоним.

Ўша кўрсатув баҳонасида Тамараҳоним устози Сафо Муғаннийдан жуда кўп қўшиқлар ўргангани, бироқ, ҳанузгача грампластинка ва магнит ленталарига ёзиб олинмаганидан афсусланишини айтди.

...1935 йил ёзида хонанда Қори Ёкубов Тамараҳонимни Тошкентга чакириб олади. Уста Олим Комилов, Тұхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоиловлар билан бирга Лондонга, халқаро санъат фестивалига юборилали. У ерда Тамараҳоним ўзбек миллий рақс ва қўшиқлари билан бир қаторда Хоразмнинг жаҳонга ҳали номаълум ўзига хос қалимий санъатини намойиш этади ва уста Олим Комилов иккалалари жаҳон фестивалининг олтин медалига сазовор бўладилар.

Орадан кўп ўтмай шўролар ҳукумати шоир ва созанда Сафо Муғанийдек устоз санъаткорларни маҳв этишга киришади. Совет тузуми сўзни ва созни тазийқ этиш тузуми бўлди. Тез орада Сафо Муғаний ҳисбсга олинади. Унинг боинига ўша кезлардаги ҳукумат раҳбарларидан Файзул-

ла Хўжаев, Акмал Икромовларга атаб айтган қўшиқлари бошига бало тошлирини ёғдиради. Хоразм санъат осмонида порлаб турган жуда кўп иқтидор эгалари қатори унинг ҳам толе юлдузи сўнади...

Сафо Муғаний 1937 йил 28 августда ҳибсга олиниб, ўша йили 28 ноябрда ўн йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Алломанинг кейинги тақдири Россиянинг совуқ урмонларида ишлаб, қаерда оламдан ўтгани ҳозиргача бизга номаълум. У фақат 1958 йил 19 апрелда оқланган.

Жаҳон саҳналарида Сафо Муғаний ўргатган қўшиқларни айтиб, офарин ва олқишилар олган Тамараҳоним мустабид шўролар даврида ақалли бир марта ҳам устозининг номини айта олмай армонда кетди. Жаҳонгашта хонанда 1991 йил 29 июня айни Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – 85 ёшида вафот этди. У умрининг 70 йили давомида қўшиқ куйлади, 86 тилда ашула айтди. Ушбу мақолани тайёрлаш жараённида хонанданинг Ўзбекистон радиоси олтин фондида атиги 70 тагина қўшиғи борлигини аниқладик. Унинг қўшиқлари матнини тиклашга бошладик.

Тамараҳоним музейи директори, латофатли раққоса Гулсум Ҳамроева хонанданинг ҳаёти ва ижодида ҳеч қачон ва ҳеч қаерда айтишмаган Хоразмдаги иш фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатларни ахтариб топди ва уни алоҳида лавҳаларга жойлаштироқда.

Тамараҳонимнинг ҳар бир қўшиғи оҳангларида бир тарих яширин. Унда ўзбек аёлининг оташин муҳаббати, покиза ва сулув чехраси, мустақилликнинг бугунги озод ва баҳтиёр кунларига етиб кела олмаган истеълод эгаларининг орзу-армонлари мужассамдир.

Тамараҳоним қўшиқларини қайтадан жаҳон саҳналарига олиб чиқиши вақти аллақачон етиб келган. Бугунги ёш хонандалар Тамараҳоним ижодини кўзларига тўтиё этиб, жаҳон олқишига сазовор бўладилар, деб ишонамиз.

АВАЗ ЎТАР – ЭРК ВА ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ Аваз Ўтар ва Ҳодим

Улар бир ойда – август ойида туғилган эдилар. Шоир Аваз Ўтар 1884 йил 15 августда, Ферузшоҳнинг хос хаттоти, сарой шоири Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодим эса 1878 йил 5 августда туғилган бўлиб, Аваз Ўтардан 6 ёш катта элилар.

Улар бир қалъада: Ҳодим қадимий Хиванинг «Ичон» қалъасида Худоёр қушбеги қавмида, Аваз Ўтар эса «Дешон» (яъни ташқи) қалъанинг Гадик бўйи маҳалласида таваллуд топганлар. Гадик бўйи – бу «Дешон» қалъа ичидан оқиб ўтадиган кичик ёпнинг Польон ён (қадимиий номи Хейканик) дан сув оладиган жойидир. Бу ерда «Гама қўпир»,

яныни кемаларга тушиб кетиладиган кўприк, кичик бандаргоҳ бўлган. 1873 йилда Хивани босиб олган рус мустамлакачилари Хива бойликларини «Гама кўпир»дан кемаларга юклаб, Полвон ёп бўйлаб сузиб, Амуларёга чиққанлар ва Чоржўига қараб йўл олганлар. У ердан эса поезд вагонларига ўлжаларни: пахта, буғдой, кунжут, беда уруғи, қовун ва меваларни юклаб Россияяга доимий равишда жўнатиб турганлар. Аваз Ўтарнинг ҳовлиси ўша ерга яқин бўлган. Ҳозир бу ерда Хива пахта тозалаш заводи курилган.

Энг муҳими, улар болаликдан қатъа қўчаларида бирга ўйнаб ўсгаллар. Болаликнинг мурғак тасаввурида қатъанинг учта жойида мавжуд бўлган дорлар, уларда бир неча кун осилиб турган мурдалар. Кўхна Арк олдидағи зиндан, уларда кўл-оғи занжирда фарёд чекаётган кишилар, айниқса, осмонга бўй чўзган миноралардан пастга улоқтириб ташланиб ўлдирилган маҳбуслар даҳшатли туши каби муҳрланиб қолган...

Аваз Ўтарнинг отаси Паҳлавон Ниёз Ўтар бўлган. Паҳлавон Ниёз Ўтарнинг отаси эса Гадой Ниёз бобо, онаси Авазжон момолар бўлишган. Паҳлавон Ниёз Гадой Ниёз ўғли Ўтар бобо 108 йил умр кўриб, 1936 йилда оламдан ўтган. У Ферузшоҳ ва унинг ота-боболарини сочкоқолини оладиган сартарош ва табиб бўлиб кун кўрган.

Аваз Ўтар Паҳлавон Ниёз Ўтар бобо билан Робия онанинг дилбандидир.

Бобожон Тарроҳ – Ходимнинг отаси Абдулазиз маҳдум мадрасада ўқиб юрган кезларида вафот этган. Унинг отаси Абдуқодир девон Қоне тахаллуси билан ғазаллар ёзган шоир ва хаттот бўлган. Абдуқодир девон-Қоненинг отаси эса Муҳаммад Назар девон бўлиб, Мунший тахаллуси билан шеърлар ёзган шоир ва хаттот эди. Улар Ферузшоҳ ва унинг ота-боболарининг хос девони бўлишган.

Ходимнинг онаси Ўғилжон бека машхур ва улдабурро Оллаберган Тарроҳнинг қизи бўлиб, Бобожон Тарроҳ отасидан ёлғиз қолган ўғил бўлган.

Аваз Ўтар ва Бобожон Тарроҳ ниҳоятда обру-эътиборли, билимдон ва қатгиқ қўл ота-боболари тарбиясини олиб, эски мактабни тугатгандар.

Улар ҳар куни Ферузшоҳга саломга кирувчи оталарига эргашиб ёшлигидан сарой тартиби, маросимлари, урф-одатлари, улуғларнинг шарқона ҳикматга тўла сухбатлари, бир-бирларига тавозелари, одоб-икромларини кўриб ўсгаллар.

Болаликдан то умрларининг охиригача ҳаётнинг бесаёв чағир тошли чорраҳаларида бирга бўлиш, бир-бирларига тоғдай таяниб-суюниб, ишониб яшаш уларга тақдир бўлган.

Лафзи малаззузлар...¹

Аваз мактабда ўқир экан, кечаси билан ёзган дастлабки ғазалларини ёндош маҳаллада янаётган түфма талант соҳиби шоир Аҳмаджон Табибийга кўрсатарди.

Аҳмаджон Табибий 1869 йилда туғилган бўлиб, Аваздан 15 ёшларча каттадир. Уларнинг ҳовлиси Ўтарбобо ҳовлисига жуда яқин «Дешон» қалъанинг Юсуф ясавулбоши қавмида, кичик ёп (яъни ариқ) бўйида жойлашганди. Аваз Табибийга кун бўйи эргашиб юрар, иккаласи ғазалиёт илми ошиқлари эдилар.

Табибийнинг отаси Али Муҳаммад Эрондан олиб қочиб келтирилган қуллардан бири эди. Уни Ферузшоҳнинг укаси Отажон тўра сотиб олган, ақли ва доно табиб бўлгани учун ўзига маҳрам этиб тайинланганди. Али маҳрам Хоразм қир-адирларидан турли гиёҳлар йиғиб, дори тайёрлаб, эски «Амин чорсу»даги чарчилик² дўконида сотарди.

Аваз Ўтар билан Аҳмаджон Табибийнинг болаликда ёзилган ҳажвий шеър ва ғазаллари ана шу дўконда ўқилар, бозордагилар уларни севиб тинглашади.

Кейинчалик сарой шоирларининг сардори бўлган, ўзидан бешга шеърий девон, таржима асарлари, айниқса «Мажмуат- уш- шуаройи пайрави Ферузшоҳий» тўпламини бизга ёдгор қолдирган Аҳмаджон Табибий умрбоқий Аваз Ўтар билан садоқатли дўст, устоз бўлди. У ҳам қисқа умр кўрди. 1911 йилда 42 ёцларida оламдан ўтди.

Аваз Ўтар мактабни битиргач, Қутлуғмурод иноқ мадрасасида ўқиди. Кун сайин етук шоир сифатида барчага танилиб бораётган йигит отасининг йўл-йўриғи бўйича Табибийдан шеърият олами сирларини, Яхшимуродбекдан табобат илми, рамил илми (оллиндан башорат қилиш), юлдузларга қараб инсоннинг тақдирини кўра билиш каби таъбиршуносликни ўрганди. Яхшимуродбек машҳур тарихчи, шоир Баённийнинг акаси бўлиб, у отаси Бобоҷонбек ибни Оллаберди тўрадан етти илмни ўрганиб олган эди. Улар: илми сарф, илми наҳв, илми мантиқ, илми ҳикмат, тиб, рамил, нужум фанларини эгаллаб, шогирдларига таълим берарди.

Аваз Ўтар ва Бобоҷон Тарроҳлар сафига Чокар – Матюсуф Харротов, Чокарнинг тоғаси Надим – Болта девон Харрот, Комилjon Девоний, машҳур Ҳудойберган Мұхркан девоннинг жияни, Муҳаммад Амин (Юсуф ясавулбошининг ўғли) келиб қўшилдилар. Улар ҳам турли мадрасаларда таҳсил кўрар эдилар.

¹ Тили ширинлар — лафзи лазизлар маъносини берувчи арабча ибора.

² Чарчилик — майда-чўйда моллар билан савдо қилувчи.

Бобожон Тарроҳ – Ҳодим «Хоразм шоир ва навозандалари» (Тошкент, «Тафаккур қаноти» нашириёти 2011 йил) хотира китобида ёзди: «...Аҳмаджон Табибий билга алоқаси маҳкам бўлуб, табиблиқ, рамал илмларини ўрганишида Яхшимуродбекка иккиглари шогирд бўлуб, Яхшимуродбекдан табиблиқ илмларини ва ҳам рамал илмларини ўрганар эдилар. Аҳмаджон ўзига Табибий ном қўйуб, бой болаларни танқид қилиб, шеър иходига киришган вақтда Аваз ҳам Аҳмаджон Табибийдан ўрганиб, шоир бўлғон. Демак, Аҳмаджон Табибий Авазга устозлиқ қилғон». (Ўша китоб, 151-152-бетлар).

Гап шундаки, Ферузшоҳ бу ёшларнинг тарбиясига алоҳида аҳамият берди. Уларга подшоҳлик томонидан маҳсус ҳужра ҳам ажратди. Бу ҳужра Улуг Мамат маҳрам мадрасасида эди. Улуг Мамат маҳрам бошқа маҳрамларга қараганда, раҳмдил, ақлли, маърифатпарварлиги билан ажralиб турарди. Бу ҳақда Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» китобида ёзди: «Ҳижратнинг мингу уч юз йигитрма еттиланчи йилида (мил. 1909 й.) Муҳаммад маҳрам жаҳондин борди. Маҳфий қолмасунким, Муҳаммад маҳрам иккилур, бирини ақлли Муҳаммад дер эрдилар. Мадраса солгон ақлли Муҳаммаддурким, вафот топғон будур» (Ўша китоб, 258 бет).

Шоирона нафосатта тўла Аваз тинмай билим олар, дўстлар давраси унинг жони-дили эди.

Бобожон Тарроҳ бошлиқ бу ҳужранинг ойнаси қиблага қараган, уни куни билан қўёш ёритиб турар, кечалари эса минглаган юлдузлар тўпидан оймомо мўралаб шоирона манзара чизарди. Калта минора олдиаги бу мадраса, гўзал ва баҳаволиги билан ажralиб турарди. Палов пиширишда ягона бўлган Бобожон Тарроҳ барча талабалардан ёши катта бўлгани учун уларга ғамхўрлик қиласи эди.

Авазнинг ҳаёти ва иходида ўчмас из қолдирган бахтиёр дамлари шу дамлар бўлди. Йиллар ўтиб, Аваз забардаст шоир бўлиб етишди. У тала-балик даври, дўстлари ҳақида шундай ёзди:

*Шаҳ давлатидин сұхбати олий тузуб мажмеымиз
Оқшом қулдук то саҳар бўлғунча чойи лаълинон,
Бор эрди онда Чокару, Ҳодим, Надиму ҳам Эмин
Лафзу малаззузлар била бергучи бир-бирига хоб...
Айшу тараб додин бериб бир ҳужраи ҳоли аро,
Чойу, паловни еб ишиб бўлдук боримизга маёб...
Гоҳ тил очиб шеър айтғали ширин абёт бирла гаҳ,
«Бўстон» и Саъдийи Аваз қилдук ўқурга иркитоб.*

(«Аваз ва унинг адабий муҳити», Тошкент, 1987 йил, 109-110-бетлар).

Аваз малрасада устозлар ёрдамида араб, форс тилларини мукаммал ўрганды. Ҳар томонлама етүк инсон бўлиб стишиди. Бу ҳақда Ходим шундай ёзади: «Аваз шу қалар кучли шоир бўлғон эди. Бекиёс иқтидори туфайли тўртта илмга: 1) Ота қасби сартарошлиқ, 2) Забардаст шоир, 3) Табиблиқ, 4) Рамал салмоқ илмига эга бўлган эди». (Ўша китоб, 149-бет).

Үтли эҳтирос

Аваз Ўтарни ўраб олган адабий муҳит сарой атрофига жипслашган қирқга яқин шоир ва навозандалар, зарқаламли хаттотлар, муҳаррирлар, матбаачилар давраси эди.

Аваз Баёнийдан аруз вазни сирларини ўрганар экан, шеъриятта илоҳий неъмат, илоҳий имкон, деб қаради. У она шеърият олдида турган асосий вазифа — оламни билиш, оламни мадҳ этиш, одамни севиш, миллатнинг кўзини очиш, онгини янгилаш, уни ҳур, озод бўлишга даъват этиш, эзгулик нурини сочиш, деб таълим олди. Баёнийдан ҳар бир соат, ҳар бир дақиқанинг қадрига этиш, замон ва вақт, макон ва инсон зиммасига Оллоҳ юклаган вазифани ҳалол адо этиш илмини ўрганди. Инсон Оллоҳ даргоҳидан ёруғ оламга ёлғиз чиқиб кетгувчи ва келажак авлод учун яхши амалларни бажариб, ёлғиз кириб боргувчи ва ҳамма гуноҳлари учун жавоб бергувчи эканлигини тушуниб етди.

Аваз Ўтар Навоий ижодини ўрганиб, бир умр мафтункор гўзаллик билан ошно бўлди. Навоий ғазалларида илгари сурилган муҳаббат ва садоқат, раҳм-шафқат, инсон эркинлигини ўз асрларида улуғлади. Даҳолар айъаналарига ижодий ёндошли, уларга хос бадиий мушоҳада юритиш, фикрлаш, ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларини яққол кўтариб чиқиши санъатидан куч-қудрат олди. У ўзи ҳақида:

Эрурсан ўз адонинг шоири сардафтари тонг йўқ,
Аваз бўлса Навоий дафтари монанди девонинг...

деб ёзди.

Навоий ва Табибий асрларига ҳамрадиф юзлаб ғазаллар ёзди, улар фикрини янада ривожлантириди.

Эй Аваз, қул жаҳд, девонинг қўлмоқ истасанг
Гар Навою Табибий дафтарларига ҳамрадиф.

Аваз Ўтар ижодига Навоий ва Оғаҳий асрларининг таъсири бекиёсdir. Шу боис унинг ҳар бир ғазалида устозлар навосининг янгидан жило топған акс садосини эшиитамиз.

Аваз Ўтар ижодига Навоий ва Огаҳий ғазалиётининг тасири кўшилаб илмий мақолалар ва монографияларга мавзу бўла олади. Бир сўз билан айтганда, бобо шарқ шеърияти устунларининг бой ва бетакрор ижоди Аваз Ўтар учун маҳорат мактаби, маънавиятнинг буюк чўққиси, шонронга иқтидорнинг боқий обидаси бўлиб қолди.

Аваз Ўтар шу қадар табъи тез, фаҳм кўкининг соҳибқирони бўлиб етишадики, унинг таржимаи ҳолини, ижод пиллапояларининг ғазалларидан билиб оламиз:

*Манинг ҳолим ашъором ичра дурур
Баёну, баёну, баён...*

деб ёзади. (Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984 й. 133-бет).

Аваз Ўтар ўти эҳтирос эгаси. У ўз севгилисига атаб бир соатда етти ғазал ёзганини эътироф этади:

*Хироми қадди шамшодингга таслим,
Яна ҳусни худододингга таслим...*

*Дединг етти ғазал бир соат ичра
Аваз назм ичра устодингга таслим...*

(Ўша китоб, 124-бет).

Авазнинг ҳужрадаш дўсти Бобоҷон Тарроҳ «Хоразм шоир ва навозандалари» («Tafakkur qapotî», 2011 й.) китобида Аваз шахсиятига алоҳида тўхталган: «... Аваз Ўтарнинг қурулиши шундай эди: Ўрта бўйли, қора соқол, яҳши қийининг... қаҳричинт, тезфаҳм одам эди... Аҳмоқ одам учраса, сўзлашмас эди. Доно кишилар билан дўстона алоқа қиласи эди... Ҳеч кимдан, ҳатто Муҳаммад Раҳим Иккинчи – Феруздан ҳам кўрқмас эди...» (Ўша китоб, 151-бет), деб таърифлаган. Демак, Аваз Ўтар тезфаҳм, тезкор, ҳозиржавоб, чўргесар инсон бўлган. Бу тўғрида ўзи ҳам эътироф этиб:

*Қаю шоирда бордур бўйла табъи тезу назму ҳуш,
Аваз бу табъи тезинг бирла ашборингга салламно!
деб ёзган. (Ўша китоб, 144-бет).*

Шоир шундай камолот чўққисига эришдик, унинг ўз миллати, ота макони, ёри ва диёрига бўлган меҳр дарёси дилидан тилига, тилидан қаламига, оқ қоғозга шиддат билан қуйила бошлади:

*Аваз ҳафтада тонг йўқ, этсанг китоб,
Етибдур бу фанда камолинг сенинг...*

(Ўша китоб, 62-бет).

У тинимсиз ижод этар экан, бир ҳафтада назм этган ғазаллари бир китоб ҳолига келган:

*Аваз ғазал деса бу нась тинмайин ҳар дам,
Ҳар ҳафта ичра битар бир улуғ китоб-китоб...*

Ёки:

*Биҳамдиллоҳ, Аваз, дилкаш ғазалдан ҳафтада бўлди,
Икки юз элликни айтурға таъбимнинг тақозаси...*

(Ўша китоб, 54-бет).

Аваз Ўтарнинг ўтли эҳтиросга тұла ғазаллари қўллардан қўлларга ўтиб, мақомчи ҳофизларга стиб, улар турли наволарга солиб куйлай бошладилар. Энди шоир ғазалларининг ҳар сатри шоҳбайтларга айланниб борар эди.

У дўстлар даврасида, қатор зиёфатларда (гап-гаштакларда) турли тўй ва базм, айтишувларда тинимсиз ғазал айтар, унинг сўз гавҳаридан тузилган шоҳбайтлари энди ҳаммаёқда овоза бўлиб кетган эди:

*Шахбайт янглиғ, эй Аваз, назминги ҳар бир мисраи,
Овоза топмишдур басе абёт ила ашъор аро...*

(Ўша китоб, 145-бет).

Аваз бадиий ижодиётнинг энг юксак поғоналарини эгаллаган моҳир сўз устасига, аruz вазни санъатининг донишмандига айланган эди. Энди унинг ёзган асарлари бир йилда иккита девон ҳолига келганди.

Бир йилда иккита китоб ёзиш учун Оллоҳнинг шоирона нафосат олами, деб аталмиш ғазал бўстонининг боғбони, тутғма истеъод эгаси бўлиб дунёга келиш керак эди:

*Санинг васфи жамолинг бирла гўё,
Авазнинг назми бўлмиш икки девон...*

(Ўша китоб, 134-бет).

Аваз 20-25 ёшларидаёқ воҳага машхур шоир сифатида танилди.

АВАЗ ЎТАР САРОЙ ШОИРИМИ?

Авазшунос олимларнинг барчаси, Аваз Ўтар саройда ишлаган, кейинчалик саройни тарқ этган деб ёзалилар. Бу адиблар Аваз Ўтарнинг таржимаи ҳолини, уни ўраб олган тарихий ва адабий муҳитни чукур ўрганмаганиларни сабабли жуда кўп хатоликларга йўл қўйганлар. Ай-

ниңса, Авазнинг девонини бир неча бор нашрға тайёрлаган Юнус Юсупов – Айёмий, шунингдек, филология фанлари номзоди Васила Мұмінова Аваз сарой шоири, у саройда ишлаган, деб унинг ижодига шуралар мағкураси нұқтаи-назаридан қараб нотұғри бақо беріб келдилар. Васила Мұмінова бу түрида:

«...Сарой шоирларининг вазифаси ҳукмрон синф қараашларини, хоннинг күндалик сиёсати, айш-ишратини мақташ эди. Аваз саройда буннинг таъсиридан четда тұра олмади. У шу даврда қатор мадхия характеристидаги, мазмұнан саёз шеърлар ҳам яратди», деб тубандаги сатрларни мисол келтиради:

«...Абёт машиқин айлағыл тинмай Аваз,-деди манга,
Айлаб карам бекадду сон шоҳи адолат густарим...

Бу мисралар Авазнинг ilk ижодидаги унинг хонга қанчалик ишонганини, хонни адолатли деб билганини күрсатади...» деб Аваз шахсини беписандлық билан ёзған. («Аваз ва унинг адабий мұхити», Тошкент, 1984 жыл. 111-бет).

Маълумки, шуралар даври доқиіләри үйлаб топған синфиийлик ва партиявиийлик назариясининг энг мудхіш томонларидан бири бу подшоҳлар замонини қоралаб, ерга уриб, камситиб ёзиш эди. Натижада шуралар мағкураси билан қуорулған тарихшунос, адабиётшунос олимлар барча асарларида подшоҳлар ва улар саройидаги олимларни, шоир ва навозандалар қиёфасини қора сиёхларға бүяб ёзишта мажбур бұлғанлар. Ваҳоланки, миллий адабиёттимизнинг буюк намоёндалари Фирдавсий, Навоий, Бобур, Мунис, Оғаҳий, Комил Хоразмий ва Баёнийлар подшоҳлар рағбати билан үлмас асарлар ёзіб қолдирғанлар. Үз навбатида улар подшоҳларни мадх этувчи қасидалар, ғазаллар, таърихлар ёзғанлар. Подшоҳ саройига киришлиқ шараф бұлғанки, Аваз Үтар ҳам ҳафтада икки марта Ферузшоҳ хузурида бұладыған мушоираларда қатнашиб, мақтовлар эшитған, инъомлар, ҳадялар олған, Ферузшоҳни мадх этиб ғазаллар ёзған. Борди-ю, Аваз Үтар сарой шоири бұлғанда ёки сарой шоири бұлмаганда ҳам биз унга ўзбек адабиёти тараққиётіга құшган ҳиссасига қараб бақо берамиз.

Истиқолол, баҳтли мустақиллігимиз ҳар бир қаламқаш хонадонига сүз әрқинлиги неъматини, қадриятларимиз меросини күз қорачуғидай асраш маstryулиятини олиб кирди. Шу боисдан шоир ижодига янгича назар ташлаб, Аваз Үтар буюк шоир, ҳали ҳаётлигідаёқ ўзига әрк ва озодлик күйчisisи деган бөкүй ҳайкал қўйған үлмас сүз санъаткоридир, деймиз.

Аваз Ўтар яшаб ижод этган мұхиттегі «революцион Россия», «Рус маданияти ва ижтимои қараашларининг» таъсири кучли бўлган деб нотўғри баҳо берган авазшунос олимлардан бири Юнус Юсупов -- Айёмийдир:

«... Авазнинг исёнкорлик овози баралла янгради. У реакцион адабиётга, феодал-клерикал ва жадид ёзувчилари ижодига қарши курашда чиниқди, камол топди», деб ёзиг Аваз сиймосини қора сиёҳга бўяб курсатади. («Ўт чақнаган сатрлар», Тошкент, F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 йил. 135-бет). Айниқса, қадриятларимизнинг энг юксак ғоялари талқин этилган, буюк Алишер Навоий ва Оғаҳий ғазаллари ҳамрадиф шеърлар битилган «Мажмуат-уш-шуаро» шеърий тўпламини реакцион адабиёт, феодал-клерикал адабиёт, фақат маддоҳлик, хушомадгўйликдан иборат адабиёт, деб ерга уради. Бу билан Юнус Юсупов мустабид шуролар мафкурасини кўкларга кўтармоқчи бўлади. У яна:

«... Сарой ёзувчилари яратган асарлар қўпинча хон ва амалдорларни хушомадгўйлик билан мақташга, майшатпарастликка бағишиланар эди. Таклидчилик сарой ёзувчилари ижодида жуда кучайган эди. Табибий томонидан тузилган «Мажмуат-уш-шуаро» бунинг яққол мисолидир» (Ўша китоб, 135-бет), деб ёзиг, бу тўпламга кирган 31 шоир ижодига тош отади. Ваҳоланки, бу мажмууда Баёний, Мирзо, Табибий, Мутриб, Ниёзий, Роғиб, Комилжон Девоний, Чокар, Надим, Ходим ва Аваз Ўтарнинг юздан ортиқ шоҳбайти фазаллари мужассамдир. Шунингдек, Аваз Ўтар жадид адабиёти ёзувчилари ижодига қарши шоир, дейилади. Бу ҳаёт ҳақиқатларидан узоқ фикрдир. Чунки Аваз Ўтар жадидчилик ҳаракатининг оташин жарчиси, буюк жадидчи шоирдир. Негаки, «Мажмуат-уш-шуаро»даги шоирлардан катта қўпчилиги «Ёш хиваликлар» ташкилоти аъзолари бўлиб, жадидчилик ҳаракати вакиллари эдилар. Уларнинг бари Аваз Ўтарнинг устозлари, хужрадош дўстлари эдилар.

Авазшунос Юнус Юсупов шоир ижодини таҳдил этар экан, ишончли адабий ва тарихий манбаларга таянимайди. Акс ҳолда оғзаки, ёлондакам, олди-қочди маълумотларга таяниб Ферузшоҳ Авазга 200 қамчи урдириб, «Оқмачит» (яъни Хивадан 20 км. узоқда жойлашган «Оқмасжил» қишлоғидаги Бобо эшон қабристонига демоқчи) қишлоғига юборди, деб нотўғри маълумот беради. (Ўша китоб, 141-бет). Бу тўғрида сарой ҳаётида қайнаган Бобоҷон Тарроҳ ўз хотираларида аниқ маълумот беради. Унинг ёзишича, қадимда Хоразмда ҳар жума куни авлиё ва қабристонларга зиёратта бориш, кўй сўйиб садақа бериш, муллаларга пул ва озиқ-овқат ташиш расм бўлган. Бир жума куни Хива шаҳридаги Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) мақбарасидан зиёратдан чиқиб келаётган, дас-

турхон ва тугунлар күтариб олган халойиқ билан Аваз Ўтар очиқдан-очиқ гаплашиб, бундай лейди: «Полвон ота ётғон үлук. Бу үлукни зиёрат қилип (нима қиласизлар), бу киши ҳам сизлар каби, — деде буларға Аваз (яна) ойтоди: — Бир ётғон үлук одам. Муни нимага құдрати етади. Сизлар бу ётғон үлукдан нечук фойдалана олурсиз. Полвон отани яротғон Худо, бизларни яротғон ҳам Худо. Ҳарна мақсад бұлса, Худодан сұрамоқ керак», — деган сүзни Аваз халқға ойтоди. Ҳоразм халқыра Аваз бу ташвиқтоти тарқатып юрганини ... Давлаткелди дүгма... Мұхаммад Раҳим Иккінчига ойтғон ҳамон... Қибла тоза боғ ҳавлига жалладың чақириб олдириб, Аваз Ўтарни «Уч оғоч»га осиб үлдирилсун, деган буйруқни берди. Шу вақтда Авазнинг отаси қарри Ўтар... Мамат маҳрамга ийғлади. Авазни ўлим гунохини тилянг. Аваз жинни бұлғон... Авазни ўлим гунохини ўтсинглар, деган. Қарри Ўтарни сүзини Мұхаммад Раҳим Иккінжи эшитиб: — Аваз жинни бұлғон бұлса, ўлим гунохини ўтдим. Шихлодоги Эшонға олиб бориб топширилсун. Оёқиға кишан уриб құйсін, деган буйруқни берди. Бизлар: Биринжи Болта Ҳаррот — Надим, иккінжи Юсуф Ҳаррот — Чокар, учинжи Мұхрекан Комил Девоний, тұрттынжи мен Бобожон Таррох — Ҳодим саройни дақлизида Улуғ Мамат маҳрамни Аваз Ўтар ҳақида сүзлаган сүзларини эшитиб үлтүрдүк.» («Хоразм шоирлари ва навозандалари.» «Tafakkur qanotı», 2011 й. 21-бет).

Ҳақиқатан ҳам бу воқеа 1908 йил охири 1909 йил бошларыда содир бўлган. Чунки Аваз Ўтарнинг биринчи девонини Чокар 1907 йилда, иккинчи ва учинчи девонларини эса 1908 йил август ва октябрь ойларыда Надим күчириб ёзган ва Ферузшоҳга топширган эди. Бу девонлардаги сатирик fazallар ва «Фалоний» туркумидаги қытъаларда танқид этилган баъзи разил дин пешволари, амалдорлар шахсияти барчага аён бўлиб воҳада шов-шув кўтарилишига сабаб бўлган эди.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодини, девонларини авазшунос олимлар Юнус Юсупов ва Васила Мұминовалар юзаки ўрганиб, шўролар тузуми мафкурасига хайриҳоҳ тарзда нотўғри баҳо берганилар. Аваз Ўтарнинг бу девонлари истиқдол ёшларининг янгича таҳлил ва эътирофини кутиб илҳақ бўлиб ётибди.

АВАЗ ИСЁНКОР ШОИР

Аваз Ўтар жуда кўп ўқиди ва изланди. Унинг ҳикмат ва ҳақиқат чашмаларидан сув ичган эътиқоди, ҳаётга қараашлари тобора камол топди ва мустаҳкам пойдеворга эга бўлди.

У қўлига қалам олар экан, ўзини ўраб олган нокас замонга шарқона маънавият устунлари бўлган Навоий, Машраб, Мунис ва Оғажий, Комил Хоразмийлар нигоҳи билан қаради. Улар олға сурган адолат.

саховат, дин-лиёнат, раҳм-шафқат каби гуманистик ғоялар нуқтаи-назаридан мушоҳада этди. Уни ўраб турган ибтидоий қолоқ жамият унинг эътиқодига мутлақо зид эканлигини пайқади ва устозлар изидан борди.

Аваз ҳақоний ғоялар: миллат манфаатини кўзлаш, уни нодонлик ботқоғидан олиб чиқиш, очлик, қашшоқлик сабабчиси бўлган ижтимоий тузумни қоралаш ғоясини илгари сурди. У ўзи яшаб турган замондаги тенгисзиликни, эзувчи амалдорларни, эзилувчи «бечора ҳалқ» ни, Хоразм бойлигини Россияга ташиётган мустамлакачиларни, элга ислом зиёсини тарқатиш ўрнига кайфу-сафо қилувчи шайхларни кўрди. Бундай нотекис айланувчи ҷарх, инсонга қандай баҳт, тинч-осуда ҳаёт бериши мумкин? Нега бу замонда бирорлар бой, бирорлар қашшоқ яшайди? Биз нону-насибамизни бу бетайин оламда қандай топамиз? Қисматимиз не кечади, деган дилидаги саволлар дастлаб унинг газалларига кўчади:

*Жаҳонким, сув устиладур бир ҳубоб,
Нечук анда эл бўлгуси комёб.*

*Бирорлар бўлиб эл аро аржуманд,
Бирорлар ҳамиша чекар кўп азоб.*

*Бу янглиғ эса гар биноси анинг,
Бас, анда нечук бўлгамиз баҳраёб...*

(Жамият, замон сув устидаги пуфакчага ўхшайди, унда ҳалқ, нечук (баҳраёб) баҳтиёр бўлиши мумкин. Бирорлар элда (аржуманд) азиздур, бирорлар эса азоб-укубат гирдобида. Замон биноси бу қадар номустаҳкам бўлса, биз қандай ундан (баҳраёб) баҳра оламиз дейди).

Яна:

*Риёзат била бермайин нафса ранж
Иши аҳли оламнидур хўрду-хоб...*

Аваз устозлари Баёний ва Яхшимуродбекдан Куръони Каримнинг зоҳирий ва пинҳоний томонларини, тасаввуф илмиётини чуқур ўрганганди. У эътиқоди мустаҳкам, имони пок шоир бўлиб етишган эди. Шу боис тасаввуф илмидаги шахс ва нафс, шахснинг орзу-ҳавасга бўлган табиий майл, истаклари ҳақида фикр-мулоҳаза юритмоқда. Нафс – инсон камолотига ғов бўлиши, уни инқирозга юз тутишга олиб келиши мумкин. Нафсини тийган, унинг устидан ғалаба қилган инсонгина юксак маънавий эътиқод эгаси бўлади, демоқда. Бу ерда олам аҳли

риёзат чекиб. нафсины тиймасдан фәқат еб-ичишігә, майшатта муккасидан берилған, деб ачинмоқда. Оллох, бу ёруғ оламга инсонни фәқат еб-ичмоқ учун юбормайды-ку, деган тасаввуфий фалсафа унга тинчлик бермайды, уни исёнга үндайды:

*Құлғын олам элин рамлини
Хамишаки даврон құлур инқилоб...*

Инқилоб – үзгариш, тескари оқиши демекдир. Шу бойисдан чарх-даврон Миррих саïераси тамойилига күра тескари айланади. Оламда үзгариш – инқилоб қиласы, яъни адолат ва қақиқат үрнатади, дейди Аваз. Наҳси олам бу Миррих (Марс) саïераси деганидир. Уни башоратчилар «уруш худоси» (бог войны) дейишилади. Аваз даврон-замон, шахс ва уннинг масъулияти, эл-юрт ва халқ ҳасты, олам ва одам гүзіллиги, виждон ва бурч муаммоларини күтариб чиқмоқда.

Аваз Үтар ижодидаги исёңкор шарқона фалсафа ҳанузгача ўрганилмаган.

Авазнинг исёңкор ғазаллари бойлик орттиришга муккасидан кетган амалдорларга, савдо-сотиқ баҳонасида маҳаллий бойлар билан тил бириктириб миллатни талаёттан рус мустамлакачиларига, айниқса, ислом динининг муқаддас қонун-қоидаларига зид иш құлувчи риёкор шайхларга бағициланғандыр.

Шайхларнинг тарки дүнәчиликтің тарғиб этиб, үzlари ҳаст лаззатлары бүлган майхұрлықка берилішлари, адолатни ҳимоя этиш үрнігә жақолатни, жабр-зулмни құллаб-құвватлашлари каби Алишер Навоийнинг ахлоқий-танқидий қарашлари Аваз Үтар ижодига ижобий таъсир күрсаттап. Аваз Үтар устозлари изидан борди. Үз замонасадаги дин пешволосарининг халқыны алдовчы, элни қақиқат, эрк ва озодлік учун кураш йўлидан озлирувчи шайхларни қаттық танқил этди.

Уннинг «Икки шайх» радиғли ғазали бутун воҳага ёйилди. Ҳалойикни ёлғончи ва риёкор шайхларга нисбатан оёққа турғизди:

*Аҳли замонни оздурур роҳи ҳақиқатдин мудом,
Шайтонияттық расмими айлаб падидор икки шайх.*

*Кундузлар айлаб ваязлар аҳли жаҳонға бешумор,
Майдин құлурлар кечалар соғарни саршор икки шайх.*

Аваз Үтар: Шайхлар ҳар куни масжилларда ваъзхонлик қилиб, ҳалоллик, адолатдан, гуноҳ ва савобдан лоғлар урадилар. Лекин улар риёкор яъни иккиси зуламачидир, дейди:

*Ҳар күн қылаб масжид сори юз минг риё бирла хиром,
Ҳар түн қылур каззоблик ўзига атвөр икки шайх...*

*Моҳирлиқи ул нағылым шами фусунда этдүрүр-
Шайтонға макр ила ҳияял дарсини тақрор икки шайх...*

Аваз Ўтар шайхлар, муллаларнинг авлиёлар бошида ўтириб, ҳалқни алдаб, охирги нони-насибасини қўлидан олиб кун кўраётганларига чи-даб тура олмади. Уларни «Фалоний» туркумидаги қитъаларида, жуда кўп ғазалларida қаттиқ танқид этди.

«Фалоний» туркумидаги қитъаларда танқид этилган барча амалдорлар шахсияти ўша кезларда ҳаммага аён бўлиб, воҳада шов-шув кўтарилишига сабаб бўлган.

*Фалони гарчи кўб олий насадбур,
Вале надону жоҳил, беадаббур,
Адаббур издиёдбахши иззат
Анга бу важҳдин Махфий лақаббур.*

Бу қитъа сарой аъёнларининг маҳфий айғоқчиларидан Давлаткелди дўғма тўғрисида эди. Дарвоқе, Бобоҷон Тарроҳнинг ёзишича, Давлаткелди дўғманинг чақимчилиги боис адолатпеша Толиб Маҳзум, Қодирберган маҳрам каби кўп бегуноҳ кимсалар жазоланганд, дорларга осилган эди.

Авазнинг «Фалоний» туркумидаги қитъаларида сатира остига олинган кўлгина амалдорлар шахсини нотўғри таҳлил этган Юнус Юсупов бу «Махфий» лақабли шахсни ўша даврда оламдан ўтиб кетган Али маҳрамдир, деб ёзиб, хатоликка йўл қўяди. Али маҳрам Отажон тўра-нинг маҳрами эди.

Аваз Ўтар ҳамиша хонавайрон бўлаётган ўз миллатини ўйларди. Унинг ҳаётдаги асосий мақсади қашшоқликка қарши эрк ва озодлик учун кураш эди. Шу боисдан:

*Фидои ҳалқим ўлсин танда жоним,
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.*

*Гар ўлсан дарбадар мазлумлар учун
Будур мақсуди қалби нотавоним...*

деб ёзди.

Аваз жазони ўтар экан, унинг кўзи буткул очилди. Энди у ўзини ўраб олган разил тарихий жараён, рус мустамлакаси, жоҳил амалдорлар ва нопок дин пешволари жабри остида инграб ётган миллатини ҳимоя этишга отланади. Унинг ҳар бир сўзи озодлик учун кураш йўлида замбарак ўқларига айланиб кетди:

*Нетонг, бўлса Аваз пайваста исён баҳрига ғаввос,
Дилида қолмади сабру сукун ҳам, тобу-тоқат ҳам!...*

Ғаввос – бу сув тагига шўнгувчиидир. Исён баҳри – бу адолат деңтизи тўфонларицир.

Аваз ота маконини ҳаромтамоқ шайхлар, амалдорлардан тозалаш, миллатни уйғотиш, миллат хурлигини «банди зиндан» этган тузумни йўқ қилиш учун ҳалқ исёни деңгизи бағрига шўнгигиб кетади.

ИХТИЛОТ

Аваз Ўтар хўрланган, топталган элнинг, оёқ ости қилинган шоиридир. У ёшлигидан Гадойлар маҳалласида яшаб, юпун ва камбагал одамлар ҳаётини ўз кўзи билан кўрди. Шу боисдан Аваз ботинан мансуб тузум ва замон билан келиша олмади. Ҳамиша эзилган ҳалқ томонида бўлиб, вижданан ўша муҳит, ўша ижтимоий тузум билан юзма-юз, яккама-якка кураш олиб борди. Хўрланиш унга бутун эл-юрт қаторида келган оғат бўлгани боис, у дилидаги дардини яшириб ўтиргмаган, ҳужумкор ҳис-туйғулари қаламидан оқ қофозга тўкилган:

*Токим ман этдим аҳли жаҳон бирла ихтилот,
Қилғон мисоли душман жони била ихтилот.
Оҳирда заҳри бирла ҳалок ўлғай ҳар киши,
Фоғиллиғ айлаб этса илон бирла ихтилот...*

(«Аваз ва унинг адабий муҳити», 195-бет).

Ихтилот – бу аралashiш, борди-келди қилиш деганидир. Шоир сарой жосуслари, баҳти қаро замон бошида турган жаллод амалдорлар билан борди-келди қилиш илон билан дўст тутинишдир, дейди.

У яна бир газалида:

*Бўйла мурувватсиз замон аҳли эрурким, эй Аваз,
Гар топса фурсат бергуси оғу қўшиб ош устуна...*

деб ёзди (Аваз. Сайланма. 36-бет).

Аваз Ўгар қабристонда құл оёғи темир кишанда ётар экан, уйини, оиласини, дұстларини соғиниб ғазаллар ёзди. Үшанды у 24-25 ёшларида эли. Бирок, замона зайлидан күркіб қолган дұст-әрлари ундан хабар олишидан чүчиң бора олмадилар. Ҳатто отаси Ўтар бобо ва яқынлари унинг олдига яширинча келиб, ҳол-ахвол сұраб турадилар.

У қабристонда соғинч нурларига йүғрилған ғазаллар ёзди:

*Нечаким сүрдім мани бечора жонондин хабар.
Гүйиे ўлган ўлукдек топмадым жонондин хабар...*

*Эй Аваз, сүргүнг ногорингни паривашилар аро,
Коғистон ичра сүрғондек, мусулмондин хабар.*

Хұрланған, якка lab ташланған, йигитлик шаъни, гуури ерга урилған Аваз қаттық изтироб чекди.

Аваз үзи яшаб турған замон ва замондошлари ичида үзини ёлғиз ҳис этар экан, эзилған миллат, әл-юрт билан яшаш унинг исөнкор рұхига қайтадан күч-қудрат баҳш этади. Үзининг ортида суюнған тоғи Хоразм халқы, ота юрти борлигини ҳис этиб, фахр ва ифтихор түйғулари билан яшайды. Энди у саройда бұладыған мушоираларға бошқа сарой шоирлары-га ўхшаб, битта-иккита ғазали билан эмас, ўнлаб, көзлаб ғазалларини ўртага ташлаб қатнашади. У барча қаламкашларни «Маоний арсаси»ға, сүз камоли жангига чорлайды. У үзининг воҳа шоирлари сардори, мушоҳадаси буюк шоир эканлыгини исбот этади ва барчани ҳайратта солади.

Аваз янгича фикрлаш, исөнкор ғазаллар ижод этиш қобилиятини янада ёрқинроқ намоён этади. Бу түғрида Авазнинг дүсти ва замондоши, иқтидорли шоир Рогиб ғазалларига қулоқ тутамиз.

АВАЗ ВА РОҒИБ

Аваз Ўтар ўз ғазалларыда «душман» сүзини күп ишлатади:

*Дод алинғдан ақким, ахбоб элин ноком этиб,
Тобакай душманларимга мунча даврон айладинг...*

Яна:

*Ичарман қонини ҳар кимсаким ёримға душмандур
Манғо душман эрур ул злки, дилдоримға душмандур...*

Ёки:

*Манға сүз демагил зиди Аваз афлок давридин,
Ким ул бедодектар баҳти бедоримға душмандур.*

(Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984-йил, 168-бет)



Мұхаммад Юсуфбек – Баеній



Комилжон Деноний



Мұхаммад Юсуф Харрот – Чокар



Бобојон Тарроқ – Ҳодим



Худојберди Махдум, Ёкуб Харрот, Шариф Тарроҳ, Мухаммад Шариф

Чапдан ўнгга: Феруэшоҳнинг хос девонлари: Сурит 1873 й. да олинган.
 1. Муҳаммад Шариф Тарроҳ девон; 2. Муҳаммад Ёкуб Харрот девон;
 3. Худойберди Махдум; 4. Худойберган Муҳркан.



Паҳлавон Ниёз Муҳаммад
Комил Хоразмий



Ожиза – Онабиби қори
(Онабиби Отажонова)

1969 й. Космик парвоздан
сўнг Ўзбекистонда меҳмон
бўлган космонавт Е. В.
Хруновдан журналист
Анбара Отамуродова
интервью олмоқда



1958 й.
Зулфияхоним
 билан учрашув

1956 й. Куз фасли.
32 яшар Раж Капур
Ўзбекистон пахта
далаларида





Мұхаммад Юсуф Харрот – Чокар фарзандлари билан: 1. Фозил Харротов (Машхур чангчи созанда). 2. Муслима Харротова (Гармончи халфа).



Ферузшохнинг неваралари:
Чапдан биринчи: Кишjon бека, Бобохон ва унинг хотини Малика.



1913 й. Хива касалхонаси ишга тушган кун.



Тамарахонумнинг устозлари:
Сафо Муғаний ва Мухаммад Ёкуб Харрот.

سید علی

معارف میختهاده و شبهه تجسس داشتند از این دلایل توانند خواهی های اغاییو شنای پسورد کم اولیه ای اور درسته او را فاش نمیکردند

19-11-25

اسویتھ
شکر خونہ

در میان اینکه اوزن لایل لازم داشت و تلقیف سینی اوزن ایمید و در واحد ایکار خواهد بود
او شیخ ۵۰۱ ابی جعفر علی بن ابی طالب این نسخه تو غولخانه او شیخ پیر شیخ حداد نامه نزد استادی
امیر حکم اور فخر نشسته بخیانه کلان اصحتی قلمخانه دوره ایکار

مکالمہ شاعر ایڈورڈ کیب
معارفہ منتہ نیلمی: معاویہ
ادیف شعیر ۱۹۶۴ء
مکالمہ شاعر ایڈورڈ کیب



1922 й. 18-иүнү. Отаниёс Охунд – Ниэзий Мұхаммад Раҳимхон мадрасасыга Мударрис этиб тайинланған түркисидаги “Шаҳодатнома”.

Шаҳодатнома

Ушбу Шаҳодатнома бериладур домла Отаниёз Ҳўжсаниёз ўғлига шул ҳусусидаким ул биродар дуристинда 1922 йил 18-июнда ҳайат муммизалар ҳузурида баъдаз имтихон иқтидор ва қобилияти маълум бўлгани учун Муҳаммад Раҳимхоннинг Кухна Арик олдидағи мадрасасига домла Абдулло Риёзатининг ўрнига
охунд насиб этилуб таъйин қилинди. Эмди керакким охунд мазкур мувофиқ вақфнома ва мувофиқ программа мударрислик қилиб ўзига лозим бўлган вазифасини адо этадур. Домла Отаниёз Ҳўжсаниёз ўғли 1850 йилнинг марта ойинда туғилган. Ушбу Шаҳодатномани дурустлиги имзолар авқоф шўъбаси печати илан тасдиқ қилинадур,
деб

Маориф маданият нозари: Муовуни (қўл)

Авқоф шўъба мудири: (Бу Баёний имзоси)

Масъул котиб: (Бу Чокар имзоси)

Хоразм Ҳалқ Шўролар жумҳурияти

*Маориф Маданият назорати
авқоф шўъбаси 1340-йил 24-шаввон*

19 18 22 июнда

Шаҳр Хива

муҳр



Шоир ва драматург **Комил Аваз оиласиз дўсти**

(Афлок – бу фалак, бедодгустар – зулмкор, адолатсиз замон деганидир. Эй Аваз, энди адолатсиз, шафқатсиз фалак замонадан сўз дема, у менинг уйғоқ баҳтим душманидир, лейди).

Авазнинг учта девонининг бирин-кетин китобот этиб кўчирилиши ва ундаги нопок ва нодон сарой амалдорлари, дин пешволари қиёфаси элу-юрт олдила фош этилиши шоир душманларини «харосот майдони»га отлантириб юборди. Унинг оиласига, ота-онасига, ўзига суикасд этиш бошланди.

Бу воқеалар ичидаги бўлган Бобоҷон Тарроҳ: «Аваз эшон дуосини олиб, жазони ўтаб уйига қайтди. Аввалгида янги ёзган ғазалларини Ферузшоҳнинг олдига ўзи киритиб беришда давом этди», деб ёзади. Бундан кўриниб турибдики, Авазнинг буюк шоирлигини зътироф этган Ферузшоҳ унга нисбатан кек, гараз сақламаган. Авазни ўз ҳузурига киритиб, ғазалларини қабул қилиб олган. Аваз ҳақида ғамхўрлик қилишда давом этган. Авазнинг жазоланиши Хиванинг «Ичон» ва «Дешон» қальасида яшаётган аҳоли ўртасида ҳам катта шов-шувга сабаб бўлди. Айниқса, шоирлар, созандва навозандалар, унинг яқинлари қаттиқ изтироб чекдилар.

Аваз Ўтарнинг дўстлари жуда кўп эди. Шулардан бири Муҳаммад Раҳим – Рогиб қози Шокир ўғлидир.

У Урганч шаҳри яқинидаги Қоровул қишлоғида зиёли оиласида 1865-йилда туғилди. Унинг отаси Хива ва Бухоро мадрасаларида таълим олган ғриф киши эди.

Рогиб бошлангич таълимни эски мактабда олди, кейин Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасасида ўқиди. Хива саройида Шокир қозиганг обрў-зътибори баланд эди.

Рогиб – рағбатли, хоҳишли деганидир. Унинг ёшлиги Муҳаммад аҳим Иккинчи – Феруз замонасида адабиёт ва санъатнинг гуллабуркираган адабий муҳитида чирой очди. У Хивада ўқир экан шоир ва мақомот илми алломалари Комил Хоразмий, Баёний, Ниёзий, шунингдек, Табибий, Аваз, Чокар, Комил Девоний каби иқтидор эгалари билан танишди, улар ижодидан рағбатланиб, ижод этди.

Қўнимизда Рогибининг 1909 йилда мулла Каримберган девон ибн Раҳмонберган ибн Худойберган муҳркан томонидан кўчирилган қўллэзма девони бор. Унда шоирнинг 1221 ғазали, 40 та мухаммаси, 6 таржианди, 6 мусаддаси, 36 рубоийси, 12 қитъаси мавжуддир.

Рогиб ҳафтада икки марта – душанба ва жума кунлари Урганчдан ивага отта миниб келган.

У тўғри Сангар қишлоғида истиқомат қўлувчи Худойберган муҳркан (1822-1920) ҳовлисига тушиб, у ерда бир кечада мәҳмон бўлиб, эртасига Ферузшоҳ ҳузурига саломга шошилган. Унга янги ёзилган шеърларини тақдим этиб турган.

Роғиб Худойберган мұхр坎нинг невараси Каримберган девон билан дүст-қадрдан эди. Роғибнинг барча ғазалларини у хон фармени билан девон тартиб беріб күчирганды. Роғиб мұхрканлар ҳовлисіда шу оила дилбанди Комилжон Девоний (1887-1938) билан ҳам дүстлаштады.

Гап шундаки, Комилжон Девоний боғида ҳар кече Бобожон Таррох, Чокарлар мәқомшунос хонанда Матеқуб позачи раҳбарлігіда тұтап-нишиб, Хоразм олти ярим мәқомини тинимсиз ўрганар эдилар. Бу мәқом кечаларига Гадик буйидаги уйи жуда яқын бүлгани учун Аваz Үтар ҳам қатнашар эди. Роғиб улардан 20 ёш катта бўлиб, Хива саройининг бу ёш шоир ва ҳаттотлари билан яқиндан таништанды.

Роғиб девонида уларга багишлаб ёзилган ғазаллар билан танишар эканмиз, айниқса, шоир Аваz Үтар ҳақидағи сатрларини ўқиб, ҳайратланамиз. Роғиб Аваz Үтар ҳақида:

*Аваz ибн Үтар назм ағлидан табын эрур чобук
Табибидин баланд ўлмоқ тиляб токи қылур даъво.
Битиб етмиш ғазал түхфа қылур шоҳ боргоҳига,
Табибидан күп олғон олмогонни күрмадым асло.*

Күриниб турибдики, Роғиб Аваznинг түгма иқтидор этаси эканлитини, табиатан тез фаҳм, ўткир зеҳнли, шоирлар ичиде энг пешқадами эканлитини қайд этмоқда. Мушоираларда ҳаммадан күп ва ҳаммадан хұп 70 ғазал битиб, Ферузшоҳ ва барча қаламкаш дүстларини лол қолдирғани таъкидланмоқда. Шоир Роғиб Аваzга хайрхөлгитини очик әйлон қылмоқда.

Ферузшоҳнинг маҳрами рутбасига күтарилған Табибий устидан Аваz-нинг ғалаба қилиши мүмкінлеги, Аваz үз даври шоирлари сардори бўлишга муносиб деган фикрини пардага ўраб галирмоқда. Бироқ, замона зайлар бунга йўл қўймаслигини билиб, пинҳона афсус-надомат чекмоқда.

Гап шундаки, бу тўғрида Аваz Үтарнинг ўзи ҳам ёзган. Шоирлар мажмуаси сардори, якқалам соҳиби бўла олмаганидан армон этади:

*Аваzким, назм аро гарчи эрур табын салим асрү,
Ва лекин бўлмади мажмуи шоирларни сардори...*

Ёки:

*Аваz, айтисб ғазал чобуклик ила,
Бори шоирлар ичра якқалам қил...*

Аваз Ўтар ўз ижодининг юксак поғонада турганини, ғазалларининг ҳар бир сатрини меҳр ва вафо чашмалари гавҳари билан, шеъриятнинг энг нағис зеби-зийнатлари билан безаб ёзганини айтади, бироқ қадр топмадим дейди:

*Не бало оғат әдинг назм аҳли ичра қўлмадинг,
Рўзи шаб айтиб Аваз абёт ила ашъор бас...*

Ижодимни халқим, дўстларим қадрласа, элимда овоза бўлса бас, бу менинг баҳтим, асл мақсадим дейди:

*Эй Аваз ҳеч ким этолмас ишни қилгунгдир, санго
Мажмуъи шоирлар ичра од ила овоза бас...*

Яна:

*Гарчи жаҳонда кўбдурур ағзол, аё аҳли уқул,
Лекин Аваз назмиға ҳар абёту девон ўхшамас...*

Аваз Ўтарни чин қалбидан қадрлаб, унинг буюқ шоирлигини эътироф этган Рогиб унинг устози Табиийни дўстона ҳазил-мутоиба ишлатиб танқид этади:

*Табиий шеър назми шавқ ағзо ҳам табобатда,
Ким они билсангизлар асрида Луқмони дононур.
Ўзи лек аҳли мансаб бул ажаб қиммат сотар ҳабни,
Недин бир тангалик дору, ҳаб айлар икки тишлодур.
(Қўнимиздаги Рогиб девонидан).*

Аваз Ўтар ҳақидаги дўстлари ва замондошларининг қимматли фикрлари, хотиралари алоҳида илмий тадқиқотларга мавзу бўлса арзийди.

АВАЗ ЎТАР – ЭРК ВА ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ

Аваз Ўтар 1910-1919 йиллар мобайнида бетакрор сиёсий лирик асарлар яратди.

1910 йил августида Муҳаммад Раҳим Иккинчи – Феруз оламдан ўтиб, таҳтта унинг ўғли Исфандиёрхон ўтириши билан мамлакатда ислоҳот ўтказишга фармон берди. Бу ишни қайин отаси – вазири акбар Исломхўжага топширди.

Исломхўжа ақли, идроки жиҳатидан хонликдаги барға амалдорлардан устун эди. У янгиликка интилиб, мамлакатни қолоқлиқдан, нодонликдан олиб чиқиш, тараққиёт йўлига солин учун иқтисодий, сиёсий, маданий ислоҳотларни бошлаб юборди. Миллат равнақи йўлида касалхона, почта, йўллар, кўприклар, мактаблар қуришга кириши. Исломхўжа ҳатто хоннинг шахсий пул маблагини давлат маблағидан ажратиб ташлади. Исфандиёрхон ва унинг атрофидаги иғвогарларга йўл бермади. Барча ҳалойиқ Исфандиёрхонга эмас, Исломхўжага мурожаат эта бошлади. Бош вазирнинг миллат ободлиги йўлидаги жонбозлиги унинг обрўсини ошириб юборди. Саройда фитначи иғвогарлар хон атрофига тўпланиб, Исломхўжаний ўқ қилиш пайига тушдилар. Бундан хабар топган Амударё бўлими бошлиғи полковник Колосовский (у кейинчалик генерал бўлган) Исфандиёрхонни қўллаб-куvvатлади. Натижада 1913 йил 9 августда Исломхўжа қатл этилди. Бу тўғрида О. Қўшжонов ва Н. Полвоновларнинг «Хоразмда ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар» (Тошкент, 2007 й.) китобида батафсил баён этилган.

Хива хонлиги саройи икки гуруҳга бўлинди. Бир томонда Исломхўжа, иккинчи томонда Ҳусайн девонбеги тарафдорлари бор эди. Исфандиёрхон саройида яна бир гуруҳ, Матвафо Карвонбоши ва унинг укаси Абдураҳмон Баққолов, жияни Шариф Баққолов ҳамда Ашур маҳрамлар бўлиб, улар Колосовскийга таяниб иш тутар эдилар. Исломхўжа қотилларининг ташкилотчилари ҳам шулар эли. Рус амалдорларининг ёрдамида Матвафо Баққолов бош вазир, Ашур маҳрам эса бош маҳрам лавозимларини эгалладилар.

Хива хонлигини ич-ичидан емириш учун амалдорлар орасида иғвогарлик ишларини олиб борган Колосовский 1914 йил 31-декабрида Туркистон генерал-губернаторига шундай ахборот йўллаган: «Бизнинг хонлик саройидаги фитналарга аралашганимиз ўзининг тарихига эгалир...

Ҳеч қандай шубҳасиз очиқ-оидин бўлмоқдаки, хон саройида «девонбегилар», деб аталған гуруҳнинг биз томонимиздан тикланиши вазири акбар-Исломхўжанинг ўлдирилиши сабабларидан бўлиб ҳисобланади». (Ўша китоб, 146-147-бет).

Исломхўжанинг ислоҳот йўлидаги жонбозлиги ва унга қарши Ҳусайн девонбеги, Матвафо Баққолов ва Ашур маҳрамларнинг хоинона иш тутишлари, гайридин кишилари – рус ҳарбийларининг бу оғзи олачилайдан усталик билан фойдаланиб, миллатни, мамлакатни хонавайрон этиш воқсалари ичилда бўлган Аваз Ўтар ўнлаб сиёсий шеърлар ёзди. Унинг 1914-йиларда ёзилган «Халқ» радибли шеъри ана шу воқсалар таъсирида дунёга келган:

*Йўқ жаҳон мұлқида биздек ожизу бечора халқ,
Зұлы тиги бирла бұлғон бағыт юз минг пора халқ.*

*Бир неча авбошлар мундоғ ҳукмрон айласа,
Колмағай, оре, на ёңгілғи мәжнану озора халқ?*

(Авбошлар-безорилар, дайди, саёклар деганидир. Оре-тұғри, рост, шубхасиз дегани бұлиб, давлат бошида Исфандиёрхон бошлиқ Ҳусайн девонбеки, Баққоловлар, Ашур маҳрамлар ҳамда рус мустамлакачи генерали Колосовскийлар галаси турар экан, әзилтган халқ додига чора йүқдир. Чунки мустамлакачилар учун ўзбек миллати ўз миллатидек қадрли эмасдир. Шу боис уларда миллат, ватан йўқдир, улар Хоразмни, ўзбек миллатини ҳеч қағон ҳимоя этмайдилар. Дунё халқлари кун-кундан тарақкий этаяпти, биз давлат тепасида тожу-тахт талашаётган бу авбошлар туфайли таназзулга юз тутдик, деб ёзди).

*Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанини сақламоқ,
Бўлди қурбон бу сабабдин миллати ағёра халқ.*

*Халқи оламни бори айлар тарақкий кун-бакун
Биз таназзул айлабон қолдук, здук не қора халқ.*

Аваз Ўтарнинг ҳар бир ғазали миллатни ер билан яксон этган турли тарихий фожиалар гирдобида ёзилган.

Тарихий манбалардан маълумки, чор Россияси генералларига таяниб иш тутган Исфандиёрхон, улпинг атрофидаги бош вазир Матвафо Карвонбоши Баққолов ва күптина маҳрамлар мамлакат фуқароларининг чиройли қизларини саройга зўрлаб олиб келиб, айши-ишрат эта бошладилар. Бу тұғрида юқорида айтганимиздай, тарихий ҳужжатлар асосида ёзилган О. Күшжонов ва Н. Полвоновларнинг «Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар» китобида шундай фактларни ўқыймиз: «...1916 йил январнинг биринчи кунларида хоннинг ҳарамхонасига... Хўжаэли шахридан Дўстниёз Юсуповнинг (қорақалпок) 15 ёшли Энажон, Мангитдан Жаббор темирчи Полвоновнинг 14 ёшлик Оймон исмли қизи олиб келинди... Бир неча кундан кейин бу қизларнинг ўлиги ота-оналарига юборилди». (Ўша китоб, 220 бет). Бундай хўрланган қизлар жуда кўп бўлиб, тарих саҳифаларига «Қирқ қиз воқеаси» деб муҳрланган.

Шоир Аваз Ўтар норасида қизларнинг машъум тақдиди, мотам либосига ўранган хонадонлар ҳақида ғам-кулфатта тўлиб:

*Фигонким мунъадам бўлди жаҳондин айшу роҳат ҳам
Йўқолди ушбу оламдин бори иззат, адолат ҳам.*

*Халойиқ молу-мұлқи юз түтіб торожсу ёғымаға,
Бұлыб хон нағсига құрбон бары номусу-иффат ҳам.*

*Адағыз хонадониялар чүлғониб мотам либосига,
Бұлыб жөн қасдига мойыл ҳұкумат ҳам, сиёсат ҳам.*

*Гуноҳсиз норасида дахлсиз зәл қызларин зүрлаб,
Күринг, үз қонига олуда Зевар ҳам, Саодат ҳам...*

деб ёзді.

Аваз Үтар ижодини XIX аср охири XX аср бошларидаги адабий, тарихий, ижтимоий-сийссий воқеаларни чүкүр ўрганмаған адіба Васила Мұминова, шоирнинг ўша «Халқ», «Ҳам» радифли шеърларини 1909-1910 йилда ёзилған деб нотуғри баҳолайды: «Бизнинг фикримизча, унинг 1910 йилда ёзилған «Ҳам» радифли ғазали исенкорлик ҳислари... елқынланған дастлабки ғазалидир...» деб юзаки таҳтил этади. У яна: «... Шоир 1909 йилда хон саройидан кеттандан кейин... халққа ҳамдардлик... кураш эътиқоди фавқулодда ўсған», деб «Халқ» шеъридан парча келтиради. Ағсуски, ҳар бир сатрини мильтап тақдирі, мамлакат ҳәстидаги муҳим воқеаларға бағишилаган оташин шоир Аваз Үтарнинг «Үт чақнаган» ғазалига баъзи авазшунослар «руслаштириши», «илғор рус маданиятигининг таъсири» кучли бўлған деб шўролар мағкурасига мувофиқ баҳо берадилар. «Октябрь инқиlobи»ни кўкларга кўтариб мақтайдилар.

Аваз Үтарнинг сиёсий етук, бадий баркамол ғазаллари 1914-1916 йиллардаги воқеаларга бағишилаб ёзилған. Ўша йиллари Хива саройига мамлакатнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан зўрлаб олиб келтирилган қызлар фожиаси, «Қирқ қиз» воқеаси халқ галаёнларига айланиб кетди. Хива хонлиги ҳукмронлигини буткул ўз қўлига олган генерал Колосовский Хивага ёпирилиб келаётган кўзғолончилардан қўрқиб, Туркистан генерал-губернатори Мартсонга: «Ҳозирги фурсатда хон ҳар қандай аҳамиятини йўқотди. Хива ҳудудиша амалда иккита ҳокимият – қуролланган оломонга таянган Жунаидхон ҳокимияти ва бир неча юз рус аскари томонидан қувватланаётган менинг ҳокимиятим қолди, холос. Бугун эрталабданоқ шаҳар атрофи бўйлаб галаёнчилар бизнинг отрядимиз жойлашган томон ўқ узиб, оқиб келмоқдалар» деб телеграмма юборди. (Бу телеграмма 1916 йил 10 февралда юборилған эди). Телеграммани олган генерал Мартсон Исфандиёрхонга: «...оқ подшоҳнинг қудратини ва император олийларининг армиясига қарши курашиш телбалик эканлигини хивалик фуқароларга эслатиб қўямиз, улар ҳалокати муқаррар... Ақыдан озған исенчиларнинг эсини киргизмоқ учун... генерал Галякинни ёрдамга юбораяпман...» деб телеграмма берди. (Ўна китоб, 234-бет).

1916 йил 15 февраль кечаси Сирдарә вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Галкин бошчилигидаги жазо отряди Хивага келди. Галкин 49 күн ичида Фозиобод, Янги Урганч, Кўхна Урганч, Тахта, Гурлан қўзғолончиларини қирғин этиб, мол-мулкини талади.

1916 йил январь, февраль, март, апрель, май ойларида Хоразмнинг барча шаҳру-қишлоқларида покиза ва иффатли қизларнинг топталган ор-номуси учун қўзғолган юзлаб оталар боши кесилди... Ниҳоят, бу уруш генерал Колосовский ва генерал Галкин армиясига қарши, Россиянинг мустамлакачилик зулмига қарши озодлик ҳаракатига айланиб кетди. Бу тўғрида Амударё бўлими бошлиғи Колосовский Туркистон генерал-губернатори Мартсонга 1916 йил 18 июлда: «Шу йилги қўзғолон очиқдан-очиқ русларга қарши қаратилгандир...» деб ошкора ёзди.

Бу тарихий жараёнлар ҳақида тўхталишимиздан асосий мақсад Аваз Ўтар ўз миллати, ота маконни қонга белаган рус мустамлакачилари тажовузини ўз кўзи билан кўрган. Файридин босқинчилари билан ҳамтовоқ бўлиб эл-юртига, ўз миллатига зулм ўтказган сарой амалдорларига қарши «Сипоҳиларга хитоб» сарлавҳали шеърини тақдим этди: Унда, жумладан:

Эйки, мунча зулм ила миллиатни айларсан ҳароб,
«Лоюҳиббуз золимин» деб тангри қылғонда хитоб...
Мунчаким зулм айлагунг бордур мукофоти замон,
Оқибат бир кун анга маъсул бўлиб бергунг жавоб.

Бор умидим, тездин бўлгуси ҳуррият куни
Эй Аваз, қолмас булат остида доим офтоб.

деб ёзилган бу ғазалида золимларга нисбатан нафрати, яқинлашиб келаётган инқилобий портлашлар очиқ-оидин инишо этилган. Аваз «Куръони Карим»даги Оллоҳнинг «Лоюҳиббуз-золимин»-золимликни ёмон кўраман, деган оятидан ибора келтириб, шаҳру-қишлоқларiga ўт қўйиб, ҳалқ мол-мулкини талаб бойиган рус мустамлакачилари ва хон амалдорларини инсофга чақирмоқчи бўлади. Ўзбек миллатига бунча беҳисоб зулм қилаёттан экансиз, ҳали бир замон келиб, бу қон тўкишлар учун жавоб берасиз. Умид қиласанки, ҳалқ ҳур ва эркинлигини ўз қўлига олади. Ахир, қуёш доимо булат остида қолмайди-ку, деб келажакка ишонч билдирган эди.

У ҳаммадан бурун, ҳатто рус мустамлакачиларидан ҳам олдин Россияда давлат тўнтирилиши содир бўлишини билган. Аваз Ўтар узоқ-узоқларни кўра олгувчи башоратчи шоир эди. Ушбу ғазалида етилиб келаётган Октябрь инқилоби бўронини яққол сезиб турганини ҳис этамиз.

Ниҳоят, 1917 йилдаги Октябрь инқилоби ҳақидағи хабар Хоразмга етиб келганила Аваз Үтар чин дилдан қувонли ва ўзининг «Хуррият» шеърини ёзди. Бу инқилобни шарафлаб:

*Сиёсат маҳв бўлди яшасун оламда ҳуррият
Бори эл иттифоқ ила жаҳонни айласун жаннат...
Яшанг, эй қаҳрамони ҳурриятпарвар биродарлар,
Олиб ҳур миллати мазлум учун сиз қидингиз хизмат...*

дэя шодликка тўлиб тараннум этди.

Аваз Үтар бу шеърида «Оlamda ҳуррият», «Жаҳонни айласин жаннат» деган сўзларни ишилтган. Бу билан шоир «Куръони Карим» ва ҳадисларда таъкидланган шарқ бобокалонларининг дунёдаги турли миллат ва златлар дўст, ҳамдард бўлиб жаҳонни жаннатга айлантиришлари мумкин, деган фалсафасини илгари сурган эди.

Аваз Үтар феодал истибоди авж олган, Петербургта қарам бўлиб яшаб хонавайрон бўлган, Хива хонлиги даврининг фарзанди эди. Унинг ҳар бир газалига ўз даври тарихий воқеалари, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар келтириб чиқарган мейр ва мезонлардан келиб чиқиб баҳо бериш зарур. Агар Аваз Үтар ва ўша давр адабий муҳитида яшаб ижод этган шоир ва навозандалар янги тарихий даврнинг эрк ва ҳуррият ғояларини жон куйдириб куйламаганларида, мудроқ ҳалқни тезроқ уйғотиш учун фидойилик кўрсатмаганларида эди, балки ҳаёт олдинга силжимас, адабиётимиз ҳам турли жанрлардаги янги-янги асарлар билан бойимаган бўлар эди. Шу боисдан биз Аваз Үтарни эрк ва озодлик жарчиси, дэя севиб ардоқтаймиз. Аваз Үтар эрк ва озодликни, жаҳонни тинч, осуда жаннатга айлантиришни орзу этган буюк инсон, мазлумларвар гениал шоир қиёфасида асрлардан-асрларга, автоллардан-автолларга етиб бораверади.

«ЙЎҚ БЎЛИНГ!...»

Аваз Үтар ғазалларининг илҳом манбаи бу миллат ва мамлакат ҳаётида рўй берган тарихий воқеалардир. 1917 йил февралида оқ, пошлиҳ Николай ҳукуматининг кулагани ҳақидағи хушхабар Хоразм ҳалқини оёққа кутарди. Халойиқ Хивадаги Нуруллабойга йўл олиб, Исфандиёрхонни таҳтдан туширишга, ҳуррият, озодлик олишга муваффақ бўлди. Тўғрироғи, 1917 йилнинг 4-5 апрелида «Дом совет» яъни «Идораи машрутга» – давлатни мажлис тузиш орқали идора этишга эришилди. Исфандиёрхон қўлидан барча ҳақ-ҳукуклар олинниб «Идораи машрутга»га берилди. Исфандиёрхоннинг зулми, осиш, ўлдириш каби даҳшатли сиёсати маҳв бўлгани воҳада осудалик, шодон кайфият келтириб чиқарди. Бироқ бу вақтингчалик эди. Чунки «Еш хиваликлар» ҳали Хоразм аҳолиси манфа-

атларини ҳимоя этувчи минглаб ватанпарвар аъзоларига, ўз дастури ва қонун қоидаларига эга бўлган сиёсий партия сифатида шаклланмаган эди. Бироқ уларнинг сафида энг саводхон, эл орасида обрў-эътиборли кишилар бор эди. Булар: Исфандиёрхоннинг бош вазири Ҳусайнмурод девонбеги, унинг котиби Польвонниёз Ҳожи Юсупов, Толиб махсум каби жуда кўп шоир ва навозандалар: Баёний, Мирзо, Чокар, Аваз, Бобоҷон Тарроҳ, Ҳудойберган Девонов, Назир Шоликаров, Мулла Бекчон Раҳмон ўғли, Бобо охун Салимов, Муҳаммадёр ҳожи Абдуллаев, Отажон Абдолов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов ва оддий эзилган меҳнаткашлар эди.

Орадан олти ой ўтди. Исфандиёрхон барча дин пешволари, рус казак аскарларини катта пора бериб ўз қўлига олди. Ёш Хиваликлар динсизликда айбланиб қирғин қилина бошланди. Улардан кўплари Хивадан Тўрткўл ва Тошкентга қочиб кетдилар. Тарихий манбаларда 1918 йил 19 июнда Хива бозорида 24 нафар ёш хиваликлар отиб ўлдирилгани ва бу ҳақда Мулла Жуманиёз Султонмуродов Туркистон ХС га хабар бергани ҳақида ҳужжатлар бор.

Аваз Ўтарнинг «Йўқ бўлинг!..» шеърида милят ва мамлакатга ёлғондакам ҳуррият берган Исфандиёрхон тузумига ҳалойиқнинг нафрати яққол ифода этилган.

*Йўқ бўлинг тездан кўзумдин ҳалқ аро шармандалар!
Ҳалқ ғамидин ўзни нарроқ тутугучи бегоналар.*

*Хайқириб эртаю кеч сизлар муazzин ўрнида
Бўлдингиз ёлғончиликда эл аро овозалар.*

*«Ҳуррияту эрк» дебонки ёлғон алғозлар била
Оқибат мазлумлара ютидирдингиз хунобалар...*

Бу ғазалнинг Исфандиёрхонга қарши ёзилгани айни ҳақиқат. Қарант, Аваз Ўтар «Оlamda xону ҳаромзодалар қолмайдилар», демокъда. Унда золимлар ер юзидан йўқ бўлади, тараққиёт давом этади, ҳуррият гала-ба қилади деган ишонч бор:

*Эй Аваз, қил жиiddу жаҳд сен эл билан шому сабоҳ,
Қолмагай оламда бори хону ҳаромизодалар.*

Авазшунос олим Юнус Юсупов: «...Бу шеър «Ёш хиваликлар» номидаги жадид ташкилоти вакилларига қаратса ёзилган. Бундан авторнинг жадидларга нисбатан қандай позицияда турганини яққол сезиз олиш мумкин.» (Аваз. Сайланма. Тошкент-1984 й. 333-бет) деб ёзади.

Шўролар мафкурасини қўллаб-қувватлаётган Юнус Юсупов Аваз яшаган ижтимоий-сиёсий мухитдаги янгилик, тараққиёт, озодлик учун курашаётган ва бу йўлда жонини қурбон қилаётган «Ёш хиваликлар»ни жадидлар деб қоралайди. Ахир, Аваз Ўтар ва унинг ҳужрадош дўстларику, ўша жадид — ёш хиваликлар!

Бу шеър тўғрисида адиба Васила Мўминова эса Аваз Ўтарнинг «Йўқ бўлинг!», шеъри февраль буржуа революцияси тарафдорларига багишлаб ёзилган, деб католикка йўл қўйган.

Авазнинг «Уламоларга хитоб» шеъри ҳам худди шу даврда ёзилган. Полвонниёсҳ Жожи Юсупов ўз хотираларида уни ва ёш хиваликларни ўлимга маҳкум эттан дин пешволари Ҳикматулло Эшон (Йўлбузар охун), Ортиқ охунларнинг Исфандиёрхон талабига кўра шариатта қарши деб суд этганилари ҳақида батафсил ёзган. У Назир Шоликаров билан бир амаллаб Тошкентга қочиб ўлимдан кутулиб қолган. Хивада Муҳаммад Раҳимхон мадрасасидаги суд жараёнидан огоҳ бўлган Аваз:

*Бирингиз қози, бирингиз аъламу муфти бўлуб,
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз!?*

*Бизни айлаб хору зору нотавон этмак учун,
Бермайин осору ҳурлик банди зиндан этдингиз...*

деб ёзган эди. Аваз ўз ота макони ва миллати ичидаги бу қадар жоҳил, бир-бирига душман «оғзи ола» дин пешволари борлигидан, улар миллатни илму-хунардан бехабар қолдириб, нодон ва вайрон этаётгандаридан нафратланади:

*Қайси бир миллатни айтинг, сиздек оғзи оладур,
Иттифоқ ила иш этмай бағримиз қон этдингиз.*

*Бир куни сўрғой Аваздек уйғониб аҳли замон:
Не учун миллатни сиз ер бирла яксон этдингиз!*

Аваз Ўтарнинг сиёсий ва бадиий етук ғазалларидан бири 1917 йил кузида ёзилган «Миллат» радифли шеъридир. У ҳақиқиёт озодликка, ҳурриятга эришмоқ учун «ватанпарвар фидойи фирмалар» пайдо бўлмас экан, ўз миллати учун жонини баҳш этувчи, узоқни ёрқин кўра оладиган, аниқ режали довюрак сардорлар бўлмас экан, «миллат ўлган жонига тоза жон» топа олмайди, дейди. Шоир оламда бўлаётган тараққиёт, янгиликлардан хабардор эди. Ўз миллатининг олга босишини орзу этарди. Унинг бу шеъри ҳалигача ўзининг аниқ дастурига эга бўлмаган «Ёш хиваликлар» ташкилоти ҳақида ёзилган шоир армони эди:

*Ватанларвар фидойи фирмалар то бўлмайин пайдо,
На мумкин топмоғи ўлган таниға тоза жон миллат?*

*Фидо миллат ўйлиға молу жон эттак керак, ҳар ким-
Бўлай деса, агар авлоди машҳури жаҳон миллат...*

Тарихий манбаларда ёзилишича, мислсиз қурбонлар бериш эвазига 1918 йил 5 июнда «Ёш хиваликлар» инқилобий партияси ўз дастури, тузилиши, муҳрига эга бўлган расмий ташкилот сифатида тўла ташкил топди. Озодлик учун курашиб, ўз изига мазлум меҳнаткашларни эргаштира олди ва 1920 йилнинг 2 февраляда Хива хонлигини буткул ийқ ётишда бош бўлди.

Баъзи авазшунослар шоирнинг бу шеърини большевиклар партияси га бағишланган, деб ёзib жуда кўп китоблар, дарсликлар саҳифалари ни шўролар мафкураси қора сиёҳлари билан бўяб ташлаганлар.

Ишонамизки, истиқлол ўйлари буюк шоир Аваз Ўтар мероси, унинг ҳар бир ғазали юрагида яширинган миллат дарди, миллат равнақи, ҳуррият, мустақиллик нидоларини чуқур ўрганадилар. Шоир ижодига истиқтолий назар, камолотли ўшлар нуқтаи-назаридан баҳо берадилар.

СҮНГИ УЧРАШУВ

Аваз Ўтар ҳужрадош жўралари: Чокар, Комил Девоний, Надим ва Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодимлар билан умрининг охиригача дўст бўлиб, бир-бирларига таяниб-сұяниб яшадилар.

Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари», Полвон Ҳожи Юсуповнинг «Ёш хиваликлар тарихи» тазкираларини ўқиб бунинг гувоҳи бўламиз.

Полвонниёз Ҳожи Юсупов айниқса 1918 йил воқеаларини батафсил ёзди. Уша кезлари Исфандиёрхон саройида ишлаган Ниёзий-Отаниёз охун, Муҳаммад Юсуф девон – Чокар, Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодимлар ҳақида тўхталиб, ҳурриятта эришиш кунлари ва ундан кейинги «Ёш хиваликлар» ташкилоти фаолиятига фаол ёрдам берганликларини баён этади. Энг муҳими, уларнинг неча бор ҳибсга олиниб, ўлимдан кутулиб қолганларига тўхталади. Шоир Аваз Ўтар эса саройда ишламаса ҳам уни Исфандиёр ўз ҳузурига чақириб, рамал ташлаттириб, узоқ келажакдаги давлат тўнтишиларини билиб олар, Авазга гоҳо ишонмай таъқиб қиласади.

Жаҳон айвонида, Хива хонлигига бўлаётган инқилобий воқеалар Исфандиёрхонни гангитиб кўйган эди. Уша йили май ойида у саройда ишлаётган ўз ҳодимлари инқилобий кучлар билан алоқадорлигини би-

либ қолади, уларнинг барчасини қатл қилдирали. Фақат Бобожон Тарроҳина қочиб яширинишга улгуради. У саройдаги вазиятдан огоҳ бўлиш мақсадида бир амаллаб дўсти Аваз Ўтар билан май ойи кечаларининг бирида учрашди. Гап шундаки, Аваз Ўтар шоир бўлиши билан бирга башоратчи ҳам эди. Унинг рамал ташлаб башорат этиши доимо тўғри бўлиб чиқарди. Бу тўғрида Бобожон Тарроҳ: «Аваз Ўтар шундай рамал илмига ўткир эди. Исфандиёр Дом сивитни (яъни «Ёш Хиваликлар» тузган идораи машрута – мажлислар уйи) босмачи хон Жунаид орқали (унинг) раиси Ҳусинбек, банкни бошлиғи Толиб маҳзум, Дом сивитнинг ясовулбошчиси Исҳоқхўжа Исломхўжанинг укаси, аъзоси Абдусаломхўжа Исломхўжа ўғлини Хива шаҳрининг қибла қумига («Курт кўл» деган жойга) чиқариб оттириб, Хоразм байробини (яъни 1917 йил апрелида Нуруллабойга кўтариб кирилган «Яшасин ҳуррият!» деган байроқни) биринчи мартаба кўтартган Мұҳаммадёр Абдулаев кўлга тушуб, бошқа Дом сивит аъзолари (яъни Полвонниёз Ҳожи Юсуповлар...) дарё орқали Тошкентга қочиб кетиб...мен Бобожон Тарроҳ -Ходим, банкда буғолтирилк вазифасида бўлуб, мен ҳам Исфандиёрдан ўзимни қишлоқим Роғаникда яшириниб ётгон вақтимда бир кеча Аваз Ўтар била учрашдим», деб ёзди. (Ўша китоб, 149-бет).

Бобожон Тарроҳ ўз эсдаликларида Аваз Ўтар билан учрашиб, ярим соатча йиглашиб ўтиргани ҳақида баён этади. Чунки «Курт кўл»да отиб ташланганлар, бегуноҳ инсонлар эди, айниқса, Толиб маҳзум унинг устозларидан бири бўлган. Суҳбат чоғида Бобожон Тарроҳ Аваз Ўтардан Исфандиёрхоннинг ўлимидан рамал ташлаб кўрмадингизми, деганда у: «...мен бу тўғрида рамал солиб кўриб кўйғонман. Сиз шерик олти ой қистанманг. Муни ўзи ўз ажалига ўлмайди, бу золим ит ўлимида ўлади» деган.

Бу учрашув 1918 йил май ойида эди. Дарвоҷе, Исфандиёрхон 5 ойдан сунг, 1918 йил 1 октябрда Жунаидхон ўғли Эшиши бошчилигига фожиали қатл этилди. Ўша йили сентябрь ойида Исфандиёрхон Бобожон Тарроҳни туттириб ҳибсга олади. У 18 ой ҳибсда ётади. Дўсти, яқин қадрдони Аваз Ўтар 1919 йишида 35 ёнида оламдан ўтади. Бу уларнинг сунгги учрашуви эди. Дўстининг вафоти, ҳибс давридаги қўргуликлар, уни турмадан озод этган Мулла Жуманиёз Султонмуродов, «Ёш хиваликлар»нинг большевиклар томонидан охиригача қирғин этилиши ҳақида Бобожон Тарроҳ батафсил ҳикоя этган.

Бу хотиралардан биз Аваз Ўтар, Чокар ва Бобожон Тарроҳ Ходим дўстлигининг нақадар соф, бекиёс куч-қудратга эга эканлигини билб оламиз. Энг муҳими, Аваз Ўтар иқтидорининг яна бир қирраси келажакни ёрқин кўра олувчи башоратчи шоир эканлигидан ҳайратланамиз.

Аваз Ўтар яшаб ижод эттан мұхитдаги бирор шоир ўзи ҳақида:

Хүш үл, күнгім, келар бир күн баҳт боғидаги раңын,
Күкарғай мавж уруб, қирларда лола бұлғуси пайдо.

Мени ёд этгай авлодим, мозоримни, ураб гулдан,
Ишончим шундадир, бұлғай мозорим бир зиәртгоҳ...

деб ёза олмаган эди. Ҳақиқатан ҳам Аваз Ўтар тұғри башорат қылған. Хиванинг «Дешон» қалъасидаги у туғилған уй музейга айлантирилған. Унинг олдода Аваз Ўтар ҳайкали ҳақиқий истиқтолға эришганимиздан қониқиши ҳосил қылғандай мағрур турибди...

Ҳар куни жаҳоннинг турли бурчакларидан келған саїхəлар, үқувчи ва талабалар шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар құядилар...

Қабіх онларда әркни куйладим, дұстлар, биродарлар,
Әзілған әлга бұлғай бу замон иқбол ёргу барғоҳ...

Дарҳақиқат, Аваз Ўтар орзу қылған замон бу Ўзбекистонимиз мустақиличикка эришган ушбу күнлардир. Аваз Ўтарнинг бу ғазали бугунги әркін, озод замон ҳақида эканлигини күриб, шоир башоратига таҳсинлар айтамиз. Бутун жаһон мамлакатимизнинг бугунги равнақи, баҳтини, буюк келажагини яққол күриб турибди.

Аваз Ўтар ўзбек элининг буюк шоиридир. Унинг девонлари ҳали тұлалигича ўрганилмаган. Шоир мероси шүролар даврида енгил-елпи ўрганилиб, унинг исенкор, хурriятчи, мазлумпарвар сиймосига соя болынды.

Аваз Ўтар меросини бугунги янги авлод янгича истиқтолий нигоҳ билан чукур ўрганадилар ва шоир ижодини ҳаққоний ёритиб, қайта баҳолаб, ўз миллатига ҳадя этадилар, деб ишонамиз.

МЕН СИЗГА ЧОКАР...¹

(Мұхаммад Юсуф девон Харрот² – Чокар мероси)

Мұхаммад Юсуф Чокар зарқаламли хатtot, баёзnavis шоир, тенгсиз созанда, бастакор, мақомот илми алломасидир.

У XIX аср охиди XX асрнинг бириңчи ярмида адабиёт ва санъат гуллаб-гуркираган адабий мұхитда яшаб ижод этди.

¹ Ушбу мақола санъатшунос Мадина Бегалиева билан ҳамкорлықда өзилди.

² Харрот – Қадимдан Хоразмда ҳар бир қавымнинг, ҳар бир ойла ски маҳалланинг лақаби бұлған. Лақаб асосан ұша қавымнинг касби-кори, шахсий сифатлари, мансаб-мартағасига қараб берилған. Харрот – дурадгор, ёғоч йұнувчи уста деганишир.

Чокар Мұхаммад Раҳим Иккінчи – Ферузнинг хусусий миrzосидир. У Паҳлавон Ниёз Мұхаммад Комил Хоразмий, Мұхаммад Юсуфбек Баёний, Мұхаммад Расул Мирзо, Табибий, Аваз Үтар каби устозлардан сабоқ олиб, машхұр созанда ва навозандалар созига меҳр қўйди.

Мұхаммад Юсуф Чокар Хиванинг Шайхлар қишлоғида 1889 йилда, дурадгор оиласида туғилди. Шайхлар (Шихло) қишлоғи Хиванинг «Дешон» (Ташқари) қалъасининг Тош дарвозасидан чиққан ердан бошланыб, шаҳардан 3 км. узокда жойлашган. Бу қишилоқ жуда қадимий масканлардан бўлиб, унинг бағридан турли ҳунар эгалари, шоир ва ҳаттотлар, созандалар, дин орифлари бўлган шайхлар етишиб чиққан. Бу қишилоқ бепоён узумзорлари, узумнинг энг қадимий навларидан тайёрланадиган ботмон-ботмон шифобахш сиркаси, кишишилари, боғроғлари билан машхұр бўлган.

Шоирнинг отаси Мұхаммад Ёқуб (Матёкуб) Харрот девон Курбонниёз Харротнинг ўғлидир. Курбонниёз Харрот катта оиласини дурадгорлик қилиб боққан. Устанинг етти нафар ўғли бўлган. Улар: Матёкуб, Болта, Саъдулла, Ибодулла, Паҳлавон, Абдолниёз, Машариф Харротвлар бўлган. Бу тўғрида биз Мұхаммад Юсуф Чокарнинг қизи Муслима опадан (Тошкент шаҳри, Дархон кўча 28-йда яшар эди) ҳали ҳаётлик пайтларида ёзib олганмиз. Бутун умри сарой хизматида Үтган Комил Хоразмий тахминан 1856-1860 йилларда хизмат юзасидан Шайхлар қишлоғида бўлган. Моҳир дурадгор Курбонниёз ота хонадони билан танишиб дўстлашган. Унинг катта ўғли Мұхаммад Ёқуб мактаб ёшида эди. Комил Хоразмий отасининг розилиги билан уни ўз тарбиясига олади.

МУҲАММАД ЁҚУБ ХАРРОТ

Йиллар ўтиб, Мұхаммад Ёқуб (Матёкуб) Харрот девон шоир, мақомот илми алломаси, зарқаламли ҳаттот Паҳлавон Ниёз Мұхаммад Комил Хоразмийнинг муносиб шогирди бўлиб стишади.

Мұхаммад Раҳимхон Иккінчи – Ферузнинг тўрт нафар хусусий девонлари бўлган. Шарқшунос олим М. Йўлдошев «Хива давлат ҳужжатлари» номли (Ўз.ФА нашриёти, 1960 йил, 20-бет) китобида 1873 йилда руслар томонидан суратта олинган ўша тўрт нафар девоннинг суратини топиб олганини ёзади. Суратдаги ҳаттотлар: Ҳудойберган Мұхр-кан (1822-1920), Ҳудойберди маҳзум (такхинан1838), Мұхаммад Шариф Тарроҳ (1840-1908), Мұхаммад Ёқуб Харрот (такхинан 1850-1937) лардир.

Дарвоқе, ўша суратга боқиб, ёш ҳаттот Мұхаммад Ѓекуб Харротни 20-25 ёшларида, дейиши мүмкін. Бирок күпгина адабий ва мусиқий манбаларда уни 1867 йилда туғилған деб ёзишади. Бу ҳақиқатта түғри келмайди. Бобожон Тарроҳ Матёкуб Харрот девон билан саройда биргә иштаган. Устоз хаттотни яхши таниған. Бобожон Тарроҳ маълумотларига таяниб ва унинг расмдаги қиёфасига қараб, уни таҳминан 1850 йилларда дунёға келған, дейиши мүмкін. Гап шундаки, Матёкуб Харрот-нинг укаси Болта Ниёз Харрот девон Надимни шахсан Мұхаммад Раҳим Иккінчи – Феруз ўз тарбиясига олади ва у ҳам тенгсиз хаттот, шоир бўлиб етишади.

Шундай қилиб, оддий дурадгор Курбонниёз Харрот оиласидан Матёкуб Харрот девон, ўғли Чокар – Мұхаммад Юсуф Харрот девон, укаси Надим Болтаниёз Харрот девонлар етишиб чиқади. Ота-боболари дурадгор бўлгани боис, Шайхлар қишлоғида улар авлодини «Харротлар» деган лақаб билан атагандар. Улар Хоразм адабиёти ва санъати равнақига катта ҳисса қўшидилар. Ўзбекистон Фанлар Академияси қўлёзмалар фондида Харротлар кўчириб ёзган қўлёзма девонлар сон-саноқсизdir.

Бу ноёб қўлёзма баёзлар камолотли ёшларни илҳақ бўлиб кутиб ётиди.

Энди, Мұхаммад Ѓекуб (Матёкуб) ҳақида. Шарқшунос олимна Мавжуда Ҳамилова «Қўлёзма баёзлар – адабий манба» (Тошкент, Фан нашириёти, 1981 йил) номли китобида хаттот Мұхаммад Ѓекуб Харрот девон кўчириган китобларга алоҳида тўхталған. Унинг форс, тоҷик, ўзбек, усмонли турк тилиларида ёзилған баёзларини таҳлил этиб, хаттот иқтидорига юксак баҳо берган:

«...Тузган баёзлари таркибида ўзбек шоирларининг форс тилидаги шеърларининг учраши Матёкубнинг форс тилидан ҳам жуда яхши хабардор эканидан дарак беради. Чунончи, Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 1184 рақами билан сақланаётган баёз Матёкубнинг қаламига мансуб бўлиб, унинг таркибидан Ҳофиз, Ҳилолий, Ҳаёлий, Шоҳий, Маҳмуд каби шоирларининг форс тилидаги шеърлари жой олган. Баёз 1325 ҳижрийда (мил. 1907) жамланган бўлиб, шеърларининг жойланиш мезони, ҳар бир шеърнинг рақамланиши, уларнинг хатосиз ва гўзал хат билан кўчирилғанлиги Матёкубнинг маҳсус мактаб кўрган малакали котиб эканидан ва ўз ишига масъулият билан қараганидан дарак беради.

Қўлёзмалар фондида 6946 рақами билан сақланаётган баёз эса Матёкубнинг усмонли турк тилидан ҳам яхши хабардор бўлганини кўрсатади. Баёзда унинг ҳижрий 1326 йилда Мұхаммадёкуб (Матёкуб девон) томонидан кўчирилғанligитини исботловчи колофон бор.

Баёзга асосан ўзбек, усмонли турк ва қисман форс тилида ёзилган 29 авторнинг турли жанрдаги шеърлари киритилган. Чунончи, Акрам Маҳмуд, Афанди Султон Салим, Балиғо, Жавлат, Нафъи, Озар, Тоҳир, Собир Муҳаммад Тавфиқ, Муҳаммал Ҳодий шеърлари баёздан кенг ўрин олган.

Баёз бошқа қўлёзма баёзлардан, асосан, турк тилидаги шеърлардан тўплланганлиги билан фарқ қиласди. Умуман, Муҳаммал Ёкуб ўзининг гўзал хат билан кўчирган қўлёзмалари билан Хоразм адабий муҳитининг ривожига катта ҳисса қўшди...» (Ўша китоб, 107-108-бетлар).

Мавжуда Ҳамилова ҳаттотнинг ўндан ортиқ қўлёзма баёзларини синчилаб ўрганганди. Уларнинг бари гўзал настаълик хатида кўчириб ёзилган. Бу баёзлар Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи – Феруз даврида ижод этган шоирларнинг маданий мероси бўлиб, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг қўлёзмалар фондида сақланади.

Муҳаммад Ёкуб Харрот энг йирик адабий, тарихий ва мусиқий асарларни кўчириб ёзган зарқалам соҳибидир. Маълумки, «Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи – Феруз кутубхонаси фехристи» (Бу китобни олимлар А. Эркинов, Н. Полвонов, ва Ҳ. Аминовлар нашрга тайёрлаганлар. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2010-й.) китобида бу ҳаттот кўчириб ёзган қўлёзма китоблар ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Шундан бაъзиларини мисол келтирамиз:

1. «Девони Мунис» (ҳижрий 1321 йил)
2. «Девони Оғаҳий» (ҳижрий 1320 йил)
3. «Девони Равнақ» (ҳижрий 1321 йил)
4. «Девони Рожий» (ҳижрий 1321 йил)
5. «Девони Комил» (ҳижрий 1321 йил)
6. «Рубоий» (ҳижрий 1324 йил)
7. «Муҳаммасоти мажмъ-ат-шуаройи Ферузшоҳий»
(ҳижрий 1326 йил)
8. «Етти жом» ва «Нозиру Манзур» назми Табибий
1326 йил) (Ўша китоб, 44-бет).

Умрининг қирқ йилини Ферузшоҳ саройида ҳаттотлик, созандалик, мақомот фанига баҳшида этган Муҳаммад Ёкуб Харротнинг кўчириб ёзган девон ва баёзларини санаб чиқиши жуда қийин. Феруз кутубхонаси фехристи матнидаги:

«Олтмиш адад тоза ёзилган баёз тоза шоирларнинг ғазалиёт ва яна турт мужаллад мазкур тариқада баёзи Муҳаммасот. Мазкур баёзларнинг котиблари Муҳаммад Яъқуб Девон ва Муҳаммадшариф Девон Тарроҳ ва Эшон Махдум ва Мулло Бобоҷон Тарроҳ ва Болтаниёз ва Муҳаммад Комил ва Муҳаммад Юсуф...» (Ўша китоб, 45-бет). Ушбу сатрларни

ўқиб фахр ва ифтихор нурларига туламиз. Чунки, бизнинг боболаримиз: маш-хур хаттотлар Мұхаммадшариф Девон Тарроҳ ва мулла Бобојон Тарроҳлар билан Мұхаммад Ёкуб девон умрибоқий бирга ишлаб, бирга ижод қилиб, қанча-қанча құләзма китобларни бизгача етказиб келгандар ва құтлаб шогирдлар стиштирганлар.

Құлымида Мұхаммад Ёкуб Харрот дастхати билан битилган «Мажмуат-үш-шуаройи пайрави Ферузшоқий» китобидан құчирилған фотонусха бор. Унда хаттотнинг ўғли Чокар, укаси Надим ва Бобојон Тарроҳ Ходимларнинг юздадан ғазаллари бор. Биз уларни табдил этиб нацира тайёрламоқдамиз.

Мұхаммад Юсуф Чокар дүсти ва ҳамкасби мулла Бекжон Раҳмон ўғли билан ҳамкорликда ёзған «Хоразм мусиқий тарихчаси» (Тошкент, «Ёзувчи» нашириети, 1998 йил) китобида отаси ҳақида аниқ маълумотларни ёзди: «...Мұхаммад Расул Мирзабоши... Паҳлавон Мирзабошининг улли ўғлидур... У ўз отаси Паҳлавон Мирзабошидан шашмақом нағмаларини ўрганиб, ўзининг билған мақомларини... Мұхаммад Раҳимхон сонийта таълим қылмоққа бошлайдур... (Унинг) мусиқа устоди бўладур.

Мұхаммад Расул Мирзабоши мусиқашунослиқдан бошқа хаттотликларда ҳам машҳур эди... Тақрибан беш юз кишига хат таълим бергандур... Ондин бир ҳаёт бўлғон Мұхаммад Ёкуб мұлаққаб ба Харрот девон Мұхаммад Расул Мирзабошининг етуштирган шогирдидур...» (Ўша китоб, 32-33-бет).

Чокар отасининг машҳур ғижжакчи бўлгани, дутор, танбур созларида ҳам чалишни пухта эгаллагани ҳақида ёзди. Бобојон Тарроҳ эса ўз хотираларида Мұхаммад Расул Мирзабошига «Танбур чизиги» китобини ихтиро этишда фаол ёрдам бергани ҳақида ёздишлар.

Мусиқашунос олим Отаназар Матёқубов «Мақомот» (Тошкент, 2004-й) китобида Шўролар инқилобидан кейин 1923 йилда Хивада очилған мусиқа мактабларида Матёқуб Харрот Девон ўз шогирдларига «Танбур чизиги»дан дарс бергани ҳақида ёзиб: «Лекин мактабнинг миллий мусиқа ўрганиш билан боғлиқ фаолияти узоқ давом этмади. 1924-1925 йилларнинг ўзидашқ, у бутунлай бошқа йўналишдаги «Болалар уйи» га айлантирилди. Атоқли мақом устози Матёқуб Харрот кейинчалик Хива ва Урганч театрларида ижрочилик қилди. Нуроний созанданинг ҳаёти кутилмаганды ачинарли тугади... Ёз фаслида Урганч театрининг очиқ саҳнасида дивижокдан қувват оладиган электр чироқлари тез-тез ўчаверган. Осмонда эса ой чараклаб турган. Шунда Матёқуб Харрот ҳеч қандай гарасиз – Оллоҳнинг нури порлаб турганда «Жин чироқ»нинг нима кераги бор экан, деган эмиш... «Ильич чироғи» ни

ҳақорат қилди... «Хон саройида хизмат қилған» деган устама «Айб» ҳам қүшилған. ...Сиёсат күчесидан үтмаган қария «Халқ душмани» сифатида таъқиб остига олинған», деб ёзади. (Ўша китоб, 81-82-бет).

Дарвоқе, 1937 йилилардағे тахминан 80 ёшларидан ошиб қолған Мұхаммад Ёкуб Харротни НКВД ходимлари ҳибсга оладилар. Ҳанузгача унинг ҳаёти қачон, қаерда ниҳоясига еттанини ҳеч ким ўрганмаган.

Таникли бастакор, мақомшунос олим Матниёс Юсупов «Хоразм мақомлари» (Тошкент, 1980 йил) китобида: «...1936 йили Матёкуб Харрот Тошкенттә чақирилғади. Унинг ижросида күпгина Хоразм мақомлари пластинкага ёзиб олинади». (1-китоб, 10-бет) деб ёзған.

Мұхаммад Юсуф Харрот — Чокар ана шундай заррин қаламли хаттот, тенгсиз созанда, мақомот илми алломаси бұлған Мұхаммад Ёкуб Харроттинг ўғлидир.

Адабий ва мусиқий тафаккур ривожининг энг оғир йўлларини босиб үтган, генерал Кауфман истилоси вайроналикларини, шўролар бошига урган ситам тиги хўрликларини кўриб, бу ёруғ оламдан армон билан кўз юмған кўпқиррали иқтидор соҳиби Мұхаммад Ёкуб Харрот ҳаёти, ижоди жуда кўп илмий ишлар, монографияларга лойиқдир. Ишонамизки, бугунги камолотли ёшлар ўзбек адабиётида, хаттотлик мактаби, мақомот илмида ўз ўрнига эга бўлған Харротлар-Мұхаммад Ёкуб Харрот, Мұхаммад Юсуф Харрот — Чокар, Болтаниёз Харрот — Надимлар ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб, уларни чуқур ўрганадилар.

ЧОКАР ВА НАДИМ

Ўзбек мумтоз адабиёти, Хоразм хаттотлик мактабида, мақомот илмида алоҳида ўрин тутган Чокар ва Надим ҳаёти ва ижодини бирбиридан ажратиб ўрганиш қийин. Чунки улар бир оиласа ўсиб, бирга мактаб ва мадрасасага борганлар, бир хужрада яшаганлар, хаттотлик илмида бир-бирларининг ишини давом эттирганлар.

Надим — Болтаниёз Харрот Мұхаммац Ёкуб Харроттинг энг кичик укаси бўлиб, Мұхаммад Юсуф Чокардан ёши сал каттароқ бўлған, тахминан 1886 йилда туғилған. У ўзи кўчирган девонларнинг охирида: «Котиби Мулла Болтаниёз валади уста Курбонниёз» деб ёзади. Чокар эса: «Котиби факир ал ҳақир Мұхаммад Юсуф ал мутахаллус Чокар бин Мұхаммад Ёкуб» деб ёзади. Уларнинг иккаласи ҳам дастлабки маълумотни Мұхаммад Ёкуб Харротдан ва бобоси Ҳожиниёздан оладилар. Сунгра уларни мулла Рўзмат исмли мактабдор домлага ўқишига берадилар.

Мұдаммал Раҳимхон Иккинчи – Феруз чор Россияси мустамлакаси зулми остида эзилиб, Петербургта қарам бўлиб яшаёттган мамлакатининг қадимий маданияти ва қадриятлари меросини, Хоразм мақомларини кўз қорачигидай сақлаб қолиш ва уни келажак авлодга етказиб бериши учун узоқ-узоқларни кўриб иш тутган.

У ўзининг хос девонлари, матбаачилари, муҳаррирлари, садоқатли саркардалари, шоир ва навозандаларининг болалари тарбиясига катта ёзтибор берган.

Мактабни тугатиб, эндиғина мадрасаларга қадам қўйган Чокар, Надим, Комилжон Девоний, Бобожон Тарроҳларни бошқа талабалардан ажратиб олиб, араб ва форс, тилларини мукаммал эгаллаб олишлари учун ўз ҳисобидан ўқитган. Махсус хужралар ажратиб бериб, ҳар куни улардан имтиҳон олиб турган. Улар тимсолида оталарининг ўрнини боса оладиган бўлғуси шоир ва хаттотларни, созанда ва мақомот илми алломаларини кўра олган. Шу боис бу ёшларни Бухорои Шарифда ўқиб таҳсил олган ўзининг устози Юсуф Ҳожи охун Саид Ниёз Шайх ўғли тарбиясига берган. Маккай Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Шом-Шариф, Кудуси Шариф томонларда зиёратда бўлган Муҳаммад Юсуф Ҳожи Охун Арабхон мадрасаси мударриси, ўз муҳрига эга етти муфтыйнинг энг доноси, машҳур воиз эди. У Ферузшоҳ илтимосини ерда қолдирмай, Бобожон Тарроҳ – Ходим, Муҳаммад Юсуф Харрот – Чокар, Болтаниёз Харрот – Надим ва Комилжон Девонийларга устозлик килиб, араб ва форс тилларини мукаммал ўргатди.

Чокар отасидан турли созларда чалишини ўрганган. Муҳаммад Ёқуб Харрот ўғлиниң мусиқага бўлган ихлосини кўриб, уни шоир ва хаттот, мақомот илми «Фийро-фир» ларидан бири Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши шоир Мирзога шогирдликка берган.

Болтаниёз Харрот Надим билан Муҳаммад Юсуф Харрот – Чокарлар мадрасани тугатиб, саройда Ферузшоҳнинг хос девони бўлиб ишлаганлар.

Улар кўчирив ёзган девонлар сон-саноқсиз бўлиб, бизгача етиб келган, улар ўз.ФАШИ фондида сақланмоқда.

Олимлар А. Эркинов, Н. Полвонов, А.Аминовларнинг «Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи – Ферузнинг кутубхонаси фехристи» (Тошкент, «Янги аср авлоди», 2010 й) китобида Чокар ва Надим кўчирған китобларнинг рўйхати ва инвентар номерлари батағсил баён этилган.

Ферузшоҳ (1845-1910) вафотидан кейин унинг ўғли Исфандиёрхон даврида бу икки хаттот жуда оғир ҳаёт кечирадилар.

Чокар Исфандиёрхон (1910-1918) замонида Лаффасийнинг ёзишича, касбини ўзгартириб, Муҳаммад Вафо баққол хизматида бўлиб, оиласини тебратиб туради.

Надим саройда Исфандиёрхон хизматида девонлик қиласы. «...Хоразм вилоятининг катта дафтар девонлик вазифасини бажариб турди...»

Полвонниёз Ҳожи Юсуповнинг «Ёш хиваликлар тарихи» асарида ёзишича, Чокар Исфандиёрхон замонининг охирги йилларида ва Саид Абдуллахон замонида саройда девонлик вазифасида ишлайди. Чокар ҳәстидаги даҳшатли тарихий муҳит ҳақида икки оғиз сўз.

1917 йил 5 апрелда инқилобий кучлар намойиш қилиб, Нуруллабой саройига келиб, Исфандиёрхондан ҳурлик олиб «Идораи машруга» (мажлис орқали давлатни бошқариш – «Дом совет») тузишга хоннинг розилигини олган пайтларда саройда Ниёзий – Отаниёз Охун девон, Бобоҷон Тарроҳ, Надим, Чокарлар ишлар эдилар. Орадан кўп ўтмади, ўша йили ёзила барча инқилобий кучлар – «Ёш хиваликлар» отиб ўлдирила бошланди. Исфандиёрхон биринчи гадда туркман сардорларидан Шомми қални ўзига яқин тутиб, кўлга олди. У ҳалқни, қишлоқларни талай бошлади. Иккинчидан рус аскарлари раҳбарларидан генерал Мирбадалов ва полковник Зайцевни ҳам кўлга олди. Ҳатто полковник Зайцевни Матвафо Баққоловнинг жойига кўчириб олиб келди. Гап шундаки, машхур извогар ва қаллоб карvonбоши Матвафо Баққолов аллақачон қатл этилган, унинг ҳовлиси Нуруллабой саройи айвони билан бир девор ортида курилган эди. (Хивадаги «Коммунага» газетаси биноси, ҳозир ҳам бор).

Бу тўғрида Полвонниёз Ҳожи Юсупов: «...Биз ёши хиваликлар кўрдик: Оллоҳ сақласин, энди бу маккор хон, бунга (яъни полковник Зайцевга) ҳар турли ёлғон сўзлар айтиб, ҳар турлик ҳадия, бирлиант, олтин соатлар, оқчалар бериб биз ёшлиарни нечук қўлур эркан, деб Оллоҳга тавакkal қилиб ўлтурдук...» (Ўша китоб, 128 бет) деб ёзди.

Бу тарихий воқеалар пайтида Ниёзий, Баёний, Мирзо, Мутриб каби устоз шоирлар ҳаёт бўлганлар. Айниқса Исфандиёр саройида ишлаган Чокар ва Ниёзийлар ўз ҳамфирлари ёш хиваликларга қарши курашда қаттиқ изтироб чеккашлар. Чунки Исфандиёрхоннинг асосий мақсади барча дин пешволари, оқсоқолларга ҳам поралар бериб, қайтадан хонлик таҳтига ўтириш, инқилобий кучларни мажақлаб ташлаш эди. Шу мақсадда саройда ишлаб турган Отаниёз девон Ниёзий (Ўзбекистон ҳалқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг отаси) ва Мұхаммад Юсуф Чокарга Исфандиёрхон ёш хиваликларга қарши турли мудҳиш вазифалар бериб турган. Бу тўғрида Полвонниёз Ҳожи Юсупов: «...хоннинг ҳийласи билан кулли шаҳар оқсоқолларини чақириб келтирмакка Отаниёз девон, Мұхаммад Юсуф девонларга буюрди. Нечунким оларнинг қўлларида кулли¹ Хоразмга дарак ерларнинг дафтар-

¹ Арабча сўз – кулли – барча, ҳамма дегани.

лари бор турур. Ҳар йил ҳалқдин олар орқали солғут олинуру эрли. Яна ҳам ушбу баён бўлғон девонларга амр қилиди, келганд оқсоқолларга яхши зиёфат қилинг. Ҳамда қозиларнинг олдига уларни элтиб иқорор қилидирингки, ўз тобеларимиз бўлғон одамлар тарафидин кулли ихтиёрларимизни қози ислом бўлғон уламоларимизга топширидик, деган хати шаръий олинглар ҳамда ҳар қалъадаги эшонларга хабарчи юборди: муқаррар бўлғон вақтда Хивага келсунлар, деб. Шундай қилиб, «Ёш хиваликлар»ни йўқ қилиб мажлисни тарқатиб юбормакка тайёргарлик кўра бошлади. Мундин ташқари хон ўз маҳрамлари билан Жунаидхонга кўп сарполар, оқчолар бериб дўстлик қила бошлади. Биз ёшлар ушбу хоннинг қилиб турғон политикаларини кўриб ҳайрон, саросима бўлиб қолдук»... (Ўша китоб, 130-бет).

Бу тарихий воқеаларни келтиришдан асосий мақсадимиз Муҳаммад Юсуф Ҳаррот -Чокар, Отаниёс охун – Ниёзий ўз ҳамкаслари ва ҳамларлари бўлган «Ёш хиваликлар»ни ер билан яксон қилган хон зулмини ўз кўзи билан кўрганлар ва қаттиқ изтироб чекиб, ёлғондакам ҳуррият, хонавайрон бўлган мамлакат ва миллат ҳақида қайғургандар, демокчимиз.

Шу боисдан Аваз Ўтар:

«Хуррият, эрк» дебонки ёлғон алғозлар била,
Оқибат мазиумлара ютдиридингиз хунобалар...

деб хитоб қилган эди. Авазнинг шогирди Чокар Исфандиёрхон зулмiga қарши:

Эйки, сизлар қилдингизлар мулку милятни хароб,
Айлади бечоралар бағрин ситам ўти кабоб...

Чора бечора тилоса, пора сипоҳи тилар,
Мулла бир ёндин изкоросин сўраб бергай азоб...

Мулку милят, ваҳ, нечук топғай тараққий, Чокаро,
Бўлсалар иш бошида зулм аҳли ошуби давоб.

(Ошуби давоб-тавбо, тўпалон даъвогарлари)дир). Ўз атрофига мустамлакачи рус кўшинлари генералларини, босмачи Жунаидхон тұдаларини, дин пешволари, оқсоқолларни, ношуд маҳрамларни түплаб олган Исфандиёрхон ёш хиваликларни тор-мор этиб, ўз юрти, ўз милятини хору-зор этди. Бу қонли воқеалар ўша давр шоирлари ижодида бош мавзу бўлди:

Ниёзий:

Эй фылак, турлук хиёнатыарни изҳор айладинг,
Билмадим журмим на эрди, эл аро хор айладинг.
Бир даме очмай Ниёзийнинг муроди чехрасин,
Хар адватким анга олам аро бор айладинг.

деб ёэса, Надимий қишлоқларда дәхқончилик қилиб, қарзға ботган, солиқлар туфайли тинкаси куриган, пахтани етиштиришга катта пул сарф этиб, зиён күраётган бечора дәхқон оиласлари ҳақида ёzáди. Чунки рус савдогарлари ўзбек пахтасини арzon олиб, Россияга жўнатиб, бой-иб бормоқда эдилар:

Бир неча камбағаллар авқотин ўтказолмай,
Қишиқ машиларини асбобини тузолмай,
Ҳар кимсадин олиб пул, мингдин бирин узолмай,
Пахтага пул кўтариб, вақтида еткузолмай,
Ўртасида маҳосил дәхқончилик тавонда.

деб ёзib шоир Надимий қишлоқ ҳаёти манзараларини ҳаққоний чи-зib берган.

Шундай қилиб, Чокар ва Надим отилган ва осиб ўлдирилган, ҳибса га олинган ўз дўстлари – ёш хиваликлар билан доимо ҳамлард, ҳамнафас бўлиб турдилар. Ниҳоят, хонлик тузуми ағдарилиб давлат бошига «Ёш хиваликлар» қиёфасила бўлиб, «Қизил империя» келди. Саройда ишилаётган Чокар ўлим чангалидан зўрга қутилиб қолди.

1920 йил воқеаларини ўз кузи билан кўрган Полвон Ҳожи Юсупов: «...Махфий қолмасинким, товариш Скалов Давлатмурод ясовулбошини (шоир Ғуломий) ўз олдига чақириб, бир неча саволларни сўраб буйруқ берган: отиб ўлдирмакка. Дарҳол отиб ўлдиргандар. Муҳаммад Юсуп девон ва Юнус девонларни ҳам ўлдирмақчи бўлганлар. Мулла Жуманиёз айтган: агар буларни ўлдирсангиз Хива мамлакатининг тамоми доход ва расходлари буларнинг қўлинда туур. Хивада унингдек тамоми нимарсаларни ёзилган дафтарлар йўқ туур. Бу ерда авваллин одат тилдин сўраб билмоқ бўлган. Нечундир бунда бухгалтер бўлмаган. Шунинг учун ўлдирмакни бироз тўхтатиб турсангизлар, бизлар тамоми нимарсаларни сўраб ёзib олиб бўлгандин сўнг ўлдирсангизлар ҳам бўлтур, деган. Мулла Жуманиёзовнинг бу сузи маъқул бўлиб, Муҳаммад Юсуп девон ва Юнус девонларни ўлдирмай Мулла Жуманиёзовга топширгандар. Ҳам бир хат тартиб қилиб хонга юборганлар. Хат шундан иборат. Ўз ихтиёри бирлан хонлиқдин ўзини азил қилиб қўйиб муҳр боссин». (Ўша китоб, 199-бет).

Бундан кўриниб турибдики, Саид Абдуллахоннинг: «Ўз ихтиёrim билан хонликдин ўзимни азил қиласман» деган хатни қонхур большевик Скалов Чокарга ёэдирган ва хонга, қозиларга қўл қўйдириб, муҳр бостириб олган. Чунки, Скалов РСФСРнинг Хивадаги тўла ҳуқуқли вакили қилиб тайинланган эди.

Ўша кезларда ҳаёти ва ижоди ҳар томонлама баркамол паллага етган Надим – Болта Харрот девон ҳаммадан ҳам кўп азоб-уқубатга гирифтор бўлди. У бутун умр бўйи ишлаб топган пулларини қози хати орқали турли савдо гарларга судхўрлик қонун-қоидаларига риоя этиб бериб юборган эди.

Давлат бошига келган Мувакқат инқилобий ҳукумат дарҳол хазинани қўлга олиб: «Хоннинг мулки тўғрисида декрет», «Судхўрлик ишларини амалга ошириш тўғрисида декрет» қабул қилиб қози хатларини бекор қилди. Шоир Надим бари мол-мулкидан ажралиб, кўчада қолди.

Бу тўғрида Бобожон Тарроҳ – Ходим «Хоразм шоир ва навозандалари» китобида: «... 1920 йилда мен Бобожон Тарроҳ зироат назоратида ишлаб турғон вақтимда Болта девон дафтар девонлигига катта ишла турди...

Болта девон зироат назорати қарамогида ишлаб турған вақтда «Қози хати» пулларини Совет ҳукумати йўқ қилди. Шу вақтда мен Бобожон Тарроҳ – Ходим Болта девондан сўрадим: «Шерик, сизнинг пуллар ҳам кетди-ку, деганимда: – Шерик, биз ҳароб бўлдик. Бизни бутун пуллар ҳалқни қўлида қолди, деганда мен Бобожон Тарроҳ савол қилдим: – Пулинг(из) неча минг бўлғон эди? – деганимда: – Мени пулим олтин пулга 20 минг тилло. Демак, 36 минг манот бўлғон эди, деб жавоб берди» (Ўша китоб, 157-бет) деб ёзган.

1920-1924 йилларда Шўролар даврида Чокар маориф нозирлигига саркотиб бўлиб ишлади, ҳалқ маорифи ва маданиятини ривожлантирища жонбозлиқ кўрсатди.

Надим эса қишлоқ ҳўжалиги, пахтачилик аҳволи, леҳқонларнинг оғир ҳаёти, рус ва маҳаллий бойларнинг очкўзлигини ўз кўзи билан кўриб, ҳаёт ҳақиқатларини тасвирлади.

Миллий чегараланишдан кейин НКВД бирин-кетин хон саройида ишлаган ходимларни йўқ қила бошлади.

1938 йилда жуда кўп зиёлилар қаторида юқорида айтганимиздай. Муҳаммад Ёкуб Харрот девон ҳам қатағонликка учради. Мол-мулкидан ажралиб, устози ва меҳрибон акасининг ҳибсга олинишини Надим – Болтаниёз Харрот девон кўтара олмади. Айни тут пишган баҳор палласида ҳовлисицдаги тут дараҳтига чиқиб, тут емоқчи бўлди. Фам-аламга боғтан шоир ногаҳон дарахт тепасидан йиқилиб, ҳалок бўлди. Ўшандо у 52 ёшда эди.

Заррин қаламли хаттот, баёзnavис шоир, араб, форс, тожик, усмонили турк тилларини мукаммал билган адабнинг ҳаёт иўли, ўз дастхати билан ёзилган шеърий девони ҳалигача тұла ўрганилмаган.

Надим кўчирган қўлсизма баёзлар, девонлар истиқлол ёшлари таҳлилини, эътибори ва эътирофини кутиб ётиди.

ЧОКАР – БАЁЗНАВИС ШОИР

Муҳаммад Юсуф Харрот девон – Чокар ўзбек адабиётига дастлаб заррин қаламли хаттот, баёзnavис шоир сифатида кириб келди. Унинг бу борада устозлари отаси Муҳаммад Ёкуб Харрот ҳамда Муҳаммад Расул Мирзабоши – Мирзо, Муҳаммад Юсуфбек Баёнийлар эди. Чокар ўзининг «Хоразм мусиқий тарихчаси» (Тошкент, «Ёзувчи» нашириёти, 1998 йил) китобида: «Муҳаммад Расул Мирзабоши мусиқашуносликдан бошқа хаттотликда ҳам машҳур эрди. Таълиқ ва насҳ хатларини хийлиғина гўзал ёзар эрди. Муҳаммад Раҳимхон ва Асфандиёрхонларнинг амри билан бир неча китобларни ёзиб чиқғонлур...» деб ёзали.

Чокар Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши – Мирзо хонадонида тарбия топди. Улар – Чокар, Надим, Ходим, Комил Девонийлар ҳали мадрасада ўқиб юрган кезларидәк, устоз хаттолар сафида ўтириб қадимий қўлзизма девонларни кўчиришига бошлаганлар.

Манбалардан маълум бўлган Чокар кўчирган девонлар:

1. Девони Аваз Ўтар.
2. Девони Омоний Сайд Амонуллоҳ Қабулий (XV-XVI асрлар).
3. Девони Андалиб Кошоний (XIX-аср).
4. Девони Камолий – Отаназар Мусо ўғли (1849-1914).
5. Девони Мирзо – Муҳаммад Расул (1839-1922).
6. Девони Мискин.
7. Девони Пур Комил (1860-1926).
8. Девони Чокар (дастхат).

Чокар кўчирган девонларнинг барчаси ҳам бизгача етиб келган эмас. Энг муҳими, шоирнинг хаттотлик фаолияти ўрганилмаган.

Чокар қалам шарафига муносиб хаттот. Халқимизнинг узоқ асрлар қаъридаги маоний хазинаси, маданий мероси, қадриятларимизнинг илм ва маърифат, инсон гўзллиги, одоб ва ахлоқ, ҳаёв ва ибо, инсоф ва имон, меҳр ва садоқат, Ота макон жондан ҳам азиз эканлиги ҳақидаги китоблари бизга ӯша қалам соҳиблари орқали етиб келган.

Чокар яратган баёзлар гоявий йўналиши, илғор дунёқараши, юксак адабий ва мусиқий лиди, устоз хаттотларга хос билим савияси, хуснихати бехатолиги билан ажралиб туради. Котиблик санъати Чокарнинг асосий касби-кори бўлган. Шу боисдан замондошлиари унга катта баҳо берганилар.

1907-1908 йилда Ферузшоҳ хусусий хаттоти Муҳаммад Шариф Тарроҳ ибн Оллаберган Тарроҳ оламдан ўтгач, чала қолган китобини давом эттиришни унинг жияни Бобожон Тарроҳга буюради. Ўшанда у 29-30 ёшлиарида таниқли хаттот бўлиб етишган эди. Бироқ Ферузшоҳ ҳузурида ўтириб китобот илми билан умр ўтказган тогасининг ўрнида ўтиришга ҳайиқади. Муҳаммад Шариф Тарроҳнинг буюк хаттотлик салоҳияти, унинг фожиали ўлеми билан боғлиқ мудҳиш хотиралар юкини кўтара олмай, бу ишдан бош тортади. Шу боис кўрқиб Ферузшоҳ олдила ўтириб йиғлайди. Ўшанда, доно Улуг Муҳаммад маҳрам: «Тақсир, ўзи ҳали ёш бўлса, қандай қилиб, тогасининг усталига (столига) ўтириб, унинг қаламини қўлига олади...» деб Бобожон Тарроҳга ён босади. Шунда Ферузшоҳ ҳаммадан ёш, эндиғина 18-19 ёшга тўлган Чокарни Муҳаммад Шариф Тарроҳ китобини давом эттиришга буюради. Ёш хаттот Чокар бу ниҳоятда мураккаб ишни улдалайди. Албатта, Ферузшоҳ ҳузурида ўтириб қалам тебратиш учун шоҳ ва шоир, буюк созанда ва мақомот илми алломаси Ферузшоҳдай фикрлай оладиган ижодкор бўлиш керак эди. Чокар ана шундай буюк иқтидор соҳиби, «килк қалам» нинг ҳақиқий эгаси эди. Бу ёши хаттотларнинг барчаси: Бобожон Тарроҳ, Комил Девоний, Надим ва Чокарлар хон ўтирган хонадан қўшни хонага – Даҳлизга қўчирилали, натижада улар тинч, осуда бир-бирларига таяниб, суяниб, хаттотлик касби-коридан камол топадилар.

Манбашунос олима, филология фанлари номзоди Мавжуда Ҳамирова «Қўлёзма баёзлар – адабий манба» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1981 й) китобида Хоразмда тузилган қўлёзма баёзларни чуқур таҳдил этган:

«...Хоразмда тузилган баёзлар ўзининг композицияси, шеърларининг гоявий мазмуни ва китобат санъати билан... ажралиб туради... Бир қанча шоир, тарихчи ва таржимонларнинг етишиб чиқиши натижасида илмий ва бадиий асарлар юзага келди... Араб ва форс-тожик тилидаги асарларни таржима қилиш ишлари авж олди» деб ёзади адига. У ўша мұхитдаги энг атоқли шоир ва хаттотлар ижодига, янгидан етишиб чиқсан хаттотларнинг китобат санъатига катта баҳо беради:

«...Хоразм баёзчилик мактабида кўзга кўринган бир неча вакилари борки, улар ижоди баёзчилик тарихининг маълум босқичи сифатида маҳсус ўрганишни тақоза этади. Ана шундай баёз тузувчилар-

дан: Мұҳаммад Ёқуб девон, унинг ўғлы Мұҳаммад Юсуф — Чокар... Мұҳаммад Шариф девон ибни Оллаберган девон Тарроҳ ҳам Хоразмлик хүшнавис хаттотлардан бўлиб, шоир Бобожон Тарроҳ — Ходимнинг тоғасидир...

Шунингдек, Паҳлавон Ниёз Мұҳаммад Комил Хоразмий машҳур шоир, мусиқашунос олим бўлиш билан бирга, хүшнавис хаттот ҳам эди... деб ёзади Мавжуда Ҳамирова. (Ўша китоб, 30-34-бетлар).

Мұҳаммал Юсуф — Чокар қирқقا яқин баёзларни ўз дастхати билан кўчирган хүшнавис шоир ва хаттотдир. Олима Мавжуда Ҳамирова таъкидлаганидай, Чокарнинг баёзнатислик ижоди алоҳида илмий ишларга муносиб мавзу бўла олади.

ЧОКАР ДЕВОНЛАРИ

Мұҳаммад Раҳимхон Иккинчи — Феруз лаврида ижод этган шоирларнинг кўпчилиги ўз дастхатлари билан девон гартиб берганлар. Чокар ҳам барча газалларини, мухаммаслари, мусаддас ва қасидаларини жамлаб, китобат этган.

Чокаршунос олима Фарогат Мусамуҳамедова (1937-1993) шоир девонларини мукаммал ўрганган.

Беруний номидаги Шарқшунослик Институти қўлёзмалар фондида Чокар кўчирган баёзлардан ташқари унинг учта қўлёзма девони бор. Хива настаълик хати билан ёзилган 901 инвентар рақами билан сақланётган девон Чокар қаламига мансубдир. Чокар бу девонни 1907-1908 йилларда тартиб берган бўлиб, унга шоирлардан Комилжон Девоний, Бобожон Тарроҳ — Ходим, Болта Ниёз Ҳаррот — Надим каби ҳамкаслари ижодидан намуналар киритган. Ўзининг газалларини эса 180 «б» бетидан 228 «а» бетигача жойлаштирган.

Бу тўғрида Фарогат Мусамуҳамедова бундай деб ёзали: «...Девондаги асарлар тартиб рақами билан ва тартиб рақамисиз икки устунда, баъзан эса саҳифалар ҳошиясига ҳам ёзилган... 101 та ғазалига тартиб рақами қўйилган... 74 та ғазал тартиб рақамисиз... ва 106 таси ҳошияга битилган, охирида яна 2 та ғазал бор. Жами 4228 мисрадан иборат 283 та ғазали бор.

Шоирнинг яна бир дастхати билан ёзилган девони 902 рақами билан сақланади... Девоннинг 269-325-бетларини Чокар ижоди ташкил этади. Жами 5044 мисрадан иборат 389 та ғазали жойлашган. Девонда ...11 мухаммас, 2 та мусаддас ҳам бўлиб, девон 5533 мисрадан ташкил топган» («Тил ва адабиёт» журнали №4, 1971 йил, 48-бет).

Чокарнинг амакиси Болта Ниёз ибни Уста Курбон Ниёз томонидан күчирилган 906 рақамли қўлёзма девонда жуда кўп ижодкорлар қаторида Чокарнинг учинчи девони ҳам бор.

Шоирнинг бу уч девонидаги ғазаллар бир-бирини тўллириб боради. Булардан ташқари Чокар ғазаллари ўша кезларда ёзилган жуда кўп баёзлардан жой олган.

Манбашунос олима Мавжуда Ҳамидова «Қўлёзма баёзлар – адабий манба» номли китобида (Тошкент, 1981 йил) бу тўғрила: «Шоир ўз баёзлари орқали ўзидан илгари яшаб ижод этган ва ўзига замондош шоирлар шеърларини кенг халқ оммасига ташвиқ қилин. Шу билан бирга шоир ва котиблар ҳам Чокарнинг лирик меросини ўша даврда тартиб берилган қўлёзма баёзлар таркибига мунтазам равишда киритиб бордилар. Чунончи, у ўз шеърлари билан қирқта қўлёзма баёзда қатнашган», деб ёzádi. (Ўша китоб, 111-бет). Адиба ўз китобида ана шу баёзларнинг инвентар рақамларини кўrsатиб берган.

Чокар девонлари, турли баёзларда сочилиб ётган ғазаллари, «Мажмуат-уш-шуаро» тўпламидаги 108 та шеърлари бир жойга жамланиб ҳанузгача китобот этилмаган. Шоир аruz вазнининг турли баҳрларида ғазаллар битиб ўзини синаб кўрди. Айниқса, ғазаллардан ташқари муҳаммаслар, мусаддас, мустаҳзод, мураббаба, қасидалар ёзди. Шоир ижодининг асосий мундарижасини ғазаллар ташкил этади.

Чокар ғазалларига хос асосий хусусиятлар: бадиий адабиёт билан мусиқа санъати ўртасидаги боғлиқлик, ғазалларининг мақом шубъала-рига, қалимий миллий мусиқанинг турли жанрларига мос тушишидир. Шунингдек, уларда ижтимоий-сиёсий мавзудаги ўткир ҳажвия, фикрни таъкидлаш усулига қурилган такрор санъати мавжуд. Шоир девонидаги баъзи ғазалларига тўхталиб ўтамиз.

«Мен сизга Чокар»...

Шоир ғазалларини ўқир экансиз, унинг сатрларига бекинган шодлик, баҳтиёрлик, муҳаббат соҳиби бўлишдек улуф неъматдан масурлик туйғулари мусиқий оҳангларда жаранглаб туради. Чокарнинг лирик қаҳрамони олам гўзалликларига, одамнинг яхши хислатларига ошуфта инсон. У жаҳолат, разолат, нодонлик, фикрсизлик душманидир.

Чокар ишқ ўтида ёниб турган инсон қалби қалъасидаги муҳаббат түғёнларини эшитиб ғазал ёzádi. Унинг қаҳрамони яхшилик йўлида хизматта тайёр, тоза қалб эгаси.

Чокарнинг шоирона тафаккуридаги маҳбуба образи эса шараф тозини кийган, шўх-шодон малакдир. Унинг «Моҳи тобон» чехрасида «кулгич» лари бор. У табассум қилганда жаҳон боғида «Хуршиди анвар»

чаралайди. Чокарнинг «Эй меҳрибоним» мураббаъсидаги маҳбуба образи ана шундай ҳаётдаги меҳрибон, зукко ва оқила, жисми-жони латофат нурларига йўғилган жоннисор аёлдир.

*Эй меҳрибоним, шоҳи жаҳоним,
Хуршиди соним, ороми жоним.
Шамшод қомат, хуршид талъат.
Кони латофат, сарви равоним...*

Чокар ўзининг ғазалиёт олами, мусиқий дунёсида хаёлидаги маҳваш образини яратар экан, «хуршид талъат», «хуршид анвар», «шўхи ситамгар», «ул шўх», «шўхи паризод» ташбеҳларини кўп ишлатади. Бунинг боиси шоир ўз қаҳрамонини шод, баҳтиёр, ғам-кулфатдан озод кўришни орзу этади. Дарвоҷе, Чокар шодлик куйчисидир. Унинг маҳвани юксак эътиқодли, имони бутун, руҳияти баланд, ширинсуҳан «Моҳи пайкар»дир. Шоир ҳар қандай эъзозга, севги, садоқатта муносаб дилбар олдидা таъзим этиб, «Мен сизга Чокар» дейа фахр ва ифтихор нурларига тўлиб куйлади.

*Қошу кўзингдан, ширин сўзингдан,
Ойдек кўзингдан айлансан жоним,
Эй моҳи пайкар, хуршиди анвар.
Мен сизга Чокар, сарви равоним.*

Чокар бу ғазалига мос ёшлик нафосатига тўла оҳанглар топиб куй басталади. Бу дилбар қўшиқ ҳанузгача ошуфта қалблар ҳамроҳидир.

«Эй меҳрибоним» қўшигини дастлаб Тамараҳонумлар авлоди, улардан кейин Клара Жалилова, Луиза Закировалар авлоди куйлаб жаҳон саҳналарини кездилар. Бу қўшиқ бугунги кунда ҳам тўй ва базмларда янгратмоқда.

Чокар девонидаги юзлаб ғазалларига қадимий Хоразм ҳалқ қўшиқлари асосида куй басталади. «Ўзинг», «Гулузор қилдинг», (Мавриги) «Мустаҳзод», «Адҳамдулиллоҳ» «Наср талқинчаси», «Шоҳи жаҳоним сизмусиз», «Жанонима етдим» каби қўшиқларини ҳофизлар суйиб куйлаб келадилар.

Чокар ғазалларида лафзий санъатнинг таъкидлаш усулидан фойдаланиб, такрор санъатини усталик билан қўллади. Такрор санъатида шеърнинг таъсир кучини, унинг мусиқийлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир байтнинг иккинчи мисрасидаги қофиядош сўзлар такрорланиб келади:

*...Сочинг торидандир манинг бўйнима
Танобу, танобу, танобу, таноб...
Қиз ошиқ қаторида Чокарни ҳам
Ҳисобу, ҳисобу, ҳисобу, ҳисоб.*

Айниқса, қофиядош тақрорланувчи ундов сўзлардан фойдаланиб ғазал яратиш, шеърий маҳоратни талаб этади.

*Қилгунг икки кун умрингга минг ўил тадорикни
Эйки, не суд етар санга бунча йигиб шақур-шукур...
...Аҳмоққо неча айласанг панду насиҳат, эй, рафиқ,
Қаҳр ила тутмайин қулоқ анга қилур тасир-тусур.*

Чокар табиат гўзалликлари, ота макон ошиғидир.

Бебаҳо Хивак. Ижолкор маstryулияти, қаламкаш заҳмати бу ҳақ сўзни сўзлашга бел боғлашдир. Зероки, қалам аҳли яратганинг олдила, эл-юрт, миллати олдила ҳар бир сўзи учун жавобгардир.

Муҳаммад Юсуф Чокар маоний арсасига чиқиб келар экан, ҳар бир сўзда дунёча маънони, ҳар бир ҳарфнинг ўзгаришида олам гўзалликлари жарангини эшита билди. Ўтмиш асрлар қаърида Қолган олис нидоларни, шунингдек, ёрқин келажакнинг хуш нафас садоларини тинглаб, ҳис эта олди. Унинг ғазал дафтарларини варақлаб, ота юрт меҳри билан фахрланиш, илм ва маърифат чироқларининг нурафшон нурларига ошуфталик, тараққиёт ва янгиликка, юксалишга интилиш, миллатнинг саҳий ва меҳрибон қалбини куйлаш мотивларини кўрамиз. У ўзи туғилиб ўсган Хива шаҳрини қаламга олар экан, унинг дунё харитасида бир парча гавҳардай абадул-абал порлаб туришини, у энг яхши забардаст эр-йигитларни сийнасида ардоқлаб жаҳон адабиёти, дунё мусиқий майдонига етказиб берган улуғ маскан эканлититини яққол кўриб, уни тараннум этди:

*Бори шаҳру вилоят ўртасида бебаҳо Хивак,
Берур ғамғин кўнгулларга басе файзу сафо Хивақ.*

*Топиб мақсад комин кўнглида қолмасдур армони,
Кимики маскан ўлса кечаю кундуз анго Хивақ...
Ани кўрган киши ўзга вилоят отини тутмас,
Йигитлар яхисин ўзида қилмишидур бино Хивақ...*

Чокар ижодида XIX аср охири XX аср бошларида Хива адабий муҳитига хос Навоий анъаналарини давом эттириш асосий ўринни эгалайди. У мавжуд тузумдаги бой ва амалдорлар зулмини, ҳийлагар ва нодон

мултапар кирдикорларини фони этувчи газаллар ёзди. Унинг «Зоҳилки», «Эй лода шайх», «Не аҳвол», «Фузало» газалларида ўша даврдаги барча иллатлар: Петербургта қарам Хоразм халқининг оч-юпун, хору-зор, илму-ирфонсиз таҳқирланган ҳаёти манзаралари ҳаққоний чизилган.

«Фузало». Чокарнинг бу фазали ғоявий жиҳатдан юксак, бадиий баркамол асарларидан биридир. Шеърнинг ички қофияларидаги оҳанг-рабоблик, мураккаб шоирона тафаккур, ҳеч ким, ҳеч қасрда ишлатмаган кўхна сўзлар ҳикмати, қофияларнинг шеър маъно моҳиятини очишга хизмат этиши кишини ҳайраттга солади. Фазалдаги аруз вазни ҳижолари-га терилиган сўз зийнати, қофияларнинг сатр охирида ва бошида такро-рий жилоланиши Чокарнинг Оғаҳий шеърияти маҳоратига ихлос-мандлигини кўрсатади.

*Кўбдур ушбу жаҳон ичра фузало,
Хайфким, бўлмиш алардин vale авло жуҳало.*

*Жуҳало хайли агар топса бу янглиг иззат,
Ваҳ, нечук кечгусидур даҳр аро ҳоли уқало.*

(Бу дунёда жуҳало, яъни жоҳил, нодон ва тентак одамлар кўпидир. Минг афсуски, улар ҳурмат ва эътиборда, иззатда, роҳатда яшамоқдалар. Бундай замонда уқало-ақили, доноларнинг аҳволи не кечади?).

*Уқало хизматига боғла белингни маҳкам,
Хосил ўлғай сенга бу ўйл аро касби кумало.*

*Кумало хайлуга лозим қилибон юрта дуо,
Билса даҳр аро недур вузароу вуқало.*

(Уқало хизматига, яъни ақили, доно инсонлар хизматига бел боғласанг, сен камолотта эришасан. Кумало, яъни етук, камолотли инсонларни эл-юрт дуо қиласди. Вуқало, яъни вазирлар, юрт бошида турган улуғлар буни билсалар нақадар яхши бўлур эди).

*Вуқалою вузароларга муносибдур бу,
Айламай зудм раоёғаки бўлмоқ удало.
Удало бўлса киши, рози бўлиб ондин ҳақ,
Келмагай чархдин ҳаргиз они бошига бало.*

(Удало бўлиш, яъни адолатпарвар бўлиш, ҳалқта зулм айламаслик вазирларга, амалдорларга муносибдир. Ҳар киши адолатпеша бўлса, Оллоҳ ундан рози бўлади, фалак унинг бошига бало тошларини ёғдирмайди).

*Амният жойи эмасдур бу жаҳон, эй Чокар,
Эртароқ айласанг эмди хуш эрур азми жало.*

(Эй Чокар! Бу олам тинч, осуда яшаш жойи эрмасдур. Уни эртароқ «азми жало», яъни ташлаб костишга азм қилғил, яъни инсон учун муруватсиз, фақат қайғу-ғам, кулфатдан иборат бу замондан юз ўтириб, кетишга бел боғла, демоқчи бўлади).

Чокарнинг бу газалида Оғаҳий ғазалларидағи «Эй, инсон! Бу ёргу олам айш-ишират жойи эрмасдур, Оллоҳ инсонни бу оламга уни гуллатиши-түркиратиш учун маҳсус вазифа бериб юборади», деган фоя ривожлантирилган. Шоир ижтимоий илдизлари чириғап мавжуд тузумни қоралаб ёзган. Бу ғазал шарқона ҳикматлар билан безатилган шоирона буюк фалсафадир.

Шоир девонларидағи, шунингдек «Мажмуат-уш-шуаро» мажмуасидаги шеърлари қалбига қулоқ тутсак, назирағўйлик, ўзгаларга тақлид этиш, унинг руҳидаги сўз санъати эмаслигига ишонч ҳосил этамиз. Ҳанузгача Чокар девонидаги ғазалларининг фоявий, бадиий хусусиятлари мукаммал ўрганилган эмас.

ЧОКАР – ЯНГИ ЗАМОН КУЙЧИСИ

Жаҳондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг шилдат билан ўзгариб бориши, Россиядаги инқилобий тұнтараптар Хива хонлигидә ҳам янги тарихий даврнинг бошланишитга олиб келган эди. Нече асрлар мобайнида хонлик тузумининг зууми боис чор Россияси мустамлакачиларининг талончилик сиёсати, туркман муфсидларининг тинимсиз босқини туғайлы Хоразмнинг бутун шахру-қишлоқлари хонавайрон бўлган, меҳнаткаш ҳалқ оч-юпун, қашшоқ аҳволга тушиб қолган эди. Эндиликда эзилган ҳалойиқ эски хонлик тузумини ағдариб ташлаш, мустамлакачиларни ота макондан супуриб чиқариш, озодлик ва ҳурriятни кўлга киритишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар.

1919 йил охири. Хивада иккى йилдан бўён якка ҳоким бўлиб турган Жунаилга қарши ҳалқ қўзғолонлари кўтарили. Тарихий манбаларда таъкидланганидек, Жунаид бу қўзғолонни бостириш ва Тўрткўлдаги рус қўшинларини тор-мор этиш учун 15 минг кишилик қўшин тузди. Хиванинг инқилобий кучлари «Ёш хиваликлар» фирмаси бошгилигига Жунаид босқинчиларини енгиб, Хива таҳтини эгаллашга қодир эмас эдилар. Шу боисдан улар Амударёнинг ўнг соҳилини эгаллааб турган Тўрткўл большевикларидан ёрдам сураб делегация юбордилар. Хивани босиб олишга шай турган большевиклар мурод мақсадларига етиб, шод эдилар.

Чунки РСФСРнинг Хивадаги вакили Г.К. Скалов Хива хонлигига кўшин тортиш ҳақида аллақачон директива олиб, пайт пойлаб ётарди. Бу директива Совет давлатининг империалистик қора нияти ва режаси-нинг ўзгинаси эди.

Ниҳоят, 1920 йил 1 февралда Хива инқилобий кучлари рус кўшин-ларининг ҳарбий кўмандони Н.М. Шербаков, Г.К. Скалов бошчилиги-да Жунаид галаларини тор-мор этиб, Хивага кириб келдилар.

Бу тарихий жараёнларни ёзишдан асосий мақсадимиз курашларда тобланган янги ўзбек алабиётининг инқилобий мафкураси ана шу тарихий даврнинг акс-садоси сифатида кураш майдонига аллақачон оти-либ чиққан эди. Улар халқ томонида туриб, мазлум халқ дардини сўйлар эдилар.

«Ёш хиваликлар» атрофига жипслашган янги замон, янги тузум-нинг жанговар, уйғоқ зиёллари, халқни қулилк кишанларини парчалаб ташлаш, хонлик тузумини йўқдикка маҳкум этишга чорлар эдилар. Кўпминг кишилик эрк курашчиларининг митинглари сафлари бошида туриб: «Яшасин озодлик», «Йўқолсин золимлар», деган шиорларни кўта-риб олганлар ҳам шулар эдилар. Миллй уйғониш даври ўзбек алабиётининг вакиллари бошида Мұхаммад Юсуф Баёний, Аваз, Чокар, Мут-риб, Рогиб, Фақирий, Сафо Муганний, Комил Девоний, Партау каби шоирлар турарди.

Уша инқилобий жараёнларда янги адабиёт олдида турган вазифани тарихнавис шоир Баёний «Аҳли ашъора» сарлавҳали шеърида яққол белгилаб берган эди. Биз уша шеърни яхлит келтирамиз:

Эл орзусин кўйламоқ,
Эл дардини сўйламоқ,
Элга ҳамнафас бўлмоқ,
Эл бирла қадамлашмоқ,
Шоир-чун эзгу ният,
Ифтихор ва шарафдур.
Қалам қош ғаммозларга,
Жонни садқа қылмоқлик,
Вафосиз ёр дардида,
Беҳад ағғон чекмоқлик,
Тирикликда ўлмоқлик,
Бу асло шоирликмас!
Элни курашга чорланг,
Маърифат сори йўлланг,
Жабҳалардан сўз сўзланг,
Фидойиларни кўйланг;
Шоирнинг ифтихори,
Шоир баҳти шундадур,

*Баёний дер: йўлдошлар,
Қаламкаш орқадошлар,
Биродар ҳам қўлдошлар,
Эл баҳтини куйлайлик.¹*

Бундан яққол кўриниб турибдики, Баёний «Қаламкаш орқадошлар» олдида «Элни курашга чорлаш», «Маърифат сори йўллаш» вақти етиб келганидан бонг урмоқда. Энди «Вафосиз ёр дардида» оҳ уриб ётиш, «Тириклиқда ўлмоқлик»ни куйлаш бу шоирлик эмаслигидан барча бирорадар, қўлдошларини огоҳ этмоқда.

Албатта, бу миллий уйғониш даври янги ўзбек адабиётининг Маоний арсасига, маънавият майдонига отилиб чиқиши янги тарихий давр талаби бўлган. Мамлакат ва ҳалқ ҳаётида янги бир ғоя, янги маънавий, руҳий куч-қудрат пайдо бўлганди. Бу эрк ва ҳуррият фоялари эди. Узоқ асрлар мобайнида эзилган, мазлум ва қашшоқ ҳалқ ҳамон фафлатда, мудроқ уйкуда ётарди. Ҳалқни уйқудан уйғотиш, уни озодликка ишонтириш, янги тараққиёт сари, илм-маърифатни эгаллашга, ўзлигини танишига етаклаш зарур эди. Шу боисдан янги замон, озод ҳаёт келганига элу-юргни ишонтириш, уни тезроқ уйғотиш учун шоирлар қўлларига қалам, навозандалар қўлларига соз олиб, ҳалқ орасига кириб кетдилар.

Чокар инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ, «Ҳуррият» радиифли шеърини ёзди. Бу шеър «Инқилоб қўёши» газетасининг 1920 йил 23 март сонида босилиб чиқди:

*Билинг қадрин ташаккур бирла роҳат жона ҳуррият,
Башарликда муносиб бўлмоқ ҳар инсона ҳуррият.
Ҳалос айлаб бу золим мустабидлар зулму бандидан
Бизи ўткарди маҳбусхонадан бўстона ҳуррият.*

Баёний ва Чокар шеърларига ҳамоҳант барча шоирлар озодлик олиб келган янги тарихий даврни куйладилар. Ҳалқни хонлиқ тахти ағдарилигани, энди бошқа бу тузум қайтиб келмаслигига, инқилобни сақлаб қолиш зарурлитига, унинг қадритга етишга ишонтирдилар.

¹ Бу шеърни, шунингдек Баёнийнинг Хоразмдаги инқилоб воқеаларига багишиланган барча шеърларини филология фанлари номзоди Мұҳсин Зокиров «Тошкент оқшоми» газетасининг 1967 й. 30 январь сонида экълон қилган. Баёнийнинг бу шеърларини ўздида сақлаб юрган шоир Отамахзум Партаев Мұҳсин Зокировга уларни берган. 1953-54 йилда Хивада бўлган адид Мұҳсин Зокиров Партаевдан Баёний ҳақидаги хотирадарини ҳам ёзиб олган.

Баёнийнинг инқилобий шеърлари уша даврдаги «Хоразм хабарлари», «Инқилоб қўёши» газеталарида, «Юғурмия» шеърлар тўтиламида босилиб чиқсан. Шоир Отамахзум Партаев Баёнийнинг шогирди эди. У Баёний хонадонида тарбия олган.

Шоир Мутриб янги тарихий даврни халққа түшинтириб «Хуррият» шеърида шундай деб ёзди:

...Ки «Эрк! Эрк! Эрк! деган тұлғар кесилди,
Курашга ундаған бошлар кесилди,
Ғазабдан чақнаган күзлар үйилди.
Курашга раҳнамо әрлар сүйилди...
Күринг ёшларни, әмди эй халойиқ,
Бұлурлар ҳар бири ҳар ишга лойиқ,
Муборак бұлсın әмди ушбу даврон,
Дуюй хайр эт, эй Мутриб, сен алың!

Шоир Роғиб:

Шарбат әрди мұстабидға неча йыллар қонимиз,
Ғамда әрди ишчимиз ҳам батраку дәхқонимиз,
Эй хушо бұлсın муборак бизни бу давронимиз.

Леб, янги даврни олқишиласа:

Шоир Фақирий:

Маломат, мажсоролардин бизи құтқарды ҳуррият,
Мусибат, күлфату ғамдин бизи құтқарды ҳуррият...

Фақирий, әмди үйің сен ҳам фақирик нағма созингни,
Яңеидан соз этиб, шеъринг дегіші мадхини ҳуррият!

Леб күйлаб, халойиқни шоду-хұрамлиқка дағыват этди.

Инқилобдан кейин Хоразмға келгән Ҳамза Ҳакимзода янги замон-ни, тараққиёт, илм-маърифатни күйлаб құшиқулар ёзди, янги-янги шье-саларни сақналаштириб, миллий адабиётимизни янги услугуб ва жанрлар билан бойитди ва Хоразм қаламкашларига үрнак құрсағат.

Эй, Хоразмнинг дәхқон, ишчиси
Күмілкни бүстон этгучи асл меҳнатчиси!
Сен әрдинг аввалилар киши бандаси,
Тазаллум пешаларнинг сарафканаси!
Үйғон! Күз очиб бок! Қани золимон!
Улар маҳв этилди, сенгадур замон!

(Тазаллум-зулмдан зорланиш, Сарафкандалик-итоатлилик, ұжко-латлилик десганидир)

Ҳамза Ҳакимзоданинг инқилобий туйғуларини, фикр ва ғояларини хоразмлик барча шоир ва навозандалар давом эттирилар. Сафо Муғанний ҳам құлиға соз олиб:

*Хоразмнинг фарзандлари
Үйғонинглар! Үйғонинглар!...
Хоразм бир жумхурият,
Насиб үлди чин ҳуррият
Үқуб ылму маданият,
Үйғонинглар! Үйғонинглар!...*

леб ғафлатда ётган ҳалойиққа қаратада хитоб қылды.

Хоразм шоир ва навозандалари янги тарихий даврнинг эрк ва ҳурприят ғояларини фидайилик билан қуйладилар. Ҳалқни илм, маърифатта, тараққиёттә йүлладилар. Натижада, мудроқ ҳалқ уйғона бошлади. Бу даврда Чокар ҳәёттә юз берәёттан ҳар бир янгилик ҳақида қувониб ёзди. Унинг «Печ», «Мактаб», «Ўқинглар» ҳамда пахтакорлар ҳақида шеър ва құшиқлари ҳалқ онғы ва илрокига кучли таъсир этди. Чунки әзилтан, авом ҳалқ тақдиррида, онгыда, руҳиятида үзгариш пайдо этмай туриб, илгор ва инсонпарвар жамиятни барпо этиб бўлмаслигини у яхши биларди. Шу боисдан Чокар хонадонларда эндиғина пайдо бўлаётган «Печ» ҳақида:

*Ажаб машхур бўлди даҳр аро печ,
Бори аҳли жаҳонға муддао печ.*

деб қувониб ёзар экан, бунинг сабаби бор эди. Асрлар оша Хоразм ҳалқи қиши пайтидаги даҳшатли совуқларини уйларининг олдига қуриб олинган Қора уй (үтов уй)да үтказардилар. Оиланинг етти яшаридан, етмиш яшаригача бир хонага тиқилиб, ўчоққа ўт ёқиб, қора тутун ва кўмир тутишидан азоб тортар эдилар:

*Кўмур туткуси доим ул кишининг
Үйига қурмаса ул кимса то печ...*

*Ки ман ҳам қурмасам бўлмас уйимга,
Ҳамул қиши, эртароқ бир дилкушо печ...*

Чокар ҳәётини илм-маърифатни тарғиб этишга баҳшида этди. Янги янги очилаёттән мактаблар, дорилғунунлар унда билим олаёттән ёшларни қуриш унинг орзузи эди.

*Мактаб салуб эл учун мутайян,
Қилди бори лозимин мубайян,*

*Үқуш бўлуб, анда турлича фан,
Или этди хира кўзини равшан...*

Чокарнинг фаҳр ва ифтихор тўла сатрлари, шодлик наволарига тўла кўшиқлари пахта ва пахтакор ҳақидадир.

*...Бирлашингиз бу севикли Ватанда,
Кеча-кундуз яшанг болгу чаманда.
Ҳамма ўртоқ бўлиб, жондек бир танда
Толмай шиланг, пахтасилик яшасин...*

Албатта, ҳар бир даврнинг ўз шоир ва адиблари, ўз адабиёти ва санъати олдида, ўз театри олдида турган вазифалари бўлади. Ҳар бир бадиий асарга ўз даврининг адабий-эстетик талаблари мезонидан келиб чиқиб баҳо бериш керак. Шу маънода Чокар 1920-1924 йиллар мобайнида ўлқада фан ва маданиятнинг янги-янги поғоналарга кўтариш базини яратишга хизмат этди.

Курашчан шеърият майдонига отилиб чиқиб, ўз вазифасини фидойилик билан бажарган янги тарихий давр адабиёти вакилларини шу боисдан севиб ардоқлаймиз. Шу боисдан улар ҳаёти ва ижоди абадийликка даҳидордир, деймиз.

Бироқ, мустабид шўролар ҳукумати ана шу жўшқин янги ўзбек адабиёти ташаббусини бўғиб, уни коммунистик жамиятнинг ташвиқот-тарғибот минбарига айлантириди.

Йиллар ўтди. Шўролар ҳукумати бу ноёб иқтидор соҳибларини, тараққиёт жарчиларининг биттасини қолдирмай хонавайрон этди. Натижада коммунистик партиянинг маддоҳи бўлган мустабид шўролар мафкурасини ўрнатди.

Қабиҳ онларда, суронли йилларда эрк ва озодликни кўйлаган шоир Чокар каби адибларини ўзбек халқи ҳамиша ардоқлайди.

ЧОКАР – МАЪРИФАТПАРВАР ШОИР

Чокар ғазал бўстонига кирап экан, маоний арсасидаги тафаккурлар жангига голиб бўлиш, буюк сўз санъаткорлари сафига қўшилишни ният қилди. Зероки, сўз бу гавҳардир. У халқ дардига малҳам, унинг буюк ўзгаришлар сари олға интилишида куч-кудрат, зулмат ичида порлаб, ёрқин келажак уфқарини ёритувчи нурдир. Чокар сўзнинг илоҳий кучига таяниб, ўз халқини фафлат уйқусидан уйғотиш, саводсиз ва ноҷор элга маърифат нурларини гаратишга бел боғлади. Ўз олдига сўзи ва сози билан халқни мустамлакачиларга қарши кўтарилиш, мамлакатни саводхон элга айлантириш вазифасини қўйди:

*Жаҳонда яшай олмас ҳеч мислат шиму ирфонсиз
Анингдекким тура олмас ҳаётда жисем ила жонсиз.*

*Маориғдур жаҳолат дардининг дармони, фаҳм айланг,
Фанолик ётғонидур бўлса ҳар бир дард дармонсиз...*

*Беринг фарзандингиз мактабга, Чокарни сўзин тинглаб,
Жаҳонда яшай олмас ҳеч мислат шиму ирфонсиз.*

Чокарнинг бу газали 1922 йилда ёзилган бўлиб, у Аваз Утарнинг:

*Очинглар, мислати вайронни обод этгуси мактаб,
Ўқусин ёшларимиз, кўнглини шод этгуси мактаб.
Аваз, ҳимматни қили олий очарга эмди мактабким,
Балои жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.*

каби сатрларига ҳамоҳангдир. Чокар Аваз Утарнинг маърифатпариарварлик
гояларини давом эттириб ривожлантирган.

1920-1924-йиллар мобайнида шоир бутун ҳаёти ва ижодини мактаб-
маориф ишларини ривожлантиришга бағишлади. Халқ маданияти ва
маорифи (нозири мулла Бекчон Раҳмонов) нозирлигида саркотиб бўлиб
ишлади. Шоир Баёний эса шўъба мудири бўлган. Қўлимизда улар даст-
хати қўйилиб, ўша нозирлик муҳри босилган ҳужжатлар мавжуд.

Чокар «Ёш хиваликлар» қиёфасида давлат бошита келган қонхўр
Скалов, М. Сафонов, А. Иоффе, «товариш Бик» каби сотқин РСФСРнинг
мухтор вакиллари билан ишлади. Бироқ қўрқмади. Ҳамиша халқ томон-
да бўлди. Маърифатпариарвар шоир мулла Бекчон Раҳмонов билан нозир-
ликни бошқарар экан, шоир ва мусиқашуниос олимлар Мирзо, Баёний,
Ниёзий, Комил Девоний ва Сафо созчиларга таяниб иш тути. Воҳада
саводсизликни тугатиш учун қисқа курсларни очища фаоллик кўрсат-
ди. Минглаган ёшлар миллий тил, унинг орфографиясини ўрганиб,
саводхон бўлдилар. Айниқса, халқ ҳўжалитгининг турли касб-хунар ўрга-
ниш соҳалари бўйича билим юртлари ишга тушди. Энг муҳими, фақат
Хоразмда эмас, Тошкент, Москва, Қозон, Боку шаҳарларида ўқиб-
билим олиш учун иқтидорли ёшлар танлаб юборилди. Узоқ асрлар даво-
мида эзилиб, тапталган миллатнинг руҳ қаъласини сақлаш, уни қайта
согломлаштириш, миллатнинг ўзлигини англаш, қадриятларининг ол-
тин меросини ардоқлаш, халойиқни яхшилик манзилларига илҳомлан-
тириш учун Чокар ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириди. Ана шун-
дай кезларда Хоразмга Ҳамза Ҳакимзоданинг келиши, у билан дўстлашиб иш тутиш Чокарга янги куч-қудрат, янгидан илҳом бахш
этди.

ЧОКАР ВА ҲАМЗА

1921 йил март ойида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Бухоро Ҳалқ Республикасида маориф ва санъат ишларини йўлга қўйишга ёрдамлашиш мақсадида «Туркистон» ташвиқот шўбасининг ўлка Чигатой сайёр труппаси билан поездда Когонга келиб тушган.

Бухорода театр санъатини ривожлантиришга, маориф ишлари равнақига муносиб ҳисса қўшган Ҳамза ўша йили ноябрь ойида маҳсус сиёсий топшириқ билан Хоразм Ҳалқ Республикасига юборилади.

Ҳамза Хоразмга келган пайтлардаги тарихий муҳит жуда мураккаб эди. Мустабид «Қизил империя» Хивани босиб олган қонли-қиронли ишлар эди.

Олимлар О.Кўшжонов, Н. Полвоновларнинг «Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар» китобида таъкидланганидай, 1920 йил февраль ойида Жуманиёз Султонмуродов раислигида тузилган муваққат инқилобий ҳукумат таркиби тобора кенгая борди. Илгари чор Россиясига қарам Хоразм меҳнаткашлари эндиликда Москвага – РСФСР ҳукуматига қарам бўлмоқда эди. Чунки мустабид «Қизил империя»нинг Хоразмдаги муҳтор вакиллари: М. Сафонов, А. Иоффе, И. М. Бык кабилар Хоразм Ҳалқ Республикаси ҳукумати ишига аралашиб, сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар.

1921 йил 6 март куни XXСРнинг Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлигидаги «Ёш хиваликлар» қонуний ҳокимияти ағдариб ташланди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов раҳбарлигидаги барча ҳукумат аъзолари қамоққа олиниб, уларни осиш, отиб ўлдириш бошланиб кетди. Бу ишларни Россия муҳтор вакиллари сотқин Хоразм Коммунистик Ёшлар Иттифоқи аъзоларининг қули билан жоҳил Қизил Армияга таяниб амалга оширилдилар.

1921 йил 27 ноябрдаги Хоразм иштирокион фирмаси Марказий Кўмитаси мажлисида: Хоразм Марказий Ижроия Кўмитасининг раиси Отамахзум охун Мұхаммадраҳимов, нозирлар шўросининг раиси Менг-лихўжа Ибнияминов ва Мулла Бекжон Раҳмоновлар, Марказий Ижроия Кўмитаси ижроия бўлимининг бошлиғи Мухаммад Абдаловлар, молия нозири Мухаммад Юсуф Отажоновлар, хорижия нозири Мулла Ўроз Ҳўжамуҳамедов, ҳарбий ишлар нозири Миркомил Миршарапов кабилар халқ душмани деб эълон этилди ва ишдан олиниб, қамашга қарор қилинди.

Айниқса, 1922 йил 15 ноябрда XXСР нозирлар шўроси қошида Давлат сиёсий бошқармаси (яъни ГПУ қонхўр ташкилоти) нинг тузилиши ҳамда ҳарбий трибуналнинг ташкил этилиши, халқ орасидан етишиб чиққан зиёлилар: шоир ва навозандаларнинг, сиёсий стук раҳбар холимларининг ҳаётига гўр қазиди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Хоразмга ана шундай алғов-далғов мұхитда 1921 йилнинг ноябрь ойида келиб, 1922 йилнинг 1 сентябрінча Хивада фаолият күрсатди. 1921 йилнинг 1 сентябрідан Ҳұжәзлиға кетиб маориф ва мактаб соҳасида ишлаб, 1924 йилнинг август ойида Қўқонга қайтди. Мана шу йиллар Хоразм тарихига мустабид шүрорлар даврининг халқ қонини ларёдай оқизган йиллар бўлиб муҳрланди.

Мұхаммад Юсуф Чокар 1920-1924 йиллар мобайнида Хоразм маориф ва маданият нозирлигига ишлар экан, Ҳамза Ҳакимзода билан доимий равища алоқада бўлди. Қўлимизда музикашунос олим Илес Акбаровнинг Ҳамза ҳақида Чокар билан қўлган сұхбати бор. Бу сұхбат Чокар қаламига мансуб бўлиб, уни бизга шоирнинг қизи Муслима опа Ҳарротова ҳали ҳаётлик пайтида берган эдилар. Бу сұхбатнинг бирор ҳарфини ўзгартирумай эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ўртоқ Илес Акбаров: – Ҳамза билан биринчи учрашувингиз қандай бўлган?

Ўртоқ Ҳарротов: – Менинг ҳужрамда (Чокарнинг ҳужраси «Денон» қалъадаги Калта минор оллидаги мадрасада бўлган) ҳар куни Комил Девоний, Шерозий, Сафо созчи(Муғаний) каби шоир ва созандалар тўпланар эдик. Бир куни Комил Девонийнинг «Яхшидур» радифли ғазалини «Уфори бузрук» мақомига солиб, машқ қилар эдик. Фазал матни:

*Сұхбати ноаҳилдин бўш бўлса зиндан яхшидур,
Базми нодон ичра майдин банд аро қон яхшидур.*

*Кошки нодон жароҳат дилни сўзон қўймаса,
Шафқат айлаб тиғ шла ўлдирса осон яхшидур...*

деб бошланар эди. Шерозий мақом пардаларини олиб, куйлаб турган вақтда бир киши бизни сўраб келди. Бу Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий экан. Мехмонни ҳужрага олиб кириб, саломлашиб, сўрашиб хушнуд бўлдик. Соз давом этди. Ҳамза бағоят таъсирланди. Эртасига бу ғазалга жавобан «Яхши» радифли ғазалини битиб, мақом куйига солиб куйлашни сўради. Шерозий бу қўшиқни машқ қилди. Ҳамза халқ томошаларини ташкил қилганда, Шерозий унга ҳамроҳ бўлиб шу қўшиқни ҳам куйлади. Фазал бошланиши:

*Ҳар кимнинг ўзин севдиги жононаси яхши,
Жонона ўзин севдиги девонаси яхши.
Ишқ мазҳабида куфр эрур жаҳз ила тақво,
Дониш вараъ зуннор ила бутхонаси яхши...*

Ана шундай эди.

Ҳамза Ҳакимзода кўпгина қўшиқлар ёди.

Ўртоқ Илёс Акбаров: – Ҳамза қандай томошаларни, қандай пьесаларни халққа кўрсатди?

Ўртоқ Харротов: – Ҳамза Ҳакимзода Тожизода труппасини чақиртиди. Бу труппа 13-14 кишидан иборат эди. Труппани маҳаллий санъаткорлар билан кўпайтириб «Фарғона фожиалари», «Бой ила хизматчи», «Тұхматчилар жазоси» асарларини ўзи саҳналаштириб кўрсатди.

Бир куни Ҳамза менинг ҳужрамга келди. Хоразм халқининг ҳаёти билан танишиб, Исфандиёрхон тўғрисида асар ёзмоқчиман, деди. Анча сұхбатлашиб ўтиргач, Ҳамза мени ўзининг ҳужрасига олиб кетди. (Ҳамзага «Қоракўз» мадрасасидан ҳужра ажратилған эди). У ерда икки-уч соат гаплашиб ўтиридик. Сұхбат давомида у мендан янги асарига материаллар топиб беришни сўради. Мен жуда хурсанд бўлдим. Биз Ҳамзага Исфандиёр зулми тўғрисида материаллар топиб бердик. Ҳамза ўз асари устида ишлай бошлади. Уч-тўрт ой меҳнат чекиб ёзиб битказди. Уни менга ўқиб берди. Жуда ғалати мазмун билан ораста қилиб ёзилган. Бунда Исфандиёрхонни халққа қилган жабри-зулми, айниқса, фуқароларнинг хушрўй қиз ва келинларини арава юбориб Хотира деган хотин маҳрами орқали олдириб, уларни ота-оналарининг дод-фарёдларига қарамай, ҳохишини рад этган қизларни яланғоч қилиб, устларига самоварда қайнаб турган сувни куйиб ва қайси бирини дараҳтдан осиб ўлдириш каби даҳшатли воқеаларни кўрсатиб жуда таъсирли ёзилган. Ўша пьесани номи «Хоразм инқиlobининг учинчи лойиҳаси» (тўрт парда, етти кўриниши драма бўлса керак) бир мартаба ўртоқ Тожизода режиссерлигига саҳнага кўрик учун қўйилганда, Хоразм халқига жуда маъқул тушган бўлса-да, баъзи бир қарши кишиларни рашик қилганилари учун сиёсатга тўғри келмайди, деб саҳнага қўйишга рухсат қилмадилар. Шу вақтда Хоразмда Аристий деган киши раҳбарлиги билан битта татар труппаси ҳам давом этар эди.

Ўртоқ Илёс Акбаров: – Музикали драма асарлари куйлари қайси ердан олинган?

Ўртоқ Харротов: – Ўзбек куйларидан ва уларнинг форма шевасига мослаб кўписини ўзи ёзган.

Бу ишга ўртоқ Ҳакимзодани бутунлай руҳи тушиб, анча вақт қилган меҳнатлари зойи бўлганига жуда хафа бўлиб, менга келиб ҳасратларини баён қилди ва деди: – Мен энди бу соҳадан чиқаман, ишламайман, деди.

Мен дедим: – Бундай соҳадан чиқиб, қандай соҳада ишламоқчи бўласиз, деганимда, мен энди маориф соҳасида ишлайман, деб эртасига маориф назоратига ариза берди. Мен шу вақтда Хоразм маорифи

назоратида масъул саркотиб эдим. Шу вақтда мактаблар учун мудир ва муаллим лозим бўлиб турган эди. Ўртоқ Ҳакимзодани ўзининг ҳоҳишига мувафиқ узоқ Ҳўжаэли районига мактаб мудири қилиб тайинланди.

Ҳакимзода у ерга боргач, мактабни тартибга солиб, талабалар билан тўлдириб, уч-тўрт ой ичидаги оёққа бостириди. Ҳўжаэли халқини илму-маорифга жалб этиб, буни халқ яхши кўриб қолгани учун мудиirlар олмошиғида буни Ҳўжаэлидан олинишига халқ ризолик бермадилар.

1924 йили январь ойида Хоразм қалъасини (яъни Хива қалъасини демоқчи) босмачилар ўраб олган вақтда Ҳакимзода ҳам мактаб иши билан Хивага келган эди, чиқиб кета олмай Хивада қолған. Ҳаммамиз бир ой қалъадан ташқарига чиқа олмай, қамалиб босмачилар билан отишиб ётдик. Бу вақтда ўртоқ Ҳакимзода совукдан ва бошқа нарсадан касал бўлган кишиларга дору бериб, кўп кишини даволаб фойда етказди. Ҳакимликни ўргангандан бўлсада, бишдирмай юрган экан. Кейин юқоридан (яъни марказдан демоқчи) аскар кучи этиб келиб, босмачилар ҳар тарафга қараб қочиб кетдилар. Бир-икки кундан сўнгра ҳар ким ўзининг иш жойига кетдилар. Кейин ўртоқ Ҳакимзода Ҳўжаэли шаҳрида битта янги мактаб бино қилиш учун мактаб плани тузиб келса-да, маорифда бунинг учун пул бўлмаганидан тасдиқ қилинмаган эди. Шунда Ҳакимзода айтди: «фақат планни тасдиқлаб беринг, пул билан сизларнинг ишингиз бўлмасин», деса ҳам барибир халқдан олади, деб қабул қилинмади. Ҳар ойда мактаб иши билан ўртоқ Ҳакимзода иккичу мартаба келиб кетар эди. Бир келганида аҳвол сўрадим. Ҳолим жуда яхши, татардан уйланиб қўйдим,¹ сигирим, қўйим бор. Сигирнинг қаймоқ, сутини ичиб ётибман, деди. Мен дедим: — Шунча сут ичиб, қаймоқ есангиз ҳам семирмайсиз-ку, деганимда тубандаги байтни ўқиди. (Белилдан бўлса керак).

*Дилам аз бетамизиҳои абнои замон хун шуд,
Набуди коши лавҳи хотираро нақши идроки...*

деб қулди...»²

¹ Ҳамза 1923 йилнинг ёзида Зайнаб (Зина) Файзулинага уйланган, уларнинг Аббос исмли ўғли бўлган.

² Мен 1955-1960 йиллар мобайнида САГУ (Ўрта Осиё Давлат Университети) нинг филология факультетида таҳсил олдим. Ҳали 2 курс (1957 йил) талабаси бўлган вақтимда «Чокар ва Ҳамза» мавзусида илмий ишлар олиб бордим. Илмий раҳбарим, группамизнинг севикили устози, ажойиб олим Лазизхон aka Қаюмов эдилар. Устозга Чокар дастхатига мансуб хотирани кўрсатганимла жуда қувониб кетганилар. Талабаларнинг илмий анжуманида бу ишни муносиб тақдирланган. Лазизхон aka Қаюмов кейинчалик «Ҳамза» («Ёш гвардия» нашриёти, 1973 й.) китобида бу хотирага озгина тўхтаб ўттаилар.

(абнои-замон-замондошлар, асрдошлар деганидир. Дилем замондошларимнинг бетамизликларидан қондир. Кошки эди, замон зайди туфайли дилимни қон қилаёттган мулҳиш лавҳалар, воқеалар хотираам ва идрокимга нақши яъни қора соя солмаган бўлса...)

Ушбу хотираада ва унинг охиридаги бир банд фазалда Ҳамза Ҳакимзоданинг ўша йиллардаги ҳёти, ижоди, руҳияти яққол намоён бўлиб турибди. Шоирнинг руҳан эзилиши унинг шаънига доғ тушиши, шахсининг танталиши билан боғлиқ эди. Чунки Хоразмни қайта босиб олган «Қизил империя»нинг РКП (б) МК коммунистик мафкура вакиллари И. М. Бык, Е. Гладко, В. Анискин, И. А. Ермаков, Самохвалов, С. С. Черник каби Москвадан келган ношуд раҳбарлари Ҳакимзодадай оташин мазлумпарварларни йўқ қилиш ниятида эйлар.

Бу мустамлакачилар ва уларни қўллаб-қувватлаган баъзи маҳаллий сотқин раҳбар ходимлар Ҳамзани 1922 йил 3 июнда коммунистик партия сафидан учирдилар.

Ҳамзанинг қўлидан партия билетини тортиб олган Ваис Раҳими (В. Раҳимов) марказнинг жоҳил раҳбарлари лаганбардорларидан бири эди. Ҳамза Ҳакимзода воҳага ёпирилиб келаёттган Сталин режимининг машъум қатагон сиёсатининг дастлабки зарбаларига учраган шоирдир.

Чокар ва Ҳамза Ҳакимзода Хоразмда саводсизликни тутатиш, маориф ва маданиятни ривожлантириш, воҳа тарихи, миллий қадриятлар меросини кўзларга тўтиё этишда жонбозлик кўрсатдилар.

Ҳамзанинг Чокар, Комилжон Девоний, Сафо Муғанний, Шерозий каби буюк иқтидор эгалари билан дўстлиги, уларнинг ўз миллатини шод ва баҳтиёр кўриш учун олиб борган ибратли ҳёти халқ дилида абадий яшайди.

ХОРАЗМ МУСИҚИЙ ТАРИХЧАСИ

Муҳаммад Юсуф Чокар каби адабий ва мусиқий тафаккури кенг ривожланган илм ва маърифатимизнинг йирик намояндаси XIX аср охири XX аср бошларидаги шоир ва навозандалар орасида қўл билан саноқли эди.

Чокар қадимий Хоразм мусиқасининг билимдони, қадимий қўшиқ ва рақсларни мукаммал ўрганиб олган устоз санъаткор бўлиш билан бир қаторда, уни кеңг тарғиб қилган, ёш мутахассисларга ўз билимини сингдирган мураббийдир.

У кичкинтоилигидан отаси Муҳаммад Ёқуб Харротнинг дутор, танбур, фижжак наволарини эшитиб ўсади. Зукко ва тезфаҳмлилиги боис доира, гармон (соз), танбур, фижжак, самтур (Хива чанг) созларида чалишни тезда ўзлаштириб олди. Кейинчалик у ўз хотиралирида «...Клас-

сикага хос чолгучилардан танбур машқини таълим олиб, қўлим моҳир бўлганидан сўнгра Хоразм классик мақомларининг айтим ва чертим қисмларининг машқига киришиб, уни билгандан кейин, Хоразм нотасини қараб чалиш қоидаларини ўргандим. Ашулани Хоразмнинг улуғ гўяндаси Матёкуб позачидан, фижжак, самтурни мусиқий устоз Қаландар Дўнмасдан, дуторни машхур дугоршунос Муҳаммад Шариф Қанбардан, гармонни Курбон созчидан ўргандим. Шунингдек, 300 дан ортиқ газал жамланган девон тартиб бердим»... деб ёзган эди.

Чокар «Хоразм мусиқий тарихчаси»ни ёзишга киришган 1924 йилларда адабий ва мусиқий салоҳияти камолот буржида эди. У бу ишга мула Бекъон Раҳмон ўғли билан бирга киришар экан, Хоразмни Чингизхон босиб олмасдан бурун (яъни 1220-1221 йиллар) ва ундан кейинги асрларда Хоразм мусиқасининг аҳволи, мақомлар тақсимоти ва усуllibari, улар босиб ўтган олис ва машаққатли даврларини ўрганди. Энг муҳими, ўша қадим замонларда яшаб ўтган буюк санъаткорлар ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб жиҳдий изланди. Қўлимизда Чокар дастхати билан ёзилган ўша давр санъаткорларининг рўйхати бор. Демак, Чокар «Хоразм мусиқий тарихча»сини ёзишидан олдин пухта тайёргарлик кўрган. Бу дастхатдаги ёзувларнинг матни қандай бўлса, шундайлигича табдил этиб келтирамиз:

«Кўхна Урганч (ни) Чингиз мухорабасида хароб бўлгандан кейин Хоразм пойтахти Хивага кўчди.

Биринчи Муҳаммад Раҳим аввалидан Иккинчи Муҳаммад Раҳим шоҳнинг замонигача бўлган Хоразмда катта мусиқашунос устозлар тубандагилар:

1. Ниёз Хўжа
2. Махзумжон қози
3. Уста Муҳаммалжон Сандуқчи
4. Уста Худойберган Ошиқчи
5. Абдусаттор маҳрам
6. Полвон Мирзо (Комил)
7. Ўғели Муҳаммад Расул (мутахаллус Мирзо)
8. Муҳаммад Ёқуб Ҳаррот
9. Муҳаммад Ёқуб Фозачи
10. Қаландар Дўнмас
11. Мула Муҳаммад Шариф Қанбар
12. Ёқуб Дорчи
13. Аваз Дорчи

Машхур достончилардан:

14. Чигитойли баҳши Эшибой курта
15. Унинг шогирди Нурулло баҳши.

16. Човдур Суюн бахши («Хоразм мусиқий тарихчаси» китобини нашрга тайёрловчилар Суюн бахшини негадир «Суяв бахши» деб табдил этгандар).

17. Жирчилардан: Ризо Жилов (бўлиб буларнинг ҳаммалари вафот бўлғондорлар).

18. Сориқ Мехтар «Сурнайчи»

19. Бобо булабончи

20. Ҳусин Калот сурнайчи

21. Ҳудак кўр булабон ҳам сурнайчи

Юқорида мазкур бўлғон мусиқашуносларни (нг) достончилардан бошқа ҳаммаси олти ярим мақомни айтим ва чертим йўлларини билатурғон зотлардур.

Мулла Мұхаммад Шариф Қанбар эса бу олти яримдан зиёд дутор мақомларини ҳам дуторни биринчи мутахассиси бўлғонидек, гижжак (яъни гижжакчи созанды) ҳам яхши гўяндаси эди.

Эмди ҳозирги вақтда Хоразмда бу мақомларни мукаммал, равон чаладурғон киши қолмади, десак ёлғончи бўлмасмиз. Ашулачи, чолғу-чилар (халқ куйларини) эса Хоразмда ҳаёт»...

Чокарнинг «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобини ёзишдан олдин қоралаган бу дастхати унинг нафақат Хоразм, балки Туркманистон, Қорақалпогистон элатларининг ҳам мусиқий ҳаётини нақадар чуқур билганини кўрсатади. Айниқса, бу қавмларнинг олис асрлар қатидаги буюк санъаткорлари, уларнинг қандай соз соҳиби эканликлари ҳақида ёзади. Дутор созининг қадимийлиги ҳақида куйиниб гапиради. Санъатнинг турли соҳасидаги эл ардоқлаган намояндалар ҳақида жуда кўп ҳикоя этиб беришни истайди, бироқ вақт тифизлигидан афсусланиб, надомат чекади. Кувончли томони шундаки, Хоразм олти ярим мақомини ёрқин идрок этиб, уни буюк устозларга хос таҳлил қилиб, меҳр билан тушинтириб беради.

Бу китоб миллий уйғониш даври адабиётининг улкан мусиқий обидаси, Мулла Бекчон Раҳмон ўғли ва Мұхаммад Юсуф Чокарнинг бой мусиқий ижодининг асл мевасидир.

Минг афсуски, Хоразмнинг бу икки фарзона фарзанди яна ўнлаб адабий ва мусиқий асарлар яратишга қодир эдилар. Бироқ 1924 йиллардаги мудҳиш тарихий воқсалар, юзаки эришилган «Эрк, озодлик, мустақиллик», айниқса, Сталиннинг қатағонлик сиёсатининг бошланиб кетиши, миллий чегараланиш туфайли Хоразм Xalq Республикаси тутгатилиб, кичик бир вилоятта айлантирилгани, Чокар ва Мулла Бекчон Раҳмон ўғли сингари кўплаб зиёлиларни улуг мақсад ва орзуладан четга улоқтириб ташлади. Улар кўркувдан турли томонларга бош олиб кета бошладилар. Бобожон Тарроҳ дарҳол Хивани тарқ этиб, Тўртқўлга,

кейин Тошкенттега қочди. Комиž Девоний Тошқовузга кетди. «Ёш хиваликлар» сардорлари тақдир тигига бошларини тутиб, Жунаидхон томонга бордилар. Ундан бошпана сұраб, хорликда - зорлиқда ҳаётдан күз көмдилар.

Мұхаммад Юсуф Чокар эса Хивада қолди. Ұша кезлардаги Туркистон республикаси Маорифи Халқ комиссарлыгының санъат бўлими мусиқа, театр, тасвирий санъатни ривожлантириш вазифасини кутариб чиқди. Чунки большевиклар ҳукумати дастлабки кунларданоқ, адабиёт ва санъатни шўролар мағкурасининг тарғибот минбариға айлантириб олган эди.

Чокар вилоят ҳалқ маорифи бўлимида ишлаб мактаблар, клублар, қизил чойхона, турли интернатлар ташкил этишда фаол қатнашди.

Айниқса, Ҳоразм қўшиқчилик санъати тарихини, этнографиясини ўрганиш, мусиқа таълими, унинг замонавий муаммолари (яъни шўроларни мадҳ этувчи асарлар яратиш), турли хил концертлар, янги мусиқий жамоалар тузишда бош-қош бўлди. Ниҳоят, совет республикаси миқёсида қадимий ва бой ўзбек мусиқий маданияти меросини (танқидий) ўрганиш ва тадқиқ этиш масалалари кун тартибиға қўйилди. 1928 йилга келиб Самарқандда «Ўзбекистон мумтоз ва ҳалқ музикасини илмий-текшириш институти» ташкил этилди. (Н.Н. Миронов китобларида бу ҳақда кенг маълумотлар бор: Наркомпрос Уз.ССР, сектор науки, литературы и искусства. Труды научно-исследовательского института по изучению народной и классической музыки узбеков. Самарканد, 1929).

Бу институттага республиканинг энг машҳур мусиқа алломалари қаторида Мұхаммад Юсуф Харрот – Чокар ҳам гаклиф этилди.

ЧОКАР САМАРҚАНДДА

Мұхаммад Юсуф Чокарнинг Самарқанддаги ҳаёти ва ижодини чуқур ёритиш ва унга янгича назар билан қараб баҳо бериш учун ӯша даврда Чокар билан Тошкент, Фарғона ва Бухородан Самарқандга келиб илмий текшириш институтида бирга ишлаган ўзбек мусиқаси алломалари фаолияти билан танишдик.

Институтнинг биринчи директори, композитор, дирижёр, мураббий, фольклоршунос олим Николай Назарович Мироновнинг «Ўзбеклар мусиқаси» (Ўзбек давлат нашриёти, Самарқанд, 1929 йил), «Обзор музыкальных культур узбеков и других народов востока» (Тошкент, 1931 йил), «Фарғона, Бухоро ва Хива қўшиқлари» (Ўзбек Даълат нашриёти, Тошкент, 1931 йил) каби китобларини мукаммал ўргандик.

Шунингдек, Чокар архиви ҳужжатлари, ўша йиллардаги газета ва журнallарда Чокар ҳақида чоп этилган мақолалар билан танишилик. Чокар Ўзбекистонда қадимий халқ мусиқий меросини ёзиб олиш, уни қайта ишлаш ва ёни авлодга ўргатиш ишларига ҳәстини баҳшида этди.

Ўзбек мусиқаси тарихи китобларида таъкидланганидай, 1919 йилда Туркистон республикаси Маориф Халқ комиссарлиги санъат бўлими қошида музикали-этнографик комиссиянинг тузилиши қадимий санъат дурданаларини ёзиб олишда, музика фольклорини ўрганишда катта аҳамият касб этди. Бу комиссия бошида Фулом Зафарий, Фитрат, В. Успенский, Н. Мироновлар турар эди. Улар Шашмақомларни ёзиб олиш, ўзбек достонлари, халқ қўшиқларини ўрганиш, ноталаштириш, «этнографик концертлар», «Шарқ мусиқаси кечалари»ни ташкил этишни кучайтириб юбордилар. Бу концертларда Успенский ва Мироновлар томонидан қайта ишланган ўзбек, қозоқ, туркман, татар, бошқирд куй ва қўшиқларининг сағнага олиб чиқилиши, санъатсевар ўзбек халқини ўзига ром этди. Улар концерт залларига оқиб кела бошлидилар.

Ўзбек созанда ва навозандалари, ҳофизлар халқ хизматига бел боғлаб, мусиқий ҳаётда жонланиш, ривожланиш бошланиб кетди. Ниҳоят, 1928 йилга келиб, Самарқанд қўшиқлар шаҳрига, фольклоршунослик масканига, ўзбек мусиқаси ва рақс санъатининг илмий-текшириш ташкилий марказига айланди. Ўша йили Н.Н. Миронов раҳбарлигига «Самарқанд ўзбек музика ва хореография институти» (Иннумзхоруз) ташкил этилди. Бу институтга Тошкентдан машҳур мақомчи-хонанда Юнус Ражабий, созанда ва бастакорлар Тұхтасин Жалилов, Имомжон Икрамовлар, Бухордан таниқли ҳофизлар Ота Жалол Носиров, Домла Ҳалим Ибодов, созанда Ота Фиёс Абдуғаниев, Хоразмдан Муҳаммад Юсуф Ҳаррот – Чокар, буламончи созанда Ҳудойберди (Ҳудак ота) Курбонвлар, Фарғонадан найчи Абдуқодир Исмоилов, қўшнайчи Аҳмаджон Умурзоқов каби кўтилаб санъат намояндалари ишлашга таклиф этилди.

Институт фольклоршунослик, ўзбек халқ куй ва қўшиқларини ёзиб олиш, нота ёзувига кўчириш, илмий тадқиқ этиш, халқ мусиқий ижодиёти намуналаридан иборат «мусиқий-этнографик» концертлар ташкил этиш, илмий мақолалар, китоблар чоп этиши билан бирга музика таълими, етук мусиқий қадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Иқтидорли созанда, бастакор, мақомот илми алломаси, хаттот ва шоир, меҳрибон мураббий Муҳаммад Юсуф Ҳаррот – Чокарнинг Самарқанддаги ҳаёти ва ижоди ўзбек мусиқаси тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди. У институтда республиканинг машҳур санъат

намояндалари билан яқиндан танишиб дўстлашди, улардан илҳомланли, юзлаб қадимий Хоразм кўй ва қўшиқларини нотага олишда актив қатнашди, бўлғуси композиторларга Хоразм услубидан дарс берди.

ЧОКАР ВА Н. Н. МИРОНОВ

Муҳаммад Юсуф Харрот – Чокар Самарқандга келиб жойлашар экан, турли вилоятлардан институтга тўпланган санъат усталари билан танишиб шод бўлди. Бобоҷон Тарроҳ Ҳодим Чокар дўстлари ҳақидаги хотираларида фахрланиб: «Чокар Тўйчи Ҳофиз ака каби улуғ санъаткорлар даврасида кам бўлмади. Чунки устози мақомот илми алломаси Муҳаммад Расул Мирзабоши – шоир Мирзо ва отаси машҳур хаттот, созанда Муҳаммад Ёқуб Харрот, тенгсиз созанда ва гўянда Матёқуб позачидан етарли мусиқий тарбия олган эди», деб ёзган.

Дарвоqe, институт директори Николай Назарович Миронов Чокар билан сұхbatлашиб, унинг ўнга яқин созда чала билишини амалда синаб кўрди. Чокарнинг Хоразм олти ярим мақомини накадар чукур идрок этишига қойил қолди. Энг муҳими, юзлаб қадимий Хоразм кўй ва қўшиқларининг ранго-ранг оҳангларини ва қўшиқ матнларини ёддан билишини кўриб, у билан дўстлашди. Биз юқорида санаб ўтган мусиқий тадқиқотлар жамланган учта китобига ёзган сўзбошиларида Н. Миронов қаттиқ афсуланиб ёзган сатрлари бор. Чунки Фарғона, Бухоро ва Ҳивадан институтга келган барча созанда ва навозандаларнинг ҳар бири унга юзлаб ўзбек халқ кўй ва қўшиқларини чалиб ва куйлаб берганлар. Бироқ бу бебаҳо халқ дурданаларининг барчасини у китобларига сифдира олмаган. Ҳудди шунингдек, Чокар тавсия этган юзлаб қадимий Хоразм қўшиқларидан атити ўтизтасига яқинини нотага олиб, матнлари билан китобга кириттан. Биз Н. Мироновнинг «Ўзбеклар мусиқаси» (Самарқанд, 1929 йил) китобига ёзган кириш сўзидан иқтибос келтирамиз: «В виду крайне ограниченных средств, отпущеных на это издание, собранное мною музикально-этнографические материалы Узбекистана издаются далеко не в полном виде, и вся работа неизбежно приобретает весьма сжатый и конспективный характер. К великому сожалению, мне в силу тех же причин, пришлось выпустить отдел звукорядов и анализ мелодий, ритмов и форм».

Муаллифнинг «Ўзбеклар мусиқаси» китоби Бухоро халқининг узоқ асрлар 113 қаъридаги кўй ва қўшиқларидан 22 тасини, Муҳаммад Юсуф – Харрот Чокар тавсия этган Хоразмнинг олис оҳангларидан 21 тасини, Фарғона водийси кўй ва қўшиқларидан 15 тасини ўз ичига олади. У китобда институт жамоасининг бир йиллик иш фаолияти ҳисоботига, илмий-текшириш ишлари ва талабаларга мусиқий таълим бериш

жараёнларига тұхталади. Николай Миронов айниңса, мусиқий-этнографик мавзудаги концертларни ўша даврдаги әңг олий мусиқий җакамларға:

1. Ўзбек мусиқашунос олимлар ҳайъати.
2. Қирғиз мусиқашунос олимлар ҳайъати.
3. Туркистан Университеті шарқшынос профессорлари.
4. Ўзбекистоннинг турли вилюятларидан келган уста созандалар ҳукмита ҳавола эттан.

Бу қадимий күй ва құшиқларнинг әңг құмматли жиҳатлари:

1. Бадий юксаклиги,
2. Ўзбек мусиқий меросини ривожлантириштаги ақамияттунинг бекіёслеги,
3. Самарқанд илмий-текшириш институты жамоаси түғри йўл тутаётгани ҳақида ёзади.

У «Ўзбеклар мусиқаси» китобида Мұҳаммад Юсуф Харрот – Чокар ва устоз созанда буламончи Худойберди Курбонов (Худак ота) ларнинг мусиқий этнографик асарларни тиник оқанғларда, бехато ижро этишлари, аждодларимиз яратиб кеттеган ҳалқ ижодиети дурданаларини, узоқ асрлар бағридаги мусиқий меросни турли созларда талқын этишларини зўр фахр ва ифтихор билан ёзади:

«В декабре 1928 года в этнографической секции ГИМНа был заслушан мой доклад о работах «Самаркандского научно-исследовательского института по изучению музыки Узбекистана».

При этом была демонстрирована часть образцов узбекской музыки как в исполнении всего национального оркестра узбеков, так и в исполнении его отдельных групп Бухарской, Ферганской и Хивинской, а также целого ряда известных в Узбекистане солистов: Исмаилова, Умарова, Харратова, и Курбанова».

Китобнинг «Хива (Хоразм) қўшиқлари» бўлимида Чокар ҳақида Миронов: «Мамад Юсуф Харротов Хоразм мақомлари ва ҳалқ қўшиқларининг тенгсиз ижрочисидир. Бу қўшиқларни у чанг ёки танбур соzinи чертиб куйлади. Шунингдек, у Хоразмнинг қадимги ва бугунги замонавий куйларининг ҳам уста билимдонидир. Бу куй ва қўшиқларнинг тарихини, унинг ижрочилари ҳақидаги құмматли маълумотларни отаси Мұҳаммад Ёкуб Харротовдан ўрганган. Биз «Ўзбеклар мусиқаси» китобининг «Хива қўшиқлари» бобига киритилган 21 та қўшиқнинг барча куй ва матнларини Мамад (Мұҳаммад) Юсуф Харротовдан ёзиб олдик. Фақат 8, 9, 10, 11 номерларда келтирилган: 1. «Зиҳи наззора», 2. «Талқини Зиҳи наззора», 3. «Пешрав», 4. «Норим-норим» деб номланган 4 та куйни Худойберди Курбоновдан ёзиб олганмиз», деб таъкидлайди. (Ўша китоб, 35-бет).

Буламон сози, унинг барча мусиқий имкониятларини пухта эгаилаган Худак ота ҳақила Миронов ҳурмат билан ёзган. Худойберди Курбонов Хива шаҳрида таҳминан 1863 йилда туғилган. У Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи саройининг етакчи созандаси Бобо буламончининг шогирлидир. Бобо буламончи ҳақида Бобоҷон Тарроҳ «Хоразм шоир ва навозандалари» китобида: «...подшоҳлик созандаларидан: биринчи Муҳаммад Ёқуб позачи, иккинчи Бобо буламончи, учинчи шоир Мутриб Ҳонаҳароб, тұртингчи Собир маҳрам, бешинчи Абдулла маҳодик, олтинчи Отажон сұта, еттинчи Муҳаммад Шариф Қанбар, саккизинчи Рazzоқберган маҳзум, түққизинчи Бекжон бола... Биз (яни хоннинг хусусий хаттолари: Чокар, Комил Девоний, Надим – Болта Ҳаррот ва Бобоҷон Тарроҳлар) саройининг даҳлизида (яни хон таҳтда ўтирадиган хонанинг даҳлизи), соз эса бизларнинг ёнимизда бўларди...» деб ёзган. (Ўша китоб, 23-бет).

Чокар Бобо буламончини шахсан таниған унинг шогирларидан бири Худойберди Курбонов билан Самарқандда бирга ижод қилган. Уларнинг бирга ўтириб соз чалаётган чоғида олинган 2 та фото суратини Н. Миронов ўз китобига киритиб, бу буюк созандалар тұғрисидаги тасаввуримизни янада бойиттан. У Худойберди Курбонов ҳақида: «Ҳозирги пайтда Ҳивада Худойберди Курбонов энг яхши буламончи ҳисобланыб 67 ёшлади. У 12 ёнидан бошлаб бу созда чалишни олдин мустақил ўргана бошлаган. Кейин Муҳаммад Раҳимхон саройининг созандаси Бобо буламончига шогирл бўлиб, бу созда чалиш сирларини, яни нафасни узмасдан чалишни ўрганганды. Чунки Хоразм мақомларини чалишда нафас узилмаслиги керак. Бунинг учун узлуксиз нафас олиш имкониятларини ривожлантирған. Жуда күп йиллар бир пиёла тұла сувга найча қамиш тиқиб, нафасини шу найча қамиш орқали олиб чиниққан. Ўпкасига сувни тортмасдан узоқ нафас олиш сирларини машқ эттан ва устоз сурнайчилар даражасига етган» деб ёзали. (Ўша китоб, 35-бет). Худак ота Ҳивада 1941 йилда оламдан ўтганлар.

Шундан кейин Н. Миронов бу санъаткорлардан ёзib олинган қадимий Ҳива күй ва қүшиқларидан 21 тасини мусиқий таҳлил этиб, таърифлайди, уларнинг нота ёзувини ва қўшиқлар матнини тавсия этади. Биз уларни русчадан таржима этиб батағсил санаб ўтишни лозим топдик. Қўшиқ матnlари Хоразм лаъжасида лотин алифбосида ёзилган. Биз улардан намуналарни лотин алифбосидан кирилл алифбосига кўчириб бердик. Чунки бу китоблар Тошкентда янги қурилган «Маърифат кошонаси», яни Республика кутубхонасида ягона нусхада сақланмоқда.

ХИВА ҚҰШИҚЛАРИ

1. «Илгр». (Авангард)¹

Қадимий ҳарбий құшиқ. Бироқ, матни күйига мос эмас. Балки кейнгі йилдарда маңызуқона матнға ўзгартырилған бўлиши мумкин. Күй ҳолида чалинганды садоланиши бошқача туюлади.

2. «Дилбарим». (Собеседник)

Шоирона мазмунлы құшиқ. Ошиқ йигит ўз маҳбубасини зўр эҳтирос билан куйлади. Созларда күй ҳолида чалинганды жуда нафис садоланади. (Муаллиф бу құшиқнинг оҳанг ритми, мусиқий тектларига алоҳида тұхталған).

3. «Уфори дилбарим.» (Носит весёлый танцевальный характер)

Бу құшиқ рақсга чорлайди. Йигитлар қызылар ҳақида куйлади. Бугун байрамга қызылар келади. Бугун борлық уларни олқишлиши керак. Йўл ёқасидаги гужумлар тинглант: соянгизга қызылар келади, сиз ўз гул япроқларингизни улар бошидан сочин! Эй тоғ бурғутлари! Улар олдида саф тортиб турларинг!, Эй оби-хаёт тұла қудук, сувингни янада тиник, шириң қылғын, бу ерга қызылар келади...

4. «Гажак». (Гижак).

Қадимий Хива құшиқларидан. Ёр юзига тушган соч гажаклари ҳақида ошиқона құшиқ, садоланиши оддий, бироқ жуда гүзал оҳангларда.

5. «Чүпон құшиғи»

Құшиқ матни «Ховал» деб номланған. Бу най деганидир. Құшиқ қаҳрамони унга мурожаат этади: «Ошиқона хаста күнглимин ўз навола-ринг билан осойишта эт...» дейди.

6. «Ел фазоланди». (Ветер дует).

Қадимий ҳарбий марш. Күй асосида эрон оҳанглари бор. Бу құшиқ мусулмон мамлакатларыда кенг тарқалған. Иоган Штрауснинг «Форсча марш» асарида ҳам учрайди.

¹ Композитор Н. Миронов бу құшиқнинг қадимий матнини ҳам, йиллар ўтиши билан ўзгартырилған ошиқона матнини ҳам берган эмас. Чунки Чокар хонлик тузумининг дахшатларини, шұғолар даври ваҳшатларини бошидан ўтказған шоирдир. Шу боисдан ҳарбий ватанпарварлік мавзусидаги құшиқларда тасвирланған мұстамлакачиларни лаънатловчи матиларни ҳеч қаюн ошкор қылған эмас.

7. «Уфори ел физоланди».

Рақс куйи. Улар бирин-кетин ижро этилади. Бу куйни чанг созида Матюсүф Харротов билан буламончи Худойберди Курбоновлар жуда чиройли ижро этадилар.

8. «Зихи наззора». (Гўзал қарашилар).

Оҳиста, хаёл оғушидаги бу қўшиқ Хоразм мумтоз мусиқасининг энг яхши намуналаридан бири.

9. «Талқини зихи наззора». Сегоҳ мақомидан.

Бу Хоразм мумтоз мусиқасининг садоланиши бир хилдай бўлса-да, тематик ишланмаси қизиқарли.

10. «Пешрав». Олға етакловчи жўшқин куй.

«Наво» мақомидан. Бадиий жиҳатдан бебаҳо чолғу куйи.

11. «Норим-норим». (Менинг анорим).

Қадимий нодир куй. Танбур ва буламонда ижро этилади. Унда ҳалқ-нинг ғамгин оҳанглари ҳам бор. Матюсүф Харротов ва Худойберди Курбоновларнинг айтишига қараганда бундан 200 йиллардан олдин яратилган. Бу куй созларда ижро этилишидан ташқари қўшиқ қилиб ҳам кўйланади. Қўшиқ матни ҳам бор.

12. «Ҳафиғи норим-норим». «Сегоҳ» мақомидан чолғу куйи.

«Уфор» усулидаги тенгсиз ва жозибали Хоразм мумтоз мусиқаси.

13. «Олма-анор». Хоразмда машҳур бўлиб кетган қўшиқлардан.

Матни ўзбекча, форсий оҳангларга бой бу мусиқий асарда ошиқ йигитнинг маҳбубага қарата дил сўзлари тараннум этилган.

14. «Марҳабо!» Мусиқий садоланиши «Олма-анор» қўшиғига яқин. Матни лирик характерга эга бўлиб, ошиқнинг ҳайрат ва тасанно руҳидаги муҳаббати ҳақида.

15. «Жумалак». Хоразм ҳалқ қўшиғи.

Йигит ва қизнинг айтишуви. Чукур ҳаяжон ва меҳрга тўла сатрлари бор.

16. «ЗАГС».¹ Замонавий ҳазиломуз қўшиқлардан.

Қиз ота-онасига қарата яхши кўрганимга турмушга чиқаринг дейди. Агар ўзгаларга мени сотиб юборсангиз, мен эртагаёқ ҳалқ судига бораман, дейди. Ҳалқона турмуш тарзи тасвирланган ҳазил қўшиқ.

¹ Бу «Айтишув» услубидаги қўшиқни Ўзбекистон Ҳалқ артисти Комилжон Отаниёзов янгича сайқал бериб, маромига стказиб кўйлаган.

17. «Оромижон».

Бу қўшиқнинг оҳанглари замонавийдир. Унда европа маданияти таъсири бор. Матни қадимий ўзбекона. Унда ошиқ йигитнинг ҳижрон азоблари акс этган. У тезроқ севгилисига етиш учун уни ахтариб йўлга чиқади.

18. «Уфори Оромижон».

Ўша мавзудаги қўшиқ. Бироқ ритми ўзгарган, у рақста чорлайди.

19. «Феруз»⁻¹ (драгоценный камень-бирюза).

Эта большая, лирического характера песня-представляет собой поразительный по красоте образец узбекской музыки больших форм, своего рода шедевр в этой области. Текст её принадлежит Огахи, известному поэту Хорезма, умершему в конце 70 годов минувшего XIX века. Поэт просит красавицу оставить своё кокетство и уладить собравшихся гостей своим пением. Он предлагает ей обрадовать присутствующих исполнением песен. «Ирак» и «Хиджас» или же облегчить их страдания песнями «Ровин» и «Чапанда». Песня эта принадлежит к числу классической музыки Хорезма, но из какой именно макомы она взята сообщивший её Харротов вспомнить не мог.

20. «Сипориши Феруз». Хоразм мақомидан.

Бекиёс дурдона асар.

21. «Гуландом». Ўта гўзал ва оҳанрабо қўшиқ.

У мураккаб ритмли «Уфори» ни эслатади.

«Ўзбеклар мусиқаси» китобида Муҳаммад Юсуф Чокар ва Худак ота Қурбоновлардан ёзиб олинган бу қўшиқларнинг матнлари ва нота ёзувларини бутунги мусиқашунос ва санъатшунос ёшлар чукур ўрганишлари, замонавий нуқтаи-назардан баҳо беришлари лозим. Китобдаги қадимий оҳанглар, уларнинг матни, қадимий созлар, уларнинг

¹ Профессор Николай Миронов томонидан «Феруз» мақомига берилган русча матнни бутунича кўчириб ёзишимиздан асосий мақсад Чокар ва Худак Ота Қурбонов ижро этган бу ашула унга жуда ёқсан. Натижада Н.Н. Миронов уни нота чизиқларига бажонидил кўчирган. Бироқ Чокар «Феруз» ашуласининг муаллифи Муҳаммад Раҳимхон Феруз эканлигини шўролар мағкурасидан кўркиб ошкор эттан эмас. Энг муҳими Чокар хон саройининг хос девони, зарқаламли хаттот эканини ҳам яшириб яшашга мажбур бўлган. Шу боисдан Миронов: «Феруз» ашуласини айнан қайси мақомдан олинганини Харротов эслай олмади», деб ёзган. Бундан кўриниб турибдики, Чокар Хоразм мақомларини бизгача етиб келиши учун нечоғлик хавф-хатар остида ижод этган.

музиқий имкониятларини маҳорат билан эгаллаб, бугунги тамошабин, бугунги истиқдол саҳналарига, қолаверса жаҳон саҳналарига олиб чиқишилари керак.

Муаллифнинг «Фарғона, Бухоро ва Хива қўшиқлари» китоби ҳам ягона нусхада сақланмоқда. Бу китоб «Ўзбеклар мусиқаси» китобининг давоми бўлиб, унда Чокарнинг еттига мусиқий асари чоп этилган. Унда эндиғина 40 ёшга тўлган ажойиб созанда, бастакор Чокарнинг сурати бор. Сурат тагига «Матюсуф Харротов-певец и музикант на чанге» деб ёзиб қўйилган.

Николай Мироновга Чокар яна еттига куй ва қўшиқни нота ёзиш учун берган: 1) «Иккинчи Эшбой нағмаси» (Эшбой бу қадимий қўшиқ ижодкорининг исми), 2) «Қўр қиз». 3) «Санобар». (Жуда қадимий қўшиқ, Санобар достон қаҳрамонининг исми). 4) «Норим-норим». (Овоз ва чолғу куйларининг улуғвор намунаси), 5) «Лочин» – рақс куйи, 6) «Ҳар гўзал уфори». Бу қўшиқларнинг матни ва нота ёзувларини тайёрлашда «Самарқанд ўзбек музика ва хореография институти» талабалари: Шариф Рамазонов, Мұхиддин Аминов, Толиб Содиқов ва Михаил Калантаровлар фаол қатнашганлар.

Қўлимизда Чокар архивидан бизга ёдгор бўлиб қолган Николай Мироновнинг яна бир китоби бор. Бу «Ўзбек ва бошқа Шарқ ҳалқлари мусиқий маданияти» (Тошкент-1931 й.) деб номланган. Бу китобда барча қадимий созларнинг келиб чиқиши, улар ҳақидағи ҳалқ афсоналари, созларнинг тузилиши, садоланиш хусусиятлари берилган. Энг муҳими, Самарқанд институти ҳаёти, унда дарс бераётган муаллимлар, бўлгуси созанда ва навозандалар, композиторларнинг суратлари бор. Айниқса, Чокарнинг Хоразм услубидан дарс бериш салоҳиятига Н. Миронов юксак баҳо берган.

Чокар чанг сози чалгандада куйнинг тоза, аниқ, илоҳий садоланиши, соз ва Чокар овозининг хуш ва оҳангррабо жаранглаши уни ўзига мафтун этган. Хоразм олти ярим мақомини чуқур идрок этиш, ўнта созда мусиқий тафаккурини, мусиқий маҳоратини намойиш эта олишига қойил қолган. Энг муҳими, Чокар ўз билимини Самарқанд институти талабаларига буюк устозларга хос меҳрибонлик билан сингдира олган. Китобда Н. Миронов Чокар раҳбарлик этган созандалар дастаси суратини берган. Бу сурат қадимий Хоразм мусиқаси алломалари Чокар ва Ҳудак ота Қурбонов қиёғасида ўша кезлардаги афсонавий Самарқанд шаҳрининг мусиқий ҳаётидан бизни огоҳ этиб туради. Китобда Чокар қўлида Хоразм мусиқасидан сабоқ олган бўлгуси буюк сиймолар: Мұхтор Ашрафий, Мутаваккил Бурхонов, Манас Левиев, Дони Зокиров, Толибжон Содиқов, Шариф Рамазонов, Раҳмон Оллабергановларнинг болалик нигоҳлари бўртиб турган суратлари ҳам бор.

Самарқанд музыка ва хореография институти директори, бу китоблар муаллифи Н. Миронов ҳақида икки оғиз сўз.

Николай Миронов 1870 йилнинг 10 февралида Самара губерниясида туғилиб, 1952 йилда Москвада оламдан ўтган. У композитор, дирижёр, фольклоршунос олим бўлган. Унга 1937 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвони берилган. Ўзбек элига тахминан 1890 йилларда келган. Дастрраб Марғилон шаҳрида ҳарбий духовой оркестрда дирижёр бўлиб ишиланган. Кейинчалик Тошкент шаҳрида музыка жамияти директори, 1928-1932 йилларда эса «Самарқанд музыка ва хореография илмий-текшириш институти» да директор бўлиб ишиланган. 1936 йилда Ўзбек Давлат филармониясида нота билан ижро этадиган биринчи ўзбек халқ чолғу оркестрини ташкил этган. Опера, музикали драмалари, хор, симфоник асарлари бор.

Композитор Н. Миронов юзлаб ўзбек ва шарқ халқлари музикасини ёзib олиб, бугунги ёш авлодларга қадимий кўй ва қўшиқларни етказиб берган санъаткордир.

«...Бироқ, илмий мусиқий мулоҳазаларда маълум назарий хатоларга йўл қўйган», деб тъкилланади «Ўзбек совет энциклопедияси»да. (Ўша китоб, Тошкент-1976 й. 7-жилд, 275-бет).

Муҳаммад Юсуф Чокарнинг Самарқанддаги ҳаёти ва ижоди ўша даврда эндигина шаклана бошлиган музикали драма театрлари, турли ҳарбий оркестрлар, илмий-этнографик изланишлар, халқ ансамблари, ўкув-тарбия жараёнлари билан боғлиқ. Шу боисдан Чокарнинг Самарқанддаги ҳаёти мусиқий ижоди чуқур ўқиб-ўрганишни, изланишларни талаб этади.

ЧОКАР ВА ҚУРБОН БЕРЕГИН

Муҳаммад Юсуф Чокар Хоразм Халқ Маорифи нозирлигига (1920-1924) саркотиб бўлиб ишлар экан, юқорида айтилганидай, саводсизликни тутагиши учун ўқиш, ўқитишишларини кенг кўламда йўлга қўйди. Ўқитувчи кадрлар тайёрлаши мақсадида қисқа курслар очди. Мактаб, интернатлар ташкил этди. Ёшларни Тошкент, Москва, Қозон, Боку шаҳарларига бориб ўқишлиари учун иқтидорли йигит-қизларни танлашда жонбозлик кўрсатди.

Ўша йиллари Қозон шаҳрига олти ойлик ҳарбий-сиёсий мактабга ўқишига танланган тўққиз нафар ёшлар орасида Курбон Берегин ҳам бор эди. Чокар ўша зукко ва зийрак эндигина 16-17 ёшга тўлган Курбон Берегинни катта шаҳарларда ўқиш учун ўзи танлаган, унинг файрат шижоатта тўла, илмга чанқоқ қиёфасида келажакнинг буюк маънавияти сардорини, қаламидан ўт чақнаган зиёкорни кўра олган эди. (У

1904 йилда Хивада туғилиб, болалар уйида тарбия топган, умр бүйи раҳбарлик лавозимларда ишлаб, 1938 йилда қатағон қилинганды). Курбон Берегин ўқишидан қайтиб келгач, 1922-1924 йилларда Хива, Ҳазораси, Тошқовуз шаҳар ёнилар гашкылолтарида ишлади. Ёш йигит-қизларни илм олишга, маълумотли, маданиятли инсонлар булишга чорлади. Бироқ, большевиклар ҳамма ерда фавқулодда комиссиялар (ЧК) тузиди, инқи-лобий кучларни, энг ёрқин иқтидор эгаларини зимдан йўқ қилишга киришигандылар. Чокардан 15 ёш кичик бўлган Берегин ҳаётнинг даҳшатли сўқмоқларидан юриб олға интиларди. У ҳар куни отиб, осиб ўлдирилаётган бегуноҳ устозларини, жабрдийда ёш хиваликларни, бирин-кетин фожеона маҳфий йўқ қилиб юборилаётган шоир ва навозандаларни ўз кўзи билан кўрди.

У 1929 йилда «Инқилоб қуёши» газетаси муҳаррирлигига тайинланди. Мамлакат ва миллат ҳаётида содир бўлаётган бу мудҳиши воқеалар тепасида рус мустамлакачи-большевиклар турганини тушиниб етди. Газета саҳифаларида ўз халқи ва ота маконининг душманларига қарши ўт очди. Илм, маърифат, маданият янги ҳаёт ва янги тараққиёт учун курашувчи мақолалар ёзди. 1929 йилда у Самарқандга чақириб олинди ва яна устози Чокар билан ёнма-ён ишлай бошлади. Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов, «Курбон Берегин қисмати»(Тошкент-2006 йил) деган китобида: «Курбон Берегиннинг адабий мероси 200 дан ортиқ китоб, публицистик мақола, шеър, ҳикоя, нутқ ва маърузалардан иборат булиб, уларнинг аксари турли нашрларда эълон қилинган...»(Ўша китоб, 49-б) деб ёзди.

Бизнинг кўнимизда Курбон Берегин қаламига мансуб «Хоразм окрутининг маданий курилиши ва унинг ҳолатини текшириш масаласи», «Боголон сирлари» ва «Юсуф Ёқуб ўғли Ҳарротов» сарлавҳали мақолалари мавжуд. Бу мақолалар «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1929 йил № 9,10-қўшима сонида чоп этилган.

Курбон Берегин Самарқандда Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги ҳайъати аъзоси, умумий бўлим қошидаги шўъба мудири бўлиб ишлади. У мамлакатда саводсизликни тугатиш, таълим-тарбия ишлари билан бир қаторда, янги очилган театрлар, маданият уйлари, клублар, чойхоналар ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишларини жонлантиришга ҳисса қўшиди. Айниқса, республиканинг ноёб иқтидор соҳиблари тўпланган Самарқанд «Ўзбек мусиқаси ва рақс илмий-текшириш институти» фаoliyati билан қизиқди. Мусиқий ҳаётда янги-янги порлоқ саҳифалар очаётган Муҳаммад Юсуф Ҳаррот Чокар ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда ёрқин, қизиқарли мақола ёзди. Бу мақола ягона нусхада, ўша журналда сакланадётгани боис уни лотин алифбосидан бир ҳарфини ўзгартирмасдан кирили алифбосига кўчириб ёзиб бу китобга киритишни лозим топдик:

БҮЮК САНЪАТКОР ЮСУФ ЁҚУБ ЎҒЛИ ХАРРОТОВ

Ўзбек миллий мусиқасининг уста ҳодими Юсуф ака билан ўкувчи-ларимизни таништириш фойдадан холи бўлмаса керак.

Юсуф ака 1889 йил Хоразмнинг Хива шаҳарида туғилган. У 12 ёшидан бошлаб мусиқа ўрганиш ишига киришган. Ўзининг мусиқага бўлган ортиқ ҳавас ва идроки натижасида яқин бир фурсат ичидаги мустақил мусиқачи бўлиб аврилган. Фақат ёлғиз мусиқасининг ўзини ўрганиш билангина қаноатланмай унинг ноталарини билиш ва ишлаш йўлларини ўрганишга ҳам ортиқ ҳавас боғлаган. Бу ишларда ўзининг тажриба ва устакорлигини ошира борган сайнин ҳар хил мусиқага бўлган уста муомиласини кенгайтира боришни мақсад қилиб олиб, ўзбек миллий мусиқасида кайта ўрин тутган, бутун нарсаларда (яъни созларда) ўйнашни ўрганиб борган.

Юсуф акани қандай тур мусиқаларда ўйнашини санаашдан илгари унинг жамоатчилик ишидаги фаолиятини кўрсатишни ҳам зарур ҳисоблаймиз. 1920 йил Хоразм инқолобидан сўнгра, Юсуф ака Хоразм Xalq Maorifi комиссарлигига масъул хизматта кириб, 1927 йил охиригача шу маориф атрофларида ишлаган. Иш даврида бироз вақт Xalq Maorif комиссарлиги вазифасини, Хоразм вилоят миллий мусиқа техникуми (хозир тутатилган) нинг мудирлик вазифаларини ҳам баҳарган.

Юсуф ака ҳаммаси бўлиб ўн хил мусиқада ўйнашни яхши билади. Танбур, дутор, чанг, гижжак, қўбуз, доира, тор каби нарсалардан бошқа пионино, гармон ва скрипкада ўйнашни ҳам пионино ва скрипкалардан бошқа 8 хил мусиқада Юсуф ака ўзининг муаллимлик сифати билан кўрсата олади. 1928 йилнинг бошидан бўён Юсуф ака ўзбек мусиқи ва рақсини текшириш институтига (Самарқандда) хизмат қиласди.

Институтда ишлай бошлаганидан бўён Юсуф ака, профессор Мироновга 30 га яқин кўйни нотага берган.

Бундан 55 йил муқаддам Хоразмли Полвон Мирзо деган киши томонидан ишланиб қолдирилғон танбур нотасини маданийлантириб ислоҳ қилғон, ўзбек мусиқасини ўрганиш-ўргатиш ишларини енгиллататурган мусиқий таълими (ни) ҳам тайёрламоқда. Бундан бошқа Юсуф аканинг «Хоразм мусиқа тарихчиси» номида Москвада босилган китобчasi ҳам бор.

Юсуф акани мусиқада 25 йиллик стажи бор.

Булардан бошқа ёғоч усталигини ҳам билади. У ўзининг мусиқа асбобларини ўзи тузатади. Муқовачилик ва дилкорликни ҳам яхши билади.

Юсуф ака кейинги вақтларда ўзбек мусиқасида пролетар синфи ва унинг мағкураси билан бөглонғон күйлар ишлаб чиқариш устида ишламоқдайдир. Ўзи билан гапиришган вақтингизда «эски куйларнинг ҳаммаси демак мумкин, улар эски дунё ва унда ўтганлар куйи. Бизнинг учун уларнинг кўписи манфаатсиз.¹ Биз мағкуравий томондан соғлом күйлар учун ишлашимиз керак» дейди ва бу ишга тегишли жойлар ёрдам берган вақтларда катта натижаларга эришув мумкин эканлигини сўзлади.

Албатта, ўзбек мусиқасида бундай ўзгариш туғдириш ва бу борадаги ташаббусларга ёрдам беришимиз керак.

Курбон
«Маориф ва ўқитувчи» журнали,
№ 9-10, 1929 йил.

Курбон Берегин Мұхаммад Юсуф Чокар ижодига юксак баҳо бериб, унинг 10 хил созда зўр маҳорат билан чалишига алоҳида тухталған.

Профессор Н. Мироновга 30 га яқин куй нотасини берғанлиги, ўзининг мусиқа асбобларини ўзи тузатиши, ёғоч уймакорлиги, муқовачилик санъатини эгаллаган «ўн бармоғи, ўн ҳунар»ли инсон эканлигини таъкидлаган.

Чокар Самарқандда Тошкент, Фарғона ва Бухородан келган ўзбек мумтоз мусиқаси алломалари билан ҳам дўстлашганки, буларнинг бари алоҳида изланиши, чуқур илмий тадқиқотларни талаб этади.

ЧОКАР ТОШКЕНТДА

Республика маркази Тошкентта кўчирилгандан кейин у турли соҳаларда раҳбар, радиода созанда бўлиб ишлади.

Қўлимизда Тошкент шаҳар Сталин район маданият уйининг директори эканлигини тасдиқловчи, бу ижодий уйда ишләётган 25 нафар ишчининг рўйхати тўғрисидаги ҳужжат бор.

¹ Чокар Мұхаммад Раҳимхон Иккинчининг ҳусусий хаттоти бўлгани боис. умрингининг охиригача қўрқиб яшаган. У шўролар мағкураси адабиёт ва санъатни ўзининг тарғибот минбариға айлантирганини яхши англаб этган. Шу боис «...эски куйларнинг кўписи бизнинг учун манфаатсиз...мағкуравий томондан соғлом күйлар яратиш учун ишлашимиз керак...» деганда шўролардан қўрқиб гапиргани кўриниб турибди. Чунки қадимий ҳалқ куй ва қўшиқларида жаллодларни лаънатлаш, қаргаш, афсус ва надомат, ҳалқ бошига ёғилган гам, алам садолари борлигини у жуда яхши биларди. Чокар «эски куйларнинг кўписи бизнинг учун матфаатсиз» деганда ана шуларни назарда тутган. Шўролар мағкураси эса Сталинни, компартияни шарафлаш. олқишилашни, юксак пафос салоларини талаб этган. Чокар ҳар қанлай ҳолда ҳам миллатимизнинг ўзлигини сақлаб қолган, қадимий куй ва қўшиқларини кўз қорачигидай асрар, бизгача стказиб келган буюк санъаткордир.

Чокар ўз устида тинимсиз ишлаган, созандалик маҳоратини ошириш билан бирга бастакорлик ижодига алоҳида тайёргарлик қўрган. 1936 йилда машҳур санъаткор бўлишига қарамай, 47 ёшида Тошкент Давлат Консерваториясининг қайта тайёрлаш бўлимига кириб ўқиган. Сольфеджио ва мусиқа илми, бастакорлик санъатидан дарс олиб, ўзининг янги-янги қўшиқларини яратган. Шунингдек, қўлимизда 1939 йилда гармончилар ансамблиниг раҳбари сифатида юқори ташкилотларга йўллаган таржимаи ҳолини ёзган хужжат бор.

Биз уни лотин алифбосидан бир ҳарфини ўзгаришсиз кирилл алифбосига кўчирилган асл нусхасини келтирамиз.

АВТОБИОГРАФИЯ

Менинг санъат соҳасидаги хизматларимга шу йил дўлса 41 йил, санъат соҳасидаги иш фаолиятимга 20 йил тўлди. Шу 20 йил ичилаги айрим ва алоҳида ўrnакли хизматларим учун 2 марта ба орден, бир неча марта ба фахрий ёрлиқ ва кўнгина тақдирнома ҳам қимматли ҳадялар билан мукофотландим.

Ўзбек санъати соҳасида – композиторликда яратган куй, мақомларимни ҳаммаси ҳам амалда. Бундан ташқари совет санъати мулкини тўплаган асарим нашр қилиниб чиқди. Ўз фаолиятимни акс қилдирадиган хужжатларниг қўпияларини Сизнинг ихтиёргизга ҳавола қиласман. Буларнинг асли нусхалари ўз қўнимда бўлиб, аниқлаш ва солишириб кўриш учун мени қўйидаги адресдан тониб олишингиз мумкин.

Иш соатида: Давлат Филармониясининг гармончилар ансамбли. Ишдан кейин, Тошкент, эски шаҳар, Сталин райони, Дархан кўча, уй №28.

*Музикант: Матюсуф Харротов.
7/ХII-1939 йил,
ш. Тошкент.*

Бундан кўриниб турибдики, гармон созининг мусиқий имкониятларини яхши билган Чокар, бу ансамблни тузиш, уни тамошабинларга манзур этиш учун фидойилик кўрсатган. Энг муҳими, 12 ёшидан мусиқага меҳр қўйгани, 1920 йилдан боштаб эса, деярли 20 йил шўролар даврида санъат соҳасида фаолият кўрсатиб келаётгани ҳақида ёзган.

Чокар уруш йилларида Ватан ҳимояси мавзусида ўнлаб жанговар қўшиқлар ёзди.

Созлар ичидә чанг сози унинг умрибоқий йўлдоши бўлди. У ҳәти-
нинг охиригача А. Навоий номидаги опера ва балет катта театрида со-
зандада бўлиб ишлади.

Ниҳоят 1946 йилда нафақага чиқди. Бу тўғрида қўлимиздаги ҳуж-
жатда шундай деб ёзилган:

«Сталинский район, ул. Дархан, № 28. тов. Харротову Матюсупу.

Сообщается, что Вам назначена персональная пенсия. Поэтому с
получением сего просьба прибить за получением пенсионной книжки.

Наш адрес указан на конверте.»

4. XII. 1946 г.
№ 6/45.

Бу ҳужжатта «Республика нафақа белгилаш комиссияси» деган штамп
босилган.

Чокар энг обрули нафақа олишга эришган бўлса-да, ниҳоятда, ғари-
бона яшарди.

Менинг онам Бобожон Тарроҳ қизи Онабиби ая талабалик йиллари-
мизда (САГУ, 1955-1960 йиллар) Тошкентта бизни кўргани келганла-
рида тўғри Дархон кўча, 28-йilda истиқомат қилаётган Чокар отанинг
қизи Муслима Харротова ҳовлисига тушар эдилар. Улар оталарининг
қалин дўстлиги туфайли умрлик дўст-қадрдан эдилар.

Бу ҳовлининг кенглиги 6 метрга 8 метрлик келадиган жой бўлиб,
бир хонали эди. Унга тор ҳовлидаги даҳлиздан кириларди. Ўша хона
тепасига синчдан қурилган иккинчи қаватдаги хонада Чокар яшаган.
Унинг кутубхона ва созлари шу хонада турарди. Мен ўша кутубхонадан
ва унинг шахсий ҳужжатларидан фойдаланган баҳти талаба эдим...

Муҳаммад Юсуф Чокар 1952 йил 3 ноябрда ўша уйда оламдан ўтган.

ЧОКАР АВЛОДЛАРИ

Биз Бобожон Тарроҳ авлодлари Матюсуп Харротовнинг бугунги
авлодлари билан дўстлик алоқаларини давом эттироқдамиз.

Ҳар йили 3-ноябрь тонгида Тошкентнинг Чигатой қабристонига
тўпланиб, Чокар қабрини зиёрат этамиз. Санъаткорнинг ўғли чангчи
созандада Фозил Харротовнинг умр йўлдоши Тамилла опа Харротовнинг
қайнотаси Матюсуп Харротов ҳақидаги хотираларини тинглаймиз. Буюк
санъаткор, камтарин инсон Матюсуп ота Харротов қабри олдида бош
эгиб, тиловот этамиз...

Даврамизда Тамилла опанинг (яъни Фозил Харротовнинг) Марат, Пўлат, Шуҳрат, Фурқат, Файрат ва Комила исмли фарзандлари бор. Улар бобоси Чокар қабри олдила тиз чўкиб жимгина ўтиралилар...

Тамилла опа бизга Чокарнинг ёлғиз бўлиб қолган ўғли Фозил Харротовни (чунки, Чокарнинг катта ўғли Тохиржон Иккинчи Жаҳон урушида ҳалок бўлган) қандай уйлантиргани ҳақида ҳикоя этиб берган, уни видео тасмаларга ёзиб олганмиз.

Тамилла опанинг ҳикоя этишига қараганда, Чокар жуда ғарибона яшаган. Ўғлини уйлантиришга қўлида бирор маблағи бўлмаган. У адлия ходими Матюсуф ака билан жўра бўлиб, бир-бирини «адаш» леб гапи-рар эканлар. Адлия ходимининг фарзанди бўлмагач, Тамилла опани кичиклигидан асраниди қиз этиб олиб тарбия қилган. Икки «адаш» қуда бўламиз деб, Чокар ўғли Фозил Харротовни бой хонадонга ичкуёв этиб берган. (Фозил Харротов 1926 йил 10 мартда туғилиб, 1971 йил 5 апрелда 45 ёнда оламдан ўтган. Унинг қабри Бешёғондаги Камолон қабристонидадир).

Икки ёшнинг, яъни Фозил ака ва Тамилла опанинг тўйи 1952 йилнинг илк баҳорида бўлган.

Чокарнинг қизи Муслима Харротова отасини ардоқлаб қараб, ўша кичик ҳовлида яшаб турган. Унинг ҳам Лочин, Санъат исмли ўғилчалари бўлган.

Болаларидан тинчиган Матюсуф Харротов тўйдан сўнг ётиб қолган ва кузга бориб оламдан ўтган...

Буюк санъаткор қабрида шундай ёзувлар бор: «Матюсуф Харротов (1889-1952) республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, ажойиб ўзбек созандаси, Хоразм ҳалқ куйларини тўплашда ва ўзбек совет музика маданиятини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган илгор санъаткор».

Афсуски, бу ёзувларни ўқиб, шундай улуғ ижодкорларнинг рўзғорини юпунгина, ҳаминқадар, ғарib аҳволга туширган, уларни доимо қўрқувда тутиб турган шўролар даврига лаънатлар айтгинг келади...

Чокар забардаст санъаткор-созанда, мақомот илми алломаси, ўлмас қўшиқлар ёзган бастакор, ғазаларида оҳанрабо куйлар бўртиб турган шоир, зарқаламли хаттот, баёзнатвис шоир, меҳрибон мураббий бўлган.

Шу йил 2012 йил 3 ноябрда унинг оламдан ўтганига 60 йил бўлади. 2014 йилда эса туғилганига 125 йил тўлади.

Ишонамизки, истиқдол ёшлари ушбу саналарни Чокар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиб, унинг асарларини қайта чоп этиб кутиб оладилар ва аллома руҳини шод этадилар.

БЕНАЗИР ИСТЕЬДОД ЭГАСИ МУҚИМИЙ ИЖОДИГА ЯНГИЧА НАЗАР

Ҳамид Олимжоннинг «Муҳаммад Амин Муқимий» сарлавҳали мақоласини ёзилганига ропнига-роса 74 йил бўлди. Биз бу мақолани шоир ва хаттот, тенгсиз созанда ва бастакор Муҳаммад Юсуф Харрот девон Чокар ҳаёти ва ижодини ўрганаётib, унинг архив хужжатлари орасидан топиб олдик. У «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналининг 1938 йил № 7-8 сонида босиб чиқарилган экан. Чокар архиви хужжатларини бизга шоирнинг қизи Муслима Харротова ҳали ҳаётлик пайтларида ишониб топширган эдилар. Журналинг биринчи саҳифасидаги Ҳамид Олимжоннинг «Муҳаммад Амин Муқимий» сарлавҳали мақоласини ўқиб, XIX асрнинг 2-ярми ва XX аср бошларидағи мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва галаёнлар хотирамиздан ўтди.

Чор Россияси томонидан босиб олиниб, хонавайрон этилган Туркистон ўлкаси, рус амалдорлари, «Масковчи бойлар», «Танобчи»лар, полиция ва жандармлар, бой, қози, мингбоши, риёкор муллаларнинг ўзбек халқига кўрсатган зулми, халқ дардини суйлаган Муқимий сингари янги адабиёт вакилларининг фақирона ҳаёти кўз олдимизда яққол намоён бўлди. Бироқ сал кам бир табақ ҳажмлаги бу мақолада тасвирланган Муқимийнинг мавжуд тузумга нисбатан норозилик кайфияти, ижтимоий ҳақсизликни фош этиши, гумроҳ халқни уйғотиш учун адабиёт майдонида «Яшин чаққандай» порлаши жуда кўп адабий манбаларда бузиб, чалкаштириб кўрсатилган.

Ўзбек адабиётининг муҳташам назм кошонасини мафтункор шеърияти билан безаган Ҳамид Олимжоннинг ушбу машҳур «Муҳаммад Амин Муқимий» сарлавҳали мақоласини ўқиб қаттиқ таъсирландик. Муқимийнинг ҳаёти ва ижоди мукаммал ёритилган бу мақолани янгича нуқтai назардан қайта ўрганиб, қайта баҳолашиб ва уни бугунги камолотли ёшлар эътиборига ҳавола этиш истаги туғилди.

Шу мақсадда таникли адиб, профессор Наим Каримовга қалбимизни ўртаган бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Ҳурматли домла, Сизнинг олдингизга келишдан олдин муқимий-шуносларнинг асаларини, айниқса, профессор Фулом Каримовнинг «Муқимий» (Асалар. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-1974 й), шунингдек, «Ўзбек адабиёти тарихи» (3-китоб. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача. Дарслик. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент- 1975 й.) китоблари билан танишдик. Айниқса, бир гурӯҳ олимларнинг истиқдол йилларида чоп этилган «Миллий уйғониши даври ўзбек адабиёти» (Университет ва педагогика олий ўқув юрт-ла-

рининг филология факультетлари учун дарслик, Тошкент, «Маънавият» 2004 й.) китобларидаги Муқимий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни синчилклаб ўргандик. Бироқ, бу манбаларда Ҳамид Олимжоннинг «Муҳаммад Амин Муқимий» номли мақоласи, унинг муқимийшунослиқда тутган ўрни тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган, Сиз бунга нима дейсиз?

НАИМ КАРИМОВ: Сизнинг бу таънангиз асоссиз эмас. Шу нарса ни унутмаслик лозимки, ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг шаклланишида ўтган асрнинг 20-30-йилларида ижод қилган шоир ва ёзувчиларнинг ҳиссалари ғоят катта. Агар ўша йилларда адабиётшунослик ва танқидчилик, санъатшунослик ва санъат танқидчилиги ҳали бир-бирларидан тўла ажralиб чиқмаган ягона ниҳол бўлганилигини инобатга олсан, бу ниҳолнинг ўсиб, сершох ва азamat дараҳтга айланишида буюк Фитратнинг хизматлари бекёёс даражада катта. У билан биргаликда шу даврда Чўлпюон, Элбек, Зиё Сайд, кейинчалик эса Faфур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон сингари шоир ва ёзувчилар ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг шаклланишига улкан ҳисса қўшиллар. Аммо адабиётшуносларнинг ҳозирги авлоди бирор ёзувчи ижоди ёки адабий турва жанрни ўрганиш тарихига назар ташлаганларида, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг бу асосчиларини «кўрмай қоладилар». Бунга уларнинг билимларидаги кемтик сабабчи бўлса ажаб эмас.

Энди Муқимий масаласига келсак. 1938 йилда Муқимий вафотининг 35 йиллиги мамлакатимизда илк бор нишонланниб, унинг номи ҳурмат билан тилга олина бошлади. Шу йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 4 июнь сонида С. Ҳусайнзоданинг «Муқимий тўғрисида», «Гулистон» журналининг 6-сонида Шайхзоданинг «Эски тўйлик фақирлар шоири» ва Юнус Латифнинг «Муқимий ҳақида», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналининг 7-8-қўшма сонида Ҳамид Олимжоннинг «Муҳаммад Амин Муқимий» мақолалари ва Faфур Ғулом нашрга тайёрлаган «Муқимий баёзи» (Ҳамид Олимжон таҳрири остида) китоби эълон қилинди. Шоир ва адабиётшунослар Муқимий ижодини ўрганишда давом этдилар. Уйғун 1942 йилда шоир «Танланган асарлар»ига «Муқимий Аминхўжа Муқимий» деган сўзбоши, Ойбек эса 1947 йилда «Муқимий асарларида социал типлар» номли илмий мақола ёзди. 1953 йилда шоир вафотининг 50 йиллиги муносабати билан Ҳомил Ёкубовнинг «Ўзбек демократ шоири Муқимий» ва Абдулла Олимжоннинг «Муқимий ҳаёти ва ижоди», 1955 йилда эса Ҳоди Зариповнинг «Муҳаммад Амин Муқимий» деган рисолалари нашр қилинди. Ғулом Каримов гарчанд Муқимий ижодини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган бўлса-да, унинг «Муқимийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан» номли дастлабки мақоласи 1957 йилда ёзилган. Аммо Сиз тилга олган «Мустақиллик даври ўзбек

адабиёти» китоби муаллифлари устозлари ҳакида бундай сўзларни ёзганлар: «Муқимий ижодини ўрганишида профессор Фулом Каримов (1909-1991)нинг хизматлари катта бўлди. F. Каримов муқимийшунослик мактабига асос солган олим»(94-бет). Ажабо, Ҳамил Олимжон, Шайхзода, Юнус Латиф ва С. Хусайнзодадан 30 йил кейин мақола ёзган одам «муқимийшунослик мактабига асос солган» бўладими?...

Афсуски, адабиётшунослик фанида бундай ғалати «кашфиётлар» оз эмас.

Ҳамил Олимжоннинг Сизга манзур бўлган мақоласи, чиндан ҳам, ўзбек адабиётшунослигининг ўша даврлаги улкан ютуғи эди. Бу мақоладан кейин узоқ йиллар мобайнида чор ҳокимиятининг Ўрта Осиёни «қилич ва қон» билан идора қилиб турганини айтиш имконияти бўлмади. Ҳатто «асосий муқимийшунос» F. Каримов ҳам бу масалани ўзига хос назокат билан четглаб ўтиб келди. Ҳ. Олимжон эса Муқимийнинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги ўрнини мутлақо тўғри белгилаб берган. Афсуски, ўша даврда (кейин ҳам) жадидчиликка муносабат ўта салбий бўлганлиги сабабли у шу масалада ҳукумрон мафкура таъсиридан халос бўла олмаган.

2. Бизният қўнимиздаги мақоласида Ҳамил Олимжон Муқимий яшаб ижод эттан тарихий ва адабий муҳит ҳакида: «...Туркистон Муқимийнинг ўз кўзи ошида Чоризм томонидан қилич ва қон билан мустамлака қилинди...» деб ёзib жасорат кўрсатган. Худли шунингдек, Ҳамил Олимжон Чор Россиясининг босқинчлилик сиёсати ҳакида дадил равища: «... Ҳалқлар турмасига айлантирилган Чор Россиясида ўзбек ҳалқи миљий колониал зулмнинг қонли ва энг қабиҳ қамчилари остида қолиб бита бошлиди...» деб ҳаёт ҳақиқатини шўролар мафкурасидан қўрқмай барадла айта олган.

Яна: «...Муқимий ўзбек ҳалқининг зулм остида ээлиб келганини чорликнинг (яни чоризмнинг) Туркистонни босиб олиши «Ўлганнинг устига қалтак» бўлиб тушганини ёди...» деб таҳсил этиш бу қаҳрамонлик эди. Тагин, 1938 йил - қатагонлик сиёсати қон оқизиб турган, энг мулҳиш паллада-я! Бу мақола шоир Ҳамил Олимжоннинг нақадар оташин миллатпарвар, ватанпарвар эканлигини, шоир Муқимий ғазалиёти юрагини чукур ҳис этганини кўрсатали.

Минг афсуслар бўлсинким, муқимийшунос домла Фулом Каримов чоризмнинг Туркистонга қилган босқинчлилик уруши ҳакида доимо ижобий маънода «Ўрта Осиё Россияга ўз ихтиёри билан қўшилди», деб ёзib келганлар.

Наим ака, маълумки, 1982 йилда Ҳамил Олимжоннинг 10 жилдлик мукаммал асрлар тўплами чоп этилди. Шоирнинг ушбу машҳур мақоласини 5-жилдга кириттан Фароғат Мусамуҳамедова, Содир Эркиновлар юқорида келтирилган Ҳамил Олимжоннинг энг нодир фикрларини тушириб қолдирганлар.

Муқимишуносликдаги бу кўзбўямачиликлар ҳақида тұхталсанғиз.

НАЙМ КАРИМОВ: Ҳамид Олимжоннинг ўтган асрнинг 80-йиларида амалга оширилган 10 жиыллик «Муқаммал асарлар тўплами» шармандали нашрдир. Гарчанд камина мазкур нашрнинг таҳрир ҳайъатига киритилган бўлса ҳам, Тил ва алабиёт институтининг ўша йиллардаги раҳбари нашрнинг бирорта жилдига на мұхаррир, на тақризчи сифатида жалб этмаган. Аксинча, нашр давомида исм-шарифим нима учундир таҳрир ҳайъати аъзолари орасидан тушиб қолган. Фақат институтда бошланган текшир-текширлардан сўнгтина номимни тиклапиб, нашрнинг сўнгти жилларидан бирига мұхаррирлик қилиш менга топпирилди. Мен шу жилдига мұхаррирлик жараёнда нашрга тайёрловчиларнинг улуг шоирининг ҳар бир асарини истаганларича қисқартириб, истаганларича узгартираётгандарига шоҳид бўллим. Ҳали «ошкоралик» даври бошланмагани, Чўлпон ва Фитрат сингари буюк зотлар номини тилга олиш «хатарли» бўлгани туфайли раҳматли С. Эркинов раҳбарлигидаги «ноширлар» сувни пулаб ичадиган олимлар билан маслаҳатлашиб, Ҳ. Олимжоннинг шеърий, насрый ва илмий асарларидаги «замон қутармайдиган» каттакатта парчаларни бемалол қисқартириб ташлайверган эканлар. Шундай «илмий» жараён натижасида Сиз келтирган парчалар ҳам, аллақачон оқланган «халқ душманлари» нинг исм-шарифлари-ю асарларининг номлари ҳам «ҳар эҳтимолга қарши» олиб ташланаверган. Агар сиз Ҳ. Олимжоннинг 20-йиллардаги алабий жараёнга бағишланган туркум мақолаларини аслияти билан қиёслаб кўрсантиз, тепа сочингиз тикка бўлиб кетади. Афсуски, матншунослик илми талабларига зид ўлароқ тайёрланган бу вашр шармандалиқдан бошқа нарса эмас.

3. Ҳамид Олимжоннинг мукаммал асарлар тўпламининг 5-жилдига киритилган «Муҳаммад Амин Муқимий» сарлавҳали мақоласини қўли-миздаги «Ўзбекистон алабиёти ва санъати» журналидаги нусха матни билан солишириб, жуда кўп нуқсонларни аниқладиц. Муаллифлар: «Муқимий 1851 йилда Қўқонда туғилди» деб нотўғри ёзадилар, (Уша жилд, 75-бет), шунингдек, «унинг сатирик шеърлари... деб бошланадиган жумлада «...ўлқани халқлар турмасига айлантирган чоризмни фоши қиласар...» иборасини ташлаб кетиб, фикрни давом этдирадилар. Яна: Муқимий «Рус ҳукуматдорлари»... деб бошланадиган жумлада «рус», «колониал тузумга норозилик», «чорлик тузумининг ўзбек халқи бошига балолар...» каби сўзларни тушириб қолдиргандар. (Уша жилд, 77-бет). Бундай нуқсонларни ёзаверса адo бўлмайди. Китоб муаллифлари Ҳамид Олимжоннинг бу энг нодир мақоласини қирқиб-қирқиб, қайта таҳлил этишга қандай ҳадлари сиғди экан?

НАИМ КАРИМОВ: Матншуносликнинг «темир» қонун ва қоидалари бор. Бу қонун ва қоидаларга кўра, ноширлар муаллифнинг бирор сўзини бузиш, ҳатто бирор ҳарфини ўзгартириш ҳукуқига эга эмас. Агар шу сўз ва ҳарфнинг айнан қолиши турли фикр-мулоҳазаларга сабаб бўладиган бўлса, ноширлар шу сўз ва ҳарфга изоҳ беришлари лозим. Афсуски, шўро мафкураси ҳукмронлик қилган замонда ва қисман кейин ҳам матншуносликнинг бу «темир» қоидасига, юмашоқ қилиб айтсак, эркин муносабатда бўлиб келинди. **Ҳ. Олимжон асарларининг «ноширлар»** иштадай эркинлик икълимида нафас олиб, илм-фанга хиёнат қилаётганиларини сезмай қолдилар.

4. Ҳамид Олимжон «Муқимий сарой шоири эмас эди... Ҳақиқий халқ, куйчиси бўлган Муқимиининг улфатлари сарой доиралари бўлмасдан, балки, халқ ашулачилари, созандалари бўлар эди...» деб такидлайди.

Домла Гулом Каримов эса, «Феодал-сарой адабиёти... «реакцион адабиёти», «эпигонлик адабиёти»... «назирагўйлик адабиёти» деб бутунлай ерга уриб тасвирлайдилар. (Муқимий. Асарлар. Тошкент-1974 йил, 9-бет).

Ахир сарой адабиёти вакииллари ичидан бизнинг буюк қадриятларимиз қатлами, илғор фикрли шоир ва алломаларимиз ҳам етишиб чиққанлар. Муқимий ва сарой адабиёти ҳақида батағсилоқ тўхталсангиз.

НАИМ КАРИМОВ: Агар миллий адабиётимиз тарихига назар ташласак, қайноқ адабий ҳаёт узоқ асрлар давомида подто саройларида кечганини кўрамиз. Фирдавсий замонида ҳам, Навоий замонида ҳам шоирлар подшолар рағбати билан сарой ёки саройга яқин даврлarda ўзаро уюшиб, шу даврдаги адабий-маданий ҳаётнинг шаклланишида фаол иштирок этганилар. Шу даврларда подшоларни шарафловчи асарлар ҳам яратилган. Айни пайтда подшолар рағбати билан «Шоҳнома»ларга, «Ҳамса»ларга ўхшаш гениал асарлар, асрлар давомида куйланиб келаётган ғазаллар яратилган. Шунинг учун шўро даврида подшоларга қўшиб, «сарой адабиёти» нинг ва «сарой адабиёти» намояндайларининг кескин қораланганини шўро доҳийлари ўйлаб топган синфиийлик ва партиявийлик «назария»сининг заҳарли меваларидан бирни сифатида баҳолаш мумкин.

Шубҳасиз, саройлардаги адабий анжуманларда барча қалам соҳиблари иштирок этган эмас. Ноҷор ва камбағал оиласдан чиққан шоирларнинг бундай анжуманларда қатишмаган бўлиши шубҳасиз. Бундай кишилар ўзларига ўхшаш гариб адабиёт шинавандалари билан бирга мадраса ҳужраларида ёки бошқа жойларда тўпланиб, янги асарларини дўстлар муҳокамасига қўйишган, адабий баҳслар қилишган, куй ва ашулалар тиғлаб, нафис мажлислар қуришган.

Муқимий шундай шоирлар сирасидан бўлган. У ўзи сингари ғариб қаламкашлар билан бирга Қўқондаги «Ҳазрат» мадрасасида, ҳозир «Муқимий хужраси» сифатида машҳур бўлган масканда давра курган. Борли-ю у Қўқон хонлари саройига яқин бўлганида ҳам, адабиётшунослар бу улуғ шоирга унинг ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссасидан келиб чиқсан ҳолда баҳо берган бўларди.

5. Ҳамид Олимжон шоирнинг «Тўйи Иқон бачча», «Вексел», «Масковчи бой таърифида» шеърларини таҳлил этиб, «Муқимий колониал тузумни қоралайди, ватан хоинларига бўлган ҳалқ нафратини ифодалаб, чор Россияси колонизаторлари ва маҳаллий бойларнинг жирканч башараларини ўтқир сатира билан чизиб беради», деб таърифлайди. Бироқ, ўша даврнинг баъзи муқимийшунослари шўроларнинг мафкуравий тъқиби остида «Муқимий рус маданияти яратётган янгиликлар... ҳақида зўр қаноат билан сўзлайди», деб ёзиб шоирни «илғор рус маданияти-нинг тарғиботчиси» га айлантироқчи бўлади

НАИМ КАРИМОВ: Муқимий – ўзбек мұмтоз адабиётининг мустам-лакачилик даврида яшаб ижод этган шоир. Унинг ўзбек адабиёти олди-даги хизматлари буюк салафлари анъаналарини янги тарихий-маданий шароитда давом эттириш, шунингдек, шу тарихий-маданий шароит та-қозаси билан Гулханий, Махмур, Завқийлар билан бирга ўзбек адабиётида таққидий реализмният қарор топишига қўшган улкан ҳиссаси билан белгиланади. Ҳужранишин шоир, Фурқатдан фарқли ўлароқ, рус маданиятини тарғиб қилиш ҳаракатидан анча узоқ эди.

6. Ҳамид Олимжон бу мақоласида жадидлар ҳақида: «Ўзбек ҳалқининг душманлари, бир замонки, поэзиямизнинг қуёши буюк Навоийни ҳам миллатчиларнинг бобоси деб таниттанликларини эсга олсак, бу қабиҳ одамлар... Муқимийни жадид деб эълон қилишдан кузатган мақсадлари аниқланиб қолади... Жадидларнинг дунёга қарашлари миллат-чилик эди...

Муқимий ўз ҳалқининг оташин дўсти эди. Жадидлар уни чет эл жосусхоналарига сотган кишилар бўлиб чиқдилар»... деб кўйиниб ёзди. Шу ҳақда тўхталсангиз.

НАИМ КАРИМОВ. Ҳамид Олимжон Муқимий ижодини қанчалик тўғри ва ҳавас қиласи даражада чукур таҳлил қилган ва шу жараёнда илмий юксакликка кўтарилиган бўлса-да, мақола сўнгида шўро мафкурачилари таъсирида жадид адабиёти шаънига тухмат тошларини отишдан ҳазар қилмаган. Жадид маърифатпарварлари ўзлари яшаган даврдан анча илғорлаб кетганилари учун уларга на 30-йилларда, на ундан кейин тўғри баҳо берилмай келди. Ҳамид Олимжон шўро даврининг фарзанди эди. У шу даврнинг «қўкраг»ини эмиб катта бўлган. Шунинг

учун ҳам унинг, айниқса, адабий-танқидий мақолаларида адабиёт тарихи ва адабий жараёнга шуро даврининг кўзойнаги билан қараш та-мойили кучли.

Энди «Муқимий ва жадид адабиёти» масаласига келсак, Муқимий ижоди жадид адабиётининг вужудга келишида омил бўлган миллий пойдеворлардан бири. Аммо у жадид адабиётининг асосчиси ҳам, на-мояндаси ҳам эмас. Жадидлар ҳаёт ва адабиётта Муқимий ижодида мавжуд бўлмаган, бағрида эрк ва хуррият орзуси балқиб турган маъ-рифатпарварлик гояларини олиб кирган ижодкорлардир. М. Беҳбу-дий, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Тавалло сингари жадидлар ўзбек ҳалқини мустамлакачилик кулфатларидан ҳалос бўлиб, миллий та-раққиёт йўлидан боришига чақирдилар. Улар ижодий фаолиятининг моҳияти шу улуғ мақсадга қаратилган эди. Бинобарин, уларни мил-латчиликда айблаш қанчалик кулгили бўлса, улар манглайига «хори-жий мамлакатларнинг жосуси» деган тамғани ёпишириш шунчалик даҳшатли туҳматдир.

7. Мамлакатимизда истиқдол шарофати билан қадриятларимиз қиёфаси асли ҳолида талқин этилмоқда.

Муқимий ҳаёти ва ижодига Мустақиллик, Миллат ва Ватан манфаатлари нуқтаи назаридан қайта баҳо берилишини истаймиз.

НАИМ КАРИМОВ. Унугилган улуғ аждодларимиз хотирасини ёд этиш, уларнинг ўзбек фани ва маданияти тарихидаги ўрнини тиклаш, илмий, адабий ва маърифий меросларини ўрганиш мустақиллик йилла-рида эришилган буюк имкониятдир. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг вакиллари шу бебаҳо имкониятдан фойдаланиб, асрлар давомида унуги-либ келингган давлат арбоблари, олимлар, ёзувчилар ва диний маърифат даргаларининг ҳаёт ва фаолиятларини ўрганиш ҳамда оммалаштириш бўйича катта ишларни амалга оширдилар.

Муқимий унугилган сиймолар жумласига кирмайди. Тошкентдаги те-атрлардан бири Муқимий номи билан аталган. Муқимийга бағишланган роман ва пьесалар мавжуд. Шоир асарларининг нашр қилинишида ҳам оқсоқлик бўлмаган. Олимлар унинг ижодий меросини ўрганишда ҳамон давом этмоқдалар. Яна икки йилдан кейин Муқимий түғилган кунга 165 йил тўлади. Ўйлаймизки, нафақат муқимийпунос олимлар, балки шоир ва ёзувчилар, мусаввир ва ҳайкалторшлар, бастакор ва созандо-ю хонандалар ҳам бу муборак санани муносиб кутиб оладилар.

Хурматли домла, бизнинг саволларимизга дадил ва сермазмун жа-вобларингиздан кўнглимиз таскин топди. Сизга катта раҳмат!

Биз Ҳамид Олимжоннинг Муқимий ҳақидаги ушбу мақоласини ай-нан кўчириб эълон қилмоқдамиз.

МУҲАММАД АМИН МУҚИМИЙ

Муқимий ўз ижодини ўзбек халқи тарихида энг қора ва энг мудҳиши кунларда бошлади. Муҳаммад Аминхўжа Муқимиининг шоир сифатида майдонга чиқиши қора булут босиб ётган адабиёт осмонида бир яшин чаққандай, қуёш чиққандай бўлди.

Муқимий 1850 йилда Кўқонда туғилди. Шоирнинг отаси Мирзахўжа Тошкентлик бўлиб, новвой эди. У 1830 йилда Шералихоннинг машҳур талони замонида Тошкентни ташлаб кетиб, Кўқонга бориб қолган эди. Муқимий бошлаб Кўқонда ва сўнгра Бухоро, Тошкеңтда ўқиди ва у шоир бўлиб майдонга чиққан замонда ўлкалаги адабиёт қаттиқ бир турғунлик кечирар ва кўп шоирларнинг шеърлари чеҳрабозлик ва сарой муваашшаҳчилиги доирасида қолиб кетган эди. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмида адабиёт бобида юзага келган зўр бурилиш даставвал Муқимий номи билан боғлангандир.

Асрлар бўйи феодал – патриархал тузум шароитида эзилиб келган ўзбек халқи Муқимий майдонга чиққан вақтда майда-майда хонликларга бўлиб юборилган ва бу хонликлар ўртасидаги тинимсиз кураш меҳнаткаш халқни хонавайрон қилиб ётар эди. Буниг устига Туркистон Муқимиининг ўз кўзи олдида Чоризм томонидан қилич ва қон билан мустамлака қилинди. Муқимий колонизацияция кунларида ўзбек халқининг бошига келган бало ва фалокатларнинг жонли шоҳиди эди. Халқлар турмасига айлантирилган Чор Россиясида ўзбек халқи миллий колониал зулмнинг қонли ва энг қабиҳ қамчилари остида қолиб бита бошлади. Икки ёқдама зулм меҳнаткаш халқни бутунлай тинкасини куритди.

Мавжуд ҳоким турмуш, ундаги ижтимоий ҳақсизлик ҳақиқатнинг юзига тўғри қарай олгувчи ҳассос шоирда дарҳол норозилик кайфиятини туғдирди. Муқимий ўз шоирлик фаолиятини ғазаллар ёзиш билан бошлади. Лекин бу ғазаллар шоирнинг шахсий кечинмаларини, хусусий сезгиларинигина ифода қилувчи ғазаллар эмас эди. Инсон сезгисининг энг нозик томонларини ҳам оча билувчи Муқимий лирикаси чуқур социал моҳиятта эга эди.

Муқимий ғазалларидаги ҳоким руҳ – протест руҳи, норозилик руҳи, алам ва фарёд руҳи эди. Бу ғазалларда шоир билан уни ўраб олган ҳоким мұхит ўртасидаги қарама-қаршилик, зиддият, мавжуд тартибдан норозилик ёрқин акс этган. Муқимий бу мұхитда якка ва ёлғиз қолдирсан әди. У шунинг учун «Қоронғидир лайлім каби наҳорим» (туним ҳам куним ҳам қоронғидир) деди:

*Фиғону минг фиғон бу чарх қажрафтор дастидин
Вафобозу жафо андишаи маккор дастидин,
Спехри бемурувват, золиму гаддор дастидин
Китиру зулмидин жону дилим беҳад иро бўлди.*

Муқимий ўзининг социал мазмун билан тўлган ғазаларида ҳоким синфлардан узоқ эканини ва улуғларга, сарой аристократиясига ёлғиз хўшомадгўйларгина яқин ва дўст эканини ёзди:

*Ўзгаларга ҳулқи ҳўш, аммо менга бадхўйлар
Ҳамнишиндирлар улукларга ҳўшомадгўйлар.*

Ҳоким социал тузум билан келиша олмаган Муқимиининг тақдирি албатта фожиали эди. Сарой... Унинг кўйини қўйламовчи шоирни ҳар қандай кулфатларга солишга ҳозир, туҳмат ва маломатлар билан чирмаб ташлаган эди. Ҳоким синф ва сарой доирасидан узоқ бўлган ва ҳали ўзига паноҳ бўлган янги социал бир кучни топиб ултурмаган Муқимий қонуний равишда яккаликка, ёлғизликка тушмоққа мажбур эди.

*Чарх қажрафтордин ҳар лаҳза афсундир ғамим,
Шарҳ этарга йўқ рафиқим, ғамгузорим, ҳамдамим.*

Муқимий ўзининг яқин дўсти шоир Фурқатга ёзган мактубида шундай дейди:

*Дўст бўлдим ҳар кишиға, кўрдим андин минг жафо
Топмадим, дунёни кездим, мунису ғамхор, мен.*

Одамлар бир-бирига бўри бўлган бир жамиятда ўз замонининг энг илғор кишиси бўлган шоирнинг шундай танҳоликка тушмаги табиий эди. Ҳоким синфларга душманлик ва бегоналиқ Муқимиини кенг ҳалқ оммасига қараб етаклади. Чунки бу замонда Ўрта Осиё ҳалқлари ўргасида зўр бир чайқалиш, зўр миллий озодлик ҳаракати кўтарила бошлаган эди.

Муқимий ўз норозилигининг яқин (ёрқин) ифодасини шу ҳалқ ҳаракатида кўрди ва унга қараб борди. Шоирнинг дунёга қарашида янги уфқлар очилди ва натижада унинг поэзиясидаги яккалик, ёлғизлик, танҳолик йўқолди. Ғазал-ҳажвга, лирика-сатирага қараб ўтди. Бу социал сатира эди. Ҳоким синфлардан бсаноалик ва очиқдан-очиқ душман бўлиш ва кенг ҳалқ ҳаракатига яқинлашиш орқасида Муқимий реализмга келди. У умр бўйи ростгўй бўлишга онт ичди ва ўз ҳалқининг чин ўғли бўлган Муқимий то ўлгунча ўз онтига содиқ қолди.

*Найлајин, ўлаб тирикликтин камтию костин,
Гар қилич ҳам келса бошларға дегаймен ростин.
Сұзки ҳақ бұлса, саволимға жавобым ким десун?*

Муқимийнинг сатирик реализми бизнинг адабиётимизга халқ газабини, әзилган халқнинг ўз душманларига, ватан хоинларига бўлган ўч ва нафратини олиб кирди. Бундай бир рух Муқимийгача бўлган адабиётда йўқ эди. Унинг сатирик шеърлари ўлкани халқлар турмасига айлантирган чоризмни фош қилас, социал ҳуқуқсизлик, колониал тузумни қарғишлар, ерли эксплуататор синфлар – бой, қози, мингбоши, танобчи, савдогар, риёкор мулла, эшонларга қарши қаратилган эди.

Муқимий «Рус ҳукуматдорлари», жандармалар, политсиялар ҳақида ёзди. Унинг «Тар мевалар», «Безгак», «Вексел», «Уруғ» деган шеърларида колониал тузумга, миллий зулмга бўлган норозилик ва қаршилик очиқдан-очиқ ифода қилинган.

Муқимий ўзбек халқининг зулм остида эзилиб келганини, чорликнинг Туркистонни босиб олиши «ўлганнинг устига қалтак» бўлиб тушганини ёзди. Мамлакатда очлик, ялангочлик авж олди. Дехқонлар кўпчилиги солиқ ва судхўрлик эксплуатацияси остида бор-буидан ажралди. Косиблар хонавайрон бўлди. Муқимийнинг чукур реалистик-сатирик шеъри «Вексел»да чорлик тузумининг ўзбек халқи бошига қандай балолар келтиргани, Туркистонга капитализмнинг кириб бориши ва унинг қанчалик чириткич рол ўйнаётгани жуда тўғри ва яққол тасвирланган. Капитализм бутун халқни, ҳам шаҳар, ҳам қишлоқни бозорга кул қилиб қўйган эди.

*Банд ўлди олди-сотди фуқароларингни бил, деб,
Пуллар жаримасини қылсанг экан, биҳмил деб.
Бозору бай очомлай қишлоғу шаҳар сил, деб,
Арз этмоллар халойиқ ҳокимга: ҳукм қил, деб,
Қирқ кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.*

*Диккат ҳамма сотолмай, ё бир нима олурга,
Қассоб етди ўзни гўшт ўрнига тилурга.
Солган қулоқларини эл гап недур билурга,
Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотиқ қилюрга.
Суий самога ўтиглаб косиб фигони чиқди.*

*Халқеки камбағаллар гўёки ғайтак ўлди,
Ўлганнинг устига ҳам бир неча қалтак ўлди.
Бу воқиа, Муқимий, ҳар ерда дастак ўлди.
Пул – дабба, нарх-қиймат, устига пўстак ўлди
Пўстак белига боғлаб «Завқий» баёни чиқди.*

Мұқимийнің бу шеърида камбағал халқының қанчалик жонсарап ҳолға келиб қолгани, халқ сабр косасининг түлиб турғани ва юрт денизининг катта бир құзғалиш олдига келиб қолгани очиқ күринади. Ҳассос шоир халқының бу ҳолатини жуда реал ва чин чиза олғандыр.

Мұқимий асарларида янги капиталистик буржуаз синфнинг туғи-
лиш жараёни реал акс эттан. «Түйи Иқон бачча», «Максовчи бой таъ-
рифида», «Чойфуруш», «Хожи қадоқчи» деган эпик-сатирик шеърла-
рида бойлар, гумашталар, савдогарларнинг образини яратади. Уларнинг
ҳаммаси мәхнаткаш халқнинг күз ёшлари устида күкарғанини айтади.

«Тўйи Иқон бачча» асарида Муқимий бой билан гумашта образини беради. Бой бутун вужуди билан мол-дунёга ҳирс қўйган киши. Унинг бутун ҳаётидаги маъно мана шу мол ва дунё. Ўзини ҳўжайнин деб ҳис қилувчи бой ҳақиқатда шу молу-дунё қаршисида энг аянч қул. У ҳаммаёққа чангл солади. Унинг онгига хусусий мулк, бойлик тўплашдан бошқа ҳеч нарса сифмайди. Демак, бу бойга гумашта бўлган кишининг ҳоли ундан ҳам кулгили ва фожиалидир. Бой ўз гумаштасидаги ҳар қандай орзу-ҳавас бошлангичини ўлдиради. Тошкентда турувчи ҳўжайнин, Туркистон шаҳрининг Иқон деган ерида турувчи гумаштага, у ўғил тўй қўлмоқчи бўлгани муносабати билан шундай сим қоқади-телегерам беради:

Хұжайин берди Тошкентдин тил.
«Түй қылар бұлсанғ, қүй үзингіңга қағиң.

Үглингизни, — дедики, — қылманг түй,
Балки сассиқ нимарса қылманг бүй.

*Не керак сизга түй қылмоқлиқ.
Керипиб обрүй қылмоқлиқ.*

*Ман ризомас кишига ион берсанг,
Е товук сақласангу дон берсанг.*

*Түйнугингдан агарда чиқса тутун,
Бунда бер дастмояларни бутун.*

*Бұлса умидингиз агар биздан,
Манфаат күрмасин бирор сиздан».*

Мұқимий бу сатрларда мол-мұлкка ҳырс қўйған бойнинг психологиясини жуда ҳам моҳирона тасвирлаган. Инсонликдан тамом чиқиб қолған гумашта соч түкларигача ўз хўжайинига боғлиқ – мутедир. Мол уни элдан чиқаради. У худди тўй куни дарбозаларни занжирлайди, эшпик-

ларга күлф уради. Бөш чиқарып күчага қарамайди ва бундай разиллик-ларга ва ҳақирилкларга рози бўлгани натижасидагина ўз хўжайинига маъкул бўлади. Дастмоя унинг қўлида қолади.

«Московчи бой таърифил» деган асарида Муқимий Ҳодихўжа деган янги тиңдаги Москов билан Туркистон ўртасида савдо юргизувчи бойнинг образини чизади. Бой ва гумашта образини, Ҳодихўжа образини Муқимий мол-дунё қаршисида, пул қаршисида, инсонлик ҳислатларини тамом йўқотган кишилар қилиб тасвирлайди. Колонизаторлар ва маҳаллий бойларнинг жирканч башараларини ўткир сатира билан чизиб берган Муқимий ўз ғазаб ва нафратида изчил ва саботли эди. У ўзининг ҳажвий шеърларида мулла ва авлиёларнинг бутун моҳиятларини очиб фош қилди.

Муқимийнинг «Авлиё», «Баччагар», «Охуним» деган асарларида ҳалқ назарида мулла ва авлиёнинг жирканч ва қабиҳ суратини гавдалантиради. Дин кишиларининг ижтимоий ҳаётида нақадарлик чириткич рол ўйнаганлигини, тозалик, маъсумлик ва поклик намунаси бўлиб танилмоқчи бўлган бу кишилик ахлатларини ҳақиқатда энг тубан одамлардан ҳам паст ва нокас маҳлуқлар эканликларини фош қилади.

Муқимий авлиёнинг суратини шундай чизади:

*Бошларида шапка гоҳ, гоҳе дастор авлиё,
Кўлларида субҳаю, бўйнида зиннор аклиё.
«Тавба» денг охир замона чиқса бу янглиғ чибок,
Ҳар йигитга ошиқу ҳар қизга хуштор авлиё...*

*Шу эрур кашфу кироматики бўйлаб субҳу шом,
Чиқса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор авлиё... .*

*Тоз иликини ювиб, ейдур ҳалол айлаб гумон,
Уйраса ҳар ердаким макруху мурдор авлиё...*

*Филҳақиқат бўйма гафлатдан банд андеша, Муқим,
Баски шуҳрат топди расвониқда бисёр авлиё.*

Муқимий муллаларнинг энг номдорларини, Маккага бориб ҳаж қилиб, ўзларига пайғамбарлик сифатини орттириб келгандарини фош қилди. Уларнинг бутун иши ҳалқни алдаш асосига қурилғанлигини очиб ташлади. Муқимийнинг «Баччагар» деган машҳур шеъри шунга бағишланган:

*Ис чиқарган ерда ҳозир мисли шайтон ҳамтовоқ,
Қанча сўкссанг шунча шилқим, шунча суллоҳ баччагар.*

*Ботини чүян қозон, қайнар ичидә реву ранг,
Зоҳири бир сүғи сурат, қўлда асо баччағар.*

*Ётқизиб тилсанг бандаг қорнидан чиқмас алиф,
Салласин кўрган киши дер: «Катта мулла баччағар».*

*Неча муддат йўқ эди, ул қайди ҳам ҳозир бўлиб,
Ош аруса ҳангираб кўп қиёди ғавғо баччағар.*

*Шунча қўйнинг пўрғ ила пўстумбасин ўғирлади,
Тозалаб Мингтепасига қиёди совға баччағар.*

*Сурмалар тортиб қачон кўрсанг кўзига доимо,
Ўзга бергай, қўлида ойина оро, баччағар.*

*Илгари филжумлга номусу ҳаёси бор эди,
Қайси кун ҳамжданки келди, бўлди расво баччағар.*

Муқимий яшаган даврда реакциянинг қанчалик кучли бўлганини, дин аҳлари, мулла, эшонларнинг қиличи қон устида турганини ва уларга тил тегизиш бизнинг шоиримиз бошига ҳар қандай балолар келтириши муҳаққақ эканини назарга олсак, ҳақиқий халқ шоири бўлган Муқимиининг ўз реализмida қанчалик саботли ва жасур экани ойнадан равшан бўлиб қолади ва Муқимий поэзияси бизнинг замонамиз учун қанчалик азиз ва қадрдан экани яққол билинади.

Эксплуататор синфларни, қора гурухларини фош қилишда бизнинг адабиётимизда Муқимий қадар жасур бир фигура йўқ деса бўлади.

Муқимиининг бутун симпатияси камбағал халқ томонида эди. У ўзининг ўткир шеърларида халқнинг аянч аҳволини, икки ёқлама зулм остида халқ бошига тушиган кулфатларни тасвирлайди, халқ билан баббаробар ёнади.

Муқимиининг «Саёҳатнома» деган асари ўша вақтда ўлкани кўрсатиш жиҳатидан жуда катта аҳамиятга эга.

Муқимий Фарғонанинг бутун қишлоқларини кўриб чиқди. Лекин у нима кўрди? Хурофот асири хотинлар, нодонликда қолдирилган кишилар, одамгарчиликнинг энт тубанларига тушган бозор

бошилар унинг кўз олдидан ўтдилар:

*Магруру, ҳирсу бешукам,
Ҳар гапда юз ичгай қасам,
Тажжой олур моҳовдан ҳам,
Ҳожи ўзи мурдор экан.*

Юрт хароб, эл оч-яланғоч, бойқуш мингбошилар халқ бахтини қайтариб турар, халқ ғазаб ва норозилик билан қайнар эди:

*Үнда вұлұс Ғози деди
Хам муфти ҳам қози деди.
Юрт барча норози деди,
Қылған иши озор экан.*

Ұлка қишлоқлари қолоқлик тимсолига, үгри-қароқчизорликка айлантирилған эдилар. Бундаги одамлар бир-бирига бўри, бир-бирининг этини шилларлар эди. Бунда чой ўрнига ишқор дамлаб сотар эдилар:

*Сувлар сепилған сұрілар,
Бўрланған ўчоқ мўрілар,
Таъбинг мабодо чой тилар
Дамлашлари ишқор экан.*

Қишлоқнинг энг ўгри, энг ёмон маккор қароқчилари унинг бутун тизгинларини ўз калхат панжаларида ушлаб турар эдилар.

*Мингбошиси сұғинамо,
Ташбеху, бўйнида ридо,
Чўқиб қочар зоғи-ало,
Бир доғули, айёр экан.*

*Бордим шаҳардан Яккатур,
Баққоли дўёзи бадбурут.
Бир танга сотқай бир қурут,
Инсофи йўқ, таррор экан.*

Муқимий кўриб чиққан бу «Саёҳаттоҳ» жойлар нодонлик, қолоқлик маконига, авомлик маконига айлантирилған эдилар.

*Озодадан тўпори кўп,
Дуккисидан аттори кўп,
Чойхўридан кўкнори кўп,
Бир раста-носу банг экан.*

Шубҳасизки, Муқимиий ўзининг бу ватан саёҳатидан жуда ғамгин бўлиб қайтди. Лекин у кўрган нарсаларининг энг қимматлиси халқда ўз хўжаларига қарши бўлган ғазаб ва нафрат олови эди. Шу нуқтаи назардан Муқимиийнинг «Танобчилар» деган асари буюк аҳамиятта эгадир. Бу асарда деҳқонларни хонавайрон қылувчи икки тўра образини Муқимиий ҳақиқатан ўлмас қилиб яратиб қолдирган. Бу Султонали хўжа ва Ҳаким-

жон образицир. Бу – икки эксплуататор, икки йиртқич, икки ёвуз, халқ ёвининг образидир. Уларнинг порахурлик, ришватпарастлик, судхурлик, маккорлик табиатини Муқимий жуда усталик билан реал очиб берган. Султонали хўжа ва Ҳакимжон ҳарқандай раҳм ва шафқатдан маҳрум бўлган, одамгарчилик сезгисини тамом йўқотган кишилардир.

Муқимийнинг «Танобчилар»ини ўқиганда бизнинг кўз олдимизда одамхўр золим, жафо бергувчи кишиларнинг қабиҳ сурати гавдаланади. Султонали хўжа ва Ҳакимжон образини Муқимий ҳайкал даражасида мукаммал ишлагандир:

Султонали хўжа Ҳакимжон икав,
Бири хотин, бирлари бўлди күёв.
Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа – чироф ёғи, Ҳакимжон – пилик.
Бир-бисрисига солишурлар ўрин,
Эрта-ю кеч ўпишиб оғиз- бурун.
Саллалири бошлирида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳамавиқт уч қават,
Бирлари мўлтонинома, ҳийлагар,
Бирларидир гав сифату, гавда ҳар.
Оғизлари мақтаниб ўн беш қарши,
Майда сухан, эзма сўзи занчалиш.
Қайсики қишлоққа тушар отидин,
Элни ўигиб тушунтирас зотидин;
Дер.-Кўзингизга ҳали кал жўжсаман,
Махтуми аззамлик, ўзим хўжсаман.
Бизга бобо ҳазрати шоҳлик мозор,
Мухлисимиз мардуми ушбу диёр.
Ҳам ина Эрҳубби бўлурлар тағо,
Аммамизнинг эрлари дур Нурота.
Биби Убайда бўладир ҳоламиз,
Гоҳи келур эрди кичик боламиз.
Ҳизр отамларга буродар эрур,
Чимлиғ азизлар менга додар эрур.
Гарчики ман олиму шайху замон,
Қўрқингизга энди берай бир қозон.
Менки танобингга чиқибман келиб,
Ҳизматимни яхши қитинглар билиб.
Ўт қўюбон куйдиратурғон ўзим,
Ҳокимингиз ўлдиратурғон ўзим.

Султонали хўжа ва Ҳакимжон ҳақиқий одамлар сифатида иш кўра олмайдилар. Уларнинг кишиларни алдашлари албатта шарт. Улар, дех-қониларга таассуб юқтирадилар. Ҳар бир қадамда дин, авлиё, мозор номи

билин халқни алдайдилар. Чунки бунсиз улар халқ олдида бир ҳайвон сифатида фош бўлиб қолур эдилар. Уларни одамга айлантирган нарса фетишидир.

Муқимий Султонали хўжа ва Ҳакимжон образида экстремистатор синф кишиларининг дунёга қарашлари пуч ва тор эканини, уларнинг эзма, паст, майда, саёз кишилар эканларини фош қиласиди.

Султонали хўжа билан Ҳакимжон ҳаётидаги бутун маъно дехқонларни хонавайрон қилишдан иборат. Муқимий уларнинг ана шу ёвуз моҳиятларини тўла очиб ташлайди:

*Икки танобини қилиб ўн таноб,
Куйди рубон юртини айланг ҳароб.*

Муқимий ҳақиқий одамлар сифатида эзилган камбағал дехқонларни тасвирлайди. Муқимий қаршисида ҳалол, ҳақиқий одамлар шулардир. Шунинг учун ҳам шоирнинг бутун симпатияси эзилган дехқонлар томонида.

«Танобчилар» шеърида Муқимий эзилган дехқонларнинг аччиқ фожиасини жуда ёриқ (ёрқин) ифода қиласиди. Султонали хўжа ва Ҳакимжоннинг қўли остида эзилган камбағал дехқон ўзининг бир парча хусусий тупроғига қараб: «Сен ўзгага роҳат, лекин менга азоб, укубатсан» деб қичқиради:

*Ўн икки ойда келадир бир таноб,
Ўзгага роҳат, менга лекин азоб.*

Ҳақиқатан, ўзинг пешона тер тўкиб, меҳнат қилиб турган тупроғингнинг сенга азоб, укубату, ўзгага – Султонали хўжа ва Ҳакимжон сингари ёвзларга роҳат ва фароғат эканини англаш ва бу оғир тушунча олдидағи ожизликдан аччиқ фожиа йўқдир.

«Танобчилар»да Муқимий мавжуд социал тузумга нисбатан дехқонлар кўпчилигининг қараш ва нафратини ёрқин ифода қиласиди. Бу ўша тузумга нисбатан катта айномадан бошқа нарса эмас. Бу, ўша мавжуд социал тузумга нисбатан Муқимийнинг ашаддий душман бўлиб қолғанинг ифодасидир.

Муқимий камбағал дехқонларнинг чорлик тузуми замонидаги фожиасини ўз давридаги ёзувчиларнинг ҳаммасидан кўра чуқур ва реал тушунди. Ўзгага роҳат, менга лекин азоб, – деган биргина сатр билан Муқимий бизнинг кўз ўнгимизда буюк бир фожиали тарихни жонлантиради. Совет ҳукумати замонида, колхоз тузуми шароитида колхозчи дехқонларга ер мангу хатлаб берилиб турган ва бу ерда янги, баҳтли,

фаровон турмуш күкариб, гуллаб ётган бир кунла, революциягача бўлган даврда деҳқонлар бошига тушган балонинг Муқимийча тасвири бизга жуда кўп нарса тушуниради.

Муқимий ижодининг бу қисми катта революцион аҳамиятга эгадир. Муқимий ўз халқининг энг оғир кунларида унга ҳамдард бўлди. Лекин, буюк демократ шоир, меҳнаткаш халқни қулликдан кутултиратурган чора ва кучни англаш даражасигача кўтарила олмади.

Муқимий ижодининг чуқур томирлари бор. Муқимий, ўзигача жуда катта адабиёт яратган буюк бир халқнинг шоири сифатида майдонга чиқди. Муқимий янги адабиёт майдонига чиққан вақтида унинг қаршисида ўзбек халқининг улуғ шоири: ўзбек адабиётининг бобоси, ўзбек тилининг жанговар тарафдори Мир Алишер Навоий яратиб қолдирган буюк маданият мавжуд эди. Муқимий қаршисида Шарқ лирик поэзиясининг улуғ даҳоси Фузулийнинг улуғ инжу хазинаси турар эди.

Муқимий қаршисида Эрон (Шарқ) адабиётининг улуғ намояндалари бўлган Фирдавсий, Хайём, Жомий, Низомийларнинг асрлар бўйича яратиб қолдирган маданияти бор эди. Ниҳоят, Муқимий қаршисида Лутфий, Бобур, Умархон сингари улкан шоирлар турар эдилар.

Муқимий ўзбек ва эрон ёзувчилари, умуман Шарқ классик шоирлари яратиб қолдирган бутун маданиятни қабул этди. Уларни ўрганди. Лекин уларга тақлидчи бўлибгина қолмади. Навоий ва Фузулий ижодидаги энг яхши, энг илғор анъаналарни қабул қылгани ҳолда, улардаги энг гўзал прогрессив тенденцияларни тараққий қылдиргани ҳолда Муқимий ўз кўзини халқ ижодига, унинг туганмас ва битмас чашмасига қаратди. Ундаги олийжаноб хислатларни қабул қилди ва ўзига хос, ўзига маҳсус бўлган янги поэзия яратди. Муқимий ўз ўзбек она тилида қанчалик чиройлик, эркин ва равон ёзса форс тилида ҳам шунча гўзал, эркин ва равон ёза олатурган бўлди.

Муқимий сатирасининг биринчи унсурлари Навоийда бор эди. Навоийнинг «Ҳайратул абброр»ида авлиёлар, диндорлар ҳақида айттаниари Муқимий ҳажвияларини эста солади.

Муқимий ғазалларида самимият, равонлик ва қайноқ жўшқинлик, Фузулий лирикасининг энг яхши хислатларини эста келтиради.

*Меҳринг ўти тушди ногоҳ жонларга
Парвоийм йўқ зарра хонумонларга.
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглим сенададур.*

Үзимдек даҳрда саргашта гүмроҳни киши кўрмас,
Фарибу, нотавон афтода йўқдир ман каби бекас.
Куяр жиссими фироқ оташгоҳида мисли хору хас,
Фаму андуҳадин мажнун сифат ўлсам ажаб эрмас.
Латофат обида ул шаҳр гўфторимни соғиндим.
Муҳаббат ўйлига, эй дўстлар, тушдим совутманглар,
Беруб таскин хотир пандлар билан овутманглар,
Қўйинглар энди ўз аҳволима илкимни туттманглар,
Ичай заҳру фироқни аччиғ-аччиғ, таъна эттманглар,
Ким ул неку шамойил ошиқ озоримни соғиндим.

Муқимий сарой шоири эмас эди. У умр бўйи сарой шоирларидан узоқда турди. У ўзининг бутун умрини кенг халқ оммасига яқин бўлган адабиёт тугдиришга, халқнинг дарл ва аламларини, тилак ва армонларини куйлашга бағишлиди. У классик шеърни ишлаб, халқ қўшиқлари-га яқинлаштириди. Ҳақиқий халқ куйчиси бўлган Муқимийнинг улфатлари сарой доиралари бўлмасдан, балки халқ ашулачилари, созандалари бўлар эди. Шунинг учун унинг классик мақомларга бўлган пичинги ҳам адабиётни демократизатсия қилиш ниятидан келиб чиққандир.

Кўй, эй мутриб «Баёт», «Ушиоқ», ёқмайди қулогумга,
Тараннум айласанг маҳфилда қил «Гулёр» деб келдим.

Муқимий ўз шеърининг гилини ҳам ана шунга қараб ишлади. Муқимий шеърни халқ ашуласига, тилни халқ тилига яқинлаштириди. Мехнаткаш тамом саводсиз бўлган бир мамлакатда поэзияни бундай бир йўлда давом қилдиришнинг революцион аҳамияти катгадир.

* * *

Муқимий жуда фақир ҳаёт кечирди. Ҳоким жамият унинг куйчиси бўлмаган шоирни албатта шу ҳолга солур эди. Муқимий тақдиридаги фожиа, шоир билан ҳоким синфлар, ҳоким тузум ўртасидаги қарамакаршилик натижаси эди. Муқимийнинг аччиқ-аччиқ фарёллари, ана шундан келиб чиққандир:

Хайфким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошиёнин зоглар.

Ўз замонасининг энг катта шоири бўлган Муқимий шунинг учун ҳам ҳеч тақдир қилинмади. Хор ўтди. Ўзининг фожиали тақдирини тушинган шоир «Менинг хор бўлишимнинг сабаби Фарғона мардуми бўлганимда, ўз ватанимни севганимда» деб арз қилди:

*Кимга дод айлай бориб шум толгимнинг дастидин,
Кўза синдирган азизу, сув кетирган хорман...
Мулку Ҳиндур Марвдин келсан топардим эътибор,
Шу эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман...*

Лекин шунга қарамасдан Муқимиий ўз ватанини, унинг азиз ва муқаддас тупроғини севар эди. Шунча хўрлик, зорликларга қарамасдан у ўз ватанини ташлаб кета олмади. То ўлгунча унинг вафодор фарзанди бўлиб қолди:

*Неча дерманким Муқимиий турбат айлай ихтиёр,
Бир ватандин дил узуб гайрат қиломай доғман.*

Муқимиий 1903 йилда 53 ёшда Қўқонда вафот қилиди. У ўз ижодининг чин қадрига стувчи наслга зор бўлиб кетди.

* * *

Ўзбек халқининг ашаддий лушманлари бўлган буржуа миллатчилари бу халқнинг ўз озодлиги йўлида эзувчиларга, эксплуататор синфларга қарши асрлар бўйи олиб борган курашини унинг ўзидан яшириб келдилар. Улар йиллар бўйи ўзбек халқининг тарихини яшириб архивда сақладилар. Ўзбек халқининг энг содик фарзандларини тарих саҳифасидан ўтироқчи бўлдилар...

Ўзбек халқининг душманлари, бир замонки, поэзиямизнинг күёши буюк Навоийни ҳам миллатчиларнинг бобоси деб таниттанликларини эсга олсак, бу қабиҳ, одамлар ахлатининг Муқимиийни ҳам шундай деб эълон қилишдан кузатган мақсадлари аниқланиб қолади.

Муқимиий ўз меҳнаткаш халқининг шоири, ўз замонининг энг илгор кишиси эди.

Муқимиий ижоди халқчил эди. Муқимиий эксплуататор синфларнинг ҳаммасига, эзувчиларнинг ҳаммасига душман эди.

Муқимиий зулмга қарши халқ куйчиси эди.

Муқимиий ўз халқига то ўлгунча содик бўлган эди.

Муқимиий ўз халқининг оташин дўсти эди.

Муқимиий ўзбек халқига энг яқин ва энг севимли шоирлардан бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолажакдир.

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали.
1938 йил № 7-8 сонлари.*

ЗУЛФИЯХОНИМ ДАСТХАТИ¹

Шундай шахслар бўладики, улар ўз миллати ва мамлакатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол йўнайдилар. Ўз юргининг шону-шавкатини, қадимий, шарқона гўзал маънавиятини жаҳонга танитадилар. Шоир Ҳамид Олимжондай буюк сиймонинг садоқатли ёри, меҳрибон она, минглаб ўзбек аёлларининг дил дўсти, шоира Зулфияхоним ана шундай инсонлардан бири эдилар.

Болаликданоқ Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимнинг ўнлаб шеърларини ёд олганим ва мактаб саҳналарини ларзага солиб ўқиб берганларим ҳамон ёдимда... Бу икки шоирнинг – ўз юртини қўшиқларга буркаган буюк иқтидор соҳибларининг меҳр ва садоқат нурларига йўғрилган иттифоқи бизни сўнмас муҳаббат боғларига йўллар эди. Баҳт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжоннинг Зулфияхонимга атаб ёзган шеърлари бутун мамлакат ёшиларининг муҳаббат мадҳига айланниб кетганди:

Энг гуллаган ёшлик чогумда,
Сен очилдинг кўнгил боғумда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Шундан бери тилимда отинг...

Шоир Ҳамид Олимжоннинг толе юлдузи бўлмиш Зулфияхоним ҳар қандай таҳсинларга муносибдир. Зулфияхоним осмондаги ойдай чарақлаб, ўзбек қизининг тинчликсевар овозини қитъалараро оламга танитди.

Мен ўша кезлар эндигина САГУ (Ўрта Осиё Даъват университети, ҳозирги Ўзбек Миллий университети)нинг филология факультетини тугатиб, Хоразм вилояти радиосида катта муҳаррир бўлиб ишлардим. Зулфияхонимнинг «САОДАТ» журнали ҳамиша ҳамроҳим эди. Мустабид шўролар замонида вилоят хотин-қизларининг пахта далаларидаги оғир ҳаёти, дала шийпонларига қурилган беланчаклар, ундаги чақалоқларнинг хасталигини кўриш... Саратоннинг ўти нафаси, куз изгириларига қарамай, оналари изида изғиб юрган болаларнинг бақириб йиғлашларини эшитиш... Кединчаклик либосининг оҳори тўкилаётган пахта эгатлари... Шўроларнинг суронли йиллари машақати туфайли бевақт қадлари букилиб, соchlари оқариб, тишлари тўкилаётган колхозчи оналар ҳақида ёзиш менга тақдир бўлди...

¹ «Карвон қўнғироги» газетаси, 01.03.2012 йил сонида босилган.

Репортёрни елкамга ташлааб, тиззадан келгап қор остида ётган күсакларни юлиб олаётган қиз ва жувонлар ёнида бўлардим. Уларнинг хўрланган чеҳраларида колхоз раиси, бригадир, партком вакили, комсомол сардорларидан ҳайиқиши ва қўрқувни кўриб, танижоним қақшар эди...

Зулфияхоним республикада «Саодат» журналининг вилоят вакилалар бўлимларини ташкил этдилар. Бу бўлим аъзолари хотин-қизлардан тушган шикоят хатларини текшириб, оёқ ости қилинаётган оналарни, қиз-жувонларни ҳимоя этарди. Шунингдек, улар орасида маланий, мърифий ишларни олиб бориш билан бирга, журналга обуна қабул қилиш ишлари билан ҳам шуғулланар эдилар. Зулфияхоним мени ўша бўлим бошлиғига муносиб кўриб, катта бир масъулиятни зиммамага юклаган эдилар.

Ҳамон эсимда. Хоразм вилоятидан: «Саодат» журналита, шахсан Зулфияхонимга тегсин», деб ёзилган ўнлаб шикоят хатларию, турфа аризалар папкаларни тўлдириб юборган эди...

Шўроларнинг «пахта якка ҳокимлиги» сиёсати остида ээзилган, ношул ва муттаҳам баъзи «катталар»нинг хўрлашига, ор-номусининг топталишига чидай олмаган бокира қиз ва келинлар ўзларига ўт қўймоқда эдилар...

Зулфияхонимнинг ёрдами билан сон-саноқсиз шикоят хатлари эгалари ҳақиқат ва адолат тикланганидан енгил нафас олиб, осуда яшаганлари ҳам эсимда... Зулфияхоним нозикташ шоира, йирик фаол шахс, ўти қалам соҳибаси, аёллар ҳақ-хукуқларининг қўрқмас ҳимоячиси, момо еримиз, ўзбек тупроғининг севимли онахони эдилар.

Мамлакатимизнинг минг-минглаган меҳнаткаш ва муштипар аёллари қаторида Зулфияхоним эътиборига тушиб, улуғ шоира дастхати билан байрам табриклари олаётганимдан баҳтиёр бўлиб, тунларни тонгларга улаб, олдин радиода, кейинчалик вилоят телевидениеси эфир тўлқинларида кўрсатувлар тайёрлар эдим.

Миллионлар микрофонини қўнимга олиб, «Ойнаи жаҳон» экранидан телетомошибинларга боқиб, тўғридан-тўғри олиб бораётган репортажларим чоғида кўз олдимда камолотли сўз соҳибаси Зулфияхоним турар эдилар.

Ўша кезлари хонадонимизда ёзувчи Тамарина Саломонова меҳмон бўлиб, «Саодат» журнали учун «Ҳамкасбим Анбара» сарлавҳали мақола тайёрлаган эди. Кейин билсам, ёзувчи Тамарина Саломонова бу мақолани шоира Зулфияхоним топшириғи билан ёзган эканлар.

Йиллар ўтди. Ўзбекистон телевидениеси 1971 йилда рангли тасвирга ўтиб, бағри кенгайди. Мени Тошкентта ишга чақириб олиши.

Зулфияхонимдай иқтидорли аёлларга гавжум пойтахтда яшаб, «Ойнаи жаҳон»га хизмат қилаётганимдан шод эдим. Мусиқали кўрсатувлар таҳририятида ишлар эканман, Ҳамил Олимжон ва Зулфияхоним шеърларининг шайдоси, жаҳон мусиқа оламидан илҳом олган, шоирона руҳият соҳиби композитор Рустам Абдуллаев таҳририятта кириб келди. У Зулфияхоним шеърларига ранго-ранг оҳанг бериб, севги садолари, муҳаббат оташларига йўғрилган «Баҳор келди сени сўроқлаб» деб номланган вокал туркум ёзган эди.

Устоз режиссёр Нина Николаевна Левина билан бу қўшиқларни эшишиб, Зулфияхоним сиймоси кенг ёритилган видеофильмни бадиий кенгацга ҳавола этдик.

Зулфияхонимнинг қўшиқлар дунёсига кириб, унинг улуғворлик хушбуйликларини « зангори экран»га олиб чиқсан композитор Рустам Абдуллаевнинг вокал туркуми ошуфта юракларни жунбушга келтирди... Видеофильмни томоша қылган Зулфияхонимнинг телефон орқали изҳор этган ташаккури, шоира ҳаяжони ҳамон кулоқларим остида янграб, битмас-туганмас куч-куват бахш этиб туради...

Мана қорли-қиронли қиши шиддати орқага чекиниб, баҳор эшик қоқмоқда. Шоира Зулфияхоним туғилган нурли кун навбаҳор остонасида турибмиз. Шундай кезларда Ҳамил Олимжоннинг:

*Буқун сенинг туғилган кунинг,
Буқун ўйинг тўлади гулга.
Нима қиласай? Мен узоқдаман.
Хаёл билан тушаман ўйлга...*

деб ёзган илтижоли сатрлари бир-бир кўз ўнгимдан ўтади ва шоирнинг ҳасратларига ҳамоҳанг Зулфияхонимнинг:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни кўйлайман, чекинар алам.*

*Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!..*

— каби садоқатта тўла дардчил овози, мустақил юртимиз боғларидан тарашиб, яхшиликка, одамийлик шеваларига тўла сўнмас муҳаббат бўстонига чорлайди.

Ёшлигимизни оташнафас шеърлари билан безаб, озод ва ҳур Ўзбекистонимизни Ёр ва Диёр тароналарига буркаб кетган Зулфияхоним сиймоси юракларимизда ҳамиша барҳаёт! Шеъриятнинг буюк даҳоси олдида доимо таъзимдаман...

ЗУЛФИЯ ТАБАССУМИ (Бир сурат шархи)

Шеърият ошёнининг нафосатли бекаси Зулфияхонимнинг ўтли нигоҳи муҳрланган ушбу суратта ҳам роппа-роса 50 йил бўлибди...!

1958 йил куз фасли. Ватандошларимиз даҳшатли йиллар важоҳатидан сўнг сал бўлса-да енгил нафас олмоқда эдилар. Ўшанда биз ўқиётган дорилфунун САГУ- Ўрга Осиё давлат университети деб аталарди. Кийимларимиз юпун, стипендиядан стипендиягача амал-тақал қилиб но-чоргина кун кўрардик. Бироқ ёшлик шиклоати, адабиётни, шеъриятни севиш бизга илоҳий куч-қудрат баҳш этарди.

Сахий кузнинг мурувватли кунларидан бирида дорилфунун эълонлар таҳтаси олдида талабалар гавжум бўлиб, шодликдан яноқлари ял-ял ёнарди. Ўшанда «Шоира Зулфияхоним билан учрашув» деб ёзилган мұъжазгина эълон дилларга қувонч улашганди. Биз ўша кунни зориқиб кутдик, шоиранинг шеърларини ёд олдик.

Зулфияхонимни дорилфунунга ўша кезлардаги аспирант, бугунги кунда эса таникли адабиётшунос олим Наим ака Каримов бошлаб келди.

Хозирги Амир Темур хиёбони ёнидаги бинонинг мажлислар зали... Ҳаяжондан юраклар жўшмоқда. Лобар қизлар қўлида гулдаста. Эшикдан кираётган шоира ҳурматига бутун зал ўрнидан турди, қарсаклар дорилфунун бағрини нурафшон этди. Унга пешвоз чиқсан устоzlаримиз Озод Шарафиддинов, Фулом Каримов, Субутой Долимов, Лазиз Қаюмов, Фани Жаҳонгировлар шоирани илтифот билан кутиб олдилар.

Зулфиянинг ўзбек шеъриятидаги ўрни ҳақида маъруза қилган устоз Озод Шарафиддинов даврага шоира шеърларини ўқиб бериш учун ёш шоирлар, иқтидорли талабаларни бирин-кетин чорлай бошлиди.

Кўшиқнавис шоир Анвар Истроилов шоиранинг «Юрагимга яқин кишилар» туркум шеърларини ўқигандা, шоира чехрасидаги теранлик янада қуюқлашди. Ўшанда шоира ўзи билан бирга Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достони бош қаҳрамонининг рамзи (прототипи) бўлган машҳур пахтакор, меҳрибон онаизор Зайнаб Омоновани ҳам олиб келган эди.

Минбарга шоир Эркин Воҳидов кўтарилиди. «Ўғлим сира бўлмайди уруш» шеъри янгради. Ҳамон эсимда. Залдагилар орасида шоирFaфурҒуломнинг қизи Олмос, Акмал Пўлатнинг қизи Мамлакатхон, аълочи талабалардан Зебо Салимова, Фотима Ҳусайнова, Мамлакат Ҳошимовалар ҳам мушоирада қатнашдилар.

Ниҳоят шоира Зулфияга сўз берилди. Талабалар ўрнидан туриб, қарсаклар билан уни олқишиладилар. Шоира шеър ўқиди:

*Севаман, олтин куз, севаман жондан,
Атлас табиатли гўзал чоғингни.
Дарахтлар либоси ранго-ранг, гулгун,
Кўзиш эркалаган чаман боғингни ...*

Зулфияхоним овозидаги Ватан ардоғи, гул диёрнинг зийнати, осуда куз фаслиниң рамзи бўлган меҳнаткаш, яратувчи ўзбек халқи билан фаҳрланиш туйғулари юракларни ларзага солди. Шоира ушбу шеърни ифодали ўқир экан, хаёлтар оғушида момиқ юзларини қўёшга тутиб, кумушдай порлаёттган пахта далаларига отлангинг келади. Енгларини шимариб лўппи-лўпти чаноқлардан пахта тераёттган қизлар даврасига кўшилиб, хирмон-хирмон пахта уйиб, қўшиқ айтайн дейсан.

Шоира Зулфиянинг янгроқ овози, ўзбек элини суйиб-суйиб куйлаган сози дилларга муҳрланиб қолди. Бугун шоира Зулфия мукофоти совриицдорларига бокиб, истиқлол қизларининг баҳтида Зулфия табасумини кўраман. Кундан кунга гуллаб-туркираёттган Тошкент жамолида шоира орзусининг чаман боғларини кўриб, шукуҳ ва шукроналарга тўлман.

Бундан эллик йил муқаддам бирга тушган ушбу суратга боқиб, Зулфияхонимнинг авлодлардан авлодларга ўтиб келаёттган севги ва садоқат достонларини эслайман. Ёшлигимизни безаб кеттан ўша нурли лаҳзалар ҳамон менга илоҳий куч-қудрат баҳш этаёттандек туюлади.

ҲАМКАСБИМ АНБАРА¹

Бу – унинг болалиқдаги фур ва мурғак орзуси эди. Ёзув-чизувга иштиёқи зўрлигини Анбаранинг ўзи ҳам биларди. Шунинг учун ўша ёшдаги барча қизлар қатори назм битиб юради. Кутимаганда, унинг шеърлари ёшлар саҳифасида босилиб чиқди. Ҳозирги кун талаби билан ёндашганда, жўнгина шеърлар эди улар. Лекин ўшанда Анбаранинг севинчдан танасига сифмай кеттанини бир курсангиз эди!

¹ «Саодат» журнали, 1969 йил № 12-сон. Бу мақолани журналист Т.Сулаймонова (Т.Саломонова) ёзган.

Унинг шеърлари вақти-вақти билан газетада босилиб турди. Лекин шуниси қизиқки, ҳамма вақт О. Абдураҳимовнинг мардлик ва жасоратни тараннум қилувчи шеърлари билан ёнма-ён босиларди. «Шу О. Абдураҳимов легани қанақа одам экан ўзи», деб ўйларди Анбара. О. Абдураҳимовни ҳам А. Отамуродова қизиқтириб қолганидан у бехабар эди.

Хивалик бу ўнинчи синф ўқувчилари Урганчда ўтказилган адабий кечада учрашишди. Анбара Отамуродованинг оёғида амиркон этик, эгнида атлас кўйлак, бошида хивача попуклик зардўши, О. Абдураҳимов ҳарбийлардек бежирим кийинган-чехраси ўз шеърларида самимий ва дилбар.

Уларнинг қалблари бир-бирларига интилди. Аммо бу муҳаббат уларга умрбод ёр бўлажагини ўшанда икковлари ҳам билмас эдилар.

...Анбара сал ийманиброқ турибди. Хоразм область радио комитетининг остонасидан илк бор хатлаб кирганига саккиз йил бўлган бўлса, шундан бери бошқалардан интервью олиб келади. Бу гал эса унинг ўзи интервью берялти. Бунга одатланмаганиданми, ўзини ноқулай сезяпти.

— Журналистнинг журналист ҳақида ёзиши рисолага сигармикан, — дейди у.

— Майли рисолага сифмаса ҳам, мен Сизнинг ҳақингизда ёзаверман, — деб жавоб бераман унга.

Мен Анбара ҳақида ёзишга аллақачон аҳд қилиб қўйғанман. Ўшанда у билан биринчи бор область бўйлаб сафарга чиқсан эдик. Унга топширилган вазифа — менга ҳамроҳ бўлиб юриш эди. Лекин у ҳам менга ёрдамлашди, ҳам эшиттиришларни плёнкага ёзib олишга улгурди. Радиода ишлайдиган журналист бирон ёққа чиқса, ҳаммадан кўра кўпроқ қийналади. Нега десангиз, одамлар билан суҳбатлашиши, шу суҳбатни дарҳол қофозга тушириши, сўнг уни суҳбатдошига қайта-қайта ўқитиб кўриб, қиёмига етгандан кейин плёнкага ёзib олиши, шу плёнкани яна қўйиб бериши керак.

Анбара Отамуродованинг журналистига хос мана шу чапдастлиги: ҳар қандай вазиятда ишлай олиши, ёзин-қишин сафарбарлиги, қандай иш билан йўлга чиқмасин, доим ўзини журналист деб ҳис этиши менга маъкул бўлди.

Биз у билан областни айланганимизда, кўклам фасли бўлиб, ҳаво совуқ ва нохуш эди. Ёмғир бирдай севалаб тургани учун машиналар гоҳо балчиққа ботиб қолса, гоҳо селпиб ташлайди, гоҳ бир ёнбоши билан юради. Анбара овоз ёзив олувчи аппарати — «Репортёр»ни зарб еб қолмасин, деб қўлида осилтирганича кўтариб олган. Ўзи ҳам жуда ноzik, жуда инжик аппарат-да у. Анбара уни худди гўдак боладай авайлар эди. Ёмғирда пальтосининг ичига олади, чанг тегса, даструмоли билан артиб тозалайди.

Ха, вақтнинг югуриги гоят тез. Биринчи ахборотни тузгани, биринчи нутқни плёнкага ёзиб олгани, илк бор ўн минутли эшиттириш уюштиргани кечагина эмасмиди. Кейин умрида биринчи марта ярим соатлик эшиттириш уюштириди. Роппа-роса ярим соат эфирни банд қилишини эшитганда, юраги орқасига тортиб кетган эди. Ярим соат мобайнида янти, ҳамманинг диққатини тортадиган гапни топиб айтиш ҳазилакам ишми, ахир. Ўша вақтда ёш режиссёrlардан бўлган, ҳозир эса бош режиссёrlик вазифасида ишлаётган Эркин Қораҳонов билан тайёрлаган адабий эшиттириши бир умрга эсида қолди. Хоразм пахтакорларининг галабаси шарафига «Спартак» стадионидан илк марта қоғозга қарамай олиб борган репортажини ҳам ҳеч-ҳеч унутмайди.

Унинг номи, унинг овози-областдаги радиоэшитувчиларга маълум. Радионинг катта редактори А. Отамуродовага тегсин, деб унга хатлар ёзишади. Лекин унинг ўшлар саҳифасида босилган даствлабки шеърлари ҳеч кимнинг хотирасида қолган эмас. Ўша шеърлар билан ҳозирги репортажлар орасида роса ўн беш йил кўприк бўлиб ёстангандан.

Дарвоҷе, ундей эмас. Унинг ҳамма шеърларини ёдлан биладиган одам ҳам бор. Бу – унинг энг азиз кишиси, умр йўлдоши, дўсти ва қўмакдoshi Олланазар Абдураҳимов.

...Биз, журналистларнинг касбимиз сермашаққат, серғалва иш. Агар уни севсанг, бутун вақтингни, бутун куч-қувватингни аямаслигинг керак.

– Ўзимни «Репортёр»сиз, олис йўлларсиз тасаввур эта олмайман, – дейди Анбара.

– Йўлларда ҳар қандай тасодиф юз бериши мумкин-ку?! Баъзан кунни тунга улашга тўғри келади. Шунда болаларинг, уйинг нима бўлади?

– Эрим бор, – дейди Анбара. – У жуда яхши одам, у менга катта таянч. Очиз ғап, у бўлмаса, журналистлик қила олармидим...

Шу гапнинг устида чехрасидан табассум чақнаган ҳолда, шаҳдам одим билан Олланазар келиб қолди. У – мардлик талаб қилувчи касб соҳиби. Олланазар рафиқасига қараб, жилмайиб қўйди.

Тун ярмидан оғди. Анбаранинг қизлари Нодира билан Наргиз ширин ўйқуда, Олланазар барвақт туриши керак экан, узр сўраб, чиқиб кетди. Биз эсак, икки журналист ўзимизнинг оғир ва ажойиб касбимиз ҳақида ҳамон гаплашиб ўтирибмиз. Ким-кимдан интервью олаёттани маълум эмас. Кулгили воқеалар-у кўнгилсиз ҳодисалар ҳам, муваффақиятлар-у ўнгидан келмаган ишлар ҳам шу топда иккимизнинг ёдимизга кельмоқда. Мен шу галги сафаримдан дурустроқ материал билан қайтармикан-

ман, деб ташвишланаман. Анбара бўлса, ёш мухбир тайёрлаётган эртаги эшииттириш — хотин-қизлар журналининг фамида. Ҳамма йул-йуриқни бериб қўйган, эшииттириш режасини боплаб тузган-у, лекин шундай бўлса ҳам, одам холис, дегандек...

Пировардида айтилмаган бир гап қолди: Анбара — «Саодат» журналининг Хоразмдаги вакилалар бўлими бошлиғи. Умид қиласизки, бу вазифани ҳам у яхши адо этали.

РАЖ КАПУР ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

1956 йилнинг куз фасли эди. Машхур Раж Капур Тошкентта келармиш, деган хушхабар юракларимизни остин-устун қилиб юборганди. Биз, пахтага чиққан САГУ (Ўрта Осиё давлат университети) талабалари чанг-тўзонга кўмилиб, қоп-қоропгулик пардасига ўралиб ётган Бўка тумани қишлоқ онахонларининг хонадонларига жойлаштирилган эдик. Қишлоқ марказидаги «клуб»да кечкурунлари ўша пайтда машхур бўлиб кетган «Раж Капур фильмс»га шону шуҳрат олиб келган «Дайди» («Авара») фильмни намойиш этиларди. 1952 йилда экранларга чиққан ушбу фильmdа 28 ёшдаги афсонавий иқтидор эгаси Раж Капур бош ролни ижро этган. Раж Капур ва Наргис ижро этган ҳар бир қўшиқ севги ва вафо ғалабасининг бетакрор достони бўлиб янграб, юракларни ларзага келтирганди. Мазкур фильмдан сўнг «Жаноб-420» («Шри-420») ни ўп марталаб томоша қилдик ...¹

Хуллас, катта-катта ва бепоён пахта далалари бағрини кесиб ўтган улкан симёғочлар тепасидаги баҳайбат радиокарнайлардан Раж Капурнинг Тошкентта таширифи ҳақидаги хушхабарни кутардик. Курсдош йигитларимиз доно ва камолотли эдилар. Улар Эркин Воҳидов (эндилекда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири), Анвар Каримов (Ўзбекистон миллий университети мударриси, журналистика кулиёти доценти), шунингдек, олимлар Талъат Солиҳов, Раҳматулла Иноғомов (Оллоҳ уларни раҳмат қилсин) Ҳиндистонни ўз она юртидай севган Бобуршоҳ асарларини ўқиб ўзлаштирган толиб эдилар... Қизларимиз ҳам Гулбаданбетимнинг «Ҳумоюннома» асарини ўқишигган, Хожабегимнинг эри бўлмиш Ҳумоюншоҳга атаб курдирган мадрасаси-ю, Шоҳжаҳоннинг ўз севгилиси Орзумандбону хотирасига атаб курдирган «Тожмаҳал» обидаси ҳақида тўлқинланиб гапиришарди. Ҳамма-ҳамма-

¹ Бу мақола «Даракчи» газетасининг 44-сонида 30. 10. 2008 йилда босилган.

миз ҳиндча рақс ва қўшиқларни ҳам ижро этардик. Биз бу рақс ва қўшиқларни ўша 1952 йилнинг август ойида Ҳиндистондан келган бир гурӯҳ санъат усталарининг концертини томоша қилиб ўрганиб олгандик. Улар Тошкентда беш кун меҳмон бўлиб, театрларда, «Паҳтакор» майдонида ўз санъатларини намойиш этишганди. Машхур ашгулачи Двиджан Мукерджи қўшиқларини мириқиб тинглаганлик.

Бу қўшиқлар қадим-қадимдан ерлари ерларига тулаш, қалблари-қалбларига вобаста ўзбек ва ҳинд эли дўстлигининг шодон акс-садоси, ёш-ёш юракларнинг «Дўстлик қальъаси» эди. Шу боис бўлса керак, паҳта теравериб, ҳориб-чарчаб, Тошкентни, уйимизни, дорилфунумизни соғиниб, Раж Капурнинг Тошкентга ташрифини жуда интиқлик билан кутаётган эдик.

Ниҳоят, радиокарнайлар тилга кирди: «...Ҳиндистон кино артистыларидан бир ғуруҳи Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Улар орасида 32 ёшли машҳур жаҳон юлдузи Раж Капур ҳам бор...»

Ўша куни талабаларнинг шодлиги белоён паҳтазорларга сиғмай кетди. Барча ёш филологлар унинг таржимаи ҳолини ёд билишарди. Раж Капур буюк отанинг бетакрор иқтилорли фарзанди эли. У 1924 йилда машҳур кинорежиссер ва ҳинд киноартисти Притхвирај оиласида таваллуд топган. Раж Капур кинофильмарида 1947 йилда инглиз мустамлакачилари панжасидан ҳалос бўлган, озод ҳинд ҳалқининг қуллик даврида кўрган-кечирган қашшоқ ҳасти акс эттирилган. У ўз мустақиллигига эришган Ватанининг ривожини, ҳиндларнинг баҳтли, саодатли булишларини орзу қиласди.

Ёмғирли ва бўронли наҳта териш мавсуми тугади. Кўрпа-тўшакларимизни орқалаб, озғин ва қорайган ҳолда дорилфунун бағрига қайтдик. Паҳта теримида бўлганимиз боис Раж Капурни кўриш насиб этмади. Ахир, биз мустабид совет даврининг темир тишлари елкамизга ботган, бироқ адабиёт деб аталмиш гўзаллик бўстонига кириш учун ҳар қанлай қийноқларга шай турган, чидамли ёшлар эдик-да!

Раж Капурни кўриш насиб этмаган бўлса-да, паҳтазорда тушган суратларини сотиб олиб, ошуфта қалбимизни тинчлантиргандай бўлдик... Энди Ўзбекистонимизнинг сахий кузини, мустақиллик замонасининг ҳаётбахш неъматларини кўриб шодмиз. Дунёларни кўялпмиз. Жаҳон ҳалқлари юрагига қулоқ тутиб, ўзбек элининг бугунги баҳтли ҳаётини ҳавас ва ҳурмат ила сўзлаётган қардошларимизнинг овозларини эшишиб, ёшимизга ёш, қувончимизга қувонч қўшилмоқда. Ушбу мақола истиқдол замонининг биз, кекса авлодга берган азиз ийсонлик баҳтига шукроналик эҳтироми сифатида ёзилди. Ёшлигимизни муҳаббат гулларига буркаб кетган Раж Капур бизнинг абадий дўстимиздир.

ХУРШИДИ ЖАХОН ГАЛДИ...¹

Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти шундай бир бой хазинадирки, бу хазина ичра халфалар санъати энг нафис ва ноёби, момоларимиз хушбуйликлари туғёнининг энг дилрабосидир.

Халфалар санъати деганимизда, миллат оналарига хос ҳаё ва ибонинг иффатли хилқати шаънига битилган мадҳияни тинглагандай бўлалими. Вафо гулистонининг муаттар ҳиди думогимиизга урилиб, меҳр ва муҳаббат боғларининг сафоли шукуҳидан юракларга ора берамиз. Зоро, жаннат оналаримиз оёғи остида экан, оналар қадамининг гарди фарзандлар учун шараф тожи экан, халфалар қўшиқларида оналаримиз дил рози, улар орзу-армонларининг сўнмас нидоси бор.

Халфалар табиатан шоирона фикрли бўлиб, ўзлари ҳам шеърлар тўқиганлар, юзлаб... минглаб фазалларни ёд олганлар. Уларнинг барчасини хотиралари ойнасига муҳрлаб, соуз ритмларига, усульнинг учқур зарблалига солғанлар. Халфалар ҳар бир сўзнинг маъно ва мазмунига монанд, унинг ҳижолари қатига турли оҳанг жарангларини жойлаштириб қўшиқлар биттганлар. Бу қўшиқлар авлодлардан- авлодларга ўтиб, сайқалланиб, янгидан яшариб аёл қалби наволарига айланган. Шу боисдан халфалар санъати асрлардан-асрларга ўтиб, момоларимиз ганжи-хазинаси сифатида бизгача етиб келиб олгин меросимизнинг асл бисотига айланган. Ўзидан ўлмас қалимий қўшиқлар қолдирган, Хива халфалари мактабига асос солған санъаткорлардан бири Ожиза тахаллуси билан шеърлар биттган шоира Онабиби қори – Онабиби Отажоновадир.

Афсонавий қалъалар, осмон ўпар миноралар маскани, феруза гумбазлар ва қуrimас, қуламас гужумлар диёри бўлган Хоразм тупроғини куйлаб ўтган Онабиби халфанинг ижод хазинасида 500 дан ортиқ қўшиқ бўлган дейишади. У умр бўйи қадоқ қўл деҳқонни, серҳосил далаларни, пахтани куйлаган:

*Бир чаноқ пахтани гўзима суртиб,
Бошима тож этсам, кўнглима малҳам.
Лўппи-лўпти пахтани тер, пахтани,
Ёнингда соуз этиб, бўлайн ҳамдам...*

Онабиби Отажонова пахта ва пахтакор ҳақидаги қўшиқларини Хоразм лаҳжасида куйлар экан, шодлиқдан қошлиарини чимирад, юзлари ёришиб кетар, қўшиқ оҳангларида Жумуртов пойига тошқин, ссрмавж

¹ «Карвон қўнгироти» газетасининг 02.02.2012 йил, 09.02.2012 йил, шунингдек 16.02.2012 йил, 23.02.2012 йил сонларида чоп этилган ушбу мақолалар санъатшунос Мадина Бегалиева билан ҳамкорликда ёзилган.

тұлқынларини ураёттан Амударё ҳайқириғи барқ, ураёттандай бұлар эли. Айтишларича, Ожиза құшиқларининг шайдоси бұлған биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов (1878-1938) уни суратга олмоқчы эканлигини айтгана, құлиға бир дона гул ўрнида, бир чаноқ пахтани беришларини илтимос қылған экан. Бутун ҳәёти давомида тиззасига гармон созини олиб құшиқ күйлаб, минг-минглаган инсонлар қалбига ота юрт мөхрини сингдирған, унинг саховатли тупротининг ҳар зарраси – олтин, ҳар бир кесаги – лаълу-ноб эканлигини сүйлаб ва күйлаб үтган Онабиби Отажонова қақида түркүм мақолалар ёзишілгә шайланып. Бунинг боиси бобомиз Бобожон Тарроҳ – Ходим кутубхонасидан ул машхур ҳалфа құшиқлари ёзилған, унинг таржимаи ҳолидан лавҳалар битилған бир ғазал дафтарини топиб олдык. Табаррук дафтар ҳалфанинг шеърларини ёзиб олувчи, унга түрли шоирларнинг ғазаларини ёдлатырувчи алабий мураббий Ёқутжон Абдукаrimova құли билан ёзилған экан.

ҚУШЧИ КАТТА БОҒ

Онабиби Отажонова Хиванинг Қушчи Катта боғ қишлоғида туғилған. У таҳминан 1899-1951 йилларда яшаб ижод этған. Бу мәвзе Хива қалъасидан 6-7 чақирим узоқда жойлашған бўлиб, Қиёт қишлоғининг юқори худудидадир. Унинг бир томони қадимий Фовик құлиға бориб тақалса, яна бир томони, қишлоқни иккига бўлиб үтган Қўшқўпир йули бўйлаб, бепоён қум этакларига бориб туташади.

Хива хонлиги ҳужжатларыда бу қишлоқ иккига бўлинib кўрсатилған. Закот олувчилар дафтарида Қушчи қисмидан алоҳида, Катта боғдан алоҳида закот олингани қайд этилған. Онабиби ҳалфанинг шоирона табиатига бу қишлоқнинг мусаффо ҳавоси, түрли меваларга кон боғлари (бу катта боғ ҳозир ҳам бор), қадимий ва ноёб қушлари, гужумлар билан үралған сув ҳовузлари сўзсиз ижобий таъсир кўрсатған. Унинг машхур шиоира ва ҳалфа бўлиб щаклланишида бу қишлоқдан стишиб чиққан улуғ зотлар, айтиқса, Мунис, Оғаҳий, Баёнийларнинг ҳәёти ва ижоди, таржимон ва мақомшунос олим Толиб маҳсум наволари алоҳида тарбиявий аҳамиятта эга бўлған. Шунингдек, Толиб маҳсумнинг отаси Авазберди эшон ва қадим замонларда шу қишлоқда үтган машхур Шайх Мавлон Бобо ҳазратларининг ҳикматли ишлари катта рол ўйнаган.

Шоир Оғаҳийнинг «Таъвизул ошиқин» девонининг тұлақонли тошбосма нұсқаси Онабиби ҳалфанинг доимий йўлдоши бўлған. Ёқутжон Абдукаrimova ҳикоясига қараганда, бу девондан юзлаб ғазалларни шахсан ўзи ҳалфага ёдлатған. Холамиз ҳәётлик пайтларыда бу нодир девонни бизга топшириб: «-Вақти келганды, яхши замонларга еттанды, Онабиби

халфа ҳақида ёзиб, руҳимизни шод этарсан» деган эдилар. Ўша озод, мустақил замон бизга насиб бўлди. Шўролар даврида халфалар ҳақида оғиз очиш мумкин эмас эди. Момоларимиз ардоғида бўлган Онабиби Отажонова ҳақида ҳикоя этаёттанимиздан шукронадамиз.

У кичкиналигида чечак касали билан оғриб, кўзлари бутунлай кўрмай қолган. Бокира ва соглом ёш халфанинг хотира қуввати шу қадар кенг ва ёрқин бўлганки, кўплаб шеър ва ғазалларни ёд олиш билан бирга, бир маротаба тинглаган қўшиқнинг оҳангини умрбод эсда сақлааб қолар экан. Оддий деҳқон оиласида туғилиб ўстган шоира Ожизанинг отаси Отажон бобо уни Бибижон халфага шогирд этиб берган. Бўлғуси машҳур санъаткор устозидан ташқари воҳа санъаткорларидан турли халқ қўшиқлари, меҳнат, мавсум ва маросим ашуалари, турли сайил ва наврӯз қўшиқлари, қадимий термалар, айтишувларни ўрганиб борган. Хоразм бахшиларидан достон қўшиқларини ёллаб мусиқий тафаккурини бойитган, турфа оҳанглар дунёсими дилига жо этиб, сўз ва соз ўйғулигига эришган ва ижро маҳоратини ошира борган. Устоз санъаткорларнинг айтишига қараганда, унинг репертуаридан яллалар, лапарлар, ёр-ёрлар, аллалар, айтимчилик, яъни марсиялар каби энг қадимий айтимлар жой олган. Халфачилик санъатининг турли ўналишларини олтита устоз халфадан ўрганиб олгани боис, уларга атаб «Олти халфа» номли ҳазиломуз шеър ёзиб унга куй басталаган.

*Олти халфа бири Ҳоним,
Ҳонишина фидо жоним,
Олтидан бири Бибижон,
Ҳар сўзи дур, инжу, маржон.*

*Олти халфа бири Ёқут,
Ўқииди қошини қоқиб...*

Онабиби қори – Ожизанинг устозлари: Ҳоним «Сувчи» – Сайдамат қизи, Анаш «Чўлоқ» – Онажон Собир қизи, Бибижон, Ойша, Ниёзжон халфалар, унга шеър ёдлаттирувчи устоз, мураббий Ёқутжон Абдукаримовалар эди. Ожиза кейинчалик бу қўшигини тобора кенгайтириб сайқал берган. Воҳанинг ўнлаб янгроқ овозли халфаларига бағишилаб ҳазил ва мутоиба сатрларини ёзиб куйлаган.

Болалигида халфаларнинг сўзи ва созига сеҳрланиб қолган Онабиби қори Отажонова – Ожиза бутун умрини қадимий Хоразм қўшиқларини қайта тиклаш, унга жозибали сайқал бериш, санъаткор момоларимиз олтин меросини келажак авлодга етказиб беришга бахшида этган.

СҮЗ ВА СОЗ ШИФОСИ

Онабиби Отажон қизи – шоира Ожизанинг ҳаёти ва ижод йўли, халфани қуршаган адабий ва мусиқий муҳит, унинг шахсий турмуши, халфачилик санъати, қўшиқларининг асосий мавзуси, тингловчилари доираси, ета олмаган орзулари ҳақида сўз юритишдан олдин уни яқиндан таниган адабий мураббийси Ёқутжон Абдукаримова (таксминан 1906-1960) ҳақида икки оғиз сўз ёзмоқчимиз. Чунки Ожиза ўз фазалларини оғзаки айтиб, унга ёздириб борган ҳамда Навоий, Фузулий, Оғаҳий, Маҳтумқули каби шоирларнинг шеърларини Ёқутжон ая ёрдамида ёд олган.

Шоир ва мақомот илми алломаси Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмийнинг Авазжонбека, Гулшанжонбека, Зиёда ва Қутлибека исмли қизлари, учта ўғли: Муҳаммад Расулбой – Мирзо, Абдурасулбой – Пури Комил ва Муҳаммад Раҳимбой (божибон) исмли ўғиллари бўлган. Бу ҳақда биз Юсуф ясавулбошининг ўртанчи қизи Гулжонбека (1905-1990) дан ҳали ҳаётлик пайтларида ёзиб олганимиз. Чунки Комил Хоразмий Юсуф ясавулбошининг катта қизи Саодатжонни шоир Пури Комил – Абдурасулбой ўғлига никоҳлаб олиб бергани боис Гулжонбека бу оила фарзандларини яхши билган. Комил Хоразмийнинг учинчи ўғли Муҳаммад Раҳим (Мадраҳимбой божибон)нинг ҳам учта ўғли бўлган. Улар Абдураҳим, Муҳаммадкарим ва Абдукаримлардир. Ёқутжон Абдукаримова – Абдукарим божибоннинг ёлғиз қизи, Комил Хоразмийнинг чеварасидир. Ака-ука Абдураҳим ва Абдукаримларнинг уйи Кўхна Арк олдиди, ёнма-ён қурилган бўлиб, улар тахминан 1882-1885 йилларда туғилиб, иғоролар даврида 1930 йилларда қатағон сиёсати курбони бўлгандар.

Абдукаримбой бобоси тарбиясини олиб, мактаб ва мадрасани тамомлаган илмли, улдабурро инсон бўлиб, олдин бож-хироҳ йифиш, яъни божбонлик ишида бўлиб, кейинчалик Саид Абдуллаҳон (1918-1920) нинг Бухородаги элчиси бўлган. Бу тўғрида Паҳлавон Ҳожи Юсупов «Ёш хиваликлар тарихи» китобини ёзиб, уни инқилобий кучларнинг пинҳоний сардорларидан бири эканлиги ҳақида ёзган.

Энди Ёқутжон Абдукаримованинг хотира дафтарини варақлаймиз. Унинг биринчи саҳифасида 1941 йил 8 августда урушга кетган укаси Назарбой Каримовнинг бир йил ўтгач, ҳалок бўлгани, ҳижрон азобига чидай олмай, Онабиби ҳалфа Ожиза олдига бориб йиғлагани тўғрисида ёзилган. Ўшанда шоира жангда ҳалок бўлган Назарбойга бағишлаб ғазал ёзган ва кўлига соз олиб, қадимий оғир ва вазмин куйга солиб айтиб берган.

Худо сийлаб берген азиз фарзандим,
Бемаҳај умрингга ҳазон урмагай...
Узоқ түшди манзилимиз ароси,
Бағрим боши тамом-жижрон яроси.
Қабул бўлғай ман мазлумнинг дуоси,
Бемаҳај умрингга ҳазон урмагай...

Онабиби халфа бу қўшиқни 1942 йил 8 августда тўқиб Ёкутжон аянинг қалб изтиробларига малҳам бўлали. Шундан кейин бу қўшиқ ўғиллари урушга кетиб, қайтиб келмаган оналарнинг қалб нидоларига айланади, уларга сабр-тоқат, дармон баҳш этиб туради. Уруш йилларида Ожиза бунга ўхшашиб ўнлаб қўшиқларни ижод этиб, ўз муҳлислари доирасини ниҳоятда кенгайтириб юборади. Халфанинг ҳар бир қўшиғининг ўзига хос тарихи бор.

Биз бу хотира дафтари орқали Онабиби халфа бисотида Машраб, Махтумкули ғазаллари алоҳида ўрин тутганини кўрамиз. Онабиби халфа қўлига соз олиб, Машраб ғазалларини куйлар экан, тингловчила-ри қалбида жоҳил мустамлакачи амалдорларга нафрат, илму ирфон, маърифат шаъмини ёқсан Машраб сингари неча асрлардан бўён меҳнаткаш халқни эзиб, уни гумроҳликда сақлаб келаётган ўз даври хонлик тузуми амалдорларини фош этган. У мол-дунё, бойлик орттириш йўлида нафс балосига учраган баъзи риёкор тақвадорларни, ўзини доно, ориф қилиб кўрсатувчи, амалда эса нопок ниятли кишиларни қатгиқ сатира остига олган. Онабиби халфа Машраб ғазалларини куйлар экан, аёлларни оқ-қорани, яхши билан ёмонни ажратади билишга, мустабид тузумнинг чиркин иллизларини, ҳаёт ҳақиқатини тушуниб этишга чорлаган.

...Барчага айлаб насихат, ўзини доно қилиб,
Ўзи манзилга етамай нобиноларни кўринг...
Куфр этибсан деб жаҳонда чун каромат айлабон,
Тоати тақво билан сойиб риёларни кўринг...

Халқни юзича бир дам суратин зебо қилиб,
Нафс учун шайтон билан юрган гадоларни кўринг...

Маълумки, туркман шоири Махтумкули оқила, иффатли ва меҳрибон аёллар ҳақида жуда кўп ғазаллар ёзган. Оила бир олтин қўрғон бўлса, унинг қўриқчиси аёллар. Оиланинг иссиқ ўчфи, тўкин дастурхони бошида аёл туради. Ўз хонадонини, умр йўлдошини ардоқлаб, болаларини оқ тараб, оқ кийинтирган аёллар Махтумкули ғазалларининг бош қаҳрамонларидир.

*Ҳар боси сочлани хотин демаңглар,
Яхши хотин сиёқиндан баллидур.
Кир сақламас ўғлонини, ўзини,
Қошу-күзи қапоқиндан баллидур.*

*Яхши хотин кулар ёрни юзина,
Минг жон фидо бўлғай ҳар бир сўзина.
Оро берар боргоҳина, ўзина,
Қозониндан, чаноқиндан баллидур...*

Махтумкули ишшёқмас, дангаса, уйма-уй юриб ғийбат қилувчи, ҳовлисини, маҳалла-куйини ифлос тутиб, одоб-икром, илмдан йироқ, нодон аёлларни қаттиқ танқид қилган.

*Ёмон хотин энгса сочи тўп бўлар,
Оғизда беҳуда сўзи кўп бўлар.
Эшикининг олди тиздан чўп бўлар,
Кулин олмас ўчоқиндан баллидур.*

Онабиби халфа Машраб ва Махтумкулининг ўнлаб ғазалларини ўз тингловчилари дидига мосларини таңлаб куйлар экан, тингловчи аёллар юзида табассум пайдо бўлар эди. Гоҳо гап эгасини топгандай булар, баъзи бир жувонилар бошқалар юзига тик қарай олмай, ўзларини қўярга жой топа билмас эдилар. Санъаткор талқинида бундай қўшиқларнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти жуда катта эди.

Ёкутжон Абдукаримованинг хотира дафтарини ўқиб, Ожиза қўшиқлари ичida шоир ва созчи Сафо Оллаберганов – Муғаний қўшиқлари борлигидан огоҳ бўламиз. Айниқса, пахта ва паҳтакор ҳақидаги «Зарборларга», «Экингиз паҳта», «Санамо», «Мавриги» каби қўшиқлари, Сафо Муғаний хонишидаги шодон, кўтаринки руҳ барчани ўзига ром этган. Ўзбек халқининг олий неъмат – паҳта далалари билан боғлиқ халол меҳнати, яратувчилик руҳи Ожизани ҳамиша илҳомлантирган. Паҳта ўзбек элининг фахри, баҳти-саодатидир. Унинг ҳар бир чититини ерга қадаш кунлари Хоразм воҳасида тўй-у-томошага айланган. Паҳтани териб олиш эса етти яшардан, етмиш яшаргача бўлган ҳар бир инсоннинг бурчи, уни бир грамини нобуд этиш гуноҳдир. Чунки паҳта оқетик, ҳаётда неки оқ бўлса, бу муқалласдир, деган гоя бу қўшиқлар мундарижасини ташкил этади.

Ожиза устоз санъаткор Сафо Муғанийнинг қўшиқлари билан бир қаторда меҳнат қилиб, паҳта хирмонларини тезроқ уюб, уни завод омборларига жойлаштириб, ҳосил тўйига шайлананаётган деҳқонлар қувончини тарапнум этувчи ўз қўшиқларини ҳам яратди. Халғанинг паҳта ҳақидаги қўшиқлари алоҳида илмий ишларга мавзу бўла олади.

ХАЛФАНИНГ ОИЛАСИ

Санъаткор атиги эллик икки йил умр күрган. Күзи ожизлиги туфайли турмуш қурмаган. У машхур халфа сифатида танилгач, Хиванинг Дешон қальаси ичидан оқиб ўтган кичик ёп бўйидаги Дошкўприк маҳалласида, Ибодулла эшон қавмида жой олиб, ижодини давом этдирган. Унинг оиласи асосан шогирдлардан иборат эди. Ожизанинг иккита гармончи, иккита доиракаш, иккита раққоса ва тўртта тарбиячиси бўлиб, кеча-кунлуз ижод билан шуғулланганлар. Ёқутжон аяннинг дафтарида ўз шогирдларини фарзандларида суйиб, эркала барбиа эттан халфа ҳолатини тасвирлаган бир хотира бор.

1943 йил... Ичон қалъя ва Дешон қалъадаги деярли барча оналар мотам либосида бўлган. Ланъяти Гитлер уруши руҳларни мажруҳ этиб, оиласаларнинг устуни, оталар фахри, оналар баҳти бўлган йигитлардан жудо этган машъум йиллар... Ожиза ўз сўзи ва сози билан оналар ҳижронига малҳам бўлиб, ижодининг айни гуллаган пайтлари эди. У оёқ ва бел бўғимлари касалига муфтало бўлиб ётиб қолади. Ўшанда адабий мураббий Ёқутжон аяга қўлинингга қалам ол, ёз дейди:

Худоқ дард бердинг, минг шукур, шукримсаносин бер,

Мени бечора мазлум хаста дардимнинг давосин бер... деб бошланувчи ғазалини ёздиради, уни қайта ёд олиб қадимий айтимчилик – Марсия куйига солиб шундай куйлайдики, матнаги сўзларнинг дарди соз пардаларига кўчиб, сехрли бир тўлғаниш, фарёд, афсус ва надомат самога ўрлайди. Бу ғазалда саломат яшаш истаги, ёруғ оламда ҳар бир инсон зиммасига юқлатилган вазифалар, уни адо этиш учун Оллоҳдан яна озигина умр тилаш илтижоси мотам либосидаги минглаган аёллар нолишига қўшилиб кеттан. Онабиби халфа бу қўшигини илтижо билан куйлайвериб, сўз ва соз оҳангларидан шифо топиб яхши бўлиб кеттан экан. Ғазалда шоиранинг меҳри дарё аёл эканлитини яққол кўрсатувчи сатрлар бор. Бу сатрларда Ожиза «Зоро мажруҳлик менга тақдир экан, агар умри-куним мавт бўлса, яхши, озод замонларга шогирдларимни етказ» деб ёzáди. Гап шундаки, Онабиби халфа икки кўзи ожиза қизлар – Назира ва Онабибини ёшлигидан ўз тарбиясига олган эди. Уларга соз илми, шеърият олами гўзалликлари, ижро маҳоратини ўргата боради. Ғазалида бўлгуси санъаткор зурёдларига яратгандан эркин ҳаёт, пўлат ироди, журъиат, ақл-хуш, инсоф ва интизомли инсон бўлишларини сўрайди.

Шукур алҳамдушилоҳ икки ёш гўдак манго тобий,
Оларға умри давлат, баҳти-иқболнинг бақосин бер.

Оларни ихтиёру, эркини рӯзи насиб қилсанг,

Пўлат журъиат, ақл-хуш, интизом, инсоф вафосин бер...

Ожиза бу ғазалида ихтиёр, эрк сүзларини ишлатар экан, аёл зоти-нинг баҳтини, эркини таъмин этувчи замонларни орзу этади...

Карияларнинг айтишига қараганда мустақиллик орзу-армонига йугрилган бундай қўшиқларини у қўрқанидан тўйларда ҳеч қачон кўйламаган. Ҳар бир гўшала НКВД агентлари борлигини яхши билган. Ожизанинг тарбиячи аёллари мадрасаларни туттаган, саводхон, Сталин муҳитининг қатагон сиёсатини чуқур тушунган оналар бўлишган. Тўйларга борганда улар Ожиза репертуаридаги ҳар бир қўшиқни кузатиб борганлар, уларни қачон, қаерда айтиш мумкинлигини тартибга солиб турганлар. Халфанинг барча қўшиқларини ёд билган бу мураббийлар бир оиласда бир тану-бир жон бўлиб яшаганлар. Чунки мустабид шўролар тузуми уларни эрлари, ўғилларидан, энг муҳими оналик эрки, оналик баҳтидан жудо эттан эди. Уларнинг етим, сўққабош, қаровсиз бўлиб қолишига қатагонлик сиёсати ва уруш вайронагарчилеклари сабаб эди. Улар бошларига тушган оғир савдоларни Онабиби халфа — Ожиза атрофига жиспласишиб, ширин сўз, оромбахш наво билан ўз дардларига шифо тонгандар. Халфа бу оиласда тўйлар ҳисобига озиқ-овқат билан таъминлаб турган.

Ёкутжон Абдукаримова Ожизанинг охирги ғазалини 1951 йил 18 августанда ёзил олган. Бу ғазалнинг ҳам ҳар бир сатри шўролар сиёсатига қарши отилган ўқ эди. Шундан сўнг, Онабиби халфа — Ожиза уч кун қаттиқ касал бўлиб ётиб қолади ва 22 август куни оламдан ўтади.

МАШХУР ҚЎШИҚ ТАРИХИ

Ҳар бир санъаткор ҳаётида шундай қўшиқлар бўладики, уларни тингловчилар дилларига жо этиб эшишиб тўймайдилар. Бундай қўшиқлар маоний денгизининг гавҳари бўлиб, асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга этиб янгидан сайқал топиб, қўшиқ шайдоларини ўзига ром этавзеради, шу боисдан уларни умрибоқий қўшиқлар дейишади.

Онабиби халфа ижодидаги қўшиқларнинг жуда кўпчилиги умрбокий қўшиқлардир. Айниқса, «Хуршиди жаҳон галди» қўшиғи ҳар куни булаётган никоҳ тўйларида севиб ижро этилади. Бу қўшиқ композитор ва бастакорларнинг эътиборига тушиб «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам» музикали драмасига ҳам киритилган. Ўтмишда бу қўшиқ келин араваси тўй уйига келиб, келинни кутиб олиш ва уни гўшанита қурилган хонага кузатиш палласида айтилган. Қўшиқ сатрларидаги шарқона гўзал келинчакнинг қадду-қоматини, ақлу-фаросатини, одоб-икромини, баҳту-камолини мадҳ этиш, уни малаклар дарражасига кўтариб талқун этиш юракларни ларзага келтирган. Унинг мусиқий садолари бокира қиз қалбидай шодон, тиник, ёш йигит орзуидай юксак парвозлидир.

Бу кубаи эҳзона хуршиди жаҳон галди,
Гӯёки ўлик эрдим жисмим аро жон галди.
Бошим йўлида қурбон ўлдирса надур армон,
Ул латли лаби хандон чин нури аён галди...

Онабиби халфа ўзбек халқининг қадимий урф-одатларини жуда яхши билган. Шу боисдан «Бешик тўйи», «Тиш тўйи», «Суннат тўйи», «Келин тушириш тўйи», «Эшик очар» (Оқ ўраш), «Хина ёқар», «Қиз узатиши», «Қуда чақириқ» каби гўзал урф-одатларнинг ҳар бир сониясига бағишилаб кўшиқ ёзган. Ундан ташқари халқ сайиллари, «Наврӯз» «Ҳосил байрамлари» га атаб Ватанни, унинг она табиатини, қадоққўл дехқонларни мадҳ этувчи ўнлаб кўшиқлар яратгани боис, уни нафақат Хива, балки, бутун Хоразм халфалар мактабининг асосчиси деб айтига оламиз.

Ожизанинг машхур халфа, нозик ҳис-туйғуларни тараннум этган шоира бўлиб етишишида ўша кезлардаги адабий ва мусиқий муҳитнинг роли каттадир. Гап шундаки, қадимиий Хива азалдан шоирлар, созандалар, мақомот илми алломалари, қизиқчилар, лоғчилар, дарбозчилар, сурнай ва карнайчилар, қадимиий рақсларни қайроқ билан ижро этувчи қайроқчилар, халфалар маскани бўлган. Улар бир - биридан ранг олиб, илҳомланиб ижодий камолотнинг юксак чўққиларига интилганлар.

Онабиби халфа қўшиқлари асосини халқ оғзаки ижоди, фолқълор намуналари, достон кўшиқлари, қадимиий тўй кўшиқлари ташкил этади. Қарияларнинг айтишига қараганда, у тўйларда тўхтовсиз равиша тўрт, беш соатлаб кўшиқ айтган. Халфа тўйни «Мубораклар» кўшиги билан бошлаб, тўй тугаллангач, уйларига қайтаётган меҳмонларга қаратса «Хуш келдингизлар» ашуласи билан тутатган. Ҳар бир тўйда ками билан олтмиш, стмишга яқин кўшиқ куйлаган. Онабиби халфа табиатидаги шоирона жўшқин руҳ, мўъжизакор оҳанглар дунёси, кўшиқлардаги сўз маъносининг етакчи кудрати, ижро услубидаги жозиба бирор халфада учрамайди. Айниқса, сўз, соз, рақс санъати уйғунлашган кўшиқ ва лаларлар, фақат аёллар даврасини эмас, балки турли ёшдаги, турли мартабадаги тингловчиларни ҳам ўзига ром эта олган. Бир сўз билан айтганда, Онабиби халфа қўшиқлари – халқ ижодиётининг жўшқин ва ҳаётбахш сарчашмасидир. Мустақиллик йилларида халфа ижодини санъатшунос, мусиқашунос мураббийлар С. Рўзимбоев, София Собирова, Ҳожибой Солаевлар ўрганиб, илмий мақолалар ва китоблар ёзганлар. Айниқса, машхур ҳофиз Шерозийнинг невараси ажойиб созанда ва мураббий Зокиржон Мадраҳимов Онабиби халфа ижодини сидқидилдан ўрганиб, унинг қўшиқларини ноталарга муҳрламоқда. У ёш халфаларга мўлжаллаб, «Тарғунча», «Хива дудори» китобларини чоп эттирди. Бироқ Онабиби халфа қолдирган мерос кўп қиррали бўлиб, бу

илмий изланишларимиз унинг ижод уммонидан бир томчидир. Чунки, шўролар даврида халфалар ҳақида оғиз очиш мумкин эмас эди. Эндиликда Ожиза ҳёти ва ижодини ўрганиш, ёш халфалар репертуарини бойитишида уларга ёрдам бериш, унутилиб бораётган қўшиқлар, лапарлар, ёр-ёrlар, аллаларни қайта тиклаш ҳар бир санъаткор учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

ОНАБИБИ ХАЛФА ВА КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ

Устоз санъаткор Комилжон Отаниёзов момоларимизнинг барҳаёт «Ёр-ёр» ва ўланларини, айтишувлар, термалар, ялла ва лапарларини севиб тингларди. Айниқса, Онабиби халфа қўшиқларининг чинакам шина-ваандалиридан эди. Шу боисдан ўз олдига қадимиy унугитаётган қўшиқларни тўплаш, ўрганиш, замонавий сайқал бериш, уларни ёшларнинг севимли қўшиқларига айлантириб, қадриятларимиз олтин меросини жаҳон саҳналарига олиб чиқишини орзу қўилган.

Эндигина қирқ ёшга қадам қўйган Комилжон Отаниёзов дўсти ва сафдоши бастакор Матнийёз Юсупов билан бирга Хоразм мақомларини тўлиқ ўрганиб, уни нота китобларига аллақачон муҳрлаган эдилар. Ёшлари сал ўтиб қолишига қарамай, олдин мусиқа билим юртида, кейинчалик консерваторияда таҳсил олиб, мақомот илми, халқона миљий мусиқа оламига дадил кириб борган эдилар. Камолот чўққисида турган устоз ўша кезлардаги мутасадди ташкилотларга мурожаат этиб «Хоразм ашула ва рақс ансамбли» ни тузиб унга устозлик этиш ташаббуси билан чиқди. Бу ишда кекса санъаткорлар, садоқатли дўсти доиракаш Отаназар Абдолниёзовлар унга ҳамроҳ бўлдилар. Ниҳоят, ансамбл учун Шерозий, Нурмамат Болтаев каби устоз санъаткорлар таклиф этилди, яна беш нафар рубобчи, най, қўшнайчи созандалар, хонандалар, раққоса қизлар, қайроқчи йигит раққослар танлови тугалланди. Улар сафида ёш Коммуна Исмоилова, Сафо Муғаннийнинг қизи Роза Сафоева, Гулсара Ёкубова, Жумёз қайроқ, Ўғилжон қайроқ, Шариф Султонов, Мунаввара Султонова, Марям Ихтиёрова, балетмейстер Раҳима Ҳакимовалардан иборат ўттиз беш нафар элга танилган санъаткорлар бор эди. Ансамблнинг кундалик репетициялари, дастлабки концертларини эслаб, Ўзбекистон халқ артисти Коммуна опа бизга шундай ҳикоя этдилар.

— «Комилжон устоз менга Онабиби халфа репертуаридаги қўшиқларни, Роза Сафоевага эса отаси Сафо Муғанний қўшиқларини ўргатадиган бўлдилар. Қайроқчи раққосларга қадимиy халқ рақсларидан «Оразибон», «Чагаллоқ», «Норим-норим», «Лазги»нинг бир неча вариантларини ўргатишни бошладилар.

Онабиби халфанинг «Хуршиди жаҳон галди», «Гул ўғлон», «Тунинай», «Жўжжим айтаман», «Оқ олтин»ни теринглар каби қўшиқлари ни менга ўргатар эканлар, ҳар бир сўз маъноси, унинг ҳар бир ҳижосига сингдирилган оҳандиги юз марталаб тақоррлатар эдилар. Кўшиқ тайёр бўлгач, халфанинг севимли шогирди Назира Собирова (Назир халфа) га эшиттириб кўрсатдилар, кейин бадиий кенгашга тоғиширдилар. Мен бу қўшиқларни жаҳон саҳналарида куйладим. Бироқ ўша йилларда коммунистик партия номи билан ухлаб, кун кўраётган раҳбарлар бирор марта бу қўшиқлар муаллифи Ожиза – Онабиби халфалир, деб эълон қилдирмас эдилар. У кезларда халфалар ижоди ҳақида гапириш мумкин бўлмаган. Комилжон устознинг бу халфа қўшиқларига иккинчи бор ҳаёт баҳшида этгани шўролар замонида катта жасорат эди. Бу ансамбль деярли 1964 йилгача фаолият кўрсатиб, жаҳонга довруғ солди».

Коммуна опа Онабиби халфа қўшиқларини бирма- бир куйлаб бердилар. Айниқса, «Тунинай» (Тунов куни) қўшиғи бизга илҳом баҳш этди.

*Бир дилбари золим мени йиглатди тунинай,
Мужсон ўқини кўксим аро отди тунинай.
Аввайдан эди ёнимда бир кўҳна қадрдан,
Ул эркалик айлаб манго қор(қаҳр) этди тунинай...*

Комилжон устоз торлари садосига жўр бўлаётган машҳур ҳофиз Шерозий сози, мақомшунос санъаткор Нурмамат Болтаевнинг дутор наволари, шунингдек, най ва қўшнай, чанг, турли торли созларнинг учкур ва шиддатли куй ришталарини бир-бирига оҳиста боғлаётган доира зарблари аёл қалби сарзанишларини ифода этарди. Коммуна Исмоилованинг соғинч тўла овози саҳналарни титратиб, залда ўтирган томошабинлар юрагига Онабиби халфа куйлаган вафо боғларининг оромбахши нафасини олиб киради.

Онабиби халфа Отажонова – Ожиза Ватанни, пахта ва пахтакорни, озодлик, эркни куйлади. Боғлар, гуллар, булбулларга ошуфта севишган қалбларни мадҳ этди. Бироқ унинг орзу-умидлари рўёбга чиқмади, собиқ иттифоқ даврида қадр томиди, умр бўйи ҳар бир қўшигини НҚВД ходимларидан кўрқа-писа куйлаб, армон билан оламдан ўтди.

Бутунги ёш халфа қизлар Ожиза ижодини севиб ўрганмокдалар. Уни устоз Комилжон Отаниёзов сингтари ардоқлаб, тўплаб, янгидан замонавий руҳ баҳш этмоқдалар. Унтутилиб борилаётган халфалар санъатини қайтадан дунё саҳналарига олиб чиқиш ниятида бўлган ўнлаб ёш халфа қизларнинг номларини санаб ўтамиз. Улар хивалик Раъно Оллаберганова, Ширин Жуманиёзова, Нодира Богибекова, Янгиариқ туманидан Гули Кўшоқова, Санобар Қиличова, Урганч шаҳридан Ёрқиной Жуманиёзовалардир. Биз ҳам замонамиз ёш халфалари ижодини ҳикоя

Этиш ишгиёқида йўлга чиққанмиз. Мустақил ва бахтиёр ўзбек миллати наволарини, ўз қадриятларини улуғлаётган, сўз, соз, рақс санъати уйгунлашган қадимий халфалар ижодини ўрганаётган қизларга сўзсиз озод, хур Ўзбекистонимиз қанот бахшида этади.

9 октябрь, 2011 йил.

ҚАНОТСИЗ ЙЎЛДА ҚОЛДИМ...! (Гуноҳсиз гуноҳкорлар)

Асрлар бағрига қулоқ тутсак, унинг қаъридан момолар нидоси, орзуармонлари поенига етмаган оналар фарёдини эшитамиз.

Оллоҳ суйиб яратган гўзал малак – энг муқаддас зот бўлмиш аёл қисмати сон-саноқсиз жилди қадимий китоб саҳифаларига битилганки, уларнинг бари аёлларнинг аччиқ қисматидан садо бериб туради.

Аёлнинг бенуқсон латофати, ўлиқни тиргизгувчи жон физо такаллуми, етук салоҳияти олдида не-не улуғ зотлар бош эгган. Аёлнинг шараф тожини кийган буюк сиймоси боис унга эришиш мақсади эса қанчадан-қанча жанг-жадалларни бошлаб келтган.

Момолар бокира қиз бошига тушиши муқаррар бўлган тақдир савдоларига чидам бериш учун Оллоҳдан қиз бола жонини қирқта этиб яратишларини илтиҳо қилиб саждагоҳларга бош кўйганлар.

Ушбу мақолани битивида бизни ўйлантириб кўйган бир мухаммас соҳибаси, матонатли аёл Кишжон бека бошига тушган фалак золимлиги бўлди.

Кишжон бека (Киш – дегани ноёб, қимматбаҳо Кундуздир) тарихда илм-маърифатни, китобхонликни, адабиёт ва санъатни юксак погонага кўтарган Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи – Ферузнинг неварасидир. Унинг ўғли Исфандиёрхоннинг қизидир.

Кишжон беканинг бу мухаммасини унинг дўсти ва дутонаси Ёқутжон Абдукаримованинг ғазаллар ва хотиралар жамланган дафтаридан ёзип олдик. Ёқутжон Абдукаримова Комил Хоразмийнинг чевараси бўлиб, Ожиза тахаллуси билан ғазаллар битган таникли Онабиби халфа Отажонованинг (лақаби Онабиби қори) ғазал ёдлаттирувчи мураббийси эди. Онахон бу дафтарни бизга ҳаётлик пайтларида ёдгорлик учун тақдим этган эди. Гап шундаки, беш банд (беш бўлак) йигирма беш мисрадан иборат бу мухаммасда зиёли, илгор фикрли аёлларнинг камолот илдизларини қирқсан, уларни жисман ва руҳан ер билан яксон этган шўролар тузумининг мудҳиш қиёфаси фош этилган.

Бека қисқагина умр күрди. Атиги қирқ ёшларидаёқ топталган, адо бўлиб бораётган ҳаётидан сўзлаб, ўз дўсти-ёлларига мурожаат этади. Уни унутмасликларини, ёд этиб туришларини, соғинч нурлари билан руҳини шод этиб туришларини сўраб сўз бошлайди:

*Сизга арз айласам бу оҳу-зорим ёри-ёроним,
Фариблик даштида термулди икки чашми гирёним.
Неча вақтдур фалокатликда қолди бу азиз жоним,
Бу оғатдан қутулмоқлиққа йўқдир энди имконим,
Бошим олиб кетар бўлдим бақо мулкига ҳам жоним.*

Ахир Ферузлоҳнинг севикли невараси, ёшлигидан кичик шеърлар ёзиб, барчани лол қолдирган, акаси шоҳзода Темирози тўра билан бирга ҳарбий ўйиншарда ўғил болаларни мот этган бу шаддод қизча иқтидори нега очилмай сўлди экан? Нега у «Фариблик даштида», «фалокатликда қолди бу азиз жоним» деб ёзяпти. Чунки 1920 йил февралиди Хива давлати бошига келган «Қизил империя» авваламбор озодлик жарчилари бўлмиш «Ёш хиваликлар» қиёфасида иш бошлади. Улар ўзларининг разил мақсадларини яшириб зимидан иш тутдилар. «Ёш хиваликлар» ни, ҳалқ орасидан етишиб чиққан зиёлиларни, қаламидан ўт чақнаган шоир ва ёзувчиларни аста-секин йўқ қила бошладилар. Дунёга инқилоб, озодлик, аёлларни тутқинлиқдан баҳти ҳаётга отиб чиқамиз, деб бонг урган мустабид шўролар тузуми тарих сахифаларида қора доғ бўлиб қолди. Бу тузум оғтобдек равшан ақл ва иқтидор эгалари қаторига кўшилган илғор фикрли аёллар ёстигини ҳам курилди.

Кишжон бека ёрқин иқтидорли, тараққийпарвар қарашлари билан шўроларга қарши бўлган минг ва мингларнинг бири эди -да! Буни сезиб қолган ЧК ходимлари хон авлоди қизи бўлганлиги боис уни таъқиб қила бошладилар, жуда кўп зиёли аёллар қаторида турмага ташлайдилар. Улар орасида «Ёш хиваликлар» сардори Ҳусайнмурод девонбегининг (Мұхаммадмурод девонбегининг ўғли) хотини Муслима бека ҳам бор эди. Кишжон бека бу мухаммасида ўша давр фалокатлари ҳақида зорланиб ёзгани бежиз эмас.

Эҳтиросли шоиранинг таржимаи ҳоли билан қизиқиб изландик.

Кишжон бека таҳминан 1905-1906 йилларда туғилган. Ўша давр мактаб ва мадраса илмини олган. Полвонниёз Ҳожи Юсупов ўзининг «Ёш хиваликлар тарихи» (Урганч, 2000 йил) китобида Фахриддин Нақиб хўжа эшон невараларининг тарбиячиси замонасининг ўткир билимдони Муслима исмли аёл ҳақида эслатиб ўтади.

Кишжон бека сарой қизлари ичида турли дунёвий фанларга меҳр қўйганлиги билан ажralиб турар эди. У айниқса, жаҳон тарихини, Хоразм шоҳлари тарихини чукур ўргантган, аруз вазни санъати, шарқонағазал бўстони сир-синоатларини сипқарғани унинг ҳар бир сатрида жаранглаб туради. У ўзини шундай таништиради:

*Мени исламни сўрсанг шоҳи Фарруҳ дуҳтари эрдим,
Ки ул ота-онамнинг бошида тожу-сари эрдим,
Неча бечора мазлумларни ул кун раҳбари эрдим,
Ўтган қирқ икки шоҳ авлоидидан бир насли мен эрдим.
Фолак охирда мундай айлади шум баҳти иқболим...*

Бу сатрлардан кўриниб турибдики, Бека ўтмиш қадриятларини, бололари бўлмиш қирқ икки шоҳ ҳаётини, уларнинг юрт ободонлиги, халқ фаровонитиги ўйлидаги эзгу ишларини сидқидилдан ўргантан. Уларга муносаб фарзанд бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Биз Кишжон беканинг онаси томонидаги ота-боболари билан ҳам қизиқиб, тарихий асарларни синчилаб ўргандик. Журналистик фаолиятимиз давомида ёзib олган интервьюолар, эсдаликлар, сұхбатлар битилган дафтарларимизни варактадик ва Беканинг ҳаёт йўлларидан огоҳ бўлдик.

Шоир ва тарихнавис Баёний шажараларида Ферузшоҳ ва Исфандиёрхоннинг Петербургга қўйган сафарларида ҳамроҳ бўлган Юсуф маҳрам (Юсуф ясавулбоши ибн Авазжон маҳрам ибн Ниёзмат маҳрам) ҳақида кўп ёзилган. Унинг саводхон отин қизи Гулжон бека билан ҳали ҳаётлик пайтларида (1983 йил июль ойи) қўйган сұхбатимизда шундай хотиралар бор: «Мен 1906 йилда туғилганман. Кишжон бека билан Кўҳна Арк болалари лаврасида бирга ўсдик. Бека ниҳоятда ўқтам, ҳозиржавоб шоири эди. Ота-оналаримиз борди-кеядиси боис Исфандиёрхон оиласини яхши биламан. Хоннинг бешта никоҳли, бешта никоҳсиз хотинлари бор эди. Биринчиси Моможон бека бўлган. Иккинчиси Бекажон бека бўлиб, Исмоил Нақиб хўжа эшоннинг қизидан бўлган неварааси эди. Бекажон беканинг Темирғози тўра, Пўлатғози тўра деган ўғиллари бор эди. Учинчи хотини Шукуржон бека эса Исмоил Нақиб хўжа эшоннинг ўғли Фахриддин Нақиб хўжа эшоннинг қизидир. У болапарвар аёл эди. Ундан Кишжон бека, Бобохон тўра, Ҳалима Султон бека, Ўғилжон бека каби зурёдлари бўлган. Бироқ эгизак болалари, Мадамин тўра, Маткарим тўра исмли болалари ёшлигига оламдан ўтиб кетишган. Хоннинг тўртинчи хотини Исломхўжанинг қизи Азизпошша бекадир. У фарзанд кўрмади. Бешинчи хотини Махфира бека Собир Охуннинг қизи эди. Ундан ҳам фарзанд бўлмаган. Қолган бешта никоҳсиз хотинларидан ҳам кўпгина фарзандлар туғилган. Исфандиёрхон зурёдлари ўн олти -ўн етти нафарча бўлган...

Кишжон бека илмга чанқоқ оддий фуқаро қизларига, айниқса ғазалхон, хонанда ва созанда, соз билан яъни гармонда қўшиқ айтувчи халфаларга, ҳунарманд чевар қизларга доимо ёрдам бериб, ғамхўрлик қилиб турарди....» Бизга бу ҳақда ҳикоя этиб берган Гулжон бека узоқ умр кўриб, 1990 йилда оламдан ўтди.

Хива хонлари ҳужжатларини чуқур ўрганган тарихшунос олим М. Йўлдошев «Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши» деган китобида Нақиблар ҳақида шундай ёзади: «Нақиб ҳўжа – Саййидлар ва ҳўжалар учун юқори фахрий унвон эди. Нақиб хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлади. Нақиб мадрасани туттагтан, пайғамбар наслидан бўлиши керак эди. Расмий қабул маросимларида Нақиб ҳўжа хоннинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган... барча шоҳзодалар, ҳатто валииҳд ҳам Нақиблардан қўйироқда ўтирадилар». (Ўша китоб, 288-бет).

Кишжон бека етти бобоси, етмиш уруғини яхши билган дейишади. Айниқса, Элтузархон (1804–1806) даврида хизмат қилган Нақиб бобоси Жаъфар ҳўжа жанг майдонларида жасорат кўрсатган. У Элтузархон билан бирга Аму дарёга чўкиб ҳалок бўлган. Яна бир бобоси Исмоил Нақиб ҳўжа эшон Хоразмни босиб олган чор Россияси генерали Кауфман билан бўлган тўқнангувларда, музокараларда йигирма тўққиз яшар ёш хон Муҳаммад Раҳим Иккинчи – Ферузшоҳ ёнида туриб курашган. Унинг ўғли Фахриддин Нақиб ҳўжа Исфандиёрхон даврида у билан ёнма-ён ишлаган.

Кишжон бека Фахриддин Нақиб ҳўжанинг невараси бўлиб, унинг онаси Шукуржон bekani Хива хонлигини босиб олган большевикларнинг ЧК (фавқулодда комиссияси) доимий равища таъқиб қилган. Бу ҳақда Польониёз Ҳожи Юсупов «Ёш хиваликлар тарихи» китобида: «...ЧК Хивадаги ... тамоми бой одамларнинг уйини обиск қила бошлади... Исфандиёрхоннинг хотини Нақиб ҳўжа қизини (яъни Шукуржон bekani) ярим оқшомда отли охранлар (соқчилар) бирлан биродар Аҳмад Маҳмудов ва бошқалар бориб хотин-қизларнинг ухлаб ётган вақтларида мусодара қилиб, тинтуб қилиб, олтин, кумуш ва бриллиант жавоҳиротлар, асл матоларни олиб кеттган.» (Ўша китоб, 393–394 бет) деб ёзади.

Шўролар ҳукуматининг зомбилашган қонҳўр ЧК ходимлари Шукуржон bekani руҳан ва жисман йўқ қилиш билан бирга унинг болалири Кишжон бека ва Бобохоннинг изига тушганлар.

Кишжон бека илм-маърифатни, маданият, адабиёт ва санъатни беҳад севар, алиба бўлишини орзу этарди. Аллома боболарига муносиб илмли-ирфонли зурёд бўлмоқчи эди. Бироқ орзуларига етаолмади. Хон авлоди қизи эканлигини пайқаган ЧК ходимлари уни кўрқитиш, ҳибса олиш, таъқиб қилишда давом этганлар. Энди уларнинг асосий мақсади Кишжон bekaga Исфандиёрхондан мерос бўлиб қолган барча бойликларини тортиб олиш эди. Бу тўғрида бизга Исфандиёрхоннинг Ӯғилжон бека деган хотинидан бўлган Моҳипошша (Ферузшоҳнинг невараси) bekанинг қизи Раъно ая (Ферузшоҳнинг эвараси) ҳикоя этиб берганди. Раъно ая қатағон этилган шоир Комил Девонийнинг келини бўлиб, ҳозир Хивада истиқомат қиласи. У бизга Кишжон bekанинг укаси Бо-

бохон ва унинг хотини Малика билан тушган суратини ҳам ишониб топшириди. Кишжон беканинг бошига тушган кулфатлар, унинг фожиали ўлими ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Кишжон бекага шўролар ҳукуматининг ЧК жаллоллари ундаги отасидан қолган мол-дунёни ўзлаштириш мақсадида яна турмага қамаш, отиб ўлдириш билан кўрқитиб шундай деганинг: «Агар отанг Исфандиёрхондан мерос бўлиб қолган олтинларининг шўролар ҳукумати идорасига ўз аризанг билан топширсанг, сени давлат ҳимоясига оламиз, сенга шахсий тўппонча ҳам берамиз. Сенга бирор тажовуз этса, ўзинг ҳам ҳимояланинг мумкин» деб алдаганлар. Кўрқиб қолган Кишжон бека бир кўзача олтин тангларни уларга бериб ҳужжат олган. Бироқ ўша ҳужжатни бир ёлланма жосус аёл орқали ўғирлатиб, кўзачадаги олтинларни ўзлари ўзлаштириб олганлар. Шундан кейин Кишжон беканинг ҳар бир қадамини кузатиб, доимий равишда қўрқитиб таъкиб қилганлар. Ўшанда у укаси Бобохон тўра билан Хивадан қочиб, Тошкентда яшаб юрган эди. Укаси илм даргоҳларидан бирида ўқиб турарди.

Бобохон тўра таҳминан 1913 йилда туғилган бўлиб, 24-25 яшар йигит эди. Уйланиб, хотини Малика ва опаси Кишжон бека учаласи бирга яшаб турганида зомбилашган ЧК ходимлари уни 1938 йилда хон фарзанди деб қамоқقا оладилар ва йўқ қилиб юборадилар. Яккаю-ягона суюнган тоги – укасидан ажралиб қолган, шунингдек, хону-монидан ҳам ажралган Кишжон бека очликда, дарбадарликда яшаб, касал топади, Хивага қайтиб кслади ва бутунлай ётиб қолади. Онабиби ҳалфанинг ғазал ёллаттирувчи мураббийси Ёқутжон Абдукаримованинг кундалик дафтарида бу тўғрида эса шундай деб ёзилган: «Уруш Йиллари эди. Кишжон беканинг касаллиги жуда оғирланди. 1944 йилнинг биринчи январида Хива касалхонасига келади. Бу касалхонани 1913 йилда отаси Исфандиёрхон курдирган эди. Бу доруғшифода неча йиллардирки, ҳалойиқ шифо топиб келар эди. Оғир касалликка чалиниб, оёғи фалаж бўлган бекага шўро докторлари яқин ҳам келмайдилар. Хоннинг қизи деб даволащдан бош тортадилар». Орадан кўп ўтмай у ҳаёт билан видоланиди. Бу 1946 йиллар эди. Кўп замонлар иисиз, бошпанасиз, очликда, хору-зорликда кўчада қолган Кишжон бекани дугоналари ўз бағрига олган эдилар. Ўлими олдидан ёзилган ушбу сатрлар гуноҳсиз аёллар ҳаётига гўр қазиган совет ҳукуматига отилган ўқдир.

*Фалак золимлик айлаб хону-монимдин айирдилар,
Бошим устида турган соябонимдан айирдилар,
Отамдан ёдгорим Бобохонимдан айирдилар,
Қанотсиз йўлда қолдим болу-паримдан айирдилар,
Кетар бўлсам бу дунёдан юракда кўндирип армоним.*

Кишжон бекани дўстларидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Унинг барча ург-аймоқлари узоқ Украина га сурғун этилганди. Беканинг дўстлари бу мухаммасни жуда эҳтиёткорлик билан «тишларининг орасида» сақлаб келадилар. Бу ғазал яшин тезлигида аёллар орасида тарқалиб Онабиби халфа унга куй басталайди. Дўст-ёрлар йигилганда соз чалиб, бу қўшиқни айтиб, тўйиб-тўйиб йигилар эканлар.

Биз ҳам бу мухаммасни ўқиб Кишжон беканинг эҳтиросли шоира эканлигига ишонч ҳосил этдик. Ишонамизки, шоиранинг ғазал дафтарлари унинг қариндош-уруглари орасидан балки топилиб қолар.

Мустабид шўролар даврида таҳқирланган, орзу-армонлари топталган, зиёли, иқтидорли аёллар руҳини шод этиш хайрли ишлар. Ўтмиш аждодларимиз, момоларимиз, шунингдек, гуноҳсиз гуноҳкорлар – Хоразмшоҳлар зурёдларининг аянчли тақдирни билан истиқтол ёшлари қизиқадилар деган умиддамиз. Зероки, шўролар даври заҳарлаган бу авлоднинг фожиона ҳаётини ўрганиш, илмий мақолалар ёзиш бугунги озод ҳаётимиз, обод ва қўркм мустақил юртимиз бугуни ва эртасининг қадрига етишда ибрат мактаби бўлади, деб ўйлаймиз. (Кишжон беска мухаммасининг матни илова этилади).

КИШЖОН БЕКА МУХАММАСИ

Сизга арз айласам бу оху-зорим ёри-ёроним,
Рариблик даштида термулди икки чаҳми гирёним,
Неча вақтдур фалокатликда қолди бу азиз жоним,
Бу оғатдан қутамоқлиққа ўйқдир энди имконим,
Бошим олиб кетар бўлдим бақо мулкига ҳам жоним.

Белимда қувватим ўйқдир зиёратгоҳига борсам,
Қўлимда давлатим ўйқдир табиблардан даволансам,
Ёнимда ҳамдамим ўйқдир онго орзу дилим айтсам,
Берармукан муродим йиглабон Оллоҳга ёлборсам,
Қани бўлса эди Маккам-Мадинам, шоҳу султоним.

Фалак золимлик айлаб хону-мөннимдан айирдилар,
Бошим устида турган соябонимдан айирдилар,
Отамдан ёдгорим Бобохонимдан айирдилар,
Қанотсиз ўйлда қолдим болу-паримдан айирдилар
Кетар бўлсан бу дунёдан юракда кўпдир армоним.

Сафар қилсан фанодан дўсти ёрим ҳуш қолинг энди,
Нечангиз жам бўлғонда мени ёдга солинг энди,
Саёҳат айласангизлар мозоримга боринг энди,
Шарофатлик дуо билан руҳимни шод қилинг энди,
Бу хат бирла сизга қолсин умрлик ному-нишоним.

*Мени аслимни сўрсанг шоҳи Фаррух духтари эрдим,
Ки ул ота-онамнинг бошида тажсу-сари эрдим,
Неча бечора мазлумларни ул кун раҳбари эрдим,
Ўтан қирқ икки шоҳ авлодидан бир насли мен эрдим,
Фалак охирда мундай айлади шум баҳту иқболим.*

*(Кишижонbekанинг қадрдан дўсти Ёқутжон
Абдукаримова дафтаридан. 1944 йил 1 январь).*

ЭЛЧИГА ЎЛИМ ЙЎҚ...

Ўзбек халқининг шарқона фаҳр ва ифтихор туйғуларига тўла одамийлик фазилатлари жуда кўп. Юрт шаъни, ота макон тинчлиги, миллат осудалиги учун жон фидо этиб, унга бутун умрини бағишлиш буюк инсоний сифатлардандир. Шу боисдан халқимиз эллар аро яхши ном чиқарган инсонлар умри зиёдадир, уларнинг муборак номлари эса иккинчи ҳаётга муносибdir, дейишади. Айниқса, ўзлигимиз акс этадиган шундай фазилатлар борки, булар гўзал одоб-икром фани бўлиб, бу баҳт калитидир. Ҳаёва ибо-садоқат, саодат бўстони, муҳаббат-мехр чашмаси, хайр-эҳсон эса хотамтойлик нашидасидир. Бироқ, шарқона фазилатлар ичida шундай ноёб ва илоҳий инсоний сифатлар борки, бу фақат илму-ирфон, мукаддас ислом дини маърифатларварларига хосдир. Миллатимизнинг ўзлигини янада чуқурроқ англамоқ учун олис-олис асрлар бағрида яшаб ўтган исломий тафаккурли қадриятларимизнинг юрак садоларига қулоқ тутамиз. Улар муаззим «Фийро-фийр»лар, авлиёлар, шайхлар, эшонлар, охунлар, тасаввуф диний-фалсафий оқимининг буюк намояндаларидир.

Қадимий аждодларимиз қиёфасидаги улуғлик хушбуйликлари бу илму-маърифатга, маданият ва ҳақиқатга эришиш, руҳий ва жисмоний баркамоллик рамзи бўлмиш исломий иймон, раббоний эътиқодга эга бўлиш демакдир. Шу боисдан биз уларни миллий маънавиятимиз устунлари деб фаҳрланамиз. Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, ана шундай боболаримизнинг ватан меҳрига тўла жасоратли нидоларини эшитамиз. Улар ватан туғини юрагига босиб, муғул босқинчиларига қарши курашда шаҳид бўлған ҳазрати шайх Нажмиддин Кубро, рус мустамлакачиларининг додини бергани учун осиб ўлдирилган Дукчи эшон, большевикларга қарши озодлик байробини кўтаргани учун махфий отиб ўлдирилган Бобо эшон Салимов каби аждодларимиздир.

Ушбу мақолада бутун умрини жанг майдонларида элчилик байробини баланд кўтариб жасорат кўрсатган Ибодулло эшон ҳақида сўз юритамиз. Ибодулло эшоннинг етти орқаси ва етмиш уруғи Муҳаммад Сал-

лоллоху алайхи васалламнинг Оллоҳ таолодан тилаган яқин дўсти Султон Увайс Қараний (625-659) издошлиридан бўлган Кўкат бобо авлиёи азимга бориб тақалади. Бу улуг зот маскан тутган муқаддас жой бугунги кунда Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги Боғолон қишлоғида ҳалқ зиёраттоҳига айланган. Ибодулла эшон ҳақида «Хива Давлат ҳужжатлари» (Тошкент, 1960 йил, М.Й. Йўлдошев таҳрири остида) китобида бундай деб ёзилган: «Хон саройида бир неча эшонлар бўлиб, улар хонга бўйсунишдан ёки унинг бирор фармойишини бажаришдан бош тортган қабилалар орасига элчи сифатида юборилиб, уларни «тўғри йўлга» солиш учун насиҳат қўллардилар. Ана шулардан бири Ибодулла эшон бўлиб, у хонга бўйсунишдан бош тортган ямут қабилаларининг орасига юборилган. (Ўша китоб, 320-бет). Дарвоҷе, Ибодулло эшоннинг тинчлик жарчиси, кароматли, файласуфона иродали эканлиги ҳақида Оғаҳий «Жомеъу-л-воқеоти Султоний», «Гулшани давлат» асаларида батафсил ёзган. Шунингдек, сарой шоири ва хаттот Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодим «Хоразм шоир ва навозандалари» китобида Ибодулло эшон қавмида туғилиб ўзидан шеърий девонлар қолдирган шоирлар ҳақида ҳикоя этиб, Ибодулла эшон ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёзган. Маълумки, Оғаҳий «Жомеъу-л-воқеоти Султоний» асарида Муҳаммад Аминхон (1846-1855), Абдуллаҳон (1855 й. Март-1855 й. Сент.), Кутлуғ Муродхон (1855-й. Сент. 1856 й. Март) ҳукмронлик қилган даврдаги воқеаларни тасвирлаган, ҳарбий юришларнинг кундалик манзарасини чизиб берган. Гап шундаки, Хива таҳтида тўққиз йилу қирқ етти кун хонлик қилган Муҳаммад Аминхон 37 ёшида Сарахс қальласига яқин Қонли тепада шаҳид бўлади. Унинг ўрнига Сайид Абдулла Муҳаммад Баҳодирхон тайинланади. У Сайид Абдуллаҳон Муҳаммад Раҳим Биринчининг оқоси Кутлуғ Мурод иноқнинг ўғли эди. Бу воқеа 1855 йилнинг 19 март, душанба куни содир бўлади. Хоразм хонлигидаги барча туркман қабилалари доимий равишда туркман муфсидлари устидан ғалабага эришиб келаётган Муҳаммад Аминхон мағлубиятини эшитиб, жуда қувонадилар ва ҳаммалари қонли жангта отланиб Абдуллаҳонга қарши юриш бошлайдилар.

Оғаҳийнинг ёзишича, ёш хон таҳтга ўтиргач, тинч аҳолини талонтарож қилишга киришган туркман муфсидларига қарши ҳимояяга отланади. У Тошховуз, Хилолий (Илонли) қалъалари учун жанг қиласиди. Таҳта туманига яқин Якка динг мавзесида шаҳид бўлади.

Оғаҳий беш ярим ой таҳтда ўтириб, 38 ёшида оламдан ўтган Сайид Абдуллаҳон жанглари, ямут муфсидлари келтириб чиқарган хонавиронниклар ҳақида ёзиб, унинг ўрнига таҳтга чиқсан ўн етти ёшлик Кутлуғ Муродхон даври воқеаларига тўхталади. 1855 йил 5 сентябрда таҳтга ўтирган Кутлуғ Муродхон дарҳол ҳалқ асойишталигини ўйлаб,

аркони давлат маслаҳати билан Ибодулла эшонни мухолифлар билан сулҳ тузишга жўнатади. Шунун айтиш керакки, Кутлуг Муродхон Абдуллахоннинг жияни, Кутлуг Мурод иноқнинг Ибодуллобек ўғлидан бўлган невараси эди. Ибодулла эшон босқинчилик урушини тўхтатиш, ҳар икки томонни келишириш, сулҳ тузиш, асиirlарни ўз юртларига қайтариб олиб келиш, барча-барчани бехуда қон тўкишдан тавба-тазару қилишга чорлайди. Оғаҳий «Фуқаро ва раоё осудалиги» учун жасорат кўрсатган Ибодулла эшон ҳақида бундай деб ёзади: «...Ибодулла эшонни элчи қилиб тарокима муфсидларига истимолатнома йиборди. Токим икки тарафдин мувофақат йули очилиб, мухолафат тариқи масдуд бўлгой ва мамолики Хоразм улуси ташвишу паришенхоллиф дағдагасидин кутулрай».

Ўз зиммасига оғир ва хавф-хатарли вазифа юклатилган Ибодулло эшон ямут катхудолари олдига боради. У беш кун мобайнида тинч аҳолини чопқин этиб, мол-мулкини талаётган туркман авбошлари билан музо-каralар олиб боради. «Куръони Карим»нинг зоҳирий ва пинҳоний ка-роматини эгаллаган элчи Ибодулло эшон душман тилини боғлаш, уни ўзига ром этиб олиш иқтидорига эга эди. У вактинча бўлсада урушни тўхтатди. Хива қўшинларидан аср олинган қирқ-эллик нафар асиirlарни озод этишни талаб қиласди ва Хива қўшинларига асир тушган барча туркманларни қайтариб олиб келишга ваъла беради. Эшон элчилик байроғини баланд кўтариб, асиirlарни ўзига эргаштириб ёш хон ҳузурига ғолибона кириб келди. Бу тўғрида Оғаҳий шундай деб ёзади: «Яна ул-ким, чун санаи минг икки юз етмиш иккига таҳвил тогти, муҳаррам ойнинг иккисида, панжшанба куни Ибодулла эшон ямут орасидин келиб, Абдуллахони марҳумийнинг ҳодисасида гирифтор бўлғон асиirlардин бериб йиборғон қирқ-эллик нафар асири бир неча узромуз сўзлари била арзга еткурди».

Ибодулло эшон асиirlарни Кутлуг Муродхон ҳузурига олиб кириб уларнинг гуноҳларини ўтишни сўради. Асиirlарни хон ғазабидан озод қилди. Шу куннинг эртасиёқ, Кутлуг Муродхон Ибодулла эшонни ямут асиirlарини олиб бориб сулҳ тушиб келиш учун қайтадан йўлга равона қилди. Бу тўғрида Оғаҳий: «Хони жаннатмакон тонгласи, мазкур ойнинг учida, жума куни яна Ибодулла эшонни Яъқуббек ибни Фозилбек била ямутта элчи қилиб, ямутнинг бир неча нафар асирин бериб, мулоҳиматасар сўзлар билан ирсол қилди. Аммо ямут муфсидлари жибиллий шақоват ва зотий шарорат муқтазоси била мазкур бўлғон элчиларга ниҳоятсиз ҳақоратлар еткуруб, номаъкул ва хушунатомиз сўзлар айтиб, кўп изо ва озор бериб қайтардилар». (Ўша асар, 12-13 б).

Афсуски, ўз асиirlарини қайtариб олган ямут муфсидлари Ибодулло эшон билан сулҳ тузмай, уни ҳақоратлаб орқага қайтардилар.

Улар қайтадан күч тұплаб, Хонобод қалъасини ишғол қила бошладилар. Шунингдек, Қылғы Ниёзбай қатъаси. Тошховуз, Фозибод, Хилолий қалъаларини әгаллаш учун туркман саркашлари жаңгга киришлилар. Оғажий жаңг майдонларини тасвиirlаб: «...Хивাক музофотидин баъзи кентларга...чаповул маркабин суруб, мусулмонларнинг қонин тўкиб, кўп аёлу атфолин асир қилиб, беҳисоб амволу мавоши ва асбобу ҳавошисин...ўзларининг йигноқига сурдилар...», деб ёзди.

Босқинчилик уруши шу даражага бориб етдики, улар йўлларда Хоразм карвонларини ҳам талай бошладилар. Шаҳру-қишлоқлар вайрон бўлди. Гап шундаки, ямут ва човдар қабиласининг машҳур раҳнамоси Ҳожа Аҳмад Эшон ҳам исёнчиларнинг қонли босқинини тўхтата олмади. Натижада, у босқинчилардан юз ўғирди. Ҳатто, ўлганларнинг жанозасига бормай қўйди. Ана шундан кейингина ямут муфсидлари ўз журму гуноҳларини англаб етдилар. Эшон олдига келиб Хива хони билан сулҳ тузмоқ, барча гуноҳларини афу этмоқни сўрай бошладилар. Ҳожа Аҳмад эшон ёш хон олдига келганида уни барча ҳурмат билан кутиб олди. Ниҳоят, Кутлуг Муродхон икки эл эшонларини бирга қўшиб, сулҳ тузиб, тинч-осуда ҳаёт ўрнатиш учун уларни туркман элига юборди. Улар орасида Ибодулло эшон ҳам бор эди. Бу ҳақда Оғажий ўша «Жомеъу-л-воқеоти Султоний» асарида бундай деб ёзди: «... Муфсидларнинг қасоватпарвар хотираларининг орому итминони учун қароматнишон обидлар ва вилоятиқтирон зоҳидлар саромадидин Умар эшон ва Ибодулла эшон ва Соат эшон ва Муҳаммад Карим эшонни Ҳожа Аҳмад эшонга қўшуб, иноят ва истимолатнома топшуруб, рабиъуссоний ойининг иккисида, сешанба куни фасод ва инод аҳли жонибиға ирсол қўлди, токим муассир насиҳатлар била оларни итоат ва инқиёд жодасига киргизгайлар ва мавъаза суҳони била тийра табиатлари аёқидин тажаббур ва тамарруд занжирин узгайлар». (Ўша асар, 121-бет).

Бу эшонлар туркман қабилалари олдига бориб, исёнчиларга панду – насиҳатлар қилдилар, қон тўкиш, ўз аро қаҳру-ғазаб, бегуноҳ болалар ва аёлларни асирликка гирифтор қилиш Оллоҳ қаҳрига учрашдир, охиратда расво бўлишдир, деб тушунтирилар. Барча эшонлар қаторида Ибодулло эшон кўрсатган жасорат, фидойилик ўз натижасини берди. Икки эл кишилари бир-бирларининг гуноҳларини кечириб, тинч-осуда, дўстона яшашга интила бошладилар. Бироқ, баъзи туркман муфсидлари ўзларининг қаро ниятларидан ҳали буткул қайтмаган эдилар.

Шуни айтиш керакки, Кутлуг Муродхон 1856 йил 14 марта ўз амакиси Муҳаммад Ниёзбий томонидан пичоқлаб ўлдирилди. У Хива тахтида беш ой ҳукумронлик қилди. Шу куннинг ўзидаёқ, Сайид Муҳаммад Баҳодирхон хон этиб кўтарилди. Оғажий «Гулшани давлат» аса-

рида унинг замонилаги мұхим воқеаларга тұхталар экан, қароматнишон әлчи Ибодулло эшоннинг миллат осудалиги, миллат қайфуси билан яшаб әлга хизмат этгани ҳақида алоқида тұхталған. Сайд Мұхаммад Баҳодирхон тәхтта үтирган дастлабки кунлариданоқ, ямут ва ямроли муфсидларига қаратса жуда күп илтимосномалар юборди. Үтмишда содир бүлған барча хунрезликларни унугишиң, тинч- осуда яшашиң, бу дүнө неъматларидан баҳраманд бўлиб, Оллоҳга шукроналар айтишиңи, әл-юртни обод қилишиң үтишиб сўради. Бироқ ҳон марҳамати ва мурувватига улар кулоқ тутмай, исен майдонига, фиску-фасод гирдобига қадам қўя боиладилар.

Ибодулло эшон «Хивақ музофотин чопмоқ» учун минг беш юз чоғлиқ отлиқ жам бўлиб, уруш бошлаб, воҳа шаҳру-қишлоқларида қирғин бошлаган ямут муфсидлари орасига бир неча маротаба әлчи этиб юборилади. У орол Кўнғироти улуғларидан Кутлугмурод бийни асирликдан кутқариб олиб келганида Хива ҳони, шунингдек, Кўнғирот ҳалқининг олқишига сазовор бўлади. Чунки, Кутлугмурод бий шавкатли саркарда, ота маконни, ямут босқинида қолган фуқароларни ҳимоя этишида жонбозлик кўрсатганди эди.

1856 й. 14 марта таҳтта үтирган Сайд Мұхаммад Баҳодирхон уни тақрор ва тақрор исёнкорлар орасига юборади. «Куръони Карим»ни неча бор ўқиб, унинг илоҳий куч-құдратидан иймон ва эътиқодига беадал руҳий қувват олган Ибодулло эшоннинг ҳар бир сўзи, панд ва насиҳати мухолифлар даврасида гүёки жавоҳир конига айланар эди. Эшон шу қадар исломий салоҳиятта зга бўладики, унинг олдиди кўзи қонга тўлган энг ёвуз, энг муттаҳам, Оғаҳий ибораси билан айтганда «талбисда (яъни ҳийла-найрангда) иблисни ҳам эътибори назарига илмас» жоҳил саркарлар ҳам сеҳрланиб, «илон заҳрига тўла» тиллар боғланиб, карахт бўлиб қолар эдилар. Бу ҳақда Оғаҳий «Гулшани давлат» асарида батағсил баён этади. Ибодулло эшон исёнкорлар орасида осудалик билан сулҳ тузиб, барча асирлардан ташқари душман томонга ўлжа бўлиб тушган тўплар, туғлар, барча уруш яроғларини ҳам қайтариб олишга мушарраф бўлади. Оғаҳий бу воқеаларни тасвирлаб: «Борча инод ва инқиёд аҳти истихора ва истишорадин сўнг иттифоқ била ўз маслаҳатларин мусолаҳа ва мутобаат қыммоқда кўруб, Абдуллахоннинг воқеали ҳойиласидаги қолғон тўблар ва туғлар ва баъзи асбобни йиғноб, ҳар уруғдин бир неча мұтабар кишиларга топшириуб, мазкур эшонға (Ибодулло эшонға) қўшуб, инкисори тамом ва эътизори молокалом била осто ни давлатпосбон зиёратига равон қўлдилар».

Исёнчилар олиб борган жанг майдонларида Ибодулло эшон кўрсатган хайрли ишлар, әлчиларга хос довюраклик ҳақида «Хива давлат хужжатлари»да ҳам ёзилган. Маълумки, 76-дафтарда 1856-йил воқеала-

ри биylan боғлиқ даимат харажатлари қайл этилган. Унда: «Ибодулло эшонимизга түпларни Илонлиға келтирмоқ учун хорожотига йигирма тилло берилди» деб ёзиған. (Ўша китоб, 60-бет).

Халқымиз «элчига ўлим йўқ» деб бўжиз айтмаган. Элчи Ибодулло эшон амалга оширган ибратли ишлар ҳақида фақат Отахий эмас, ўна даврнинг қўпгина шоир ва тазкиранавиз тарихчилари ҳам ўз асарларида ёзид қолдирганлар.

Шоир Камёб – Сайд Ҳомид тўра Сайд Муҳаммад Баҳодирхоннинг 1861 йил сентярида туғилган кенжা ўғлидир. У «Таворих -ул хавонин» (Тошкент, 2002 й.) рисоласида жуда кўп дин орифлари ҳақида сўз юритиб, Ибодулло эшон ҳақида шундай деб ёзади: «Ҳазрати бузруквор Ибодулло эшонимизни зиёрат этиб бир маротаба дийдори фархундаосорларин кўрдум. Байт:

*Яхшиларнинг юзини бир йўла кўр ё юз йўла,
Кўнглиниг ондин шод ўлуб, Ҳақ нуриға қалбинг тўла.*

Ва ул бузрукворнинг ўғуллари ҳазрати Юсуфхон эшонимизнинг сухбати мубораклариға гоҳ-гоҳ восил бўлуб ва чақириб ва ҳам улфат ойланниб кўнглумга фараҳлик ҳосил бўлур эрди ва охир умрларида ҳажзиёратин этиб, ҳожи ҳам бўлуб эрдилар. Байт:

*На давлатдур Ҳудо берса қулига,
Савобин ҳожи эшонлиқ қулига.»*

(Ўша китоб, 103-б.)

Сарой шоири ва хаттот Бобоҷон Тарроҳ – Ҳодим ҳам «Хоразм шоир ва навозандалари» китобида шоирлардан Ҳақирий – Муҳаммад Шариф Йўлбузар Оҳунд, Ҳокий – Ибодулло Фоний Охунд, Музниб – Муҳаммад Ниёз Махсум сори девонларни Ибодулло эшон масжиди қавмида туғилгани ҳақида ҳикоя этади. Хиванинг Ичон қалъаси Боғча дарвазасидан то Де肖он қалъанинг хозирги Кўша дарвозасигача бўлган ҳудул Ибодулло эшон қавми, деб юритилган. Бобоҷон Тарроҳнинг ёзишича, бундан 300 йил илгари бу мавзеда Нон емас бобо қабристони жойлашган бўлиб, унда Ибодулло эшоннинг ўтмиш боболари «Фирро-фийр»-лик (Пирлар-пир) қўлигандар. Бу тўғрида Отахийнинг «Фирдавс ул-иқбол» асарида ҳам қизиқарли тарихий ҳужжатлар бор. Бобоҷон Тарроҳ жуда кўп шоирлар ва улуғ зотлар жасади Нон емас бобо қабристонига кўйилгани, 1913 йиља «Кўша дарвоза» қурилгач, бу қабристон Чодирли эшон қабристонига кўчирилгани ҳақида ёзади. Шоир Ҳодимнинг бу хотиралари алоҳида илмий мақолаларга мавзу була олади.

Ота макон меҳри, ваган ғурурини юрагига жо этиб, қонли жангулар майдонида тинчлик жарчиси бўлиб, элчилик байрогини баланд кўтариб яшаган Ибодулло эшоннинг буғунги авлодлари боболари мавзеси-

даги Дошкўприк маҳалласида туғилиб ўсдилар. Улар таниқли педагог Ёқутжон Ибодуллаева, Муҳаммад Амин эшон, математик олим Муҳаммадкарим Ибодуллаевлар оиласидир. Улар ўтмиш боболари «Кўкат бобо» авлиё ҳудудини янада обод қилмоқдалар.

Ўз юрти ва миллатини бир бутунлиги учун курашиб, тарих суронларида жасорат кўрсатган эшон боболаримиз ҳаёти ҳақида муфассал баён этиш, бугунги истиқтол ёшлари зиммасига озод ва баҳтили, мустақил ватанни қадрига етиш, унинг бугуни ва эртаси учун курашиш масъулиятини юклайди.

«ОЙНАИ ЖАҲОН» – ТАФАККУР ГУЛТОЖИ

Телевидение шундай «Маоний арсаси»ки, у матбуотнинг барча турлари, адабиёт ва санъатнинг барча хоссаларини ўзида мужассамлашгирган маънавият қуролидир. Унинг кўрсатувларида газета, радио, кино ва театр, тасвирий ва фото санъатининг, ҳалқ ижодиёти, мусиқий оламнинг мақомот, қўшиқ ва рақс гўзалликлари, энг муҳими сўз-нотиқлик (воизлик) санъати мажмуаси намоён бўлади. Телевидениенинг пайдо бўлиш жараёнлари, у XX аср мўъжизаси эканлиги тўғрисида ер юзи олимлари жуда кўп китоблар ёзганлар.

Шуни беадад қувонч ва гурур билан айта оламизки, Ўзбекистон телевидениенинг ота ватани, у инсон тафаккурининг гултожидир.

Телевидениеда жаннатнинг ҳаётбахш нури бор, ўша илоҳий нур боис унинг ойнасида ўн саккиз минг олам, бир сўз билан айтганда, унинг экранида жумла-жаҳон кафтдек намоён бўлади.

Дарвоҷе, инсон пайдо бўлибдики, дунёни англашга, билишга, ўрганишига интилади. Инсон ақл-идроқи, зеҳни-заковати қудратининг чеки йўқ. Унинг хотира кенгликлари беадад, эътибор ва қизиқишилари шиддатли, жисмонан ва руҳан етук, онги, илм савияси буюклиги боис, телевидениедай мўъжизани яратишга қодир бўлди. Шунинг учун ҳам телевидениенинг асосий хоссаларидан бири инсонларнинг қалб уйига кириб бориш, унинг онгита, ҳис-туйгуларига, илм савиясига, эътиқод ва зътиборига ижобий таъсир этиш ва уни доимо яхшиликка, юксакликка, камолот чўққиларига йўллаб туришдан иборатдир.

Олим ва журналист Анвар Каримов «Ойнаи жаҳон» фидойилари» китобида таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистон телевидениеси жаҳон телевидениелари ичра шундай буюк шоҳсупага кўтарилдики, сунъий йўлдош орқали мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеалар, шодиёна байрам намойишлари олтмишдан ортиқ давлатларга олиб кўрсатилмоқда. Халқаро интернет тармоғи орқали эса, беш қитъянинг миллион-миллион кишилари кундалик «Ахборот» информацион дастурларини томоша қилмоқдалар. Эндиликда Ўзбекистон телевидениеси

Германия, Малайзия, Греция, Франция, Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср Араб Республикаси, Туркия, Польша каби давлатлар миллий телевидениелари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб олган.

Шўролар даврида Ўзбекистон «ойнаи жаҳони»ни хорижликлар билмас эдилар. Энди эса, Ўзбекистон телевидениесини бутун олам танийди. Бу дегани, биз дунёларни танидик, бутун дунё эса бизнинг ўзбек элизизни таниди, тан олди деганидир. Шарқона маънавиятнинг бу камолот чўққисини эгаллаш осон кечмади. Шўролардан қолган эски, сийқаси чиқиб, ўз умрини ўтаб бўлган техник жиҳозли телевидение қайтадан яратилди. Эркин фикрли, мураккаб телевизион тафаккури, тиллари ширип ва бурро, истеъододли ёш тележурналистлар авлоди шаклланди.

Мустақилигимизнинг йигирма йили мобайнида Ўзбекистон телевидениеси жаҳон андозаларининг энг янги, энг сўнгги телевизион ускуналари билан жиҳозланиб, таниб бўлмас даражада янгидан чирой очди. Унинг ҳар бир қадамини кузатиб, ҳар бир янги туркум кўсатувларини таҳлил этиб, бугунги мустаҳкам иймон ва эътиқодли, ёрқин иқтидорли ёш тележурналистлар авлодини кўриб, баҳри дилимиз яйрамоқда.

Милионлар микрофони зарқаламли ҳамкаслар кўлида эканлигидан руҳланиб, Ўзбекистон телевидениеси тарихи, унинг осон кечмаган ривожланиш босқичлари, республикамизнинг шаҳар ва гуманларида пайдо бўлган ўнлаб нодавлат телестудиялар, кабель, антеннали телевидениелар фаолияти тўғрисида ҳикоя қўлмоқчимиз. Айниқса, ўзбек телевидениесининг тамал тошини қўйганлар ҳақида, шўролар мафкурасининг темир панжалари остида ишлаб бирор яхши кун кўрмаган оташнафас журналистлар тўғрисида туркум мақолалар ёзишга ихтиёр этдик.

Чунки телевидение тарихи миллатимиз ҳаёти, мустақил ватанимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМАРКАЗИ

Қўлимизда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги нашри – «Хабар» газетасининг 1993 йил 18 июнь сони бор. Унинг бир саҳифаси 1950 йилларда шу вазирликда ишлаган таникли алоқачи Юсуф Ҳошимович Муҳамедовнинг Ўрга Осиёда биринчи «Тошкент телемаркази» қурилиши тарихи ҳақидаги қизиқарли хотираларига бағишланган. Шунингдек, муаллиф бу саҳифада вилоятлараро дастлаб «Хоразм «ойнаи жаҳони» қурилгани ҳақида ҳам ҳикоя этади.

Телевидение қурилиши бошида турган, унинг барча жавобгарлитини ўз зиммасига олган Юсуф ака Муҳамедов ҳикояларини ўқиб, мустабид шўролар даврида телемарказ қурилишига нақадар беписандлик билан қаралганини кўрамиз. Москвага қарамлик натижасида бу иш тошбақа қадам билан олти йилга чузилиб кетганидан хабар топамиз.

— 1950 йилнинг март ойлари эди — деб ёзди хотираномасида муаллиф, — Ўзбекистон Марказкоми биринчи котиби Усмон Юсупов ҳузурига чақирилдим. Усмон ака яқинда Москвада бўлгани, Тошкентда телемарказ қурилиши ҳақида Иттифоқ Алоқа вазири билан сұхбатлашгани ҳақида айтди. Москвага бориб ташкилий, техникавий ва таъминот масалаларини тезда ҳал этиб келишимни топширдилар.

Гап шундаки, Тошкентта лойиҳачилар билан қайтиб келган уддабуррон Юсуф ака Мұхамедов телемарказ қуриш учун катта муаммолар келиб чиққанидан ва уни ечиш эса Москвага боғлиқ эканлигидан изтироб чекади. Чунки лойиҳачилар икки юз метрлик телеминора қуриш учун Шайхонтохур даҳасини танлаган эдилар. Телеминоранинг баландлиги 180 метр, унинг устидаги антенна 30 метр бўлиб, бу лойиҳани Авиация бошқармаси билан келишиши лозим эди. У ердаги раҳбарлар эса Москва ва Новосибирск йўналишидаги учувчи самолётлар ҳалокатга учраши мумкин, деб бу ишга анча вақтгача қаршилик кўрсатдилар.

— Телемарказ қурилиши чўзилиб кетди. Ниҳоят бу иш орадан олти йил ўтгач, 1956 йил октябрь ойининг охирида тугалланди ва 6 ноябрь кеч соат олтида лента кесилиб, Тошкент телемаркази ишга тушди. Ўша кезларда телемарказнинг директори Х. М. Абдуллаева, бош муҳандис У. Л. Литинскийлар эди, деб хотирлайди Юсуф ака.

Тошкент телемаркази ишга тушгач, Фарғонага яқин Водил тумани, Самарқандга яқин Кўйтош пунктларида Ташкент телемарказининг кўрсатувларини бемалол қуриш мумкин эканлиги аниқланди. Минг афсуски, республиканинг бошқа вилоятлари «ойнаи жаҳон» мўъжизасини тамоша қила олмас эдилар.

ХОРАЗМ «ОЙНАИ ЖАҲОНИ»

Тошкент телемаркази ишга тушгач, орадан роппа-роса бир йил ўтди. Республиkanинг қўлигина вилоятларида телекўрсатувлардан баҳраманл бўлаёттаниларнинг сафи кенгайди. Узоқ Хоразм шаҳру-қишлоқларига бу хўлихабар дарҳол этиб борди. Пойтахтга келиб «Ойнаи жаҳон» кўрсатувларини томоша этиб борган хоразмликлар бу мўъжиза ҳақида кўзлари чақнаб, ҳаяжон билан гапириб берар эдилар.

1957 йилнинг маҳаққатли кузи. Қишизгириларини бошлаб келаётган чанг-тўзон Хоразм далаларини қоплаб олган. Паҳта терими тинимсиз давом этарди. Колхозчилар кундузи охирги чигит ва кўсакларни юлиб оляптилар. Кечқурунлари эса «вороха чистка» (кўсак чувиш) машинаси атрофида ишлаб тонгни оттирадилар. Ҳар бир далада паҳта теримини кузатиб маҳсус вакил, партком, комсомол вакили, колхоз раиси, бриталир колхозчи тепасида зугум қилиб туради...

Пахта планини аллақачон бажарыб, зиди «социалистик мажбурият» хисобига ишлаб, тинкаси қуриган пахтакорлар билан учрашиб, пахта теримини янада жадалаштириш мақсалида Ўзбекистон Марказкоми-нинг биринчи котиби Шароф Рашидов бир колхозчилар мажлисида қатнашди. Бу йигинда илғор колхоз оқсоқолларидан бири қўлинни кўта-риб сўз олди ва деди: «Шароф Рашидович, Хоразм Ўзбекистонда ўзига хос ўрин тутади, шунга қарамай, республиканинг бир қатор вилоятла-ри, ён қўшнимиз Қорақалпоғистон аҳолиси томоша қилаётган теле-кўрсатувларни бизда кўриш имкони йўқ», деди.

Минбарда турган Шароф Рашидов жим бўлиб қолди. Залга совуқ ҳаво келиб урилгандаи бўлди. Ҳамма анг-тант қотган эди.

Шароф Рашидов чукӯр нафас олди ва ўзини ўнглаб, юзига табассум югуруди.

— «Область аҳолиси янги йилни телевизор қаршисида кутиб олади», деди у қутаринки рух билан.

Ҳамма бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарашди ва бирданига қарсак чалиб юбориши. Тошкентта қайтган биринчи котиб ўз ҳузурига Юсуф ака Мұхәмедовни чақириб дил дардини айтади. Чунки Хоразмда телемарказ қуриш жуда катта давлат харажатларини талаб қиласа ҳамда Москва розилигини олиш зарур эди.

— Ўша йиллари мен Ўзбекистон Алоқа вазирининг ўринбо-сари эдим, деб ёзди Юсуф ака. Бу вазирлик 1954 йиллардагина ташкил этилган эди.

Шароф Рашидов қаттиқ изтироб чекар, шу ишни ўз вақтида ижо-бий ҳал этишимни истар эди. Мен уч кундан кейин жавобини айтаман, дедим. Мутахассислар билан маслаҳатлашдик ва бирдан бир йўли Хоразмда вақтинчалик кўчма телемарказ ташкил этиб, кўрсатув ва кон-церплар олиб бориш мумкин деган қарорга келдик.

Гап шундаки, кўчма телемарказ бу икки камерали автобус (ПТС-передвижная телевизионная станция) эди.

Телестанция қуриш учун эса Шовот кўпиригига яқин Fайбу қишлоғида 1,5 гектар ер ажратилди. Бу ерга 60 метрлик телеминора қуриш, телестанция жиҳозларини келтириш ва монтаж этиш ишлари бошланиб кетди. Минг афсуски, бу қурилиш тўрт йил давом этди. Хоразм телемаркази 1962 йилдагина янги бинода иш бошлади. Ўша давр ичida автобусга жойлашган вақтинчалик кўчма телемарказ ишлаб турди. У тезкорлик билан амал-тақал қурилган бир-икки хонада иш бошлади.

1958 йилнинг 31 декабри ҳам этиб келди. Хоразм аҳолиси янги йилни «ойнаи жаҳон» қаршисида кутиб олди. Шодон чехрали, ёш ва хушрўй суҳандонилар барча-барчани янги йил билан кутладилар.

Аммо бутун воҳани ларзага келтирган бу қувончли сонияни бир ховуч раҳбар кишиларнинг оиласаригина томоша қилди. Чунки минглган оддий меҳнаткаш колхозчи оиласари қашшоқлик даражасида зўрға кун кўрар эдилар. Улар кўп йиллар телемарказ кўрсатувларини томоша эта олмадилар. Чунки дуконларда телевизорлар йўқ эди, бўлса-да жуда қиммат, уни сотиб олишга ҳеч кимнинг курби етмас эди.

Телевидение ҳақидаги ҳушхабар болажонларни шошириб қўйганли. Улар бир марта экранни кўриб, томоша қилиш учун маҳаллалардан маҳаллаларга, бир қишлоқдан иккинчисига тўланишиб борар, телевизорли уйлар атрофида, боғ деворларига, баланд дараҳтлар тепасига чиқиб мўралаб телевизор томоша этар эдилар...

БИРИНЧИ БЎЛИШ ҚИЙИН

Хоразмда ишга тушган вақтингчалик кўчма телемарказ автобусга жойлашган бўлиб, юқорида айтганимиздай, 1958 йилнинг янги йил оқшомилан иш бошлаб, то 1962 йилнинг янги йил оқшомигача тўрт йил ишлаб турди. Бу вақтингчалик кўчма телемарказ иккита телекамерага эга бўлиб, совет даврининг ўта ночор телетехникиси эди. Асосий телемарказ курилиши эса тошбақа қадамлар билан тўрт йил давом этди. Гап шундаки, дастлабки кунларда кўрсатувларни қай услубда, қандай йўналишда тайёрлашини ҳеч ким билмас эди. Дарвоқе, «ойна жаҳон» ҳақиқатан ҳам инсон ўйлаб топган каşfiётлар ичида энг мўъжизасидир. Уни юксак мъянавият минбари даражасига кўтариш энг долзарб, бироқ энг мушкул вазифа сифатида журналистлар олдида кўндаланг бўлиб турарди.

Урганчда тележурналистикани биладиган битта ҳам кадр йўқ эди. Мўъжазгина хонага ўрнатилган иккита телекамеранинг биттаси чиройли гулласта суратига — «титр»га қаратиб қотириб қўйилган эди. Иккинчи телекамера эса сўзловчи сухандонни олиб кўрсатарди. Ана шу биттагина телекамера билан калрдан-кадрга (яъни бир суратдан иккинчи суратга) тезкорлик билан ўтиш мумкин эмасди. У фақат қоғозга қараб матнни ўқиётган сухандонни кўрсатиб тураверар эди. Шундай қилиб дастлабки кўрсатувлар фақат саломлашиш ва кинофильмлар намойиш этиши билан бошланди. Ўша кезлари шўролар тузумини мақтovчи турли-туман кинолар кўрсатиларди. Орадан бир неча йил ўтгачгина, турли мутахассислар билан сұхбат тайёрлашга киришилди. Кичик концертлар берила бошланди. Битта камера, битта микрофон олдида қоғозга қараб матн ўқиш, гоҳо оғзаки гапириш жуда қийин эди. Баъзан сұхбатдош пала-партиш гапириб юборар, уялганидан кўрқиб турли томонга жовдираб боқар, нохуш ва кулгили ҳолатлар бўлиб турарди. Кўрсатувларни фото, кино билан беzaш, видео тасмага ёзиб олиш, уни монтаж этиши каби телевизион техни-

ка ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмасди. Микрофон олдида матн ўқиши учун билим доираси кенг, хотираси ўткир, тил талаффизи равон, истараси иссик келишган, овози ёқимли сухандонлар йўқ эди.

Хоразм телевидениесининг тамал тошини қўйғанлар жуда қўп машиқатли кунларни бошидан кечирдилар. Урганч телемаркази бошлиги ўша кезларда Москва Алоқа институтини битказиб келган энг билимдон, меҳнаткаш йигит Рашид Жуманиёзов, телевидение раиси эса тажрибали журналист Али ака Холматовлар эдилар.

Дастлабки кўрсатувлар матнларини тажрибали қаламкашлар Жуманиёз Абдураҳимов, Қодир Матжон ва Маткарим Худойбергановлар тайёрлардилар. Биринчи сухандон Шукуржон Польвонова, биринчи телережиссерлар Раҳмат Омонов, Фойиб Искандаров, Эркин Қораҳоновлар бўлишган. Овоз таратиш пултини илк бор Олтой Оллаберганов, телекамераларни эса Борис Рудневлар бошқариб туришди. Биринчи фото ва кино мутаххассиси Вадим Соловёв эди.

Хоразм «ойнаи жаҳон» нинг биринчи қалдирғочлари ҳақида қанчадан-қанча илмий мақолалар ёзса арзиди.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДАН БАХТИНИ ТОПГАНЛАР

Йиллар ўтди... 1961 йил 31 декабрь. Янги йил оқшоми кўрсатуви янги қурилган асосий бинода олиб борилди. Бироқ ҳамон эски тележиҳозларда, ўша эски автобусга (ПТС) га жойлаштирилган кўчма телемарказ орқали эфирга чиқиларди. Ҳанузгача янги тележиҳозлар олиб келинган эмасди. Кўрсатувлар ҳафтага икки марта олиб борилар эди.

1962 йилга келиб пойттахт телевидениеси ўз кўрсатувларида телевизион журналистиканинг сұхбат, интервью жанрларини қўллай бошлади. Хабарларни суратлар ва титрлар билан безашга киришганди. Махсус информация бўлими ҳам очилган эди. Энди «Сўнгги ахборот» ўрнига «Телевизион ахборот» деб «титр» бериладиган бўлди. Кўрсатувлар рус ва ўзбек тилиларида олиб борилди.

Хоразм телевидениеси ўз ишини пойттахт телевидениеси тажрибала-рига таяниб ривожлантириб борди.

Бош режиссёр Раҳмат Омонов тиниб-тинчимас, шоирона дидди изла-нувчан устоз эди. У институт, билим юртлари талабалари орасида бўлиб, сухандонлар танловини бошлаб юборди. Дўстларининг ҳазиломуз ҳикояларига қараганда, у йўлларда ва автобусларда кетаётги ҳам «ойнаи жаҳон»га муносиб ўшларни синчковлик билан ахтарар экан. Раҳмат Омоновнинг меҳнатлари зое кетмади. Урганч шаҳри мактабларида ўтказган танловлардан бирида бешинчи сон мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нуқулжон Иноятовага унинг назари тушди. Унга шеърлар, монологлар, газета саҳифалар

ридан хабарлар ўқигиб күрди. Ниҳоят, оқ юзли, сочлари тим қора, күз қарашибари жиддий, бироқ самимиятта тұла бу қыз тимсолида қадимий ва навқирион Хоразм диёрини жаңонга танита оладиган сухандон сиймосини күрди. Уни ишіга тақдиф этди. Нуқулжон Иноятова студияға келгән дастлабки күнлардан оқ, Қолир Матジョン, Маткарим Худайбергановлар құлдан бириңчи матндарни олиб үқиди. Устозлар ёш сухандонға матндағи ҳар бир сүз маңынди, нутқ маданияти, талаффуздаги сүз ургулары, унлы ва унсиз ҳарфлар жаранды қақыда ўргатыши.

Режиссёр ва операторлар эса ёш Нуқулжонға камера чироқларини ҳис этиш, микрофон олдида эркін фикрлашни, үзини осуда тутишни күрсатыб бордилар. Чунки камера ва микрофон чироқларининг ёниши «Сиз эфирдасиз!» белгисини билдирап эди. Сухандонни ҳаяжонға соладиган дақықалар ҳам ұша эди-да. Шунингдек, микрофон –бу миллионлар билан мuloқот деганидир, деб унга қайта-қайта үқидирадилар.

Раҳмат Омонов эфирғача ёш сухандон билан («Настольная читка») матндарни бирма-бир үқир, сүз камоли сирларини, телевидение – бу экран қаршисида үтирган томошабиншар билан дилдан сұхбат қуриш санъати эканлигини ўргатар эди. Айниқса, микрофон олдида галираёттанды охиста ва түгри нафас олиш, шодон хабар ва лавҳаларни табассум билан овоздаги қувонч оғанғи, күтаринки рұх билан үқиш лозимлиги, дала ишларига, сафарбарликка чорловчи матндарни эса даъват этиш, мурожаат қилиш ифоласи билан үқишини амалда күрсатыб берар эди. Шунингдек, кулфатли воқеалар, табиат оғатлары ёки таъзияларни вазмин, ҳамдардлик ҳиссиятлары, концерт номерларини эса охисталик, меҳрибонлик түйгүлары билан үқишини соатлаб, сидқидилдан тушнугирап эди.

Нуқулжон Иноятова барча синовларға бардош берди. Йиллар үтиши билан ижтимоий-сиеcий мавзуладаги «Телевизион янгиликлар», қишлоқ хұжалик ходимларига бағылланған «Олтін воҳа» күрсатувларини олиб бориши ва эфирға узатыш устасига айланди. Энг мұхими, 14-15 бетден иборат түрли мажлис ва йиғинлар, күрик-семинар материалдарини микрофон олдида түридан-түгри бехато үқийдиган бўлди. Сиеcий мавзудаги ўта мураккаб матндарни жонли үқиш чукур билим, зукко сухандонлик, бир сүз билан айтганды сүз камолотини талаб этар эди. Бундай күрсатувлар унинг сухандонлик иқтидори қирраларини тобора очаборди.

Кейинчалик режиссёр Эркін Қорахонов Нуқулжон Иноятовани адабий-бадий күрсатувларга жалб этди. У ғазалхонлик кесчаларига, телекомпозициялар, «Шоирлар микрофон олдида», «Салом, Баҳор», «Үн саккизға кирмаган ким бор», «Азиз ватаним», «Машъъал Хоразм», «Мен, Ёшлиқман» каби ўнлаб күрсатувларға бошловчилик қилди. Ұша йиллары ўз устида тинмай үқиб ва ишлаб Хоразм Давлат педагогика институтини сиртдан тутатди. Ибратли оила қурди.

Сухандон ишга ҳаммадан олдин келар ва биргина «Тунингиз хайрли ўтсин, муҳтарам телетомошибинлар!» деган сўзни айтиш, кундалик дастурни ниҳоялаш учун тунги соат 12 ларгача мижжа қоқмай кутиб ўти-
рар эди...

Нуқулжон Иноятованинг жисми- жонида қайнаб турган сўз устаси – сухандонлик салоҳияти сарчашмаси унга буюк боболари қонидан ўтган туфма истеъдолдир.

Нуқулжон Иноятова онаси томондан шоир ва хаттот, мақомот илми алломаси Комил Хоразмийнинг эварасидир. Комил Хоразмийнинг учинчи ўғли Муҳаммад Раҳимбой божибон бўлган. Унинг ўғли Абдураҳимбой-дан Уллибиби исмли қиз туғилган. Нуқулжон Иноятова Уллибиби опан-
нинг севикли зурёдидир. Бу тўғрида таникли журналист Абдулла Сафо-
евнинг «Комил Хоразмий ва авлодлари» китобида («Истиқлол»
нашиёти, 2004 йил, 87 бет) батафсил ҳикоя этилган.

Сухандоннинг отаси Мадраҳим aka эса Иноят девоннинг ёлғиз ўғли-
дир. Тарихнавис шоир Лаффасий Иноят девон ҳақида: «Иноятким...
Муҳаммад Мурод девонбеги... бож-хирож олмоқ учун Кўнғирот борга-
нида...(Иноят) ёш навжувон йигит бўлгани ҳолда, ажаб бир хуш су-
ханвар (яъни сўз устаси) хушхат, хушхон бўлгани сабабли, ўзига девон
деб... Хивага келтирадур... Иноят шундоғ (шахмат ўйинига) моҳир эр-
диким, Феруз Муҳаммад Раҳимхон ҳузурида даги катта шахмат усталла-
ри билан ўйин куриб... (барчани) мот қилур эрди...» деб ёзади. («Тазки-
раи шуаро», 81-бет, қўлимиздаги нусхадан).

Иноят девон эҳтиросли шоир бўлиб, унинг ўз дастхати билан ёзил-
ган девони, ЎРШИ фондида сақланади.

Нуқулжон Иноятова Хоразм телевидениесида деярли 25 йил ишлади.
Мустабид шўролар даври ўеч қачон иқтидор соҳибларининг бошини си-
ламади. Унинг ҳалол меҳнатини Фахрий унвонлар билан муносиб тақ-
дирламади. Бироқ сухандоннинг «Ойнаи жаҳон»дан топган баҳти телеста-
мошибинлар эъзози ва эътирофи бўлди. Умр йўлдоши Эркин aka Сабиров
у билан фахрланар, ҳамиша суянган тоги эди. Эндиликда улар беш нафар
фарзанд, ўн бир нафар неваранинг севимли бобо ва бувижонисидирлар.

Мустақиллик шамоли унинг сухандонлик иқтидорида янги саҳифа
очди. У Урганч шаҳри марказидаги ЗАГСида ҳанузгача ишлаб ўзининг
оташин нутқлари, ибратли тадбирлари билан ёш оиласаларга баҳт эшик-
ларини очиб бермоқда.

Нуқулжон Иноятованинг босиб ўтган ижод сўқмоқлари Хоразм тэ-
левидениеси тарихининг узоқ ва машаққатли йўли билан чамбарчас
боглиқдир. У бутунги ёш сухандонлар учун эса ўз касбига меҳри ва
садоқати порлаб турган йўлчи юлдуз, поклик ва сўз камолининг нурли
ошиёнидир.

ГЎЗАЛЛИККА ИНТИЛИБ

Телевидениснинг ҳар бир кўрсатуви ортида турли қасб эгаларининг меҳнати ётади. Улар муаллиф, мұхаррир, режиссер, овоз созловчи, чироқ созловчи, телепрограммист, бошловчининг ҳамфир, ҳамдард бўлиб бирга ижод қилишидир. Айниқса, кўрсатувларни овоз мавжларига сайқал берувчи, уни мусиқа билан безайдиган овоз созловчининг фаолияти катта аҳамиятта эгадир.

1963-64 йилларга келиб Хоразм телевидениеси экранида суҳбат, интервью, теленовелалар, болалар учун янги туркум кўрсатувлар пайдо бўлди. Бош режиссер Раҳмат Омонов мусиқий тафаккурга эга ёшларни ахтаравериб Эркабой Жумагалдиевни топганидан шод эди.

Эркабой Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институтининг музикали драма бўлимида таҳсил олиб, Урганч маданият уйида раҳбар бўлиб ишларди. Ширави овози билан қўшиқлар куйлаб иқтидорли хонанда бўлиб танилган, ундаги нутқ маданияти, ташқи қиёфаси ҳам телекранга муносиб эди.

Янги ишга келган Эркабой Жумагалдиев, овоз таратиш услубларини, эфир пултини бошқаришини ўрганди. Шунингдек, сухандон Стелла Матвеева билан дастурни икки тилда очадиган ва кеч соат 12 ларда дастурни ниҳоялаб, барча мугахассисларнинг оғирини енгил қиласидан бўлди.

— Мен ишга келганимда кино, радио, телевидение ҳақида адабиётлар, қўлланма ва дарсликлар йўқ эди. Энг муҳими, фонотека деган сўзни ҳеч ким билмасди — деб хотирлайди у.

— Ҳар бир кўрсатувни ғояси ва мақсадига мос мусиқа билан безаш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Мен ишни фонотека ташкил этиш, уни сон-саноқсиз мусиқа ва қўшиқлар билан безаш ташаббуси билан чиқдим. Ниҳоят, Тошкент телевидениесидан 700 товуш (сувлар, фаворалар шилдираши, шамол, момоқалдироқ, турли ҳайвонлар маъраши ва ҳашоратлар чириллаши, чақалоқлар йиғиси, кулги ва қаҳқаҳалар каби) ва ранго-ранг куйлар, қўшиқларни магнит тасмасига ёзib келдим.

Фонотека — бу мусиқий бойлик эканини барчага намойиш этдим».

Эркабой Жумагалдиев таниqli шоир ва журналистлар Дўстжон Матрон, Рўзмат Отаев, Неммат Солаевлар билан ҳамкорликда ишлаб «ойнаи жаҳон» да биринчи бор турли спектаклларни саҳналаштириш, айниқса, «Телеҳасан», «Телечақмоқ» танқидий тележурналларини эфирга тайёрлашда мусиқий иқтидорини намоён этди.

Кейинчалик уни Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалар дирекциясига ишга чақиришиди.

Эркабой Жумагалиев фото ижодкорлигини ҳам мукаммал эгаллаган эди. Ҳозирги кунда у телевидение музейи экспонатларини иккى мингга яқин фотосуратлар билан безади. «Садо» ҳафтаномаси саҳифаларига замондош журналистларнинг эстетик хаёлот оламини, журналист қалби гўзаликларини муҳрлаб суратлар етказиб бермоқда.

Гўзаликка интилиб, узоқ яшанг Эркабой!

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БИЛАН ҲАМНАФАС УМР

Шундай инсонлар бўладики, улар ёшлигида ўз олдиларига улуғ мақсадлар, катта ният ва орзулар қўйиб, қасб эгаллайдилар. Умр бўйи яхшилик, эзгулик сўмоқларидан юриб, ўз қасбларига умрбоқий садоқатли бўладилар.

Таниқли телережиссер Кенжак Курбонбоевнинг Хоразм телевидениеси остонасига қадам қўйганига салқам эллик йил бўлаётир. У ҳамон битга жамоа бағрида яшаб ижод қиласди. Бу Хоразм «ойнаи жаҳон»и жамоаси – шарқона маънавиятимизнинг юксак чўққиларини кўзлаб бораётган ижодкорлар карвонидир.

Кенжак Курбонбоев бу даргоҳга ҳар томонлама етук хонанда, саҳна нутқи устаси, режиссурадан мукаммал сабоқ олган баркамол ижодкор сифатида кириб келди. Хоразм телевидениесини шаклланишига бошчилик қилди.

Кенжак Курбонбоев 1940 йилда Амударё туманининг Хитой мавзусида туғилган. Мактабни тутатиши билан Нукусдаги Бердақ номли филармония солисти бўлиб ишлаб ўзбек, қорақалпоқ тилларида қўшиқлар куйлади. Сўнгра Тошкент театр ва рассомлик институтининг мусиқали драма бўлимида ўқиди. Унинг устозлари Ўзбекистон халқ артистлари: Тошхўжа Ҳўжаев, Насим Ҳошимов, Фазлиддин Шамсиддиновлардир. Ўша кезларда ёки, «Майсарапанинг иши», «Лайли ва Мажнун» операларида ва жуда кўп мусиқали драмаларда турли ролларни ижро этиб, саҳнада чиникиди.

1965 йилдан телевидениеда режиссер бўлиб иш бошлаган Кенжак Курбонбоев воҳани ларзага келтирган концертлар, телеспектакллар, телеминиатюра театрини ташкил этиб, Хоразм телевидениеси тарихида янтилик яратди.

Ўша кезларда Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов, Ҳожиҳон Болтаев, Султонпошха Раҳимова, Назира Юсуповалар санъат чўққиларини эгаллаб, ўз муҳлисларини ҳайратга солаётган эдилар.

Улуғлар ҳақида сўз юритиш, уларни «ойнаи жаҳон» саҳналарига олиб чиқиш учун, улар каби фикрлаш, улуғлар каби мусиқий тафаккурга эга бўлиш керак эди.

— Комилжон Отаниёзовнинг барча концертларини эфирга ўзим тайёрлаганман. Асосий мақсадим телестомошибинни ҳайратга солиш, унинг олқишига сазовор булиш эди, лейди Кенжа Қурбонбоев. Минг афсуски, бу устозлар ҳаётлигига ўша кўрсатув ва концертларни видеотасмаларга ёзиб олиш нарида турсин, ақални магнит тасмаларига ҳам ёзиб ола билмаганимиз. Чунки магнит тасмалари «анқонинг уруғи» дай танқис эди. Шўролар давридаги мусиқа ёзиш магнитофонлари марказда ишлатилаверилиб, сийқаси чиқиб кетган жиҳозлар эди, деб хотирлади.

Мен бахтли режиссерман, дея сўзини давом эттириди Кенжа Қурбонбоев, — энг кучли журналистлар Рўзмат Отаев, Немат Солаев, Жаббор Жуманиёзов ва Эркин Мадраҳимовлар билан Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Шерозий, Матниёз Юсупов, Санъат Девоновдай бетакрор ижодкорларга бағишлиб саноқсиз кўрсатувларни эфирга узатдик.

Бир куни Эркин Мадраҳимов — Ошиқ Эркин «Хоразм булбули» деган кўрсатув тайёрлаб келди. Бу Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукоров ҳақида эди. Кўрсатувни ўзи олиб борди. Ҳанузгача ўша кўрсатувларни барча ҳавас билан эслаб гапирадилар...

Дарвоҷе, ҳаёт оқар дарё, дейишиди. Шўролар даврида ўзидан бир дунё гўзаллик олами қолдирган қадриятларимиз дарғалари муносиб ҳурмат-эътибор топмадилар. Уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидағи кўрсатувлар, жонфизо қўшиқлари фонотека ва видеотекалардан ўрин олмади.

Кеңюка Қурбонбоев саҳналаштирган телеспектакллар эса алоҳида илмий изланишларга моликдир. У режиссерлик қилган «Марҳабо, талантлар», «Қизлар баҳси», «Кувноқ стартлар», «Думбоқчалар», «Солдат мактублари», «Бир пиёла чой даврасида» каби кўрсатувлар Хоразм телевидениесининг мамлакатимизда отахон телевидениелар қаторига кўтарилишида катта зинапоя бўлган.

Мустақиллик «ойна жаҳон»нинг ривож топишида ижод дарвозаларини кенг очиб юборди. Бугунги кунда воҳада учта телеканал ишлаб турибди: Булар Хоразм Давлат телевидениесидан ташқари «Саккизинчи канал», — «S — Иқбол» нодавлат телекўрсатувларицир.

Кенжа Қурбонбоев Хоразмда телевидение тамал тошини қўйганларнинг илк қалдирғочларидан. Машхур ва азиз телережиссеримиз шу кунларда учинчи авлод тележурналистлари билан баракали ижод қилмоқда.

Янги авлодни юксак маънавият чўққиларига бошлиб бораётган йўларингиз янада нурафшон бўлаверсин, Устоз!...

ҲУРМАТИНГ – САВЛАТИНГ

«Ўзбекистон Миллӣ телерадиокомпанияси Теледастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси Ўрол Ўтаевнинг журналистика соҳасида «Олтин қалам» 1У Миллӣ мукофоти учун ҳалқаро танловнинг совриндорлари сафидан ўрин олганини эшитиб ниҳоятда қувонлам. Камтарин, касбига салоқатли ижодкор меҳнатининг эътирофи – бу¹.

Кечагидек эсимда, 1984 йилнинг декабрь ойи: Янги, 1985 йил киришига саноқли кунлар қолган. Латофатли режиссер Лариса Иноземцова билан ўн соатлик «Янги йил базми» байрам дастурини эфирга тайёрламоқдамиз. Монтажни тезроқ бошлаш мақсадида деярли уч-тўрт соат ичида режани қайта-қайта кўриб чиқамиз. Ниҳоят кутилган кун етиб, эфир олди видеозаписларни бадиий кенгашга ҳавола этадиган бўлдик. Бундан олдинроқ эса устозимиз Убай Бурҳонга учраб, ишнинг якунланганини айтдик. У киши бизни ҳар сафаргидек мамнунлик билан кутиб олган бўлсалар-да, чехраларида ғамгинлик бироз ҳорғинликни кўрдик. Ҳа, шу кезлари мусиқали кўрсатувлар таҳририятининг бош муҳаррири тенгсиз созанда, мусиқашунос олим, меҳрибон мураббий Санъат Рўзматов вазифасидан бўшатилиб, ўрнига ижодий фаолиятдан анча узоқ бўлган ходимни тайинлашга киришилган экан. Биз, ижодий жамоа аъзолари маслаҳатлашиб, Ўрол Ўтаевнинг номзодини кўрсатдик. Барча ходимлар имзо чеккан талабнома билан Ўзбекистон телерадиокўмитаси раҳбариятига мурожаат этдик.

Тез орада ҳаммамиздан ёш, бироқ кўпчиликка етакчи бўлишга арзирли Ўрол Ўтаев бош муҳаррир вазифасига ўтди. У илк қаламини жамоада соғлом муҳит яратишдан бошлади. Қалами ўткир муҳаррир ва тасаввурлари бой режиссерларга ижод қилиши учун имконият берди. Таҳририят қошида жамоатчилик асосида ишлайдиган 21 кишидан иборат бадиий кенгаш тузилди. Унга республикамизнинг таникли бастиорлари, хонанда ва шоирлари жалб этилди. Эфирга бериладиган ҳар бир қўшиқ матни, ёш ижрочиларнинг репертуари таъланчалик билан баҳоланишига эришилди. Кейинчалик таҳририят томонидан фонограммалар муаммоси кўтарилиди. Турли кичик-кичик студиялар маҳсулотлари рад этилиб, фақат Ўзбекистон радиоси ва граммзалислар студияси ёзган асарлар тан олинадиган бўлди. Асосий эътибор жонли ижроларга қаратилди. Натижада «Достон кечалари», «Истеъод», «Торларнинг ажаб сири», «Ёшлилар куйлаганда» каби кўрсатувлар жонли эфирга берилиши йўлга қўйилди.

Бош муҳаррирнинг яна бир ижодий режасини таъкидлаш ўринли. У таникли шоирларни, бастиорларни, мусиқашуносларни муаллифлик кўрсатувларига жалб қилиб, уларга бошловчилик минбарини таклиф этди.

¹ «Ўзбекистон матбуоти» журнали, 2009 йил. 5-сон.

Бу ташаббус қўллаб-кувватланди. Масалан, шоир Туроб Тўла «Қўшиқ ёзувчи шоирлар», мусиқашунос олим Отаназар Матёқубов «Барҳёт на-волар», Ўзбекистон ҳалқ артисти Ботир Зокиров эса «Ўзбекистон композиторлари» туркум кўрсатувларини маҳорат билан олиб боришиди.

Муҳислслар билан доимий боғланиб туриш мақсадида «Бизга мактуб йўллабсиз» кўрсатуви ташкил этилди. Энг муҳими, ижодий ходимларнинг турли мусиқий анжуманлар, янги асар ва спектакллар тақдимотида фаол қатнашиши анъянага айланди.

Телевидениедаги чорак асрлик фаолияти давомида Ў.Ўтасв ибратли ишларни амалга оширди. Элимизга таниқли режиссёрлар томонидан «Навоий», «Юлдузли тунлар», «Лайли ва Мажнун», «Кеча ва кундуз», «Гирдоб», «Диёнат», «Қадимда бўлган эди» сингари кўп қисмли видеофильмларнинг яратилишида унинг муносиб ҳиссаси бор.

Иқтидори билан намуна бўлган ҳамкасбимиз ижодий фаолиятини катта ташкилотчилик ишлари билан бирга қўшиб олиб борганини яхши биламиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутати бўлди. Ўзига ишониб топширилган маъсулиятли вазифаларни сидқидилдан ба-жариб, ҳурмат қозонди.

Ҳамкасбимиз республика миёсидағи кўрик-тандловларда қатнашиб, муваффақият қозонди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг кўриктанлови (1991 йил) ҳамда «Энг улут, энг азиз» тандловнинг (1998 йил) голиби. Унинг қаламига мансуб «Теледраматургия уфқлари», «Телевидение ва тарбия» китоблари бўлажак журналистлар учун қўлланма вазифасини ўтамоқда, десак муболага бўлмайди.

Кўпчилик қатори камина ҳам билган ҳамкасб айни камолот ёшида. Севикли фарзандлар, жажжи невараалар қуршовида, яхши дўстлар даврасида ҳамиша ардоқда. Кайфияти баланд. Миллий телерадиомиззининг таниқли намояндлари ҳёти ва фаолиятига оид туркум мақолалар ёзиб, матбуот саҳифаларида ёритиб бормоқда.

Касбига бир умр меҳр қўйган Ўрол Ўтаевга фахрийларга хос вазминлик, ёшларга хос жўшқинлик тилаймиз.

ТЕЛЕЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН НОЁБ ҚЎЛЛАНМА

Яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети «Телекўрсатув ва радиоэшиттириш» кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди Анвар Каримовнинг «Ойнан жаҳон» фидойилари» китоби ўкувчилар қўлига тегди. Унда Ўзбекистон телевидениесининг пайдо бўлиши ва у босиб ўтган мураккаб ижодий шаклланиш йўли ҳақида қизиқарли хужжатлар, илмий далиллар, фотоматериаллар бор¹.

¹ «Садо» Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нашри. № 37 (Б 55) 16.09.2010йил.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тамал тошини қўйғанлардин бири, Тошкент телевидениесининг биринчи директори Мирсадик Мираъзамов эди. Куч-ғайрати, ақл-заковати барқ уритурган бу меҳрибон раҳбар телевидениенинг турли тизимларида ишловчи мутахасисларнинг биринчи авлодини тарбиялаб вояга етказди.

Мирсадик Мираъзамов биринчи бор кўрсатув бошлаган муҳаррирлар Жонрид Абдуллахонов, Фанижон Расулов, Ирина Гришина, илк режиссерлар Армугон Муҳамедов, Маҳкам Муҳамедов, В. Райкова каби билимдон ижодкорлар билан иш бошлади. Уддабурон ва фамхўр раҳбар бу даргоҳга иқтидорли ёшларни олиб келди, улар сафини кенгайтира-верди. Натижада бу ижодкорлар орасидан сон-саноқсиз телекўрсатувлар, телеспектакллар, телеминиатюралар, туркум кўрсатувлар, байрамона концерт дастурлари яратса оладиган янги соҳа соҳиблари етишиб чиқдилар.

Улардан бири – Фанижон Расулов тележурналистиканинг машакқатли ва масъулиятли йўлларидан борди. Кўп йиллар Адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятида муҳаррир лавозимида ишлади. У дастлабки қадамлариниFaфур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Парда Турсун, Ҳамид Ғулом каби адиллар асарларини саҳналаштиришдан бошлади. Ўзбек тележурналистикаси тарихида биринчи бўлиб телефильм жанрига асос солди. Ўша кезлари унинг «Кўйла, Санобар», «Шеробод қизлари», «Тошкент», «Сулола», «Бухоро» каби ўнлаб хужжатли ва мусиқий телефильмлари олқишига сазовор бўлди. Ҳали кўп серияли видеофильмлар ҳақида ҳеч ким тасаввурга ҳам эга бўлмаган бир пайтда Фани Расулов ижодкорларни бу ишга рафтагантирди.

Телевидениешунос олим Анвар Каримов ўз китобида бу муқаддас даргоҳнинг мустаҳкам пойдеворини қурган Мирсадик Мираъзамов, Фани Расуловларнинг ҳаёти ва ибратли иш фаолияти ҳақида қизиқарли ҳикоя этган.

Ўзбекистон телевидениеси осмонида илҳом юлдузи бўлиб чарақлаган режиссер Маҳсуд Юнусов биринчи бўлиб кўп қисмли бадиий фильмлар яратишга асос солди. Унинг бундан яром аср илгари бу мураккаб ижодий ишга қўл ургани, давомли видеофильмлар яратгани таҳсинга лойиқ. Ойбекнинг «Навоий», О.Ёқубов-



Журналист-олим
Анвар Каримов

нинг «Улугбек хазинаси», «Диёнат», П. Қодировнинг «Бобур», Чулпоннинг «Кечава кундуз» романлари асосида яратган күп қисмли видеофильмларни ҳанузгача барча мириқиб томоша қиласди.

Муаллиф китобда бундай деб ёзди: «Мақсад Юнусовнинг ярим асрлик ижодий йўли фақат гулларга бурканган эмас. Турли тазииклар, тўсқинлиқларни енгиб ўтишга тўғри келган. «Бобур» видеофильмининг сценарийси 1982 йилда тайёр булишига қарамай, уни суратта олишга 1989 йилдагина рухсат этилди...»

Анвар Каримов таниқли режиссёр Маҳкам Мұхамедов ижодига бағишиланган саҳифага «Алмаштириб бўлмаган режиссёр» деб сарлавҳа қўйган. 1956 йил кузидан Тошкент телестудиясида иш бошлаган Маҳкам Мұхамедов телевидениенинг янги-янги ижодий имкониятларини очиб берди. У биринчи бўлиб томошабинлар билан боғланди. Улар даврасида бўлиб, турли кўрсатувлар тайёрлади. Телекамераларни томошабинларга лиқ тўла маданият саройларига олиб чиқди, ҳалқ орасида ишлади.

Тележурналистиканинг энг мураккаб жиҳатларидан бўлган томошабин билан юзма-юз кўришиб ишлаш, уларга ҳамдард бўлиш, хатлар асосида янги-янги лойиҳалар ўйлаб топиши устида бош қотирди. «Мар-ҳабо талантлар», «Таъзим», «Ижод саҳифалари» каби кўрсатувлар билан Ўзбекистон телевидениеси мавқенини юксак поғонага кўтаришга ҳисса қўшли. Энг муҳими, ўша даврда ёш бўлган ижодкорлар орасидан шоир Анвар Истроилов, Фарҳод Бобоҷонов сингари кўплаб ширинсукан нотиқларнинг ёрқин чехрасини намоён этиб берди.

Бироқ шўролар мафкураси билан заҳарланган ношуд раҳбарлар уни асоссиз баҳоналар топиб, ишдан четлаштирилдилар. Иродаси мустаҳкам, маънавий баркамол Маҳкам Мұхамедов ўша кезлардаги вилюят театрлари саҳнасида янгидан чирой очди. Юзлаб томошабинларга манзур спектаклларни саҳналаштириб шуҳрат топди. Йиллар ўтди. Устозни қайтадан телевидениес даргоҳига эъзозлаб қайтариб олиб келишди.

Муаллиф китобда ҳар бир ижодкор қиёфасини қизиқарли воқсалар тағсилотлари, уларнинг бир-бирларига берган юксак баҳолари орқали очиб беради.

Телеоператорларни телевидениенинг юз-кўзи, ёрқин чехраси, деб бехуда айтмайдилар. Биринчи телеоператор Карим Мақсадхўжаев телевизион жараённи тез фаҳмловчи, илдам фикрли, ёрқин хотириали мутахассис эди. У қўлида камера билан бутун мамлакатимизни кезиб чиқди. Ахборот, мавзули кўрсатувлар, телевизион журнallар учун турли лав-

ҳалар, саҳифаларни тасвирга олишини ўрганди. Энг мураккаб телевизион тафаккурни талаб этадиган кўрсатувларда муҳаррир ва режиссер билан ижодий ҳамкорликда ишлади.

Муаллиф ҳар бир телевидение намояндаси ҳақида ҳикоя қилас экан, унинг оғир ва машаққатли ижодий йўлига баҳо беради, илмий-назарий хуласалар чиқаради, журналистнинг ишхона ва оила бағридаги ўрнига ётибор беради.

Иқтидорли олим ва мураббий Анвар Каримовнинг «Ойнаи жаҳон» филойилари китобининг қизиқарли саҳифалари дикторларнинг биринчи авлодига бағишлиланган. Турли даврларда зангори экранга чиқиб келган сухандонлар, уларнинг сўз қудратига, воизлик анъанааларига таяниб ишлашлари тилта олинади. Матнадаги маъно таъсирини томошабин қалбига етказиши, ўзбек тилидаги ҳар бир ҳарф жарангининг маънодаги ўрни, уларни ўз овози қанотларига сингдириб нотиқлик санъатини эгаллаб бориш жараёнлари ҳақида фикр юритилади.

Сухандонлик бу – нотиқлик санъатидир. Нутқ гўзалиги, нозик иборалар, маъно, мазмун, моҳиятининг жарангдор жилоларини ўз овозида мужассамлаштиришидир. Улар овозида илоҳий садоланиш, инсон руҳига кучли таъсир этиши, ишонч ва иродани мустаҳкамлаш, инсонни яхшиликка, яратувчаникка ундаш қурдати бор.

Телетомошибинлар дастлаб «ойнаи жаҳон»ни биринчи дикторлар Иқбол Олимжонова, Раъно Мадраҳимоваларнинг сиймосида кўрдилар. Орадан сал вақт ўтгач, зангори экран маликалари – Насибалар авлоди етишиб келди-ю, телевидение ўзбек халқининг маънавий бойлик хазинасига айланди.

Муаллиф болалигидан эфир тўлқинлари маъсулиятини ўз зиммасида сезган Насиба Иброҳимова, назм дунёси малаги, дикторлик санъатини авж пардасига кўтара олган Насиба Қамбарова, маъно гавҳарига бой Насиба Мақсадова, Галина Мельниковалар ҳақида фахр ва ифтихор тўла сатрлар ёзган. «Зангори экран» минибарига бирин-кетин чиқиб келган забардаст сухандонлар, воизлик санъати усталари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўқтам Жобиров, Ўзбекистон халқ артисти Мирзоҳид Раҳимовларнинг элларни-элларга, дилларни-дилларга туташтирган телевизион салоҳияти ҳақида ҳикоя қиласади. Шунингдек, режиссерлар сардори – Ҳайбатилла Алиев, Қўзиҳон Ҳакимов, Лариса Иноzemцова, Абдухалил Эгамбердисвларнинг туркум кўрсатувлари, олтин фонддан жой олган видеофильмлари хусусида сўз юритади...

Ўйлаймизки, мазкур китоб айни пайтда Ўзбекистон МТРК тизимида фаолият юритаётган, журналист бўлиш орзузида юрган ёш йигит-қизларга жуда катта маънавий озуқа бўлиб хизмат қиласади.

Мундарижа

Улутларни улуғлаб	3
«Айшу ишрат жойи эрмастур бу олам...»	6
Имон нурларига йўғрилган ижод	11
Ота макон мадҳи	14
Комил Хоразмий Матниёз девонбеги эмас	21
Мақомларда асрлар нидоси	30
Ниёзий – Отаниёзовнинг отаси	39
Гап ғазалда эдими?	44
Афсонавий қўшиқлар ижрочиси	49
Аваз Ўтар – эрк ва озодлик кўйчиси	52
Лафзи малаззузлар...	54
Ўтли эҳтирос	56
Аваз Ўтар сарой шоирими?	58
Аваз исёнкор шоир	61
Ихтилот	65
Аваз ва Рогиб	66
Аваз Ўтар – эрк ва озодлик кўйчиси	69
«Йўқ бўлинг!»	74
Сўнгги учрашув	77
Мен сизга Чокар...	79
Муҳаммад Ёқуб Харрот	80
Чокар ва Надим	84
Чокар баёзнатвис шоир	90
Чокар девонлари	92
«Мен сизга Чокар»...	93
Чокар янги замон кўйчиси	97
Чокар маърифатпарвар шоир	102

Чокар ва Ҳамза	104
Хоразм мусиқий тарихчаси	108
Чокар Самарқандда	111
Чокар ва Н.Н.Миронов	113
Хива қўшиқлари	116
Чокар ва Қурбон Берегин	120
Буюк санъаткор Юсуф Ёкуб ўғли Ҳарротов	122
Чокар Тошкентда	123
Автобиография	124
Чокар авлодлари	125
Беназир истеъдод эгаси	127
Муҳаммад Амин Муқимий	134
Зулфияхоним дастхати	146
Зулфия табассуми	149
Ҳамкасбим Анбара	150
Раж Капур Ўзбекистон пахта далаларида	153
Хуршиди жаҳон галди...	155
Кушчи Катта боғ	156
Сўз ва соз шифоси	158
Халфанинг оиласи	161
Машхур қўшиқ тарихи	162
Онабиби халфа ва Комилжон Отаниёзов	164
Қанотсиз йўлда қолдим...	166
Кишжон бека мухаммаси	171
Элчига ўлим йўқ...	172
«Ойнаи жаҳон» – тафаккур гултожи	178
Тошкент телемаркази	179
Хоразм «ойнаи жаҳони»	180
Биринчи бўлиш қийин	182
«Ойнаи жаҳон»дан баҳтини топганлар	183
Гўзалликка интилиб	186
Телевидение билан ҳамнафас умр	187
Ҳурматинг-савлатинг	189
Тележурналистлар учун ноёб қўлланма	190

Отамуродова, Анбара.

Маоний арсаси: тадқиқот ва мақолалар, эссеалар, суҳбатлар/
А. Отамуродова, О. Абдураҳимов; масъул муҳаррир: О. Абдулаев.
— Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2012. — 196 б.

КБК 83.3(5Ў)6

I. Абдураҳимов, Олланазар

Анбара Отамуродова,
Олланазар Абдураҳимов

Маоний арсаси

(тадқиқот ва мақолалар,
эссеалар, суҳбатлар)

Муҳаррир Жаббор Рассоқов
Дизайнер Ҳусан Сафаралиев
Саҳифаловчи Ҳуршида Исмоилхўжаева

Лицензия AI № 168. 23.12.2009.

Босишга 07.08.2012 й. да руҳсат этилди. Бичими 60x84 / .
TimesUZ гарнитураси. Офсет қорози. Шартли б.т. 12,25 + 0,5 вкл.
Нашр т. 12,25 + 0,5 вкл. Адади 100 нусха. Буюртма № 07-08.

«Tafakkur qanoti» нашриёти. Тел.: 448-64-20, 945-50-87
Тошкент, I-тор, Мирсолиҳова кӯчаси, 13-үй.
Нашриёт манзили: Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-үй.

Оригинал-макет «TAFAKKUR QANOTI» масъулияти чекланган жамияти
техник ва дастурий воситалар базасида тайёрланди ва чоп этилди.
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-үй.